

**НИЛУФАР ЖЎРАЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА  
МУНОСАБАТ**

*(XX АСРНИНГ 20–80 ЙИЛЛАРИ  
МИСОЛИДА)*

*(ўқув қўлланма)*

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2013

УЎК: 94 (930)

КБК 66.74(5Ў)

Ж 96

Жўраева Н.

Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат (XX асрнинг 20—80 йиллари мисолида): ўқув қўлланма/ Н. Жўраева; масъул муҳаррир Д.Б. Бобожонова. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. — 264 б.

**Масъул муҳаррир:** Бобожонова Д.Б. — ЎзДЖТУ Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор


**Тақризчилар:** Муртазоева Р.Ҳ. — Ўзбекистон Миллий университети Факультетларaro Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор

Усмонов — Қ.У. Тошкент молия институти Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор

Маҳмамов С.Т. — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

*Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон тарихи соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган мутахассислар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган маъруза ва амалий машғулотларда, хотин-қизлар ҳаракати тарихидан махсус курслар ташкил этиши жараёнида, ёшларни юксак маънавиятли, миллий ўзлигини англаш руҳида, баркамол шахслар этиб тарбиялашда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Мақсад профессор-ўқитувчиларнинг назарий ва амалий машғулотларини самарали ташкил қилишларига кўмаклашиш, шу билан бирга, талабаларнинг ижодий фикрларини ривожлантириш, фактик материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида мантиқий хулосалар чиқаришларига ёрдамлашишдир.*

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 10 майдаги 192-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.



УЎК: 94 (930)

КБК 66.74(5Ў)

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013 й.

## КИРИШ

Мустақиллик туфайли халқимиз тарихшунослигида сохталаштирилган совет даври тарихини янгича ва холис ёндашув асосида миллий ғоя нуқтаи назаридан мушоҳада қилиш учун имконият юзага келди. Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклаш ва халқни шу тарих ҳақиқати билан қуроллантириш зарурияти долзарб масалага айланди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур»<sup>1</sup>. Чунки халқимиз маънавиятининг юксалишида ўрганилаётган совет даври тарихини ҳозирги мустақиллик даври билан қиёслаш истиқлолимизни янада муносиб қадрлаш имконини беради. Шу ўринда юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Маълумки, биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафқурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган»<sup>2</sup>. Бу ҳаракат советларнинг хотин-қизларга бўлган сиёсатида ҳам ўз ифодасини топган. Бугунги асосий вазифа халқимиз тарихини илмий асосланган ҳолда холис ўрганишдан иборат экан, айнан бу борада советларнинг маҳаллий миллат аёлларига нисбатан муносабатини ҳам илмий асосда таҳлил этиш лозим.

Шундай экан, ўз моҳиятига қўра зиддиятли бўлган советларнинг хотин-қизларга муносабатини ўша «давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилиб»<sup>3</sup> ўрганиш, тарихий воқеликни архив ҳужжатлари, манбалар ёрдамида илмий асослаш ва холисона ёритиш зарур. Зеро совет ҳукуматининг хотин-қизларга муно-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон. 1999. — Б.149.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият. 2008. — Б. 4—5.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон. 1999. — Б.308.

сабатини тадқиқ этиш айна пайтда илмий нуқтаи назардангина эмас, балки жамиятда ҳозирги кунда пайдо булган ва ўтмишни урганишга қаратилган жамият ижтимоий буюртмаси туфайли ҳам зарур. Чунки аҳолисининг 50,0%ини, фаол меҳнат ресурсларининг 47,8%<sup>1</sup>ини аёллар ташкил этган Ўзбекистон Республикаси учун уларнинг ижтимоий фаоллиги, миллий-маънавий, тарихий кадриятларни ўзлаштириш ва уни замонавийлик билан уйғун ҳолда келгуси авлодга етказишдаги роли жамият тараққиётини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу борада Президент И.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш уринлидир: «Хотин-қизлар масаласига муносабатимизни тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, нуфузи ва кадр-қимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолати учун, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратишимиз лозим. Оналар ва болалар соғлиғини, аҳолининг билим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши керак»<sup>2</sup>.

Айнан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан ғамхўрлик сиёсати олиб борилмоқда. Республикада бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат ва демократик, фуқаролик жамиятини қуриш сари амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларда хотин-қизлар ҳам фаол ижтимоий куч сифатида иштирок этмоқдалар. Шунинг учун «мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузи»<sup>3</sup> га эътиборни кучайтиришга ҳукуратимиз томонидан ало-

<sup>1</sup> Ўзбекистон аёллари ва эркеклари (2000–2005). Статистик тўплам. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2007. Б.20, 104.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Тошкент: Ўзбекистон, 2011. — Б.207.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ–3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори / Халқ сўзи, 2004. 30 июнь.



ҳида эътибор қаратилмоқда<sup>4</sup>. Шунингдек, Ислон Каримовнинг Республикадаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш борасидаги даъвати юртимизда хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва катта ишончнинг яна бир ифодасидир<sup>5</sup>. Айниқса, «ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ»<sup>6</sup> эканлиги бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. Зеро «жамиятнинг демократик ўзгаришлар йулидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савияси-

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республика Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармони, 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши, 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги тарихий Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги қарори, Олий Мажлиснинг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434-сонли Фармони ҳамда 2004 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур «...Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1096-сонли, 2009 йил 1 июлдаги 2009–2013 йилларда «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-1144 қарорлари.

<sup>5</sup> Хотин-қизлар фаоллигини ошириш давр талаби /Ўзбекистон овози, 2004. 17 август.

<sup>6</sup> Ислон Каримов. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир // Туркистон, 2013. 8 декабрь.

ни белгилайди»<sup>7</sup>. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, совет ҳокимиятининг хотин-қизларга булган муносабати масаласини тарихий урганиш ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга моликдир.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, хотин-қизларга нисбатан советлар сиёсатини уч асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. 1917–1930 йиллар. Бу даврда хотин-қизлар «озодлиги» ҳамда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш совет давлатининг расмий мафкуравий вазифаси этиб эълон қилинган ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар меҳнати улушини ошириш энг муҳим аҳамият касб этган. Хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироки уларнинг ижтимоий мақомини белгиловчи асосий омил деб ҳисобланган. Бундан ташқари, ўша пайтда совет қонунларига эркаклар билан аёлларнинг оилавий ҳаётдаги тенглиги принципининг киритилиши (1917 йил декабрда «Фуқаролик никоҳи туғрисида» ва «Никоҳни бекор қилиш туғрисида» иккита декрет) фуқаролик никоҳини қонунийлаштириб, ажралиш туғрисидаги масалаларни ҳал этишда эр билан хотиннинг ҳуқуқларини ҳам тенглаштирган. Хотин-қизларни озод қилишга доир совет дастурининг кейинги муҳим йўналиши эркаклар ва аёлларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бўлиб, айти шу даврдан хотин-қизларнинг жамоат ва давлат бошқаруви идораларида иштирок этиши учун партиявий-маъмурий квоталарни амалда жорий этиш бошланган. Шунингдек, жинслар тенглиги ғояларининг рўёбга чиқиши янги жамиятнинг адолатлилигини исботлашга қаратилган эди.

2. 1930–1960 йиллар. Мазкур босқичда аёллар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш соҳасида совет давлати сиёсатининг концепциясида катта ўзгаришлар юз берган. «Хотин-қизлар масаласи ҳал этиб бўлинди» — деб эълон қилинган ғайриилмий хулоса асосида 1937 йилда хотин-қизлар бўлимлари тарқатиб юборилган, давлат эса ишлаб чиқариш ва демография вазифаларини ҳал этишга кириша бошлаган. Айти шу йилларда ижтимоий протекционизм (лотинча — ҳимоя, яшириш) ғоясининг шаклланиши оқибатида хотин-қизлар давлат сиёсати субъектидан унинг объектига айланган. Бу эса пировардида аёлларга муносабатда патриархал тизимни қайта тиклаган.

---

<sup>7</sup> Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон. 1999. — Б.385.

3. 1960—1991 йиллар. Бу даврда совет давлати хотин-қизлар эмансипацияси борасида ўз олдига қўйган куп масалаларни охиригача етказа олмади. Хусусан, уй хужалигини умумлаштириш гоёси, умумий овқатланиш ҳамда умумий кирхоналар қуриш режалари, мактабгача тарбия болалар муассасаларидаги ўринларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир. Оиладаги вазифалар тақсимланишида ҳам хотин-қизлар аввалгидек ўз зиммасида икки карра юкни кўтарар, ишлаб чиқариш соҳасида эса, улар илгаригидек иккинчи даражали вазифаларни бажаришар эди. Шунингдек, партия ҳисоботларида ҳам хотин-қизлар ҳолатини баҳолашда патриархал ёндашув купроқ эшитила бошлади. 1980 йиллар ўрталарида бошланган демократик жараёнлар аёллар тенг ҳуқуқлиги масаласида кескин ўзгариш ясамаган бўлса-да, «Қайта қуриш» сиёсати натижасида, хотин-қизлар ҳаракатини баҳолашга янги-ча услубий ёндашувнинг ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилди. Лекин коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, мустабид тузумнинг сақланиб турганлиги бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига имкон бермади.

Ушбу уқув қўлланмада советлар даврида хотин-қизларга муносабат масаласига мафкуравий тарзда ва бир ёқлама ёндошилганлиги илмий таҳлил этилгани ҳолда, юқорида таъкидланган ҳар уч босқичнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Шунингдек, советлар томонидан ўзбек аёлларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнига муносабат масаласида инқилобий ўзгаришларга, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатида асосланган чора-тадбирларга таяниб иш олиб борилганлиги, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилганлиги архив ҳужжатлари ҳамда тарихий манбалар орқали ёритилган. Советлар томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятига берилган баҳо деярли ғайриқонуний асосда бўлганлиги боис ҳам, бу даврни чуқур ўрганиш, унга ҳаққоний баҳо бериш тақозо этилади. Чунки, советларнинг хотин-қизларга муносабатини бугунги кундаги мамлакатимиз хотин-қизларига бўлаётган эътибор билан қиёсий таққослаш орқали, унинг мустахлақчилик моҳиятини ўрганиш илмий нуқтаи назардан муҳимдир.

# **I-БОБ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРЛАРИ ВА УНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК МОҲИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ**

## **I.1. Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишдаги муаммолар. Совет ҳокимиятининг хотин- қизлар масаласидаги зиддиятли сиёсати**

*Мавзу ўқув мақсади: Совет ҳокимиятининг хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш мақсадида олиб борган сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти ва бу борадаги муаммоларнинг объектив ҳамда субъектив омилларини илмий таҳлил қилиш, совет ҳокимиятининг хотин-қизлар масаласидаги зиддиятли сиёсатини ҳолис ёритиш асосида талабаларда кенг тасаввур, билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.*

Инсоният тарихида хотин-қизларга муносабат масаласи доимо ўзига хос мураккаб муаммолардан бири бўлиб келган. Совет ҳукумати ва коммунистик партия XX аср бошларида ушбу ижтимоий-сиёсий масалани сиёсий ва иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб кескин ҳал қилиш йўлидан борди.

Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг, минтақадаги халқ хўжалиги ва маданий соҳалардаги муаммоларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан хотин-қизлар эмансипацияси даражасига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам, совет ҳукумати сиёсатининг амалиётчилари хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларга жалб қилишнинг энг рационал усулларида фойдаланишди.

Маълумки, советлар томонидан кўҳна тарих ва бой маданиятга эга, маънавий жиҳатдан юксак бўлган шижоатли халқни ўзига батамом бўйсундириш, уни қарамликда, маънавий кулликда асраш, унинг моддий ва маънавий бойликларини талон-

тарож қилиш учун ўлкада ўзига хос айёрона сиёсат олиб борилди. Совет тузумининг хотин-қизларга нисбатан юргизган сиёсати ўз моҳиятига кўра, икки томонлама характерга эга бўлиб, минтақадаги халқларни бутунлай қарам қилиб олиш мақсадида уларнинг анъаналарига, миллий, диний, тарихий ва маданий қадриятларига қарши курашиш учун аёлларни «тутқунликдан озод қилиш», «замонавийлаштириш» шиори остида миллий ва маънавий қадриятлар камситилган, диний эътиқодидан ажратиш, тили ва тарихидан жудо қилиш мақсадида маданий меросни инкор қилиш сиёсати олиб борилган. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини чеклаш, ўз эрки ва озодлиги учун курашиш ғояларидан чалғитиш, уларга хос бўлган исёнкорлик, жанговарлик, мустақиллик учун кураш туйғуларини батамом сўндириш ишлари уларнинг диққат марказида турган.

Иккинчидан эса, минтақада ишчи кучи етишмаслиги туфайли хотин-қизлар меҳнатидан халқ хўжалиги ривожини таъминловчи меҳнат ресурси, айниқса арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш ва шу орқали Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Советлар ўзларининг ғаразли мақсадларини «тенглик ғояси» ниқоби остида тарғиб қилиб, бутун дунёга тенгҳуқуқлилини таъминлашда коммунистик тажрибанинг «ягона» эканлигини намоиш қилишга уришиди.

Шунингдек, аср бошларига келиб, бир томондан, ижтимоий ҳаётда хотин-қизларга нисбатан юргизилаётган барча адолатсизликлар, хўрликлар, зўрликлар, иккинчи томондан эса, маърифатпарвар жадидларнинг фаолиятлари уларнинг руҳан уйғонишларига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам, советлар ҳукуматининг таркиб топиши хотин-қизлар ҳаётига янгича услубда шиддат билан кириб келди ва уларнинг тақдирда туб бурилиш ясади. Анъанавий жамият туфайли ижтимоий ҳаётдан йироқ бўлган ўзбек хотин-қизлари истилочиларнинг асл ният ва мақсадларини англамаган ҳолда, советларнинг ёлғон ва сохта ғояларига ишониб, улардан мадад ва нажот кутдилар.

20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларни «озод қилиш муаммоси» алоҳида ўрин эгаллаган. Шунинг учун туб миллат хотин-қизларини «озод қилиш» ва уларни ҳар жабҳада эркаклар билан «тенгҳуқуқлилигини таъминлаш»нинг бутун бир ти-

зими ишлаб чиқилди. Яъни хотин-қизлар фаолиятига таъсир этишнинг мафкуравий ва ишлаб чиқариш омиллари ташкил этилди. Бу эса, советларнинг қуйидаги йўналишларда олиб борилган тадбирларида ўз ифодасини топди:

– митинглар, 8 март байрамини «тантанали» ўтказиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш орқали олиб борилган ташвиқот-тарғибот ишлари;

– съездлар, пленумлар, конференциялар, оммавий мажлислар, слёт ва қурултойлар орқали олиб борилган ташкилий-тарбиявий ишлар;

– турли хилдаги мусобақалар, махсус ташкил этилган бригада ва звенолар, меҳнат унумдорлигини сунъий жадаллаштириш мақсадида шахсий ўрнак кўрсатиб, намуна бўлиш учун махсус ташкил этилган «ижтимоий буксирлар», зарбдор иш кунлари, ҳафталиклар, ойликлар, танловлар, ҳашарлар ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-амалий ишлар;

– махсус ташкил этилган тайёрлов ва малака ошириш курслари, турли тўғарақлар, ташвиқот пунктлари, шиор ва даъватлар акс этган ижтимоий-сиёсий ва техникавий ишлар шулар жумласидандир.

Ўтказилган тадбирларнинг негизида хотин-қизлар меҳнатидан имкони борича қўпроқ ва «унумли» фойдаланиш мақсади яширинган бўлиб, бу тадбирлар аёлларнинг оилани эмас, балки жамиятда эркақлар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган бутунлай янги авлодини тарбиялаш учун хизмат қилди.

1919 йилнинг сентябрида ВКП(б) Марказий Қўмитасида хотин-қизлар билан ишлаш, уларни мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жалб этиш бўйича махсус хотин-қизлар бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлимлар Ўрта Осиё шароитида мусулмон аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш борасида янги имкониятларни яратиши лозим эди. Шу мақсадда туман ва шаҳар қўмиталари қошида хотин-қизлар билан маданий ва маърифий иш олиб бориш учун махсус бўлимлар ташкил этилди. Жумладан, 1919 йил 12 ноябрда РКП(б)нинг Туркистон ўлка қўмитасида хотин-қизлар бўлими, 1919 йил декабрда партиянинг Тошкент шаҳар қўмитасида хотин-қизлар бўлими, 1920 йил март ойдан бошлаб эса, хотин-қизлар бўлими қошида хотин-қизлар билан ишлаш шўъбалари ташкил этилди. 1921 йилда РКП(б)нинг Туркистон Ўлка қўмитасида хотин-қизлар

бўлими Туркистон КП МК хотин-қизлар бўлимига айлан-тирилди.

Советлар Шарқ хотин-қизлари турмушининг иқтисодий, маданий, маиший шарт-шароитларидаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, хотин-қизлар бўлимлари фаолиятини қуйидаги учта йўналишда олиб борди:

— хотин-қизларни тегишли артеллар, касаба уюшмаларига жалб этиш орқали уларни иқтисодий жиҳатдан озод қилишни таъминлаш;

— мактаблар, клублар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни ташкил этиш;

— хотин-қизларни тарғибот-ташвиқот орқали «социалистик қурилиш» амалиётига жалб этишнинг барча формалари билан кенг қамраб олиш асосида сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.

Аввало, хотин-қизларни «озод қилиш муаммоси» улар ўртасида саводсизликни тугатиш ҳамда ижтимоий ҳаётга жалб этиш орқали ҳал этишга киришилди. Шунинг учун ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари томонидан аёллар орасида уларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш, улар меҳнатидан фойдаланишнинг ўзига хос механизмлари асосида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Улар томонидан маърифий-тарбиявий тусдаги турли тадбирлар уюштирилиб, саводсизликни тугатиш бўйича хотин-қизлар мактаблари, оналар ва болалар уйлари, туғруқхоналар, доялик курслари ташкил қилинди. Курс битирувчилари акушеркалар, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, хотин-қизлар мактаблари ўқитувчиларини тайёрлаш курсларига жалб этилди. Бу ишлар негизида советлар манфаати яширинган бўлса-да, аёллар манфаатлари маълум даражада ҳимоя қилинди. 1921 йилдан бошлаб совет ҳокимиятининг аёллар аҳволини ўзгартиришга қаратилган радикал чоралари қаторида диний тўйлар, қалин ва кўп хотинлилик таъқиқланди. Никоҳга кириш ёши қизлар учун 9 ёшга ўрнига 16, ўғил болалар учун 16 ёш ўрнига 18 ёш деб белгиланди.

Айни пайтда, жойларда хотин-қизлар бўлимларини ташкил этиш ишига ҳам алоҳида эътибор берила бошланди.

**1919—1920 йилда ташкил этилган хотин-қизлар бўлими  
миқдори ва таркиби**

Йили ва ойи	Вилоят	Уезд	Туман	Миқдори	Таркиби	
					маҳаллий миллат	европа миллати
1919 йил март	Қўқон					Е.П.Нетесова
1919 йил ноябрь	Андижон					
1919 йил декабрь	Тошкент				З.Юсулова М.Ҳусанбоев а З.Каримова	Т.П.Аринкина
1920 йил 14 февраль	Самарқанд					Х.Т.Никонова
1920 йил февраль	Фарғона					Е.С.Резумова
1920 -15 октябрь	Жиззах					
1920 йил 19 ноябрь	Сирдарё					
1920 йил	Бухоро					
1920 йил февраль	Амударё вилояти	Тўрткўл			30 кишидан иборат "Меҳнаткаш хотин-қизлар иттифоқи"	Бурлова Кулькина Погорельская Скрябина
1920 йил февраль						
1920 йил		Каттақўрғон				
1920 йил		Когон				
1920 йил 1 ярмида				40га яқин		
1920 йил 2 ярмида				45 та		
1921 йилда		31 та	23 та	61 та	16минг	9минг

*Хотин-қизлар бўлимлари конференциялар ва съездлар ўтказиш орқали ўзбек аёлларининг фаоллигини ошириб борган (2-илова).*

	1920 йилларда бўлиб ўтган хотин-қизлар конференция ва съездлари	Бўлиб ўтган вақти
1.	Туркистон ишчи хотин-қизларининг I ўлка съезди	1920 йил 16-24 май
2.	Хотин-қизлар бўлими мудирларининг I ўлка конференцияси	1921 йил 29 январь - 5 февраль
3.	Маҳаллий аёлларнинг ўлка конференцияси	1921 йил 21-26 март
4.	Ўзбек хотин-қизларининг I вилоят конференцияси	1921 йил 18 февраль
5.	Шарқ хотин-қизлари ташкилотчиларининг биринчи мажлиси	1921 йил 5-7 апрель
6.	Шарқ хотин-қизларининг I УмумРоссия съезди	1920 йил 21 июнь
7.	Маҳаллий миллат хотин-қизларининг Тошкент конференцияси	1922 йил 21 март



8.	Хотин-қизлар бўлими ходимларининг ўлка йиғилиши	1923 йил 17-19 март
9.	Деҳқон хотин-қизларнинг Бутун Ўзбекистон қурултойи	1925 йил март
10.	Хотин-қизлар бўлими мудирларининг кенгаши	1925 йил апрел, октябрь
11.	Хотин-қизлар ўртасида иш олиб борувчи ходимларнинг Бутун Ўзбекистон кенгаши	1925 йил август
12.	Ўрта Осиё хотин-қизлар клублари ва қизил бурчак ходимларининг II кенгаши	1926 йил апрель
13.	Хотин-қизлар бўлими мудирларининг III ўлка йиғилиши	1926 йил сентябрь
14.	Хотин-қизлар бўлими мудирларининг йиғилиши	1926 йил 18 декабрь
15.	Хотин-қизлар бўлими мудирларининг IV ўлка йиғилиши	1927 йил 5 февраль
16.	Ўзбекистон ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг I съезди	1927 йил сентябрь
17.	Шарқ аёллари ва миллий озчиликнинг орасида иш олиб борган Бутуниттифоқ кенгаши	1928 йил

Конференция ва съездлар хотин-қизларнинг ўзаро фикр, тажриба алмашинувида муҳим роль ўйнаган анжуман ҳисобланиб, унда хотин-қизларнинг ҳуқуқий аҳволи, партия, комсомол, «Кўшчи» ташкилотлари, хотин-қизлар бўлимларининг аёллар ўртасида олиб бораётган ишлари, хотин-қизлар ҳайъатини тузиш, қалин, кўпхотинлик, саводсизликни тугатиш мактаблари ва ҳоказо муаммолар ҳал этилган, тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, хотин-қизлар бўлими ва шўбаларининг бош вазифаларидан бири қилиб, маҳаллий миллат аёллари ўртасида «синфий тафаккурни шакллантириш» белгиланган. Бу эса, советларнинг ўз тарафдорлари сонини ва марказнинг итоаткор ҳайрихоҳ хизматкорларини кўпайтириш сингари сиёсий мақсадларига мос тушар эди.

РКП(б)нинг XIII съездида қабул қилинган «Ишчи ва деҳқон аёллар ўртасида олиб бориладиган иш тўғрисида»ги қарорда «партия кўмиталари томонидан Шарқ меҳнаткаш аёллари ўртасида олиб бориладиган ишга раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш ва партияга жалб этишни кучайтириш» масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қарор асосида аёллар ўртасида олиб бориладиган ишни кучайтириш учун махсус жамғарма ташкил этилди.

ВКП(б) Марказий Кўмитаси ташкилий бюросининг «Шарқ ишчи, деҳқон ва меҳнаткаш аёллари орасида олиб бориладиган ишнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги қарорида (1924 йил) эса, хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатувчи реакцион элементларга нисбатан курашни кучайтириш, аҳолининг хотин-қиз-

лар қисми ўртасида социалистик турмуш тарзи тарғиботини ошириш зарурлиги таъкидланган бўлиб, маҳаллий хотин-қизлар ўртасида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш тавсия этилган:

— уларни партия ва совет, профессионал ва кооператив қурилишга имкон қадар кўпроқ жалб этиш;

— хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баравар иштирок этиши учун ёрдам берадиган муассасаларни ривожлантириш;

— ишчи ва деҳқон аёллар ўртасида совет ва коммунистик маърифат ишларини кучайтириш;

— ишчи аёлларнинг малакали меҳнатини кучайтириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги мавқеини мустаҳкамлаш.

Маҳаллий советлар (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) эса, аёлларни ишлаб чиқаришга, мактабларга ва бошқа маърифий муассасаларга кенгроқ жалб этиш, хотин-қизлар ва болалар муассасалари тармоғини яратишга даъват этди. Йилдан-йилга хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги ортиб борди. Агар 1925 йилда Ўзбекистонда совет аппаратининг қуйи органларида 200 нафар аёл ишлаган бўлса, 1926 йилда фақат Фарғона вилояти бўйича қишлоқ кенгашларига 665 нафар аёл сайланган. «Кўшчи» иттифоқларига аъзо бўлган аёллар сони ҳам кўпайиб борган.

Маълумки, янги ҳокимиятнинг дастлабки тадбирлари хотин-қизларнинг оилавий ҳуқуқига қаратилди. Яъни туб миллат хотин-қизларини «озод этиш»га қаратилган, уларнинг «эркаклар билан тўла тенглигини қонуний тартибда белгилайдиган, кўп хотинлик, қалин бериш, балоғатга етмаган қизларни зўрлаб эрга бериш таъқиқланган қонунлар» қабул қилинди. Жумладан, «Хотин-қизлар ва эркакларга тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш тўғрисида», «Оналик ва болаликни муҳофаза этиш тўғрисида» декретлар қабул қилинди. Аммо уларнинг ҳаммаси «хўжакўрсинга» эълон қилинган бўлиб, амалдаги ижросига эътибор қаратилмади. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт ходимлари ва моддий-техника билан таъминланиши қониқарли даражада эмас эди. Мактабгача тарбия муассасаларида ҳам ўринлар етишмасди.

Совет Россияси 1918 йилда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг юридик тенг ҳуқуқлилигини эълон қилиб, ушбу моддани ўз Конституциясига киритгач, барча совет Республикаларининг Конституциялари, шу жумладан, Туркистон Автоном Республикаси Конституциясига ҳам шундай модда киритилди (1918 йил, октябрь). Мазкур биринчи совет

Конституциясида хотин-қизларга эркаклар билан бирга давлат лавозимларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди.

Бироқ мавжуд тарихий шароитларда хотин-қизлар тенглигини таъминлаш масаласига тадрижий равишда ёндашиш зарур эди. Шариат ва одат қонунлари бўйича яшайдиган мусулмон жамияти аёлни анъанавий суратда фақат уй бекаси сифатида қабул қилганлиги туфайли узоқ йиллар давомида хотин-қизларни озод қилишнинг совет моделига қарши кураш олиб борилди.

Шунинг учун ҳам, дастлабки пайтларда тенг сайлов ҳуқуқлари, никоҳга қарши ва ажралиш пайтида эр-хотинларнинг тенг ҳуқуқчилиги, вояга етмаган қизларни эрга беришни таъқиқлаш, никоҳларнинг мажбурий тарзда совет ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олиниши каби масалалар қоғозда қолиб кетди. Маҳаллий аҳоли шариат ва минг йиллик анъаналар асосида яшашда давом этди.

Бироқ, эркак ва аёллар тенг ҳуқуқчилигининг расман тан олиниши аёлларнинг ижтимоий ҳаётга, биринчи навбатда, ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиниши учун асос яратди.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, жамиятда уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, балоғатга етмаган қизларни эрга беришни таъқиқлаш каби ижобий аҳамиятга эга бўлган масалалар даставвал маърифатпарварларнинг ҳам ҳаракат дастурида ўз ифодасини топган эди.

Жадидчилик жамият ривожига тўсиқ бўлаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги барҳам топган ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, эркинликларини тиклаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, маърифат қолоқлиги ва ўрта асрдан сақланиб қолган эскича муносабатлардан қутулиш тўғрисидаги янги ғоявий оқимларни ўзлаштирган ҳолда Ўрта Осиё мусулмон жамияти қолоқлигини ва жаҳолатини бартараф этиш учун ғарб ютуқларини сингдиришни тарғиб қиларди. Чунки жадидлар маърифатсиз жамиятда ҳукмронлик қиладиган ўзбошимчалик, жабр-зулм, адолатсизлик, жоҳиллик, зўравонлик авваламбор аёллар ҳаётида тезроқ ва тўлароқ ўз ифодасини топишини яхши англаган. Шунинг учун ҳам, улар хотин-қизларни маърифатли қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ишга солиш, диний ва дунёвий илм имкониятларидан фойдаланишлари учун шароит яратиш, ўзбек аёлларини европа аёлларидек эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳаёт кечиришлари мумкинлиги ҳақида мушоҳада юритишиб, уларни янгича озод ҳаёт кечиришга чақиритган. Бироқ жадидларнинг мус-

табид совет ҳокимияти томонидан қатагон қилиниши билан ўзбек хотин-қизлари ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашида ҳайри-қоҳлик қилиб, далда бўлган ижтимоий гуруҳдан маҳрум бўлди.

Жадидлар «хотин-қизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида қабул қилмасдан, оила масаласини тўғри ҳал қилмасдан, ёш авлодни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас, охир-оқибатда миллат тақдири унинг аёллари ва оиласининг ҳолатига боғлиқдир» — деб, ўз ҳаракатлари давомида қуйидаги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашдилар:

— аёлларнинг оиладаги ўрнини белгилаш орқали, уларнинг жамиятдаги маъқеини ошириш, диний ва дунёвий ишлардаги иштирокида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш;

— хотин-қизларнинг миллат таянчи эканлигидан, ёш авлоднинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясида масъуллигидан келиб чиқиб, уларни маърифатли қилиш;

— ҳар қандай жамиятнинг маданий-маънавий даражаси хотин-қизларга бўлган муносабат билан белгиланиши боис, уларга нисбатан салбий муносабатни ўзгартириш.

Жадидлар томонидан илгари сурилган аёл, оила, жамият масалалари умуминсоний муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бугунги кунда ҳам юксак аҳамиятга эгадир.

Жадидлардан фарқли ўлароқ, советлар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш орқали ўз мустамлакачилик сиёсатининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаландилар. Жумладан:

— советлар маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий-сиёсий жабҳага тортиб, улардан партия сафларини тўлдириб, «янги социалистик жамият»ни қуришда ўз тарафдорларига эришишга интилди;

— ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини сунъий равишда Иттифоқ деб аталган ҳудудга ёйишга ҳаракат қилди;

— советлар маҳаллий миллат хотин-қизларидан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат олиб борди;

— бу эса, ўз навбатида, маҳаллий миллат вакилларида миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўймади.

Юқорида таъкидланганидек, 20-йилларнинг биринчи ярми коммунистик мафкура тазйиқидан биров ҳоли давр бўлганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам, совет ҳокимияти хотин-қизларни

ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш борасидаги чора-тадбирларини амалга татбиқ этишда «ташаббус» кўрсатган хотин-қизлар ҳаракати фаоллари дастлаб асосан, ишонтириш усуллари орқали маҳаллий миллат хотин-қизлари ҳаётига кириб бордилар. Бу эса, уларнинг хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларни яратувчилик, жамоатчилик ишларига жалб этишида муайян ютуқларга эришишига сабаб бўлди. Бу ютуқларга фақат ўзбек хотин-қизлари руҳиятидаги ватанпарварлик, шижоат, ташаббускорлик каби туйғулар орқалигина эришилди. Лекин советларнинг ғаразли мақсадлари аёлларни оила муҳитидан бегоналашувини талаб этар эди. Шунинг учун ҳам, 1921 йил 5–7 апрель кунлари бўлиб ўтган Шарқ хотин-қизлари ташкилотчиларининг биринчи мажлисида «Ажралиш эркинлиги декрети», «Никоҳ ёши ва қалин ҳақида декрет» ишлаб чиқиш каби масалалар кун тартибидан ўрин олган эди. 1921 йил июнда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг балоғатга етмаган қизларни эрга беришни ва кўп хотинлиликни таъқиқлаш, қалинни бекор қилиш тўғрисидаги декрети қабул қилинди. Никоҳ ёши шариатдаги 9 ёш ўрнига 16 ёш қилиб белгиланди. РСФСР Жиноят Кодексининг 10-боби «Оиладаги, маиший турмушдаги эскилик сарқитларига қарши кураш ҳақида» бўлиб, «қалин олиниши келинни сотиб олиш», — деб белгиланди. Шунингдек, 1928 йил МИҚ нинг III сессияси Ўзбекистон ССР учун никоҳ ҳақида янги қонун қабул қилди. Унга кўра никоҳга кириш учун ўсмир йигитлар ёши 18, қизларнинг ёши 16 қилиб белгиланди. Шу билан бирга, никоҳ ҳар икки томоннинг розилиги асосида қурилиши лозим эди. Эр-хотин биринчи никоҳдан ҳуқуқий ажралмасдан туриб, иккинчи никоҳга кириши қонун билан таъқиқлаб қўйилди. Эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам ажралиш масаласида тенг ҳуқуққа эга, деб белгилаб қўйилди. «Қалин ва кўпхотинликка» қарши кураш ҳафталиклари, ҳатто кунликлар белгиланиб, махсус тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, улар чиқарган қарорларнинг бирида: «Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин», — деган банд мавжуд эди. Чунки «Хужум» даврида судларга ажралиш хусусида жуда кўплаб аризалар келиб тушган бўлиб, улар советларнинг юқорида келтирилган балоғатга етмаган қизларни эрга беришни ва кўп хотинлиликни, қизларнинг розилигисиз никоҳ ўқитишни таъқиқлаш, қалинни бекор қилиш каби янги қонунларига таяниб, мажбурий никоҳдан норози бўлган ва ўзларининг кекса эрларидан ажралишни исташ аёллар эди. Натижада, оила ва никоҳ масалаларида

2014/12  
A 88  
номидagi

O'zbekiston MK

борган сиёсати минглаб оилаларнинг бузилишига, болаларнинг ота-оналари ўртасида сарсон-саргардон бўлишига, ажралиш ҳолатларининг оммалашувига, оиланинг қадрсизланиб, ижтимоий мавқеининг йўқолишига, ариза берган аёлларнинг эри, отаси ёки ака-укалари томонидан жазоланишига сабаб бўлди. Чунки асрлар давомидаги анъанавий турмуш эркакларнинг оиладаги имтиёзли ўрнини таъминлар эди. Шиддат билан кириб келган советларнинг оила ва никоҳ масаласидаги инқилобий ўзгаришлари аввало эркакларга қаттиқ маънан зарба берган бўлса, аёлларни тасаввурсиз «порлоқ ҳаёт» сари ундади. Бу эса, аёлларнинг ҳақиқий бахти бўлган оиласидан маҳрум бўлишига олиб келди. Шунингдек, аёлларнинг оила доирасидаги фаолияти қораланиб, ижтимоий меҳнат тури сифатида қадрланмаганлиги натижасида, оила ўзининг ижтимоий мавқеидан ажралиб маиший ишга айланиб қолди.

Мустабид тузум ўзининг сиёсий ва иқтисодий мақсадига эришиш учун «шариатда белгиланган қонун-қоидалар хотин-қизларнинг оиладаги ҳуқуқсизлигини таъминлаши»ни рўкач қилиб, «кўпхотинлик ва қалин олиш бу диннинг айби», деб кўрсатиб, диний эътиқодни инкор этиш, совет оила-никоҳ қонунчилигини тарғиб қилиш мақсадида хотин-қизлар бўлимининг махсус вакиласи - ҳуқуқни ҳимоя қилувчи «халқ маслаҳатчилари» нинг фаолиятдан кенг фойдаланди. 1923 йил декабрда ТАССР Адлия халқ комиссарлиги «Адвокатура таркибига туб миллат хотин-қизларини жалб қилишни кенгайтириш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Хотин-қизлар бўлимининг махсус вакиласи аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сифатида судда иштирок эта бошлади. Халқ судининг ўзига хос мақсади, вазифалари, иш шакллари ва усуллари тизими мавжуд бўлиб, ҳуқуқ бўйича маслаҳатчи аёллар тайёрлаш, ҳуқуқни тарғиб қилиш, очиқ судлар, махсус ҳуқуқ кунлари ва соатларини ташкил этиш, мажлислар ўтказиш шулар жумласига кирган. 1924 йил охирида Тошкент ва Самарқанд вилоят халқ судларида 250 нафарга яқин аёл-халқ маслаҳатчиси сифатида фаолият юритган. Лекин уларнинг кўпчилиги махсус тайёргарлик ва етарли малакага эга эмас эди. Шунинг учун ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё ҳуқуқшунослик курсларида таълим олиш учун маҳаллий миллат вакилларига 20% ўрин ажратиш ҳақида кўрсатма ишлаб чиқди. Унга кўра, тайёрланган ҳуқуқшунос-маслаҳатчи аёлларга уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англантишдан ҳам кўра, кўпроқ социалистик тузум қонунларини тарғиб этишдан таълим берилган.




20-йилларнинг охирига келиб, ўтказилган «Хужум» ҳаракати

туфайли хотин-қизлар бўлимлари ҳуқуқий муассаса ролини ола бошлади. Натижада, «суд жараёнларида хотин-қизлар бўлими махсус вакиласи аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сифатида иштирок» этиб, «халқ маслаҳатчилари» мақомига эга бўлди. Шунинг учун ҳам, «Хужум» ҳаракати хотин-қизларга нисбатан муносабатда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг бошланишига олиб келди.

Хотин-қизлар клуби қошида ҳам халқ маслаҳатчилари ва амалиётчилари учун тўғараклар ташкил этилди. 1926 йилда суд органларида маҳаллий хотин-қизлардан 100 дан ортиқ аёл халқ маслаҳатчиси сифатида фаолият юритган. 1926–27 йилларда Ўзбекистон бўйича 5642 хотин-қиз халқ маслаҳатчилари бўлган бўлса, 1928 йилда уларнинг сони 10450 тага ёки 41% га етган (3-илова).

### Хотин-қиз халқ маслаҳатчилари таркиби

1927 йилда сайланганлар		1928 йилда сайланганлар		Миллий таркиби	Ижтимоий таркиби
Жами	Хотин-қизлар	Жами	Хотин-қизлар	1927 йил бўйича	1927 йил бўйича
22 817	5642 20%	29 500	10450 35%	Ўзбек -84% Европа-16% Жами -100%	Ишчи-28% Хизматчи-21% Уй бекаси-51% Жами 100%



Аксарияти етарли маълумот ва малакага эга бўлмаган, хусусан, Фарғона округидаги 1680 хотин-қиз маслаҳатчининг 1 нафари олий маълумотли, 911 нафари хат-саводсиз эди. Хоразм

округидаги туманларда эса, хотин-қиз маслаҳатчилар фақат қоғоздагина мавжуд бўлган.

Шунингдек, етилмаган ижтимоий-сиёсий вазият, анъанавий турмуш тарзи сабабли халқ маслаҳатчилари мақомини олган «фаол вакила»лар патриархал имтиёз кучли бўлган жамиятда инқилобий ўзгаришлар қурбони бўлишига сабаб бўлди.

Большевиклар маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортишда, яъни уларни советлар таркибига сайлашда, комсомол ва партия сафларига жалб қилишда, шунингдек, марказнинг ягона миллат ғояси асосида шарқ аёлларини эркаклар билан тенглаштириш сиёсатини амалга оширишда европа миллатига мансуб аёллардан фойдаланди. Уларнинг деярли ҳаммаси ВКП(б) МКнинг кўрсатмаси билан Россиядан келишган эди. Большевиклар бу масаладаги ўз улуғмиллатчилик қарашларини қуйидагича ниқобладилар: «Хотин-қизлар масаласини ҳал этишда, энг муҳими, марказий районлардан юксак партиявийлик, пролетар интернационалиزمи руҳида тарбияланган кадрларни юбориш билан ёрдам кўрсатилди» (4-илова).

### **Марказдан юборилган хотин-қизлар ҳаракати фаоллари**

№	Исми ва фамилияси	Юборилган ҳудудий хотин-қизлар бўлимлари
1.	Ида Исааковна Финкельштейн	Туркистон КП МК хотин-қизлар бўлимига
2.	С.Т.Любимова, М.Ф.Муратова, А.А.Аксентович	ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлимига
3.	Е.А.Росс З.А.Пришепчик	ТКП МК хотин-қизлар бўлимига
4.	Х.Т.Никонова	Самарқанд
5.	Е.С.Резумова	Фарғона
6.	М.Позднякова	Қашқадарё
7.	А.Бурлова	Қорақалпоғистон
8.	Т.П.Аринкина	Тошкент
9.	Е.П.Нетесова	Қўқон
10.	А.Н.Чуйкова	Марғилон

Хотин-қизлар бўлимлари раҳбарларининг асосан, рус миллатига мансублиги ўлкада европали аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Бу совет раҳбарлари улуғмиллатчилик сиёсатининг ифодаси эди. Кўп ўтмай хотин-қизларни эркаклар билан «тенглаштириш» сиёсатини амалга оширишга қаратилган ҳаракатга маҳаллий миллат аёллари ҳам жалб қилинди. Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳаллий миллатлар орасидан чиққан,



советлар шароитида тайёрланган янги хотин-қизлар бўлимлари ходимлари пайдо бўлиб, совет ҳокимиятининг тарафдорлари сифатида фаолият юритди (5-илова).

### *Маҳаллий хотин-қизлар ҳаракати фаоллари*

№	Исми ва фамилияси	Фаолият кўрсатган хотин-қизлар бўлими
1.	Шамсиқамар Ғойибжонова	Ўз КП МҚ хотин-қизлар бўлими мудирининг ўринбосари
2.	Тожихон Шодиева	Қўқон уезд шаҳар фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлимининг мудир
3.	Мастура Ҳусанбоева	Қарши туман фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлимининг мудир
4.	Ҳидоят Зокирова	Тошкент уезд фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлимининг мудир
5.	Хосият Роҳатова	Зарафшон вилояти фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлимининг инструктори
6.	Умринисо Узоқбоева	Туркистон МИҚнинг аъзоси
7.	Ҳабиба Абдураҳмонова	Тошкент эски шаҳар туман фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлими мудир
8.	Тожинисо Мавлонбекова	Тошкентнинг эски шаҳридан хотин-қизлар ташкилотчиси
9.	Жаҳон Обидова	Самарқанд вилояти фирқа қўмитаси хотин-қизлар бўлими мудирининг ўринбосари ва 1926 йилдан шу бўлимнинг мудир, 1928 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон КП МҚ хотин-қизлар бўлимининг инструктори
10.	Онабиби Сафоева	Хоразм округи хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мудир
11.	Норжон Абдусаломова	Хоразм КП МҚ хотин-қизлар бўлимида, Тошкентдаги Октябрь район партия қўмитасида хотин-қизлар бўлими мудир, Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Хоразм округи педагогика билим юрти директори лавозимларида фаолият юритган

Улар ўз даврида ўз миллатининг асл фарзанди сифатида «социализм» ғоялари, социалистик қурилишлар халқ манфаатларига мос тушади, деб тўла ишонганлар. Шунинг учун ҳам, бутун ҳаёти давомида эътиқод билан, собитқадамлик билан иш олиб борганлар. Мураккаб тарихий даврда яшаганлари боис, ҳаётга замона фарзанди сифатида ўша давр руҳи билан қараганлар.

20-йилларнинг ўрталарига келиб, хотин-қизлар ўртасидаги ишда «янги босқич» бошланди. 1924 йил майда бўлиб ўтган РКП (б) XIII съезди хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг «ғоят долзарблиги»ни таъкидлади. Съезд махсус резолюция қабул қилиб, партия ташкилотларига сиёсий ва маданий

тарбия йўли билан ишчи ва деҳқон хотин-қизларга партия таъсирини кучайтиришни, уларни партиявий, саноат, кооператив қурилишга жалб этишга, сайлаб қўйиладиган раҳбар лавозимларга кўтаришга ва тегишли ишларга тайёрлашга, хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича аппаратни мустаҳкамлашга доир ишларни авж олдиришни кун тартибига қўйди.

Дастлабки йилларда советлар аёллар кучидан кенг фойдаланиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндашганлар. Аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш сифатида ишлаб чиқаришнинг зарарли, мураккаб соҳаларига уларни жалб қилиш таъқиқланган. Лекин 20-йилларнинг охирига келганда бу ёндашув кескин тарзда ўзгариб, аёлларни эркаклар билан ҳар жабҳада «тенглаштириш» сиёсати устунлик қила бошлаган. Шундан сўнг, хотин-қизлар жамоатчилик, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларга тобора кенгроқ жалб этила бошланди. Бунга сабаб, 1925 йилларга келиб, советлар ҳукуматининг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш бош масала қилиб қўйилишида эди. Шу мақсадда 1925 йил 15 февралда СССР МИҚнинг «Совет Шарқи меҳнаткаш хотин-қизларининг ҳуқуқлари ва уларни оилавий-маиший, иқтисодий соҳалардаги тазйиқларнинг барча кўринишларига қарши кураш ҳақида» мурожаатномаси эълон қилинди.

Республика шароитида хотин-қизларга муносабат масаласидаги кескин бурилиш Ўзбекистон Компартиясининг I съезди (1925 йил, февраль) қабул қилган «Хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида»ги резолюциядан сўнг бошланди (6-илова).

**Ўзбекистон Компартиясининг I съездида (1925 йил, февраль) иштирок этган делегат хотин-қизлар**

№	Исми ва фамилияси	Маълумоти	Олийгоҳ номи
1.	Ш.Фойибжонова		
2.	Х.Зокирова	Олий	Шарқшунослик институти
3.	Х.Роҳатова		
4.	М.Ҳусанбоева	Олий	Коммунистик университет
5.	Т.Шодиева		
6.	Т.Эшонхўжаева	Олий	Шарқ меҳнаткашларининг Коммунистик университети
7.	М.Султонова		
8.	У.Узоқбоева		
9.	Жами делегат 389 нафар	хотин-қизлар 25 нафар	ўзбек хотин-қизлари 8 нафар



*Ўз КП ининг I-съезди делегат  
хотин-қизлари. 1925 йил январь*

Резолюцияда хотин-қизлар ўртасидаги ишларга партиявий раҳбарлик қилишнинг аниқ тадбирлари, яъни хотин-қизларни партия, совет, касаба уюшмалари ва кооператив қурилишига, ишлаб чиқариш ҳамда вакилалар йиғилишларига жалб этиш, маҳаллий миллат хотин-қизлари ўртасида маҳаллий миллат хотин-қизларнинг «ижтимоий фаоллиги»ни ошириш мақсадида қисқа муддат ичида деҳқон хотин-қизларнинг Бутун Ўзбекистон қурултойи (1925 йил, март), икки марта хотин-қизлар бўлимлари мудирларининг кенгаши (1925 йил апрел, октябрь), хотин-қизлар ўртасида ишлайдиган ходимларнинг Бутун Ўзбекистон кенгаши (1925 йил, август), шу тоифадаги ходимларнинг вилоят кенгашлари, ўқитувчи хотин-қизларнинг I Тошкент конференцияси (1926 йил, апрель), Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар клублари ва қизил бурчаклар ходимларининг II кенгаши (1926 йил, апрель) ва бошқа тадбирлар ўтказилди. 1925 йил март ойидан 1926 йил мартигача хотин-қизлар клубининг сони 11 тадан 32 тага, аъзолар сони эса, 920 тадан 3000 тага етди. Лекин марказ бу тадбирлардан қониқиш ҳосил қилмай, жамиятда хотин-қизлар ўртасида «ижтимоий онгни қайта қуриш жараёнининг социалистик қурилиш эҳтиёжларига мос тушмаётганлиги»ни таъкидлаб, янада шиддаткорликни талаб қилди.

Шунингдек, советлар маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга жалб этишда касаба уюшмаларининг Туркистонда кенг тарқалган делегат йиғилишларидан кенг фойдаланди. Чунки халқ орасидаги мафкуравий жараёнда партия, совет органлари ва касаба уюшмалари учун хотин-қизлар ўртасида ташвиқот ишларини олиб боришда делегатлар йиғилиши муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистонда делегат йиғилишлари асосан, 1920—1921 йилларда саноат корхоналарида ташкил қилинган бўлиб, у ерда хотин-қизлар учун ижтимоий-сиёсий мавзуларга бағишланган маърузалар ўқиш ҳамда кун тартибидаги муҳим масалалар муҳокама қилинарди. Делегат йиғилиши ойда икки марта чақирилган, пахта йиғимидан сўнг қайта

сайлов ўтказилган. Делегат йиғилиши таркибида 25 нафардан 50 нафаргача аъзо бўлган. Шулардан 7 нафари — халқ судида, 2 нафари — никоҳ уйида, 1 нафари — «Кўшчи» уюшмасида, 2 нафари кооператив идораларида, 2 нафари болалар маслаҳатхонасида, 3 нафари ер ислоҳоти бўйича комиссия фаолиятида, қолганлари советларнинг аёллар қонунчилиги билан боғлиқ жараёнларида қатнашган. 1922—23 йиллардаги дастлабки делегат йиғилишлари 122 ўзбек, 133 қирғиз, 85 туркман, 638 европаликдан иборат, жами 978 хотин-қизни ўзига бирлаштирди. 1923—24 йилларда эса, 743 та маҳаллий ва 1011 европалик хотин-қизларни бирлаштирди. Делегат йиғилишлари дастлаб, асосан, шаҳарларда фаолият олиб борган бўлса, 1924 йилдан қишлоқ ва овулларда ўз фаолиятини жонлантирди, ишчи ва деҳқон аёлларнинг ижтимоий ҳаётига мустақкам ўрнашиб, уларни советларга ва колхозларга жалб этишда «ташаббус» кўрсатди. Қорақалпоғистонда эса, 1925 йил октябрдан сўнг, яъни Биринчи Қорақалпоқ область конференцияси резолюциясида делегат йиғилишларини овул ва қишлоқларда кучайтириш вазифаси қўйилди. Делегатлар ташвиқотчи вазифасини бажариб, овул ва қишлоқларда хонадонларга кириб хотин-қизларни мажлисларга таклиф қилишган. Мунтазам олиб борилган тадбирлар аёлларнинг фаоллашувига олиб келган. Натижада кейинчалик республика, партия ва совет органларида делегатлар миқдори ўсиб, улар орасидан раҳбар ходимлар етишиб чиқди. Бу жараён ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий онгининг ўсиши ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги фаоллашуви билан изоҳланади. Лекин хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиб бориши анъанавий турмуш тарзи ҳамда патриархал имтиёз кучли бўлган тузум туфайли жуда кўплаб қурбонлар эвазига юз берди.

Большевиклар маҳаллий миллат хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий «фаоллиги»га эришганидан сўнг, делегат йиғилишлари ўрнини турли иқтисодий тадбирлар эгаллаб борди. Жумладан, делегатлар «ижтимоий буксирлар» тадбири орқали хўжалик кампанияларида иштирок этишган. 1932 йил 5 июлда Наманганда таркибида 461 нафар делегат бўлган «ижтимоий буксир» ташкил этилган. Жумладан, Хонобод уезди Намуна колхозида шаҳарлик делегатлар кун бўйи далада шахсий ўртак кўрсатиб меҳнат қилиб, кечқурун эса сиёсий мавзудаги маърузалар ўқиладиган йиғилишлар ўтказишган. Чунки эндиги вазифа маҳаллий миллат хотин-қизларининг «ижтимоий ишлаб чиқаришдаги фаоллиги»ни ўстиришдан иборат эди. Ўзбек аёлининг жисмида мавжуд бўлган меҳ-

натсеварлик, ташаббус ва тadbиркорлик советлар ҳокимиятининг ўз мақсадларига қисқа муддатда эришувига сабаб бўлди.

Хотин-қизлардан коммунистик партиянинг сиёсатини тарғиб қилиш учун «ижтимоий-сиёсий фаол» ходимлар тайёрлашни янада жадаллаштириш мақсадида қисқа муддатли курслар ташкил этилган. Курслар партиянинг маҳаллий миллат хотин-қизларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсати амалиётда муҳим восита бўлган. Шунинг учун ҳам, большевиклар «янги, порлоқ ҳаёт» ҳақидаги тарғибот-ташвиқотлари билан ва маъмурий-буйруқбозлик усулларини қўллаб, ўз тарафдорлари сафини тўлдириб, советлар таркибидаги маҳаллий миллат хотин-қизлари салмоғининг йилдан-йилга ошиб боришига эришган (7-илова).


### Республика советларидаги хотин-қизлар таркиби I. Қишлоқ совети

Қишлоқ совети	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида	Жами
	1926–27	30613	3904	12,7	5 район ва 8 шаҳар бўйича
	1928–29	33934	8836	26	
	1930–31	-	7280	27	
Қишлоқ совети Президиуми	1926–27	4252	-	-	5 район ва 8 шаҳар бўйича
	1928–29	6931	1657	23	
Қишлоқ совети раиси	1926–27	1720	21	1,2	57 район ва 9 шаҳар совети
	1928–29	11720	343	20	
	1930–31	-	243	20	
Қишлоқ совети котибаси	1926–27	1325	3	0,3	Маълумот тўлиқ эмас.
	1928–29	1471	25	1,7	



## II. Ижроия қўмитаси


Ижроия қўмитаси	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида	Жами
	1926-27	1752	163	9,3	48 район бўйича
	1928-29	2020	386	19,0	
	1930-31	-	320	18	
Ижроия қўмита Президиуми	1926-27	-	-	-	43 район бўйича
	1928-29	661	82	12,4	
	1930-31	-	55	9	
Ижроия қўмита раиси	1926-27	-	-	-	41 район бўйича
	1928-29	88	6	6,8	
	1930-31	-	2	4,8	
Ижроия қўмита назорат комиссияси	1926-27	214	3	1,4	
	1928-29	304	25	8,2	



Ижроия қўмита
  Ижроия қўмита
  Ижроия қўмита раиси
  Ижроия қўмита назорат комиссияси


## III. Шаҳар совети

Шаҳар совети	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида
	1926-27	5220	929	17,8
	1928-29	4246	1043	24,5



#### IV. Округ ижроия қўмитаси

Округ ижроия қўмитаси	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида
	1926–27	526	41	7,8
	1928–29	657	110	16,5




#### V. ЎзССР МИҚ

ЎзССР МИҚ аъзолигига номзодлар	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида
ЎзССР МИҚ аъзолигига номзодлар	1926–27	-	-	-
	1928–29	278-95	30-14	10
	1930–31	-	30	15,8

#### VI. СССР МИҚ АЪЗОЛАРИ, НОМЗОДАРИ

СССР МИҚ аъзолари, номзодлари	Йил ҳисобида	Қатнашчилар	Хотин-қизлар	Хотин-қизлар % ҳисобида
СССР МИҚ аъзолари	1926–27	-	-	-
	1928–29	16	1	6,25
СССР МИҚ номзодлари	1926–27	-	-	-
	1928–29	7	2	28,6



СССР МИҚ аъзолигига  
 СССР МИҚ номзодлар

Лекин маҳаллий шароит туфайли ўзбек хотин-қизларини советларнинг таркибига сайлаш жараёни мураккаб кечган. Шунга қарамасдан, 1922 йил 27 сентябрда «Туркестанская правда» газетасининг маълум қилишича, Туркистон шаҳар ва қишлоқларида таркибида аёллар бўлмаган советлар деярли йўқ эди. Бу, албатта, ҳақиқатдан йироқ, чунки аёллар сони баъзида фақат 1 та бўлиб, у ҳам бўлса, кекса аёллар эди. Айрим жойларда вакил йиғилишларини қайд қилиш ҳисоби олиб борилмаган. Аёлларни вакилликка сайлашда тасодифийлик ҳоллари ҳам кўп учраган. Баъзи аёллар вакила бўлиб сайланганликларини ҳатто ўзлари ҳам билишмаган. Ҳисобот пайтида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар авжига чиққан.

Хотин-қизларни ҳар жабҳада эркаклар билан тенглаштириш ғояси устувор аҳамият касб этган 1925 йилдан бошланган маъмурий-буйруқбозлик натижасида советлар таркибидаги хотин-қизлар 6,4%ни, Фарғонада эса советларга сайланганларнинг 6,6%ни хотин-қизлар ташкил этган. 1926 йил охирида 120 мингга яқин хотин-қиз Ўзбекистон бўйича советларга сайловларда иштирок этган. 1926 йилда Ўзбекистон компартияси аъзоларининг 6,5 %ни хотин-қизлар ташкил этган. 1927 йилда Тошкўприк волости Нарпай районида маҳаллий хотин-қизларни сайлов кампаниясига жалб қилиш мураккаб кечган. Узоқ ғоявий, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда маъмурий усуллар орқали 1341 нафар хотин-қиз сайлов жараёнига жалб қилинган. Шулардан, 75 нафари қишлоқ советига, 4 нафари маҳаллий совет аъзолигига номзодликка сайланган. Фарғона вилояти сайловларида 32 минг ўзбек хотин-қизлари қатнашган. Юзлаб хотин-қиз советларга аъзоликка сайланди, баъзилари қишлоқ совети раислигига сайланди. 11 аёл Ўз МИҚ таркибига кирди. Демак, фаоллар миқдорий жиҳатдан ўсиб борганлигини кузатиш мумкин.

Марказ томонидан хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилишни янада кучайтириш мақсадида уларни раҳбарлик тизимларига эркаклар билан тенг сайлаш ҳақида кўрсатма берилди. ВКП(б) МҚнинг 1929 йил 15 июндаги «Ишчи ва деҳқон хотин-қизлари ўртасидаги ишлар бўйича партиянинг навбатдаги вазифалари ҳақида»ги қароридан сўнг ўзбек хотин-қизларининг тақдири марказдан ҳал қилиниб, раҳбарлик лавозимларига тайинлана бошлади. Масалан, Адолат Бобожонова — колхоз партия бошланғич ташкилотининг котибаси, ЎзКП(б)нинг V, VI съездлари делегати, ЎзКП(б) МК аъзоси; Маҳкам Назарова — Пойариқ тумани колхозчиси, ЎзКП(б)нинг IV, V, VI съездлари делегати, ЎзКП(б) МК аъзолигига номзод; Рузвон Тошматова — Кўқон район қишлоқ со-




вети раиси, ЎзКП(б)нинг VI ва VII съездлари делегати, ЎзКП(б) МК аъзоси; Норжон Саодатова – Когон ёғ-мой заводи ишчиси, ЎзКП(б)нинг VI ва VII съездлари делегати; Башорат Эшонхўжаева – Тоштрам ишчиси (кондуктор), ЎзКП(б)нинг V, VI съездлари делегати; Руқия Исматуллаева – Турквино заводи ишчиси, I, II, III партия қурултойларининг делегати ва ҳоказо. Тожихон Шодиева, Нури Муслимовалар оддий ишчидан ЎзКП(б) МҚ бўлими раҳбарлари даражасига эришишди. Нуржон Абдусаломова совет партия мактабини битирганидан сўнг, Хоразм КП МҚ хотин-қизлар бўлимида, Тошкентдаги Октябрь район партия қўмитасида хотин-қизлар бўлими мудири, Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида ишлади.



Нуржон Абдусаломова. 1932 йил

1930 йил маълумотига кўра, округ ва туман ташкилотларида фаолият олиб борган хотин-қизларнинг рўйхати қуйидагича:

1. Сурхондарё округи – 13 нафар аёл
2. Андижон округи – 31 нафар аёл
3. Бухоро округи – 21 нафар аёл
4. Хоразм округи – 5 нафар аёл
5. Зарафшон округи – 3 нафар аёл
6. Тошкент округи – 41 нафар аёл
7. Қашқадарё округи – 5 нафар аёл
8. Фарғона округи – 4 нафар аёл
9. Самарқанд округи – 19 нафар аёл
10. ЎзССР Совети ва МИҚ аъзоси – 18 та аёл.





Бироқ Туркистондаги маҳаллий миллат вакилларида тайинланган сиёсий раҳбар хотин-қизлар озчиликни ташкил этар эди. Масалан, 1923 йили Туркистондаги сиёсий раҳбар органларида 52 нафар хотин-қиз меҳнат қилган бўлса, шундан 5 нафаригина ўзбек

эди. 1924 йил эса, 120 нафар раҳбар хотин-қизлардан 23 нафари ўзбеклар эди. 1926 йилда эса, хотин-қизлар бўлимлари аъзоларидан 43 ходимдан 20 нафари ўзбек эди. Шундан сўнг, 1929 йилнинг апрель, ноябрь ва декабрь ойларида Ўзбекистон сиёсий ҳукумати хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтариш масаласи бўйича 3 та кенгаш ўтказди. 1928 йилда республиканинг ҳар бир округида советлар меҳнат ва маиший турмушни яхшилаш комиссиялари билан ҳамкорликда қишлоқ совети раисларини тайёрловчи курслар ташкил қилинди. Курсларга саводсизликни тугатиш мактаби битирувчилари ва чаласаводлилар қабул қилинган. Натижада, хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтариш жараёни жадаллашган. 1929 йил 18 нафар хотин-қиз раҳбар сифатида кўтарилган бўлса, уларнинг 11 нафари, маҳаллий миллат вакиллари эди. Жойларда эса 357 хотин-қиз қишлоқ кенгашлари раислари, 22 нафари кооперация раислари лавозимларига кўтарилди. 1933 йили 2,2 минг хотин-қиз раҳбарлик лавозимларига кўтарилган бўлса, 1934 йили 17,7 минг нафарга етди, 216 хотин-қиз колхоз раис ўринбосарлари, 7,2 минг бригадир, яна шунча звено бошлиқлари бўлдилар. Шу билан бирга, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган хотин-қизларни маҳаллийлаштириш долзарб муаммолардан бири эди. 1925 йил Ўзбекистоннинг марказий ва вилоят хотин-қизлар бўлимларининг 50%и маҳаллийлашган эди. Лекин бу жараён ўз аҳамияти жиҳатидан қадрсиз эди. Чунки юқори лавозимлардаги хотин-қизларнинг малакаси ва савод салоҳияти жуда паст эди. Марказ кўрсатмаси билан, синфий ёндошув асосида фақат «батрак ва камбағал хотин-қизлардан фаол раҳбар ходимлар тайёрлаш» вазифаси саводсиз, махсус малака ва кўникмага эга бўлмаган хотин-қизлар ҳисобига бажарилди. 1937 йилга келиб, Ўзбекистонда 30 минг нафар хотин-қиз раҳбар лавозимларда ишладилар. Ўзбек хотин-қизлари миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ватанпарварлик туфайли ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок эта бошладилар. Лекин бу ватанпарварлик сохта Иттифоқ деб аталган ҳудуд билан ўлчанди.

20-йиллар охири 30-йиллар бошида «ижтимоий-сиёсий фаолиги ошган хотин-қизларни синфий тарбиялаш» вазифаси ўртага ташланди. Уларни синфий тарбиялаш учун сиёсий мақсадга йўналтирилган қисқа муддатли курслар тармоғи кенгайтирилди. «Хотин-қизларни партия сафига қабул қилишга жиддий сиёсий тус берилиб, «муҳим» воқеа даражасига кўтарилган». Бу эса, партия сафларидаги хотин-қизлар салмоғининг ортишига туртки бўлган (8-илова).

**ЎзССР партия ташкилотлари таркибидаги  
хотин-қизлар салмоғи**

Вилоятлар	Йиллар				
	1926	1927	1928	1929	1930
Андижон	-	-	215	334	461
Бухоро	-	-	146	194	343
Зарафшон	52	133	84	120	200
Қашқадарё	11	30	41	109	179
Самарқанд	256	335	394	529	766
Сурхондарё	13	33	73	96	93
Тошкент	804	979	1100	1335	1586
Фарғона	441	525	330	420	604
Хўжанд	-	-	106	110	-
Хоразм	18	34	67	89	168
<b>Жами республика буйича</b>	<b>6,56</b>	<b>7,6</b>	<b>8,23</b>	<b>9,25</b>	<b>10,95</b>




Советлар коммунист аёллар орқали ўз сиёсатини амалга оширишга интилган. Шунинг учун ҳам, партиянинг нуфузини кўтариш мақсадида аъзоликка кириш жараёнини мураккаб-лаштириб, ўта табақалаштирган ва синфий-лаштирган. Асосан, ишчи ва деҳқонлар аъзоликка кўпроқ олинган. Чунки улар жамиятни иқтисодий жиҳатдан юксалтирсалар-да, сиёсий жиҳатдан ўзгартиришга қодир эмасликлари ҳисобга олинган. Коммунист ишчи-деҳқонлар номидан халқни бошқариш осон бўлган. Партия ўзининг ўзаро тенглик ғояларига халқни ишонтира олган.

30-йилларнинг бошларида биргина Самарқандда 730 коммунист аёлнинг 469 таси маҳаллий миллатга мансуб эди. 1930 йил 11 октябрда ВКП(б) МҚ нинг колхозчи аёлларни колхоз, кооператив ва

бошқа ташкилотлар раҳбарлигига кўтариш ҳақидаги қарори эълон қилинганидан сўнг деҳқонларни партиёга жалб қилиш авж олди. 1938 йил июлда бўлиб ўтган Ўз КП(б) VIII съезди партиё сафларида хотин-қизлар салмоғини янада кўтариш вазифасини қўйди. Натижада, 1939 йилда ЎзКП аъзолигига номзодлар сони ўсди (9-илова).

### ЎзКП аъзолигига номзодлар

Вилоят	Жами	хотин-қизлар	% ҳисобида
Хоразм	1428	537	23,7
Самарқанд	3305	533	16,1
Тошкент	5713	903	15,8
Бухоро	1987	272	13,7
Фарғона	5652	730	12,9
Қорақалпоғистон	1271	145	11,4
Республика буйича	19356	3220	15,1



Советлар маҳаллий миллат аёлларидан партиё сафларини тўлдириб, ўз тарафдорлари сонининг ортишига эришдилар. Бунга ўзбек аёлларининг қалбидаги ватанпарварлик, шижоат, ташаббускорлик каби ҳис-туйғулар ҳам сабаб бўлган. Чунки улар социалистик ғояларни халқ манфаатларига мос тушади, деб ишонганлар.

30-йилларга келиб, «хотин-қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги» ҳақидаги ғайриилмий хулоса натижасида, хотин-қизлар бўлими фаолияти ВКП(б) МҚнинг 5 январдаги қарори билан тугатилди. Қарорда хотин-қизлар бўлимларининг вазифалари фирқа қўмитаси ва унинг бўлимларига ўтганлиги таъкидланиб, махсус секторга айлантирилди. Секторлар зиммасига совет ҳукумати ва коммунистик партиё томонидан «хотин-қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги»

ги» ҳақидаги хулосани илмий-амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси юклатиди. 1930 йили — «Коммунистка» ва 1934 йили «Янги йўл» журналларини нашр этиш тўхтатилди. Хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган бутун ишларнинг масъулияти Меҳнат ва турмушни яхшилаш Комиссиялари зиммасига ўтди. Комиссия таркибида республика бўйича 100 дан ортиқ аъзо бўлиб, улар комиссия зиммасидаги катта ҳажмдаги ишларни бажариш имкониятидан йироқ эди. Шунинг учун комиссиялар 1930 йил май ойида иттифоқ республика, вилоят, шаҳар ва жойлардаги ижроия қўмиталарига айлантирилди ва 1932 йилда ўз вазифасини бажариб бўлган орган сифатида тутатилди. Аслида бу жараёнга сабаб, совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин-қизларни «иқтисодий озодликка чиқариш» шиори остида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айлантириб, ўз мақсадига эришишида ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб борган аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиб, мустабид тузум томонидан ўзларига нисбатан олиб борилаётган сиёсатдан норозиликнинг кучайиб боришида эди. Шу боис коммунистик партиянинг XVII съезди Уставига мувофиқ партия қўмиталари қошида ихтисослашган ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил этилган бўлсада, съезд мазкур бўлим таркибида хотин-қизлар ўртасида иш олиб боровчи сектор ёки бўлим тузиш масаласини кўриб чиқмади.

Агар 30-йилларнинг иккинчи ярмигача асосий эътибор аёлларнинг аҳволи, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, ўқишга жалб этишга қаратилган бўлса, кейинчалик аста-секин бу кўрсаткичлар ҳисоботларда акс эттирилмай қолди. Бу ҳолнинг юзага келиши «СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал этиш» бўйича янги концепция ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Аёллар аввалгидек, раҳбарлик лавозимлари, депутатлик ўринларига квотасини сақлаб қолган бўлса-да, аста-секин бу масалаларга сиёсий аҳамият бермай кўйилди, «хотин-қизлар масаласи ҳал этилган» деб топилди. Бунга асос сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

— хотин-қизлар билан эркакларнинг юридик тенг ҳуқуқлигининг эълон қилиниши;

— аёлларни жамоат ишлаб чиқаришига кенг миқёсда жалб қилиниши;

— аёллар учун касбий, оилавий ва репродуктив функцияларни айна пайтда бажариш учун шароит яратилганлиги;

— имтиёзлар, нафақалар, бола туғилиши ва парвариш қилиш

билан боғлиқ таътил бериш шаклида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ташкил этилиши;

– хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишнинг чекланиши ва ҳақозолар.

– хотин-қизлар билан эркакларнинг меҳнатга ва иш ҳақига тенг ҳуқуқлилигининг мустаҳкамланиши;

– аёлларнинг энг кенг равишда жамоатчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиниши ва ҳоказо.

## Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати

**Жадидчилик** – (арабча «жадид»– янги) – янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

**Хотин-қизлар бўлими** – Совет ҳукумати ўзининг мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсати мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб, маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришиш учун 1919 йил 12 ноябрда РКП(б)нинг Туркистон ўлка қўмитасида хотин-қизлар бўлимини ташкил этди.

**Хотин-қизлар бўлимининг вазифалари** – хотин-қизларни тегишли артеллар, касаба союзларига жалб этиш орқали уларни иқтисодий жиҳатдан озод қилишни таъминлаш; мактаблар, клублар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни ташкил этиш; хотин-қизларни тарғибот-ташвиқот орқали «социалистик қурилиш» амалиётига жалб этишнинг барча формалари билан кенг қамраб олиш асосида сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.

**Делегат йиғилишлари** – хотин-қизлар ўртасида мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган. Ўзбекистонда делегат йиғилишлари асосан, 1920–1921 йилларда саноат корхоналарида ташкил қилинган бўлиб, у ерда хотин-қизлар учун ижтимоий-сиёсий мавзуларга бағишланган маърузалар ўқилар ҳамда кун тартибидаги муҳим масалалар муҳокама қилинарди. Делегат йиғилиши ойда икки марта чақирилган, пахта йиғимидан сўнг қайта сайлов ўтказилган.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ўзбекистонда 20–30-йиллардаги ижтимоий-сиёсий вазият қандай эди?

2. Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишдаги муаммолар ҳақида гапириб беринг.

3. Бу борадаги муаммоларнинг объектив ҳамда субъектив омилларини қандай изоҳлайсиз?

4. Совет ҳокимиятининг хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш мақсадида олиб борган сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини қандай тушунасиз?

### «ЧАРХПАЛАК» технологияси

№	Совет ҳокимиятининг Убаксатлари асосида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш мақсадида олиб борган сиёсатининг моҳиятини қандай тушунасиз?	1919 йил 16	3-к	1919 йил 12	Артон	Диний ва дунёвий	Ўз	Савоат	Аёллар	Диний	1920 йил 18
		ноябрь	ноябрь	ноябрь	кучи	қўли	тарафдорлари	тарафдорлари	аёллар	тоғлар	ноябрь
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Жадишлар қандай соғларни илгари сурдилар?					+					
2	Урта Осиёда хотин-қизлар бўлими қачон ташкил этилган?			+							
3	Советларнинг хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишдан қўлланган мақсади нимадан иборат эди?						+				
4	Советларга хотин-қизлар "озодлиги" ва тенг ҳуқуқлилигига эришиш нима учун керак эди?				+						

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти ва коммунистик партия маъмурий-буйруқбозлик тизимининг барча шакл ва усулларида фойдаланган ҳолда, маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий-сиёсий жабҳага тортиб, улардан партия сафларини тўлдириб, «янги социалистик жамият»ни қуришда ўз тарафдорларига эришишга интилди. Натижада, ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий онги ва фаоллиги маълум даражада ўсди.

Ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини сунъий равишда Иттифоқ деб аталган ҳудудга ёйишга ҳаракат қилинди ҳамда уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган сиёсат миллий ўзлигини англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўймади.

Шунингдек, совет даври шарқ аёли сиймосининг шаклла-

нишида анъанавий жамиятнинг замонавийлашуви билан боғлиқ жараёнлар бевосита ўз таъсирини кўрсатди. Бу жараёнлар «ожиза қисм», «заиф яримлик»ни ташкил этган аёлларнинг ҳаёт фаолиятидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар таъсири билан асосланди. Мана шу омиллар туфайли жамиятнинг шундай бир кучли қисми шаклландики, улар ўз елкаларида ҳаётнинг барча қийинчиликларини кўтариш қобилиятига эга эди.

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ.Институт Истории. — Т.: Фан. 1991. — 132 с.
2. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917—1941): Краткий историографический очерк (АН РУ.Институт Истории. — Т.: Фан. 1987. — 69 с.
3. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. — Т.: Фан. 1975. — 95 с.
4. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам, №1). — Т.: 1999. — 218 б.
5. Каспарова В. Раскрепощение женщины Востока. — М.: Труд. 1925. — 56 с.
6. Любимова С. Работа партии среди тружениц Востока. М.-Л.ГИЗ, 1925. — 55 с.
7. Миловидова Э. Хотин-қизлар масаласи ва хотин-қизлар ҳаракати. Хрестоматия. — М.—Л.: Госиздат. 1929. — 168 б.
8. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. — Т.: Шарқ. 2001. — 128 б.
10. Нухрат А. Октябрь и женщина Востока. — М.: Партиздат. 1932. — 27 с.
11. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларининг ўрни (XX асрнинг 20—30-йиллари мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2004. — 161 б.



## 1.2. «Хужум» ҳаракатининг ташкил этилиши сабаблари ва оқибатлари

**Мавзу ўқув мақсади:** *Коммунистик партия раҳбарлигида советлар томонидан хотин-қизларнинг юзини очиш учун инқилобий тарзда олиб борилган «Хужум» ҳаракатининг ташкил этилиши, ундан кўзланган мақсад ҳамда «Хужум» ҳаракати тўғрисида юз берган хотин-қизлар тақдиридаги фожеали воқеалар, уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида талабаларда тарихий далилланган объектив билим ва тасавурларни ҳосил қилиш.*

Советлар бутун ер юзи аҳолисининг юзлаб йиллардан буён ўрганилаётган ва ўз ечимини топа олмаётган ўткир муаммоларидан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундайлигича турган хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаш, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш каби муаммоларни хусусий мулкчиликка барҳам бериш, эркак ва аёл меҳнати ва «ҳуқуқ»ларини тенглаштирувчи умумий мулкчиликка ўтиш билан ҳал қилдилар. Мулкнинг умумийлиги эса, ўз навбатида меҳнатнинг умумийлигини тақозо этган. Яъни унда аёл ва эркак меҳнати орасида фарқ бўлмади, бунинг учун уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ҳуқуқ ва имкониятлари ҳам тенг бўлиши лозим. Бунда аёлларнинг табиат томонидан берилган ўз ҳуқуқлари, яъни оила ва бола тарбияси масаласи иккинчи ўринга, кейинга сурилиб қўйилиши табиий, албатта. Бу эса советларнинг мақсадларига мос тушарди.

Аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш эҳтиёжи миллат орасида ҳам мавжуд эди, бу жадидлар гоёларида яққол кўриниб қолганди, маҳаллий зиёлилар ҳам хотин-қизларни озод қилиш учун курашишган. Лекин тараққийпарвар маҳаллий зиёлиларда хотин-қизларни озод қилиш масаласини қатъий ва бутун борлиги билан кенг қўйиш учун етарли куч ва таянч йўқ эди. Бу масалани тўла-тўқис ҳал этиш етарли куч ва имкониятга эга бўлган совет ҳукумати зиммасига тушди. Совет ҳукумати эса, бу имкониятдан маъурий-буйруқбозлик усуллари орқали фойдаланди. Советлар томонидан 20-йиллар мобайнида хотин-қизларни озодликка чиқариш борасида қатор тadbирлар ишлаб чиқилди ва улар ҳукумат ҳамда ҳукмрон сиёсий куч томонидан эълон қилинган қарор-

лар, кўрсатмаларда ўз аксини топди. Марказда ва жойлардаги партия ташкилотлари ҳузурида хотин-қизлар орасида иш олиб боровчи бўлимлар ташкил қилинди. Ушбу бўлимлар дастлабки йилларда аёллар орасида жуда кўп ишларни амалга оширганлар. Улар халқимизнинг миллий характерини ҳисобга олиб, хотин-қизлар масаласига эҳтиёткорлик билан ёндошганлар, ҳар бир хонадонга кириб тушунтириш ишлари олиб борганлар, махсус хотин-қизлар клублари, артеллар, дўконлар ташкил этганлар.

Хотин-қизлар ҳеч қандай қаршиликсиз паранжи ичида тиқиш, савдо-сотиқ, ўқиш-ёзиш ишлари билан шуғулланганлар. Фаоллар кўпроқ ишонтириш усулига таяниб, барча тадбирларни хотин-қизлар турмуш тарзига хос хусусиятларга, миллий анъаналарга мутаносиб ҳолда олиб борганлар. Дастлаб аёлларнинг юзини очиш, паранжини ташлаш ҳақида лом-мим дейилмаган, аёллар ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида кўпроқ «социализм ғоялари»га ишонтириш усулига суянишган. Натижада, аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, жамоат ишларида фаол иштирок этиши борасида муайян муваффақиятларга эришилган. Лекин, совет ҳукуматининг иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хотин-қизларга муносабатлардаги «эскилик сарқитлари»га қарши кураш, уларни «озодликка чиқариш» баҳонасида 1927 йилда республикада ижтимоий-сиёсий тадбир «Хужум» ҳаракати бошланди. Ўзбек хотин-қизлари тақдирида ўтказилган бу ҳаркат советларнинг тажовузкор сиёсати маҳсули бўлиб, бу том маънода фақат хотин-қизлар тақдирига эмас, балки ўзбек халқининг анъаналарига, удумларига, тарихига, динига, тилига, маданиятига ва маънавий қадриятларига қилинган ҳужум эди. Миллий мустақиллик давригача «Хужум» ҳақида фақат ижобий фикр билдириб келинган. Лекин, ижтимоий ҳаётимиздаги маънавий ва руҳий инқирознинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга киришганимиз сайин мустамлакачилик сиёсатининг барча кирдикорлари фош бўлиб, бу кирдикорлар барча кўргуликларимизнинг сабаби сифатида ўзини намоеън эта бошлади. Шунинг учун ҳам, бугун халқимиз миллий тикланиш, маънавий покланиш учун оммавий сафарбарликни давом эттираётган бир даврда қарамлик даврининг барча иллатларини фош этишимиз даркор.

«Хужум» ҳақида ҳолисона фикр билдирадиган бўлсак, бу ижтимоий-сиёсий тадбир туфайли ўзбек аёллари руҳан уйғондилар ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги чекланишларга барҳам бериб, ўз фаолликларини, эркинликларини, тенгликларини

тиклаб олдилар. Уларга ўқиш учун, ўз билим ва малакаларини шакллантириш учун имкон яратилди. Бу имкон туфайли ўзбек аёллари орасидан маорифда, маданиятда, фанда, санъатда, тиббиётда ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида ўз салоҳиятлари ва иқтидорларини намойиш этиб, фаолият кўрсатувчи зиёли аёллар қатлами вужудга келди. Улар ўзбек халқининг обрў-эътиборини кўтариш учун ўз меҳнатларини ва шижоатларини аямадилар. Айнан, «Хужум» даврида аёлларимиз табиатидаги исёнкорлик, адолатпарварлик, жанговарлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик каби табиий туғма кўникмалардан советлар ўз манфаатлари ва эҳтиёжлари йўлида фойдаландилар. Шунинг учун ҳам, бу кўникмалар мустамлакачиларнинг манфаатларига хизмат қила бошлади. Охир-оқибат ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий фаолликлари уларнинг ўзлари учун салбий оқибатларни келтириб чиқара бошлади. «Хужум» ҳаракати бўлмаган тақдирда ҳам, миллий ҳаракатлар аёлларнинг таълим олиши, касб эгаллашига йўл очиб бера оларди, бунинг учун йиллар керак бўлиб, миллий ва диний қадриятлар оёқости қилинмаган бўларди.

«Хужум» кампанияси мусулмон хотин-қизлари тақдирида туб бурилиш ясаб, минглаб йиллар давомида халқимиз онгида шаклланиб келаётган миллий ва диний қадриятларни, маънавий қарашларни, урф-одат ва кўникмаларни қўпориб ташлади. Чунки анъанавий турмуш тарзи, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигига, ишлаб чиқаришда аёллар меҳнатига муҳтожлик сезмасди. Оила, бола-чақа тарбияси билан шугулланиш аёл учун таққир эмас, балки ягона ва муқаддас бурч ҳисобланган, уларнинг кучидан оғир ва жисмоний меҳнатда фойдаланиш ҳақида ҳеч ким ўйламаган. Лекин эртами-кечми, жамият тараққиётининг илдамлашуви хотин-қизлар ҳаётида ҳам ўзига хос ўзгариш ясаши табиий эди. Бунинг учун эса, йиллар керак эди.

«Хужум»нинг ижтимоий ва сиёсий илдизларига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, шарқ мусулмон аёлларини «саводли қилиш», уларга «ўз ҳақ-ҳуқуқларини англатиш», эркалар билан «тенг ҳуқуқли қилиш ва ижтимоий фаолликка тортишдан» мақсад, бир томондан, советларнинг умумий мулкчиликдан иборат бўлган ҳукуматининг иқтисодий, моддий негизини мустаҳкамлаш бўлса, иккинчидан эса, ўлкада маҳаллий халқни маънавий қулликка маҳкум қилиш билан мутеликнинг янгича шаклларини жорий этишдан иборат эди.

Советлар хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларга жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида 1926 йил 18

июнда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлими му-дири С.Любимованинг «Ўрта Осиё хотин-қизлари ўртасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи» номли маърузасидан келиб чи-қиб, ВКП(б) МҚ «...турмушда хотин-қизларга нисбатан муно-сабатлардаги «эскилик сарқитлари»га қарши курашга доир парти-явий ички ва тарбиявий фаолиятни кучайтириш зарур деб топ-ди». Шунингдек, 1926 йил сентябрда бўлиб ўтган хотин-қизлар бўлими ходимларининг III Ўлка йиғилиши ҳам ушбу масалага эътибор қаратди.

Шундан сўнг, ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг 1926 йил сентябрдаги махсус қарори бу ҳаракатни сунъий равишда тез-лаштирилди, оқибатда бу ҳаракат «Хужум» номини олди. Шун-дан сўнг, мажбурий ижтимоий-сиёсий тадбир бўлган «Хужум» кампаниясини ўтказиш учун 1926 йил декабрь ойида Ўз КП МҚ томонидан марказий республика ва вилоят, 1927 йилдан бошлаб эса, округ ва район хотин-қизларни «озод» қилиш учун курашни кучайтириш комиссиялари тузилди, ташкил қилинди. «Хотин-қизларни озодликка чиқариш»нинг муҳим вазифаларидан бири паранжига қарши кураш эди. Ҳаттоки, «Правда Востока» газета-сида «Паранжи ва чачвонга қарши», «Янги йўл» журналида эса «Суд залидан» номли алоҳида рукн ташкил қилиниб, турли ма-қолалар орқали тарғибот ишлари олиб борилди. Бу тадбир аёллар томонидан кўтаринки кайфият билан кутиб олинди. Чунки қора чимматни ташлаш, ёруғ оламини очиқ юз билан кўриш, илм олиш, ҳаётда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш уларнинг асрий орзуси эди.

«Хужум» кампанияси 2 босқичда олиб борилди: биринчиси - 1926 йил сентябрдан 1927 йил февралгача «тайёргарлик» даври; иккинчиси — 1927 йил март ойидан 1932 йилгача «зарбдорлик дав-ри». Биринчи босқич «Хужум»нинг ривожланиш ва мустақамла-ниш даври бўлиб, унинг мазмун-моҳияти кўпгина компартия раҳ-намолик қилган оммавий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ эди. Яъни комсомол, профсоюз, «Кўшчи» союзи, кооперациялар шу-лар жумласидандир. Хусусан, 1926 йилда биргина Тошкент ва Фа-рғона вилоятлари «Кўшчи» уюшмаларининг 4900 нафар аёл аъзо-лари бор эди. Айниқса, бу босқичда хотин-қизлар артеллари, хунар-манд ишлаб чиқариш кооперациялари муҳим роль ўйнаган.

«Хужум» кампанияси 1927 йилги 8 Март куни байрам қили-ниши муносабати билан жуда кенг қулоч ёйди, паранжи ташлаш маросими билан боғлиқ митинглар уюштирилди. «Хужум»нинг

биринчи босқичидаёқ, яъни 1926 йил охиридан 1927 йил майгача 100 мингга яқин хотин-қизлар ўз паранжиларини ташлаганлар. 1927 йил ёзда 120 га яқин саводсизликни тугатиш мактабида 5 мингга хотин-қиз ўқиди, 200 та оилавий тўғараклар фаолият кўрсатди. Халқ маслаҳатчиларининг қайта сайлови 5 минг нафар хотин-қизнинг сайланиши билан якунланди. Бу эса, умумий халқ маслаҳатчиларининг 24,8% ни ташкил этди. Қишлоқ советига сайловларда 128 минг хотин-қиз, яъни умумий сайловчиларнинг 16,7% иштирок этди. Шундан 13%, яъни 4 мингга яқин хотин-қиз қишлоқ совети аъзолигига сайланди. Умуман, сайлов жараёнида 50 мингга яқин хотин-қиз иштирок этган бўлсада, атиги 1,5 минг нафари советлар таркибига сайланган эди. Бу эса, сайланганларнинг 7%ни ташкил этган. 1927 йил давомида 7169 аёл касаба уюшмаларига аъзо бўлиб кирди. 5916 аёл матлубот кооперацияларига аъзо бўлди. 2343 нафар хотин-қизлар давлат органларига сайланди. Бироқ «Хужум» муваффақиятларидан эсанкираб қолган партия ходимлари маҳаллий халқ қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай унутдилар. Унга беписанд қараб, ерга уриш, ошкора тан олмаслик, қўпориб ташлаш йўлини танладилар. Бу эса, шундай ҳам совет ҳукуматига қарши бўлган диндор ва руҳонийларнинг кескин ҳаракатларига сабаб бўлди.

«Хужум» даврида марказнинг 1927 йил февралдаги кўрсатмасига мувофиқ «эски тузум»га қарши бўлган хотин-қизлар ҳаракати тарафдорлари билан диндорлар, яъни анъанавий турмуш тарафдорлари ўртасида кучли кураш бошланди. Бу ерда тараққийпарвар руҳонийлар билан реакцион руҳонийларни фарқлаш лозим. Масалан, Тошкентда Кўкалдош мадрасаси минорасидан реакцион диндорлар советларнинг хотин-қизларни «очиш» сиёсатига қарши аёлларни ўлдириш ва жазолаш билан жавоб берганлар. Тараққийпарвар руҳонийлар эса, аксинча, хотин-қизлар озодлиги масаласида содир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, қон тўкилишларнинг олдини олиш ва кескин вазиятларнинг юзага келмаслиги учун ҳаракат қилишган. Маълумки, тараққийпарвар руҳонийлар хотин-қизлар озодлигига ҳайрихоҳ бўлганлар. Масалан, 1926 йилда мулла Фозилжон Маҳзум аёллар йиғилиши ва қизлар мактабига салбий муносабат билдирганида, «Фарғона» газетасида мулла Ўрунбоев Фозилжон Маҳзумнинг фикрига қарши чиқиб, қуръонда хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлигини таъкидлайди. Хотин-қизлар ҳам кунига 5 вақт намоз ўқишга, меҳмонга боришга, бозорда

юришга. Ўқиш, маълумот олишга ҳақли эканликларини айтади. Яна бир мулла Зухриддин Ўғлом ўз мақоласида қуръонда хотин-қизлар учун чодр (паранжи) йўқлигини таъкидлайди. Қўқон руҳониятининг раҳнамоси Тўраҳон Маҳсум диндорларнинг вази-фаси ҳукумат билан аҳоли ўртасида воситачилик қилишдан иборат деб, таъкидлаган бўлса, Андижон руҳонийларининг йўлбошчиси Шайх Мавлоний аёлларни озодликка чиқаришга қаратилган ҳукумат тadbирларига қаршилик кўрсатмасликка чақиради. Мукулмон марказий диний идораси хотин-қизлар бўлимининг мудирини Мурсали Биби эса, хотин-қизларга қарата қуйидагича даъват қилади: «Хурматли дугоналар! Мукулмон аёллар ўртасида ислонга ишонч сезиларли даражада сусайди. Динга ишонмайди-ган одамлар ўртасида бир-бирига ҳурмат бўлмайди». Даъватнома паранжи ташлашга қаршилик кўрсатмасликка ва айни пайтда диний тарбияга эътибор беришга чақирини билан тугайди. Лекин комфирқа тараққийпарвар руҳонийлар тadbирини қўллаб-қувватлаш ўрнига, уларга қарши «совуқ уруш» эълон қилиш мақсадида, 1925 йилда «Курашчан худосизлар» жамиятини тузди. Советлар ушбу ташкилот орқали ўзига хос режа асосида динга қарши курашди: 1. Ёш хотин-қизлар ўртасида динга қарши курашни кенг миқёсда олиб бориш. 2. Шу мавзуда аёллар ўртасида семинарлар ўтказиш. 3. Маърузалар ўқиш. 4. Динга қарши кураш олиб бориш учун хотин-қизларнинг ўзларидан фойдаланиш. 5. Махсус курслар ташкил қилиш, хотин-қизларни ўқитиш ва улардан мутахассислар тайёрлаш. 6. Корхона ва колхозларда динга қарши иш олиб боровчи тўғарақлар ташкил қилиш, буларга хотин-қизларни жалб этиш. 7. Миллий нашриётда хотин-қизлар учун мўлжалланган динга қарши рисоалар нашр қилиш. 8. Динга қарши кўргазмалар ва суратлардан иборат бурчақлар ташкил этиш. Бу жамият руҳонийларга «синфий душман» сифатида қараб, кескин кураш олиб борган ҳолда, тараққийпарвар руҳонийларнинг хотин-қизлар юзларини очишда жамоатчилиқ идоралари билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифларига эътибор бермади. Чунки советлар хотин-қизлар ўртасида диний эътиқоднинг сақланиб қолиши, биринчидан, «уларнинг ижтимоий активлиги ўсишига», иккинчидан, «оилада фарзанд тарбиясида салбий аҳамият касб этади», деб таъкидлаган ҳолда сиёсат юритди. Чунки социализм қуриш режасининг муҳим таркибий қисмларидан бири - «маданий инқилоб» сиёсати негизида миллий-маданий меросни инкор қилиш орқали аёлларни ҳамда ёш авлодни коммунистик ғоялар асосида

совет ҳокимиятининг хайрихоҳлари ҳамда итоаткорлари этиб тарбиялаш яширинган эди.

Ислом шариати қондаларида аёлларга нисбатан илгари сурилган ғоялар, яъни улар аввало аёллигини — ибо-ҳаёсини, назокатини, одобу хулқини, ўз саломатлигини асраши зарурлиги, аёллар, биринчи навбатда, она эканлиги, яъни ҳаёт манбаи ҳисобланиши советларнинг хотин-қизларга нисбатан олиб борган сиёсатида кўзланган мақсаддан тубдан фарқ қилган. Бу ҳам советларнинг динга нисбатан муросасиз кураш олиб боришига сабаб бўлган. Бироқ советларнинг юқорида таъкидланган динга қарши кураш усуллари орқали 70 йил мобайнида динга нисбатан зўравонлик ва таъқиблар давом этган бўлса-да, ўзбек халқи, жумладан аёллар диний эътиқод ва диний қадриятларидан мутлақо воз кечмади.

Мустақиллик туфайли жамият маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омили — ислом динига, миллий қадриятлар билан чамбарчас боғланиб кетган ислом қадриятларига муносабат тубдан ўзгарди. Чунки инсон қандай шароит ва муҳитда яшамасин, ўзида доимо муайян бир ғоя, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Зеро эътиқод, иймон, маслак бўлмас экан, жамият таянчсиз қолади. Шунинг учун ҳам, маънавий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган ислом динининг хулқ-атворимизни, руҳиятимизни мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёсдир. Дин ва маърифат муштараклиги аёлларимизнинг ижтимоий фаоллиги, баркамол авлод тарбиясидаги фидоийлигини онгли равишда йўлга қўйишга имкон беради. Шу боис, уларнинг дунёқарашини бойитишда исломий ҳамда дунёвий маърифатнинг уйғунлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда ислом дини ва қадриятларида аёллар ҳуқуқи, бурчи, масъулияти, айниқса, ижтимоий ҳимоясининг тартибга солиниши билан XX асрда қабул қилинган хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга доир махсус ижтимоий дастурлар, ҳужжат ва қонунларнинг бир-бирини тўлдириши хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамловчи ягона омилдир.

20-йилларнинг охирида «Хужум» шу қадар сафарбарлик тусини олган эдики, хотин-қизлар юзини очиш бўйича жумҳуриятлар ўртасида социалистик мусобақа ҳам ўтказилган, паранжига қарши комиссиялар тузилган. Шунингдек, аёллар юзидан паранжини юлиб олиб, ёқиб юборганларга мукофотлар ваъда қилиниши ишсиз юрган бекорчи-саёқларга қўл келган. Улар кўчада аёллар юзидан паранжини юлиб ола бошлаганлар. Бундай ҳақоратомуз жараёнларга кўпроқ комсомол ёшлар жалб қилинган. Масалан, Рамазон

байрами пайтида Самарқанд шаҳрининг эски қисмида 8 нафар комсомол томонидан аёлларнинг юзидан паранжини тортиб олиш ҳоллари бўлган. Маҳаллий халқ бундай хатти-ҳаракатларга қарши оммавий норозилик чиқишлари билан жавоб берган.

«Хужум» ҳаракати давомида партия, совет ва ижтимоий ташкилотлар томонидан маъмурий тазйиқнинг зўр бериб ўтказилиши, мажбурлаш каби ҳолатлар тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келди. Тунда «шарқ аёли озодлиги учун курашувчини» ҳам, озод этилган аёлни ҳам ўлдириб кетишарди. Расмий ҳужжатларда 1927—28 йилларда биргина Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар ҳаётдан жудо бўлганлиги рақамланган.

Айниқса, советлар аёллар юзини очиш ҳаракатида партия сафларидаги маҳаллий миллат вакилларида устамонлик билан фойдаланганлар. Жумладан, 1927 йилга келиб, Ўрта Осиё жумҳуриялари компартияларида 40 минг аъзо ва аъзоликка номзодлар бўлиб, шундан 25 минги маҳаллий миллат вакиллари эди. Улар «Хужум»нинг олдинги сафларида бориши ва намуна бўлиши кўзда тутилган эди. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз хотинларини паранжи ёқиладиган жойга бошлаб келишса-да, эртасига яна чачвонга киришга мажбур қилишарди. Шунга кўра, Ўрта Осиё бюросининг 1927 йил октябрь ойида бўлиб ўтган XIV Пленуми партия ходимларига «майда жинояти» учун ҳатто партия сафидан ўчиришгача бўлган жазони қўллаш ҳақида қарор қабул қилади. Ишонч уйғотиш ва маърифий тарғибот-ташвиқот йўллари ўрнига қўрқитиш, ваҳимага солиш, жазолаш усуллари қўлланилди. Натижада, 5-сонли Андижон ёғ-мой заводи, 2-сонли Қўқон ёғ-мой заводи комсомол йиғилишининг маълумотларида маҳаллий миллат вакилларида бўлган ишчи-коммунистлар ўз аёлларининг юзини очишга ҳайрихоҳ эканликларини билдирганлар. Ёки советларнинг тазйиқи остида 1927 йил баҳорида Фарғона округида бўлиб ўтган ўқитувчи-зиёлиларнинг вилоят съезди иштирокчилари ҳам «Хужум»ни бир овоздан қўллаб-қувватлаб, хотин-қизлар мактаби тармоғини кенгайтиришни ва эски турмуш тарзига қарши курашга тайёр эканликларини таъкидлаганлар. Лекин, афсуски, бундай «ташаббус» билан чиққан кўпгина ташкилотчи, фаол аёллар «Хужум» кампанияси қурбонига айланганлар. Чунки анъанавий жамият юқоридаги инқилобий ўзгаришларга ҳали тайёр эмас эди.

Бундан ташқари, руҳонийлар, дин уламоларидан ҳам тазйиқ орқали тилхатлар олиниб, уларнинг аёллари ҳам паранжи ташлашга мажбур қилинган. Лекин бу ижтимоий-сиёсий тadbирни ўтка-



зишда ўша даврда мавжуд бўлган ижтимоий аҳвол, миллий-маънавий дунёқараш, оиладаги ниҳоятда нозик бўлган эркак ва аёл ўртасидаги муносабат. кишилар онгига сингиб қолган диний қадриятлар, оила ва аёллар масаласидаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар эътиборга олинмади. Айниқса, жамиятнинг негизи, тарбиянинг ўчоғи ва ўзбек аёлининг бахти саналган оиланинг ролига беписанд назар оқибатида ажралишлар сони кўпайиб борди. Бу эса, ўз навбатида, оиладаги соғлом маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатди. Мана шу каби, «Хужум» ҳаракати туфайли юзага келаётган мудҳиш ҳодисаларнинг салбий оқибатларига қарши ўша даврда «қишлоқ буржуазияси», «социализм душманлари», «аксил инқилобчилар», «халқ душманлари», «колхоз душманлари» деб ном олган миллий халқ етакчилари, миллий арбоблар ва ўзига тўқ, хўжалигини бемалол юргиза оладиган тadbиркор деҳқонлар кураш олиб бордилар.

Жумладан, вазиятни тўғри баҳолаган миллий арбоблардан бири ер-сув ишлари Халқ Комиссари Иномжон Хидиралиев: «Мамалакат стихияли равишда руслар билан тўлиб-тошиб кетмоқда... Ўрта ҳол деҳқон ҳамиша норози....Хотин-қизларни озод этишдаги билмасликлар совет ҳукумати йиллаб тўплаган обрўйини йўққа чиқаряпти, шуни ёдда тутингки, уруш бўлган чоғда деҳқон бизни қўллаб-қувватламайди», — деган фикрни билдирган эди. Лекин унинг бу фикрлари партия учун тўхмат деб, эътироф этилган.

Миллий муҳолифат томонидан илгари сурилган «Хужум» ҳаракати жараёнида аёлларнинг юзини очиш билан боғлиқ бўлган тарғибот-ташвиқот ишларини фақат аёллар ўртасида эмас, балки эркаклар ўртасида ҳам олиб бориш лозимлиги, сўнгра аёллар юзининг очилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда советлар томонидан «хурофотчилар» деб қораланган руҳонийларга суяниш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар инobatга олинмади. Аксинча, руҳонийларга синфий душман сифатида қаралди. Диндорлар таъқиб ва тазйиқ остига олинди. Аслида, «миллий муҳолифат» социалистик тузумнинг фундаментал асосларига даҳл қилган эмас, балки «социалистик қурилиш»нинг бошқа йўлини таклиф этган. Улар таклиф этган йўл жамиятни тоталитаризмга томон боришининг олдини олишга, совет миллий сиёсатининг салбий жиҳатларини бартараф этишга, миллий манфаатларни қайта тиклаш жараёнлари билан узвий уйғунлаштириб боришга, демократия принципларига ва гуманистик қадриятларни қарор топтиришга ёрдам берган бўлур эди.

Шу билан бирга, паранжи ташлаш кампаниясида масъул ходимлар, миллий арбоблар томонидан бир қанча хато ва камчилик-

ларга ҳам йўл қўйилган. Замона зайли билан иш олиб борган, баъзида мурасачилик, таслимчилик йўлини тутишга мажбур бўлган, марказнинг чизган чизигидан чиқмай фаолият олиб борган масъул партия ходими, яъни ЎзКП МҚ биринчи котиби А.Икромовнинг «Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи» номли асарида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Хотин-қизлар партия сафига кириш учун интиломқлари керак. Улар эски, чириган ҳаётни таг-туғи билан йўқотиб ташлаб, ўзлари учун янги шароит яратадилар, ҳаётга янги урф-одатларни киритадилар, бунга бизни коммунистлар партияси чақирмоқда, паранжи ташлаш масаласи улкан, узоққа чўзиладиган ва оғир ишнинг бошланиши, холос». Шу билан бирга, Акмал Икромов 1927 йил 7 октябрда Умумўзбек хотин-қиз ходимларининг йиғилишида маъруза қилиб, «Хужум» ҳаракати давомидаги эришилган «муваффақиятлар», хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ миқдор кўрсаткичлар ҳақида маълумот бериш асносида мазкур рақамлар халқнинг ижтимоий-руҳий ҳолати, диний-маънавий омилларини ҳисобга олмасдан, менсимасдан кўрқитиш, ваҳимага солиш, жазолаш, тазйиқ ўтказиш усуллари билан қўлга киритилганлиги учун кўплаб қурбонлар беришга ҳам сабаб бўлганлиги ҳақида ҳеч нима демайди. А.Икромов шунингдек, «Хужум» даврида баъзи партия ва бошқарув вакилларининг руҳонийларга суянишини танқид қилиб, асосан «бизнинг армия батрақлар, камбағаллар, ўрта ҳоллар»дан иборат, — дейди ҳамда «Хужум» ҳаракати узоқ давом этадиган жараён эканлигини, уни секин-асталик билан режа асосида олиб бориш зарурлигини кўпчилик тушунмаётганлигини, жойларда хотин-қизлар «озодлиги»ни ташкил этиш усулларининг нотўғри эканлиги, яъни асосан, маъмурий-буйруқбозликдан иборат бўлаётганлигини таъкидлайди. Чунки кампаниябозлик билан бошланиб маъмурий-буйруқбозлик билан давом этган ҳаракатнинг аянчли оқибати шундан далолат берарди.

Яна бир миллий халқ етакчиси Ф.Хўжаев ҳам 1927 йил 30 мартда бўлиб ўтган республика советларининг II съездида диндорларни «совет маданияти»га хужум қилаётганликда айблайди ва маданият учун курашни хотин-қизлар озодлиги учун кураш, деб атайди. Шу билан бирга, хотин-қизлар озодлигини «муҳим иқтисодий аҳамиятга эга» эканлигини, «хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга уларнинг ёпиқлиги, саводсизлиги, оёқ-қўллари маиший урф-одатлар туфайли диний сарқитлар билан боғлиқлиги тўсиқ бўлаётганлиги»ни таъкидлаб, уларнинг «деярли социалистик давлат қурили-

шида иштирок этмаётганлиги»ни танқид қилади. Кўриниб турганидек, Ф.Хўжаев ҳам замонага ҳамнафас фикр билдирган. Лекин у амалда бўлмаса-да, гоёвий жиҳатдан советларнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан олиб бораётган «социалистик экспериментлар»га асосланган мустамлакачилик сиёсатига қарши бўлган «18 лар гуруҳи»га ҳайрихоҳ бўлган.

18 нафар масъул партия ва совет ходимларини ўз ичига олган бу гуруҳ ўзбек аёлларини озодликка чиқаришда шошма-шошарликка йўл қўйилаётганлигига, маъмурий тазйиқ ўтказилаётганлигига, дўқ-пўписа ва жарималар солиш билан ва милиция ёрдамида куч ишлатиб аёлларни мажлисларга олиб келиш ҳолларига қарши чиққан. Улар республикада ўтказилаётган ислохотларнинг боришида ўлканинг ўзига хос томонларини ҳисобга олишни таклиф қилганлар. Бироқ уларнинг бу чиқиши коммунистларнинг улкан гуруҳи томонидан қаршиликка учраб, «халқ душмани» сифатида қатагон домига тортилди.

«Хужум» ҳаракати оммавий сафарбарлик тарзида шошма-шошарлик билан олиб борилганлиги туфайли кўплаб фожиали оқибатларга олиб келди. Минглаб фаол хотин-қизлар, қишлоқ, туман кенгашларининг аъзолари, хотин-қизлар клублари ва кутубхоналар мудирлари ҳаётдан жудо бўлганлар. Албатта, бу кўрсаткич тўлиқ эмас. «Хужум»нинг оддий иштирокчиларидан қанчаси ўлгани ёки майиб-мажруҳ бўлгани, бу фожеалар учун масъулликни ва жавобгарликни ким ўз зиммасига олгани номаълум. Аёлларни «озодликка чиқариш» кампанияси натижасида бир қанча аёлларимиз бегуноҳ қурбон бўлдилар. Эр ўз хотинининг, ота ўз қизининг, ака ўз синглисининг қотилига айланди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, «1926—1928 йилларда фақат Самарқанд вилоятида 300 хотин-қиз ўлдирилган». Жумладан, Самарқанд округи Юқори Дархон районида ёвузларча фаол жамоатчи аёл З.Тоҳирова ўлдирилган, комсомол аъзоси бўлган учун Рафоат эри Исмаи томонидан ўлдирилган, «Хужум» фабрикасининг ишчиси Очилхон Содиқовани бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашганлиги учун эри бўғиб ўлдирган. 1927 йил 27 июнда Қўқон вилояти Бувайда туманининг Полосон қишлоғида деҳқон Абдуқодир Ҳожиматов ўз аёлини паранжи ташлаб, фаоллик кўрсатгани учун осиб ўлдирган, Андижон вилоятининг Назар Маҳрам қишлоғида хотин-қизлар орасида иш юритувчи фаоллардан Ҳадича Эшбоева ва унинг эри ўлдирилган, Фарғона яқинидаги Ўрмонзор қишлоғида паранжи ташлагани, хотин-қизлар йиғилишига қатнашгани учун Сурмахон

Шерматовани ўз эри ўлдирган, Бухорода Адолатхоннинг саводсизликни тугатиш курсида ўқиётганини эри билиб қолиб, ўлдирган. 1927 йилда Чуст-Поп райони Янгиобод қишлоғида Зулунби Йўлдошева, Чортоқ райони Мучум қишлоғида Зулфияхон Кўқибоева ва яна бошқа кўплаб аёллар советларнинг инқилобий янгиликларининг қурбони бўлишди. 1929 йилда Марғилонда Нурхон акаси томонидан ўлдирилган. Андижон округи Избоскан райони Луғумбек қишлоғи фаоли, 1926 йил «Кўшчи» уюшмаси аъзоси, 1927 йил 7 март куни биринчилардан бўлиб паранжи ташлаган, 1929 йил 9 январда маҳаллий ижроқўм раиси лавозимига тайинланган Омонбиби ваҳшийларча 19 жойига пичоқ уриб ўлдирилган. Омонбибини ўлдиришда 14 киши иштирок этган. Яна шу тумanning Чуама қишлоғида қишлоқ совети аъзоси этиб сайланган Тўхтабидини эри ўлдирган. 1928 йили Бухоролик фаол аёллардан Хосиятой Баҳромова паранжи ташлаб, комсомол сафига кирганлиги боис, эри ва унинг ака-укалари томонидан ўлдирилади. 1927–1929 йилларда Хоразм округида ҳам 76 та фаол аёллар ўлдирилган бўлиб, Хоразм округи хотин-қизлар советининг аъзоси Онажон Матрасулова, Новвотжон Маҳмудовалар шулар жумласидандир. Бундай воқеалар Ҳазораспнинг Питнак қишлоғида ҳам содир бўлиб, Дурмомо Ҳажиева, Моможон Полвонова, Ўғилжон Бакиева, Ўрозгул Матёкубова, Ҳалима Бердиева, Дурмомо Қутлимуратова, Шукур Бекмуродовалар совет тузуми тадбирларини қўллаб-қувватлаганлари ҳамда бу тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашганлари учун йўқ қилинган.

Авж олаётган хотин-қизларнинг оммавий фожеали тақдирига чек қўйиш мақсадида советлар «сопини ўзидан чиқар» мақоли асосида айёрлик билан маҳаллий миллат вакилларини ўзини ўзига қарши қўйди. Яъни «ҳужумчилар жаллодлар»ини маҳаллий халқ вакилларининг «талаби»га биноан, ўлимга маҳкум этган. Хусусан, 1928 йилда қамоққа олиниб, турли муддатга озодликдан маҳрум қилинган 671 кишининг 7 таси олий жазога ҳукм этилган. «...Ваҳшийликларнинг кўпайиб бориши баъзи хотин-қизларни саросимага солиб қўйди. Улар яна паранжи ёпина бошладилар. Марғилонда паранжи ташлаган 3000 хотин-қиздан 2600 таси яна паранжи ёпина бошлади». Шунинг учун ҳам, 1930 йил 23 февралда Собиқ Иттифоқ марказий ижроия қўмитаси томонидан «озодликка» чиққан аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кучайтириш тўғрисида («Об усилении мер социальной защиты за убийство женщин в связи с их раскрепоще-

нием») қарор қабул қилинган. «Буларнинг барчасига сабаб, «янги ҳаёт» ҳақидаги шиорларнинг етилмаган вазиятда, анъанвий турмуш тарзини ҳисобга олмаган ҳолда эълон қилиниши билан боғлиқ эди. Шундай шароитда кўпчилик советларнинг тазйиқ ва зўравонлиги таъсирида паранжи ёпиниб юришни таъқиқловчи қонун зарурлигини таъкидлаб, «Янги йўл» журнали ва бошқа газеталарга хат билан мурожаат қилишди. Лекин марказий ҳокимият чачвон ҳақида қонуннинг қабул қилинишини маъмурий усул деб билиб, жуда эҳтиёткорлик билан маккорона сиёсат юргизди.

1928 йил 5—12 декабрда бўлиб ўтган Шарқ хотин-қизлари ўрта-сида иш олиб борувчи ходимларнинг Умумиттифоқ йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан иқтисодий ва маданий-маиший тадбирлар орқали хотин-қизлар ҳимоясини ташкил қилиш ва чачвонни ташлашга даъват қилиш, бунга қаршиларни эса жазолаш зарур, деган хулосага келинди. Ўз ССР Жиноят кодексининг хотин-қизлар ҳимояси билан боғлиқ бандларига маълум ўзгартиришлар киритилди. 1928 йил 1 октябрда Ўзбекистонда никоҳ, оила, хотин-қизлар «озодлиги»га қаршиларга махсус моддаларни ўзида мужассамлаштирган қонунлар кодекси ишлаб чиқилди. Шундан сўнг, 1929 йил 8 март муносабати билан республиканинг узоқ районларида оммавий паранжи ташлаш ҳаракатлари бўлиб ўтди. 1929 йил мартда Қашқадарё округининг касаба уюшмаси аъзолари ўзларига яқин барча хотин-қизларнинг паранжи ташлашини шарт қилиб қўйди. Акс ҳолда, уларнинг касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариб юборилиши таъкидланди. Шундай қилиб, советлар ўз мақсадларига эришиш учун хотин-қизларни «иқтисодий озодликка чиқариш» шиори остида паранжи ташлашга бўлган курашни давом эттириб борди. Шунинг учун ҳам, қизил империянинг амалдаги сиёсати билан унинг яширин мақсадини англаш мушкул эди.

1928 йилдан шарқ хотин-қизларининг «очиши» билан боғлиқ иккинчи босқич бошланди. Бу босқичда «Ҳужум»га «зарбдорлик» туси берилса-да, коммунистларнинг ўз аёлларининг «очишига» қарши чиқиш ҳолатлари давом этди. Текширувлар натижасида айрим коммунистларнинг ўз аёлларини юзини номига очганликлари, амалда эса, улар паранжи ташламаганликлари маълум бўлди. Кўпгина совет ҳукумати аъзолари ҳам ўз аёлларини юзини очишдан бош тортганликлари маълум бўлди. «Кўшчи» иттифоқининг аъзолари ўз аёлларини «очмаётган»ликларини кўриб, деҳқонлар ҳам бу жараёнга қўшилмаётганликлари ҳақида хабар

келади. Бу жараёнлар совет ҳукуматини маъмурий-буйруқбозлик билан иш олиб боришига туртки бўлди. 1928 йил июндаги ЎзКП(б) МҚ ижроия бюроси коммунистларни ўз аёллари ва қариндошларини юзини қисқа муддатда очишини, назорат комиссияси «ёпиқ» қолган аёлларга ва улар билан боғлиқ коммунистларга нисбатан қатъий қарор қабул қилишини топширди. Бу вазифани амалга ошириш Адлия халқ комиссарлиги бошланғич партия ташкилоти зиммасига юклатилди. Бу ташкилотнинг йиғилишларида коммунистларга яқин бўлган хотин-қизлар очиқ ҳолда иштирок этишди. Шундан сўнг, 1929 йил 8 мартда энг чекка вилоятларда ҳам оммавий паранжи ташлаш ҳаракатлари бўлиб ўтди.

1929 йилнинг 8 майида Ўзбекистон ССР Советларининг III қурултойида хотин-қизларни «социалистик жамият қуриш ишига янада кўпроқ жалб этиш масаласи» муҳокама қилинди. Бу эса, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилишини янада жадаллаштирди. Натижада, «Хужум» ҳаракатининг ўсиб бориши давомида 1937 йилга келиб 273637 нафар ўзбек хотин-қизлари саводсизликни тугатиш курсларини муваффақиятли битирди, 1940 йилга келиб аёл ишчи ва хизматчилар сони 232 минг кишига етди. Бу эса бутун республикадаги ишчиларнинг 40,7 %ига тенг эди. Хусусан, хотин-қизлар тикувчиликда 82,3, қандолатчиликда 65,5, тўқимачиликда 88 %ни ташкил этган.

«Хужум» қисқа муддат ичида «муваффақият» билан яқунланганлиги, бунда эришилган ютуқлар фақат «Хужум»нинг таъсир кучи билан боғлиқ эмасди. Яъни аёлларимизнинг фаоллиги фақат паранжи-чачвон, «тўрт девор» ичида ўтган умрга нисбатан норозилик туфайли ҳам эмасди. Балки бунинг ўзига хос сабаби, аёлларимиз табиатида адолатсизликка қарши кураш, исёнкорлик ва жанговарлик туйғусининг мавжудлигида эди. Ўзбек хотин-қизларида ижтимоий фаоллик жуда кучли бўлган. Бунга сабаб, бир томондан, совет ҳокимияти ва большевиклар коммунистик партиясининг олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари бўлса, иккинчидан, аёлларнинг ўзларида интилиш, чанқоқлик бўлган. Лекин уларнинг бу интилишлари ғоявий жиҳатдан бўғиб келинган. Совет тузуми шундай бир жамият эдики, у нафақат аёлларнинг балки эркакларнинг ҳам сиёсий фаоллигини таъминлаб бера олмади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, «Хужум» Туркистон халқлари тақдирида маълум бир даврда, маълум бир муддатда эмас, балки советлар ҳукуматининг дастлабки кунларидан то сўнгги кунларигача ўз шаклини ўзгартирган ҳолда, турли хил кўринишларда, сохта

даъват ва шиорларга ўралган ҳолда давом этиб келди. Лекин «социалистик ғоялар»ни халқ манфаатига мос тушади, деб ишонган ўзбек аёллари бу айёрона сиёсатнинг моҳиятини англаб етмадилар ва ҳар жиҳатдан ўзларидаги туғма ватанпарварлик, эркпарварлик туйғусига таянган ҳолда шижоат билан фаолият олиб бордилар. Ўзбек аёлларининг сиёсий, ҳуқуқий онгининг ўсишига, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишига, эркин фикрлашига асрлар мобайнида аввал ислом дини таъсирида, сўнгра совет ҳукумати тазйиқида бўлганлиги туфайли имкон бўлмади. Ўзбек аёлларидаги шарқона андиша, ибo, ҳаё, итоаткорлик, мулоҳаза қилиш каби хусусиятлар ҳамда совет ҳокимияти маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимининг тазйиқи уларнинг ҳар қандай сиёсатга кўникиш, муроа қилиш оқибатини келтириб чиқарди.

### **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

«Ҳужум ҳаракати» — совет ҳукуматининг иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, хотин-қизларни «озодликка чиқариш» жараёнини сунъий йўллар билан жадаллаштириш мақсадида уюштирилган ҳаракат.

«18 лар гуруҳи» — 18 нафар масъул партия ва совет ходимларини ўз ичига олган бу гуруҳ ўзбек аёлларини озодликка чиқаришда шошма-шошарликка йўл қўйилаётганлигига, маъмурий тазйиқ ўтказилаётганлигига, дўқ-пўписа ва жарималар солиш билан ва милиция ёрдамида куч ишлатиб аёлларни мажлисларга олиб келиш ҳолларига қарши чиққан.

### **САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:**

1. 20-йиллар охирида амалга оширилган хотин-қизларни «озодликка чиқариш» ҳаракати нима учун «Ҳужум» деб номланган?
2. «Ҳужум» ҳаракати неча босқичда амалга оширилган?
3. Ўзбекистонда «Ҳужум» ҳаракатини ўтказишдан кўзланган мақсад нима эди?
4. 20-йилларда республикада ўтказилган «Ҳужум» ҳаракати хотин-қизлар ҳаётига қандай ўзгаришлар олиб кирди?
5. «Ҳужум» ҳаракати қандай салбий оқибатларни юзага келтирди?
6. Хотин-қизлар клуби қачон ташкил этилган ва унинг вазифаси нимадан иборат бўлган?

## «ЧАРХПАЛАК» технологияси

№	Совет Ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий- сийсий, иқтисодий тадбирлари ва унда хотин-қизлар иштироки	«Хужум» ҳаракати	ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюросининг 1926 йил сентябрдаги махсус қарори асосида	1930 йил феврал	1919 йил 12 ноябрда	Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини сунъий тарзда тезлаш- тиришга қаратилган мажбурий ҳаракат	1927—1928 йилларда	1920—1922 йиллари
		1	2	3	4	5	6	7
1.	«Хужум» ҳаракати нечанчи йил бошланган?		+					
2.	«Хужум» ҳаракатининг моҳиятини қандай тушунаси?					+		
3.	«Хужум» ҳаракати нечанчи йилларда кенг қулоч ёзди?						+	
4.	1927 йил тарихда қандай ном билан муҳрланди?	+						

Хулоса қиладиган бўлсак, хотин-қизларни озодликка чиқариш жараёнини сунъий йўллар билан жадаллаштириш мақсадида уюштирилган «Хужум» ҳаракати давомида ўзбек аёлларининг ўзига хослиги, уларнинг миллий ва диний анъаналари, маънавий қадриятлари ҳисобга олинмади.

«Янги тузум» ҳақидаги тасаввурлар кенг халқ оммасининг ижтимоий онгида ҳали шаклланиб улгурмаган бир шароитда «Хужум» кампанияси уюштирилди. Эркакларнинг психологияси ва уларнинг асрлар давомида оиладаги имтиёзли даражаси ўзгарган вазиятга кўника олмади. Минг йиллик турмуш тарзи, диний-маданий, ахлоқий меъёрлар, жинсларнинг ижтимоий мақоми қонунлари бўйича яшовчи жамият амалда «аёллар тенглигини» англашга ва тезкорлик билан ўзгаришга қодир эмас эди. Жамият онгини ўзгартириш учун вақт ва саъй-ҳаракатлар зарур эди.

Хотин-қизларни озод этиш бўйича маъмурий тазйиқ, радикал чоралар, уларнинг жамият ҳаётига жалб этилиши, айниқса, «Хужум» ҳаракатида йўл қўйилган шошма-шошарлик, хатолар жараёнининг мажбурий туси жамиятнинг ортодоксал кучлари учун детанатор ролини ўтади.

Ўзбекистонда янги жинслараро муносабатларнинг шаклланиши



совет давлати томонидан (собиқ Совет Иттифоқининг бошқа республикалардаги каби) хотин қизларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенглик берган «социалистик тузум афзалликлари»нинг исботи сифатида амалга оширилган. Жинслар тенглиги ғояларининг рўёбга чиқиши янги жамиятнинг адолатлилигини исботлашга қаратилган.

• Хотин-қизларнинг кўплаб ҳуқуқлари ва эркинликлари кўз-кўз қилиш тусига эга бўлганига қарамай, маиший ва ижтимоий тафаккурга аёллар тақдирининг азалдан белгиланганлаги тўғрисидаги фикрлар сақланиб қолди. Лекин, шунга қарамай, аёллар озодликка чиқиб, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга киришиб кетган.

• «Хужум» «муваффақиятлари»дан эсанкираб қолган советлар маҳаллий халқ қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай унутиб, руҳонийларга беписанд қарадилар. Диннинг инкор этилиши ҳам хотин-қизлар тақдири билан боғлиқ салбий оқибатларнинг келиб чиқишига туртки бўлди. Бу ерда маърифий ислом ғояларини илгари суриб, эскирган диний ақидаларни йўқ қилиш, аёлларда янги ҳаётга қизиқиш ўйғотиш, уларнинг ўз қадрини анъанавий паст баҳолашларини енгиб ўтиш лозим эди.

• «Хужум» ҳаракати давомида халқнинг асрий удумлари, ўзбек аёлларига хос шарқона аёл анъаналари, улар одоби ва ахлоқ тамойилларининг бузилиши, уларнинг ор-номусини менсимаслик ҳолатлари кўплаб фожиали оқибатларга олиб келди.

• «Хужум» ҳаракати хотин-қизларни том маънода озод ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш учун эмас, балки советларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари йўлида уюштирилди. Натижада, хотин-қизлар ҳам эркаклар қатори огир жисмоний меҳнатга жалб қилинди.

• «Хужум» ҳаракатининг бирдан-бир ижобий томони шундаки, мусулмон аёлларининг ўз истеъдодлари ва салоҳиятларини намоён қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш, таълим олиш имконини берди. Шунинг учун ҳам, «Хужум» ҳаракати зиддиятлар ва йўл қўйилган жиддий хатоларга, жисмоний ва маънавий йўқотишларга қарамасдан, ўзбек аёлининг озодликка чиқишида, тенг ҳуқуқлилиikka эришишида, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баробар мавқега эга бўлишида муҳим тарихий босқич бўлди.

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Алимова Д.А. «Хужум»га зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 й. 11 сентябрь.





2. Аминова Р.Х. «Хужум» Ўзбекистон хотин-қизлари тақдиринда. — Тошкент: Билим. 1987. — 22 б.
3. Худжум-значит наступление. — Т.: Узбекистан. 1987. — 206 с.
4. Нюрина Ф. Паранджа. — М-Л.: Госиздат. 1928. — 12 с.
5. Ражапова Р.Ё. «Хужум»нинг тарихий тажрибаси. — Т.: Билим. — 24 б.

### **1.3. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва унда хотин-қизлар иштироки**

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати моҳиятида хотин-қизларга муносабат масаласини очиб бериш. Индустрлаштириш сиёсати ва унда хотин-қизлар иштирокини илмий таҳлил этиш асосида совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини талабаларга манбалар асосида етказиш, уларга чуқур маълумот ва тушунчалар бериш.*

Хотин-қизларга муносабат масаласи турли даврларда ижтимоий тузум нуқтаи назаридан, турли синфларнинг манфаатларидан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳадаги муаммоларини ечишга бўлган интилишидан келиб чиқиб ҳал қилинган, ammo ҳозиргача ўзининг тўлиқ ечимини топмаган.

Масалан, қадимда аёлларга эркакларнинг шахсий мулки сифатида қаралган бўлса, ўрта асрларда аёлларнинг фуқаролик ва шахсий ҳуқуқлари чекланган эди. Тараққиётнинг кейинги даври эса, хотин-қизларга муносабатда ижобий ва салбий ёндошувларга сабаб бўлган. Саноатнинг ривожланиши, урбанизация жараёнининг тезлашуви арзон ишчи кучига эҳтиёжни кучайтирди, натижада, аёллар арзон ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришда қатнаша бошлади. Бу ҳолат аёлларнинг инсон, эркак киши билан тенглиги ғоясининг вужудга келишига замин яратди. 1781 йили Олимпия де Гуж «Фуқаролик ва аёл ҳуқуқи декларацияси»ни ишлаб чиқди ҳамда аёлларнинг эркин фикрлаши ва ўз фикрини эркин баён қилиши ҳуқуқига эга эканлигини эълон қилди. 1789 йилда француз файласуфи Ж.А.Кондори «Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида» мақоласини чоп этди. Ва аёлларга жамият аъзоси эканлигини таъкидлаб, улар миллатнинг бир қисми эканлигини, уларга муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлади. Лекин, шу билан бирга, аёл-она ва аёл-

ишчи ўртасидаги зиддият кучайиб борди. Айниқса, бу муаммо Шарқ аёллари ҳаёти тарихида яққол кўринди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, яъни XX асрнинг суронли 20–30-йилларда ўта зиддиятли, инқилобий ўзгаришлар муҳим роль ўйнаган жамиятда аёлларга муносабат коммунистик партия кўрсатмаси ва талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳал қилинди. Маҳаллий хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, аввало мустабид тузумнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун зарур эди. Энг аввало, социализмнинг бош мақсади ўз иқтисодини ривожлантириш экан, шу мақсадда хотин-қизлардан ишчи кучи сифатида фойдаланиб, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этди. «Социализм мамлакатларидан бўлак жаҳонда ҳеч бир мамлакатда ишловчи хотин-қизлар фоизи бунчалик юқори эмас» дейилади, жаҳоннинг энг нуфузли журналларидан бирида.

1920 йил май ойида бўлиб ўтган Туркистон ишчи аёлларининг Биринчи ўлка съезди аёлларни «мазлум Шарқда инқилобий ўзгаришларга ва шарқ аёлларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун курашга чақирди». Чунки мустабид тузум хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги оммавий иштирокисиз уларнинг тўлиқ озодлигини таъминлаб бўлмаслигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг оиладан ҳам кўра кўпроқ ишлаб чиқаришда қатнашишидан манфаатдор эди. «Иқтисодий мустақиллик — жамиятда хотин-қизлар тенг-ҳуқуқлилигини таъминлашда асосий, бош ютуқ», деб, «иқтисодий мустақилликни таъминлашдаги бош вазифа эса, хотин-қизларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишдан иборат», деб ҳисобланди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан совет ҳокимияти ўзининг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш заруриятидан келиб чиқиб, паранжидан озод бўлган хотин-қизларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига фаол жалб қилишни истиқболлий вазифа этиб белгилади. Шунинг учун унга хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи омил сифатида қаралди. Шу мақсадда маҳаллий хотин-қиз кадрлардан ишчилар синфини тўлдиришга киришилди.

1925 йил июндаги РКП(б) МҚ Ташкилий бюросининг «Совет Шарқи хотин-қизлари ўртасидаги ишлар бўйича вазифалар ҳақида»ги қарорига мувофиқ совет ҳукуматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш мақсадида маҳаллий миллат хотин-қизларини саноат ишлаб чиқаришига кенг жалб қилишга киришилди. Совет ҳукуматининг саноатлаштириш сиёсатини амалга татбиқ этиш, бунда хотин-қизлардан асосий арзон ишчи кучи мақса-

дида фойдаланиш учун 1925 йил 4 июнда ЎзКП(б) МҚ ва ЎзССР Меҳнат Халқ комиссарлиги таркибида хотин-қизлар меҳнати-ни ўрганувчи марказий Комиссия тўзди. Марказий Комиссия-нинг саноат ишлаб чиқаришидаги хотин-қизлар меҳнати-ни ўр-ганиши натижасида, республика бўйича 1925 йилда ишчиларнинг 4680 таси (1600таси ўзбек), яъни 9,7%ини аёллар ташкил эт-ган, шулардан 125 таси, яъни 0,2%и балоғатга етмаган қизлар-дан иборат эди. Хотин-қизларнинг саноат ишлаб чиқаришидаги бандлик даражаси айниқса, Тошкент вилоятида юқори эди. Қисқа муддат ичида саноат ишлаб чиқаришидаги маҳаллий хо-тин-қизлар салмоғи ортиб борди. Масалан, Марғилон ип йиги-риш фабрикасида 1924 йилида 12 та ўзбек аёл меҳнат қилган бўлса, 1925 йилга келиб, бу рақам 300 тага етди.

1925 йил 22 июнда РКП(б) МҚ Ташкилий бюросининг «Партиянинг Совет Шарқи хотин-қизлари ўртасидаги ишлар бўйи-ча вазифалари ҳақида»ги қарориди маҳаллий хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишда хотин-қизлар клуби муҳим таянч вазифасини бажариши лозимлиги таъкидланди. Шу-нинг учун хотин-қизлар клубига алоҳида эътибор қаратилди.

Советлар 20-йилларнинг бошларида аёллар кучидан кенг фой-даланиш масаласига эҳтиёткорлик билан ёндошганлар. Аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг зар-рарли, мураккаб соҳаларига уларни жалб қилиш таъқиқланган. Даставвал, маҳаллий хотин-қизлар кооперацияларга бирлашти-рилди. 1925 йил февралдаги Ўзбекистон КП I съезди касб-ҳунар-мандчилик кооперацияларига эътиборни кучайтириш лозим, деб топди. Ҳунармандчилик кооперациялари маҳаллий хотин-қизлар-ни фабрикаларга жалб қилишда ўтиш босқичини бажарган.

Кооперация масаласига фақат ижобий баҳо берилиши ҳам жиддий хатолик бўлар эди. Кооперацияга ялпи жамоалаштириш-нинг бошланғич бўғини сифатида баҳо берилди, улар ҳақидаги тушунча бир-бирдан кескин фарқланмади. Кооперациялар енгил саноатга тааллуқли бўлиб, улар шаҳарлардагина мавжуд эди. 1925 йилда кооперациялардаги хотин-қизлар сони 500 та бўлган бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 3,5 мингга етди. Хотин-қизларни ко-операцияларга жалб қилиш чуқур ўйлаб, ишлаб чиқилган тадбир бўлиб, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш, умумий меҳнатга ўргатиш орқали нафақат уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, балки янги дунёқарашини шакллан-тиришда ҳам асосий омил бўлади, деб ҳисобланди.

Хунармандчилик — ишлаб чиқариш кооперацияси тизимида хотин-қизлар артелларининг тузилиши дастлабки босқичда, энг қулай ва мақбул усул ҳисобланди. Биринчи артель Қўқонда ташкил топди. 1922 йил 10 июнда Фарғона вилояти хотин-қизлар бўлими йиғилишида артеллар ташкил қилиш ва уларга маҳаллий аёлларни жалб қилишни кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди. 1925 йилнинг охирига келиб, ҳар бири 20 дан 100 тагача хунарманд аёлни ўз ичига олган артеллар республиканинг кўпчилилик уездларида тузилди.

Лекин артелларнинг моддий-техник таъминоти оғир эди. Шунингдек, артелларнинг ижтимоий таркиби ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, унда қишлоқ аёлларининг камбағал қисми кўпчилиликни ташкил этган. Кўп ҳолларда артеллар моддий қийинчилик ва хўжалик раҳбарлари томонидан эътиборсизлик туфайли тарқалиб кетарди. Советлар артелларни хотин-қизларнинг «иқтисодий мустақиллиги»ни таъминлашдаги восита деб, рўкач қилиб, амалда эса, уларнинг жисмоний меҳнатларидан фойдаланиш мақсадида тиклаш учун ҳаракат қилдилар. Шунинг учун 1922 йил сентябрда Кустпром (хунарманд саноати уюшмаси) тузилиб, унинг зиммасига хотин-қизлар артелларини ташкил қилишни янада кенгайтириш ва хотин-қизларнинг касб-техник малакасини ошириш учун уларни ўқитиш тизимини яхшилаш каби вазифаларни қўйди. Шундан сўнг, маҳаллий аёлларни фабрика- завод ўқувчилигига қабул қилиб, уларнинг малакасини ошириш тadbирлари олиб борилди.

Совет ҳукуматининг янги иқтисодий сиёсати туфайли хотин-қизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш янада кенг тус олди. Айниқса, хунармандчилик саноат кооперацияси таркибида хотин-қизлар ўртасида иш олиб борувчи инструктор лавозимининг тасдиқланиши бу жараёни янада тезлаштирди. Инструкторлар мунтазам равишда ойлик йиғилишлар ва слётлар уюштириш орқали ўзининг ташкилий фаолиятини кучайтириди. Натижада, 1925 йилда фақат Тошкент вилоятида 2632 нафар хотин-қиз саноат кооперациялари корхоналарида меҳнат қилди. Лекин мавжуд ижтимоий турмуш тарзи, мафкуравий жиҳатдан дин таъсири совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин-қизлардан иқтисодий мақсадда фойдаланишига имкон бермас эди. Шунинг учун ҳам, 1925 йилда «Курашчан худосизлар иттифоқи» уюшмаси ташкил этилди. Советлар ушбу ташкилот орқали ўзига хос режа асосида динга қарши курашди: 1. Ёш хотин-қизлар ўртасида динга қарши курашни кенг миқёсда олиб бориш. 2. Шу мавзуда аёллар ўртасида семинарлар

ўтказиш. 3. Маърузалар ўқиш. 4. Динга қарши кураш олиб бориш учун хотин-қизларнинг ўзларидан фойдаланиш. 5. Махсус курслар ташкил қилиш, хотин-қизларни ўқитиш ва улардан мутахассислар тайёрлаш. 6. Корхона ва колхозларда динга қарши иш олиб боровчи тўғарақлар ташкил қилиш, буларга хотин-қизларни жалб этиш. 7. Миллий нашриётда хотин-қизлар учун мўлжалланган динга қарши бир нечта рисоалар нашр қилиш. 8. Динга қарши кўرғазмалар ва суратлардан иборат бурчаклар ташкил этиш.

Советлар барча қолақликларнинг сабабини дин билан боғлашга ҳаракат қилишди. Исломи дини хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда қатнашишини ман этмаса-да, ислом динини тан олмаслик сиёсати олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятини кучайтирди. .... «аёллар ўртасида динга қарши ташвиқотни кескин йўлга қўйиш, уларни ижтимоий меҳнатдан четлаштириб юборади», деб «кўпхотинлик ва қалин олинишини диннинг айби» қилиб кўрсатилди.

ВКП(б)МҚ Ўрта Осиё бюроси 1926 йил 2–4 мартдаги пленумида артелларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ҳақида ва 1926 йил августдаги СССР МИҚ Президиумининг меҳнаткаш хотин-қизларнинг маиший турмуш тарзи ва меҳнат шароитини яхшилаш комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Чунки 20-йилларнинг охирига келганда совет ҳукуматининг моддий-техник базасини мустақамлаш зарурияти аёлларни эркақлар билан ҳар жабҳада «тенглаштириш» сиёсатини устун қилиб қўйди. Шундан сўнг хотин-қизлар жамоатчилиги, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларга тобора кенгроқ жалб этила бошланди.

1926 йил 1 январда Ўзбекистон корхоналарида 1600 ўзбек хотин-қизлари ишлар эди. Булар асосан, Тошкентда тикувчилик, Фарғонада тўкувчилик корхоналари эди. 1926 йил якунида республика бўйича 814 маҳаллий аёллар аъзо бўлган 16 та йирик хотин-қизлар артеллари мавжуд эди. Совет ҳукумати артеллар учун 12 минг сўм миқдорида кредит ажратди. Буларнинг барчаси совет ҳукуматининг мақсад-манфаати йўлида қилинган саъй-ҳаракат бўлиб, унинг негизида хотин-қизларни ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб қилиш орқали уларнинг жисмоний меҳнатидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш ётарди.

1927 йил ноябрда бўлиб ўтган Ўрта Осиё хотин-қизлари ходимларининг V Ўлка йиғилиши ҳунармандчилик кооперацияла-




ридаги хотин-қизлар миқдорининг ўсганлигини маълум қилди. Бу жараён ўз навбатида янги муаммони, яъни иншоот ва асбоб-ускуна заруриятини келтириб чиқарди. Натижада, «аёллар оғир қўл меҳнатида халос қилиш» ниқоби остида техникани ўзлаштиришга мажбур этилди.

1929 йил май ойида СССР ХКС «Хунармандчилик билан машғул хотин-қизларни кооперативлаштириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилиб, уларни маълум мутахассислик бўйича ўқитиш лозим, деб топди. Чунки хунармандчилик кооперацияларида «малакали мутахассислар» етишмаслиги баъзида уларнинг ёпилишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланиб, хотин-қизлардан турли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг мақсадда, биринчи беш йиллик давомида кооператив фаолларини тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил қилиниб, уларда 7 минг хотин-қиз ўқиди, 200 дан ортиқ хотин-қиз техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилди, 600 хотин-қизни партия ташкилотлари кооперациянинг раҳбарлик ишига тортди.

1926 йил 1 октябрдан 1929 йилгача артелларнинг сони 16 тадан 50 тага, улардаги хотин-қизлар миқдори эса, 814 тадан 4258 тага етди (10-шова).

### Хотин-қизлар артеллари сонининг ўсиши

Йил	Артеллар сони	Аъзолар сони
1925–26 йиллар	16 та	814 нафар
1927–28 йиллар	30 та	1200 нафар
1929 апрелгача	50 та	1558 нафар
1929 якунида	50 та	4258 нафар
1930 йил		5248 нафар







Дастлабки йилларда асосан тикувчилик ва касб-ҳунармандчилик артеллари тузилган бўлса, 1927–29 йиллардан саноат ишлаб чиқариши йўналишидаги корхоналар тузилиши кенг тус олди.

Хотин-қизларни артелларга жалб қилишни янада жадаллаштириш мақсадида саноат кооперациялари ўртасида «социалистик» мусобақалар ташкил қилинди. Хотин-қизларнинг мусобақадаги иштироки уларнинг сиёсий онги даражаси билан белгиланди. Бу эса, уларнинг мусобақадаги иштирокини мажбурий қилиб қўйди.

Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш, улардан малакали ишчилар, раҳбар ходимлар тайёрлаш мақсадида, ҳунар билим юртлари, фабрика- завод ўқувчилиги, ишчи мактабларига ҳам алоҳида эътибор берилди бошлади. Бироқ, улардаги хотин-қизлар салмоғи жуда секинлик билан борганлиги туфайли, ўқувчиларни жалб этиш муаммоси маъмурий йўллар билан ҳал қилинди. Масалан, 1920 йиллар ўрталарида Ўзбекистонда ФЗУлардаги қизлар 5,0%ни ташкил этган. 1927–28 ўқув йилига келиб ФЗУлардаги 165 хотин-қиз ёки барча ўқувчиларнинг 12,2 % таълим олди. Бундан ташқари, 1927 йилдан Ўзбекистонда индустриал-техник мактаблари ташкил этиш жараёни ҳам бошланди. Шу йили республикамызда атиги 117 хотин-қиз бундай мактабларда ҳунар ўрганди.

1929 йилда маҳаллий миллат хотин-қизларининг кўпчилиги ўрта махсус маълумотга эга бўлди. 1926 йилда 27 хотин-қиз олий ўқув юртида таҳсил олди. Бир қатор хотин-қизлар ишчи факультетларига қабул қилинди. Саноат соҳасидаги таълимни такомиллаштириш учун турли тўғарақлар ташкил этилди. 1927 йилда Ўзбекистон бўйича 37 тўғарақда 50 хотин-қиз (барчаси бўлиб 304 киши) машғулотлар ўтган бўлсалар, бу рақам 1928 йилда эса 54 тўғарақда 75 хотин-қиз (барчаси бўлиб 558 киши) машғулот ўтган. Лекин, баъзи тўғарақларда таълим учун ҳақ олиниши хотин-қизлар сонини кескин камайиб кетишига сабаб бўлди. «Туркшёлк» трести фаолияти ўрганиб чиқилганда, ундаги хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан сунъий равишда сиқиб чиқарилганлиги маълум бўлди. Сабаб – хотин-қизлар меҳнатининг кам унум бўлганлигида ва кам малакали эканлигида эди. Шунинг учун махсус комиссия ФЗУлар, индустриал-техник, курслар ижтимоий нуфузини оширишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқа бошлади. Айниқса, «Хужум» ҳаракати

туфайли ФЗУларга хотин-қизларни қабул қилиш кенг тус олди. Чунки «Хужум» кампаниясини ўтказиш учун ташкил этилган комиссиялар таркибида 1927 йил январ-феврал ойларида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида иқтисодий ёрдамчи комиссиялар тузилди. Уларнинг вазифаси паранжи-чачвондан озод бўлиб, завод-фабрикада ишлашга «интилган» аёлларни иш билан таъминлаш ва ФЗУларга жалб қилишдан иборат эди. Шунинг учун Меҳнат Халқ комиссарлиги 1927—28 бюджет йилида 50 минг сўмни хотин-қизлар таълимини ташкил этишга сарф қилишга қарор қилди. 1927 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Ўрта Осиё хотин-қизлари ўртасида иш олиб борувчи ходимларнинг V Ўлка йиғилиши маҳаллий миллат хотин-қизларидан ишчи ходимлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратиб, уларнинг малакасини ошириш учун махсус ўқитиш лозимлигини таъкидлади ва қизларни ФЗУларга жалб қилиш жуда паст даражада — 5,9% эканлигини танқид қилди.

Ўзбекистонда хотин-қизлардан саноат ходимлари тайёрлашда Олий ўқув юртли ва муассаса, ташкилотлар қошида пайдо бўлаётган ишчи факультетларидан фойдаланилди. 1926 йилда ишчи факультетларига хотин-қизлар қабул қилина бошлади, бироқ мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият бундай билим юртлирида хотин-қизлар сонининг ортиб боришига тўсқинлик қилди. Хусусан, 1928 йилда кундузги ишчи факультетлари ўқувчиларининг 10 % ини, кечки факультетлар ўқувчиларини ҳаммаси бўлиб, 5 % ини хотин-қизлар ташкил этар эди.

Собиқ сиёсий ҳокимият ўз манфаатидан келиб чиқиб, 1929 йил 22 февралда «Техника билим юртлири, техникумлар ва ишчи факультетларига қизларни қабул қилишдаги имтиёзлар» тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Қарорга биноан, ўқув юртлирида хотин-қизлар учун 25—30% ўрин имтиёзли тарзда ажратилиши лозим эди. Шу билан бирга, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида болалар боғчалари ва ясилар очилди. 1928—29 йилларда уларнинг сони 70 тадан кўпроқ бўлиб, ишчи аёлларнинг 1270 фарзанди тарбияланар эди. Оналар учун аёллар маслаҳатхонаси ва «Она ва бола» бурчаклари ташкил қилинди. Мақсад, оналарни ошхона ва бола тарбиясидан озод қилиш эди. Чунки советлар томонидан беш йиллик режаларнинг амалга ошиши аёлларнинг шу икки вазифадан озод қилиниши билан боғлиқ, деб таъкидланди. Партия ва совет ҳокимияти учун хотин-қизларнинг соғлиғи ва фарзанд тарбияси, уларнинг кела-


жақдаги тақдири иккинчи даражали масала эди. Биринчи навбатдаги асосий вазифа, қандай қилиб бўлса ҳам, қисқа муддат ичида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини ортиғи билан бажарилишига эришишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам, аёлларга уларнинг биофизиологик имкониятини инобатга олмай муносабатда бўлиш жиддий салбий ижтимоий оқибатларга олиб келган. 1929 йилги маълумотга кўра, республикада ўртача 1000 эркакка 885 та аёл тўғри келган, бу нисбат шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ қилган. Яъни шаҳар аҳолиси учун 1000 эркакка 893 та, қишлоқда эса, 1000 кишига 883 та аёл тўғри келган. Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида хотин-қизлар улуши камлигининг барқарорлиги бевосита улар орасида ўлимнинг кўплиги билан изоҳланади. Бунинг сабаби — хотин-қизлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, уларни имконияти кўтармаган ишлаб чиқаришда банд бўлиши, туғилишнинг физиологик жиҳатдан ҳаддан зиёдлиги, тез-тез ва кўп фарзанд кўриш (10–15 бола) туфайли аёллар организмнинг табиий толиқишидадир.

Шундай бўлса-да, маҳаллий хотин-қизлардан миллий пролетариатни шакллантириш мақсадида уларнинг замонавий техника билимларини оммавий ўзлаштиришига эътибор қаратилди. Яъни техника янгиликларидан «баҳраманд қилувчи» турли курслар ташкил қилинди. Натижада, ишчи факультетларида хотин-қизлар сони орта борди, жумладан, 1932 йилдан 1935 йилгача 2,7%гача ошди. Тайёрлов курсларида эса хотин-қизлар сони шу даврда 1,9 минг кишидан 5 минг кишига етди. Аммо улар ичида маҳаллий миллат хотин-қизлари озчиликни ташкил қиларди.

Хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишда СССР МИҚ қарори билан 1926 йил августда ташкил қилинган меҳнатқаш хотин-қизларнинг моддий ва меҳнат шароитини яхшилаш бўйича марказий комиссия «ташаббус» кўрсатди. Ушбу комиссия хотин-қизларнинг енгил саноатда бандлиги етарли эмас, деб қайд этди. Шундан сўнг, саноат ишлаб чиқаришида хотин-қизлар иштирокини янада кучайтириш мақсадида 1929 йилда ўзбек хотин-қизлари халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлиш учун Тошкентдаги иқтисодий-саноат техникумини, Фарғонада политехникуми битириб чиқдилар. Натижада, йилдан-йилга фабрика-заводда банд бўлган хотин-қизлар сони ортиб борди (11-12-шова).


## Ўзбекистонда 1927–29 йилларда саноатда хотин-қизлар меҳнати

Трест ва корхоналар	1927 йил			1929 йил		
	Ишчилар	Хотин-қизлар		Ишчилар	Хотин-қизлар	
		Сони	%		Сони	%
Ўзбек давлат нефть	518	25	5,0	614	30	4,9
Ўзбек тери трест	137	2	1,5	498	11	2,2
Ўзполиграфтрест	526	76	14,4	528	80	14,9
Цемент заводи	228	18	7,0	293	20	6,8
Ўзбекивино	752	121	16,1	835	147	17,6
Ўзбек озиқ-овқат трести	485	192	39,6	455	203	44,6
Туркшёлк	700	530	75,7	1886	1011	50,9
Қизилшарқ	5679	3203	56,4	5906	3447	58,4
<b>Жами:</b>	<b>9021</b>	<b>4168</b>	<b>46,2</b>	<b>11125</b>	<b>4949</b>	<b>48,5</b>



## 1928–30 йилларда хотин-қизларнинг саноат ишлаб чиқаришида бандлиги

Тармоқлар	1928–29йй.		1929–30йй.	
	Сони	%	Сони	%
Пахта тозалаш	207	16	321	49
Шойини қайта ишлаш	2325	60	3122	63
Тамаки	166	62	191	63
Тикувчилик	133	37	157	39
Озиқ-овқат	13	7	35	8



Бироқ шу билан бирга, саноатда хотин-қизлар меҳнатини сиқиб чиқариш давом этди. Бунга сабаб, енгил саноатда турар жой муаммоси ва мактабгача тарбия муассасаларининг етишмаслиги бўлса, оғир саноатда эса, кўп жисмоний меҳнат талаб қилиниши эди. Масалан, шойини қайта ишлаш саноатида 1927 йили хотин-қизлар салмоғи 80,3% бўлса, 1929 йилга келиб бу рақам 63,3% ни ташкил этган. Тўқимачилик саноатида эса 1927 йилдаги 38%дан 1929 йилга келиб, 32,9% га камайиб кетган. Озиқ-овқат тармоғида хотин-қизлар салмоғи 1927 йилда ишчи кучининг 10% ини ташкил қилган бўлса, 1928 йилда 7,9%га тушиб қолган. Шунингдек, қандолатчиликда 53,3% — 52%; тикувчиликда 32,2% — 30,7%га, полиграфияда 14% — 12,6% га тушган. Бундай ҳолат пайдо бўлишининг объектив сабаблари шунда эдики, оғир жисмоний меҳнатга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг талабларига хотин-қизлар жавоб бера олмадилар. Натижада, жуда катта ижтимоий муаммолар келиб чиқди. Хотин-қизлар организидаги турли касалликларнинг келиб чиқиши, уларни оммавий тарзда саноат корхоналаридан кетишига сабаб бўлди. 1930 йилда Марғилоннинг ип йигирув фабрикасида ўзбек ишчи аёллари сони кескин камайиб, 3% ни ташкил этди. Шундай шароитда советлар томонидан хотин-қизлар меҳнатидан янада унумли фойдаланиш мақсадида «Энг яхши аёл меҳнатини ташкил қилиш учун» танлов дастури ишлаб чиқилган. Меҳнат «икки ҳафталиклари», вакила аёллардан зарбдор бригадалар ташкил этилган. Хотин-қизлар ўртасидаги ташвиқот ишлари кучайтирилган. Шунингдек, ўзбек хотин-қизларининг саноатдаги бандлиги даражасини 44 % га етказиш режалаштирилган. 1930 йилда Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан аёлларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш бўйича махсус беш йиллик режа ҳам қабул қилинган. Хотин-қизларнинг саноатдаги бандлигини кучайтириш мақсадида биринчи беш йиллик даврида Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда шойини қайта ишлаш фабрикалари қурилди. 1930 йилда республика саноатига 3845 аёл-ишчи талаб қилинди. Шу билан бирга, 1931 йил Ўрта Осиё бўйича режалаштирилган 134минг қурилиш ишчисига аёллар ҳисобидан эришилди. Лекин 1935 йилда ЎзКП(б) МҚ Бюроси Марғилон парткомининг «Марғилон ип йигириш фабрикаси хотин-қизлари ўртасидаги ишлар тўғрисида» номли маърузаси бўйича қабул қилган қароридан фабрикада хотин-қизлар 52% ни ташкил этиши, шундан атиги 26% и ўзбек хотин-қизлари эканлигини қониқарсиз деб, баҳолади. Шундан сўнг, 1935 йилда шу фабрикага 439 хотин-қиз ишга қабул қилинди. Лекин, шундай бўлса-да, аёл иш-



чиларнинг сони 161 кишига камайиб кетди. Чунки ишчи аёлларнинг муаммо ва эҳтиёжларига эътиборсизлик, яшаш шароитининг ёмонлиги, хотин-қизлар ўртасидаги маланий-тарбиявий ишларнинг суст эканлиги, малака ошириш ишларининг қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги бунга сабаб бўлди.

30-йилларда эса, мамлакатни бошқаришда маъмурий-буйруқ-бозлик тизимининг ўрнатилиши, демократик тамойилларнинг амал қилмаслиги хотин-қизлар масаласига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, яъни советлар хотин-қизларни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучларига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда, хотин-қизларни имкониятларини ҳисобга олмай, турли мусобақалар ташкил қилинди. 1931 йил сентябрда «социалистик қурилиш»ни жадаллаштириш мақсадида саноатда банд бўлган Ўзбекистон ва Туркманистон хотин-қизлари ўртасида «Миллионлар шартномаси» тузилди. Шартномага мувофиқ иккала республика белгиланган режани ипакчилик саноатида 1931 йилда 80% га, 1932 йилда эса, 90% га етказиб бажариш ва тўқимачилик саноатида эса 1931 йилда 70% га, 1932 йилда эса, 80%га етказиб бажариши лозим эди. Аксарият ҳолларда мусобақа иштирокчилари бўлган «илғор» аёллар фабрика-заводларда банд бўлган умумий хотин-қизларнинг жуда кам миқдорини ташкил қилар эди. Масалан, Тошкентдаги «Фомин» номли фабриканинг 494 хотин-қиз ишчисининг атиги 59 таси, 1-сонли нон заводининг 140 та аёл ишчисидан 34 таси мусобақа иштирокчилари эди. Бундай ҳолатнинг мавжудлигига хотин-қизлар малакавий даражасининг пастлиги ва шу билан бирга улар имкониятларининг чекланганлиги сабаб бўлди. Шунингдек, Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолат фабрикаси, макарон фабрикаси, 51-сонли пахта заводи болалар боғчаси ва майдончаларига эга эмас эди. Бу ҳам хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда кенг иштирок этишига имкон бермасди. Мусобақалар ташкил этиш орқали хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятларига зўр берилди, биринчи беш йиллик режаларининг бажарилишини сунъий жадаллаштирилди, саноатга маҳаллий аёллар янада кўпроқ жалб қилинди. Мусобақалар туфайли маҳаллий хотин-қизлардан миллий пролетариат шакллантиришда бурилиш ясалди, саноатдаги аёлларнинг ўрни сезиларли даражада ўсди. Масалан, 1932 йил 7 ноябр маълумотларига кўра, Қўқон корхоналаридаги доимий ишчи хотин-қизлар сони 1744 тани, мавсумий ишчи аёллар сони 1500 тани ташкил этган, шулардан 273 таси «социалистик мусобақа»га жалб қилинган. 1933 йил 1 январь маълумотига кўра, республика бўйича саноат-

даги умумий ишчилар сонининг 28,6% ини аёл ишчилар ташкил этган. Агар 1928 йили йирик саноатда 2194 хотин-қиз банд бўлган бўлса ёки умумий ишчилар сонининг 15,1% ташкил этган бўлса, 1933 йилга келиб уларнинг сони 11063тага ёки 28,2% га етди.

Ишчилар орасидан илғорларни сунъий равишда кўпайтириш ҳамда белгиланган режаларни муддатидан илгарироқ бажариш мақсадида турли слётлар ўтказилган. Масалан, 1933 йил май ойида бўлиб ўтган Ўрта Осиё «илғор-ишчи хотин-қизлари»нинг слётида «белгиланган режа тўрт йилда тугалланган биринчи беш йиллик»ка хулоса ясаб, унда хотин-қизларнинг ўрнига эътибор қаратилди; хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ошганлиги, социалистик мусобақалардаги иштироки ўсганлиги» таъкидланди. Слёт «ишлаб чиқаришда хотин-қизлар иштироки билан боғлиқ ютуқлар билан бирга, бу ишдаги камчилик ва хатолар»ни ҳам кўрсатиб ўтди. Яъни бу хатолар қуйидагилардан иборат эди: «хотин-қизлардан ишчи-ходимлар тайёрлашга баъзи раҳбарларнинг қаршилиги, маиший турмуш тарзининг пастлиги, болалар учун ясли ва боғчаларнинг етарли эмаслиги». Слёт қабул қилган қарорда саноатнинг барча тармоқлари бўйича хотин-қизларнинг салмоғини ошириш, маҳаллий миллат хотин-қизларидан малакали ишчи-кадрлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, олий ва олий техник ўқув юртларига киришини кучайтириш каби масалалар ўз ифодасини топди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида «социалистик қурилишнинг қаҳрамонлари», «илғор» хотин-қиз ишчиларнинг слётлари бўлиб ўтди. Слётларда «илғорлар фақат тажриба алмашибгина қолмай, балки фабрика ва заводларга жойлашиш учун тарғибот ишларини олиб бордилар. Масалан, шундай слётдан сўнг Марғилон ип йигириш фабрикасига 670 ўзбек аёли ишга кирган.

Кўриниб турганидек, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги «фаол»лигини жадаллаштириш, уларни техникани ўзлаштиришга жалб қилиш, хотин-қизлар меҳнатидан «янада унумли» фойдаланишда слётлар советлар манфаатига яхши хизмат қилган. Ҳаттоки, белгиланган режани ортиғи билан муддатидан илгари бажарадиган «илғор хотин-қизлар бригада»ларини тузишга қаратилган ишчи хотин-қизларнинг конференциялари ташкил қилинди ва яна мусобақабозликка зўр берилди. Тадқиқ этилаётган даврдаги шундай тарихий мусобақа турларидан бири стахановчилик ҳаракати эди. Бу мусобақа Тошкентдаги саноат корхоналарида 1935 йилдан бошланган. Бу ҳаракат қизил империянинг ишлаб

чиқариш самарадорлигини «сунъий жадаллаштириш» сиёсатидан келиб чиққан бўлиб, янги техникани ўзлаштириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашдан иборат эди.

Тошкент Тўқимачилик комбинати иш йигирувчилари — Б. Болтабоева, Турсуной Ёрмухамедова. Мадина Саитова, Хадича Солихўжаева, тўқувчи — Муҳаббат Носирова, пиликловчи — Мавжуда Абдурахманова, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчилари — Одилова, Орифхонова, машинистлар — Султанова, Муҳаммадалиева ва бошқалар Тошкентда ушбу ҳаракатни бошлаб берганлар. Уларнинг «ютуқлари» матбуотда кенг ёритилиб борган. Якка тартибдаги бу ҳаракат бригада, участка, цех ва сменалар фаолиятига ҳам ёйилди. Шундан сўнг, Дзержинский номи Фаргона тўқимачилик фабрикаси ишчиларидан О.Рўзиева, З.Расулова, И.Розиқова кабилар бир вақтнинг ўзида 32 станок ўрнига 100 та станокдан фойдаланиб, кунлик нормаларини 200—250 % га ошириб бажарганлар. Шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи хотин-қизлардан «илғор ишчилар» тайёрлаш мақсадида стахановчилик мактаблари жорий қилинди. Совет ҳукумати ўз мақсади йўлида хотин-қизларнинг биофизиологик имкониятларини четлаб ўтиб, қандай қилиб бўлса ҳам, ўз ҳукуматининг моддий техник-базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Бу эса, меҳнатни муҳофаза этишнинг қонун-қоидаларига зид эди.

Хуллас, ишчи-аёлларнинг мусобақадаги иштироки уларнинг сиёсий онгига берилган баҳо бўлганлиги боис, ишчи-аёллар ҳеч бир имтиёзсиз жон-жаҳди билан, нормадан ортиқ ишлашга, мусобақада ютишга мажбур эдилар. Аслида бу ҳолат ишчиларни давлатга қўшимча ишлаб беришга мажбурлашнинг бир тури эди, холос.

1938 йил 20 майда Ўз КП(б) МҚнинг «Хотин-қизлар ўртасидаги ишлар тўғрисида» қарорида хотин-қизларнинг малакасини ошириш, моддий-маиший шароитини яъшилаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тортиш орқали ишлаб чиқаришга жалб қилишни кенгайтириш масалалари акс этган эди. Чунки Ўзбекистонда ишчи кучи етишмаслигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бўш ўринларни тўлдириш, янги корхоналар, муассасаларни ишчилар билан таъминлашни аксар партия-совет раҳбарлари хотин-қизлар ҳисобига тўлдиришни таклиф этган. Ишчилар синфи сафларини тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири — уй бекалари бўлган аёллар бўлган.

Комфирқанинг ўлкани саноатлаштириш сиёсатининг таркибий

қисмларидан бири маҳаллий миллатга мансуб хотин-қизлардан «саноат кадрлари тайёрлаш» эди. Шунинг учун шарқ хотин-қизлари нафақат енгил саноатда балки, оғир саноатда ҳам иштирок эта бошлади. Ҳаттоки, қурилиш ишларини аёллар зиммасига юклаш масаласи ўртага ташланди. Яъни уларнинг гишт ташиш ва теришни, дуррадорликни уддалай олиши ҳақида хулосалар чиқарилди. Аёлларни оғир саноатга жалб этиш учун ҳам узлуксиз ташвиқот ишлари олиб борилган. Ўз ССР МИҚ ҳузуридаги хотин-қизлар меҳнати ва турмушини яхшилаш комиссияси раиси А.Вольний аёллар металл ва ёғочни қайта ишлаш саноатида бемалол ишлай оладилар, деб таъкидлаган ва «биз металлни қайта ишлаш саноатига 10 минг ишчи тайёрлашимиз зарур, уларнинг 15 %и аёллар бўлиши керак. 7000 шофёрнинг 50 % и, 27000 тракторчининг 20 минги хотин-қизлар бўлади», деган сўзлари ҳаммани ҳайратга солиши табиийдир.

Ўлкани индустрлаштириш сиёсатини амалга ошириш давомида янги техникани мукамал ўзлаштириб олишга қодир бўлган малакали кадрларга талаб кескин ошган. Бу муаммо ишлаб чиқариш жараёнида кишиларни ўқитиб-ўргатиш йўли билан ва ҳунар-техника таълими орқали ҳал қилиб борилди. Жумладан, Маориф халқ комиссарлиги 1929—30 ўқув йилида 330 дан ортиқ курслар ташкил қилди. Ўзбекбирлашув таркибида 69 та курс ташкил қилиниб, таркибининг 25% ини хотин-қизлар ташкил қилган. 1928 йил сентябрда тўқувчилик бўйича йиллик курслар ташкил қилинди. Бир йилдан сўнг 48 хотин-қиз ушбу курсларни битирди.

Махсус малакага эга бўлган хотин-қизлар совет ҳукуматининг «тенгҳуқуқлилиқ» ғояси асосида ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб қилинди. Натижада, биринчи (1928—1932 йиллар ) ва иккинчи (1933—1937 йиллар) беш йилликлар даврида фабрика-завод ишлаб чиқаришида хотин-қизлар миқдори 2,6 минг нафар кишидан 19 минг нафарга етди, уларнинг 40 % ини маҳаллий миллат хотин-қизлари ташкил этар эди. Бундан кўзланган мақсад хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш тараққиётини таъминлашдаги қобилиятини исботлаш эди. Бироқ бу борада аёл жинсининг биофункционал имкониятлари умуман эътиборга олинмади.

## **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**Саноатлаштириш сиёсати** — совет ҳукуматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун олиб борилган тадбир. Мустабид тузум ўз

иқтисодий базасини мустаҳкамлаш заруриятидан келиб чиқиб, маҳаллий миллат хотин-қизларидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиб, уларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этди.

**Хотин-қизлар кооперативи** – хотин-қизларни кооперацияларга жалб қилиш чуқур ўйлаб, ишлаб чиқилган тадбир бўлиб, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш, умумий меҳнатга ўргатиш орқали нафақат уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, балки янги дунёқарашини шакллантиришда ҳам асосий омил бўлади, деб ҳисобланди.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Советларнинг индустрлаштириш сиёсати моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Совет ҳокимияти томонидан олиб борилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати қандай оқибатларга олиб келди?
3. Кулоқлаштириш сиёсатининг моҳиятини қандай тушунасиз?
4. Аёлларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этишдан кўзланган асосий мақсад нимада эди ва бу жараён қандай тадбирлар орқали амалга оширилди?

### «ЧАРХПАЛАК» технологияси

№	Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирлари ва унда хотин-қизлар иштироки	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
		1930 йил февраль	1921 йилда	1919 йил 12 ноябрда	Камбағал ва ерсиз деҳқонлар ер билан таъминланди	Диний ва дунёвий маърифатпарварлик гоёлари	Қишлоқлар социалистик асосда қайта қурилди	Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини сунъий тарзда тезлаштирилди	1927–1928 йиллари	1920–1922 йиллари	Аёлларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш янада кенг тус олди.
1.	Янги иқтисодий сиёсат хотин-қизлар ҳаётида қандай роль ўйнади?										+
2.	Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати нечанчи йилда амалга оширилган?	+									
3.	Ер сув ислоҳоти, Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) нечанчи йиллар олиб борилди?									+	

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳукумати ўзбек хотин-қизларини саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш орқали халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини хотин-қизлар меҳнати ҳисобига бажаришга интилди. Коммунистик мафқуранинг ҳужумкор ҳаракати натижасида хотин-қизлар ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиб, уларнинг ижтимоий фаоллиги ошди. жамият ривожиди ўз ўринлари борлигини англай бошлади. Ушбу ижтимоий фаоллик оқиба-тида ўзбек хотин-қизлари миллий, анъанавий турмуш тарзидан бе-гоналашди. Мустабид тузум манфаати маҳаллий хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятини ҳисобга олмади, улар оғир жис-моний меҳнат талаб этадиган ишлаб чиқариш турларига жалб этил-ди. Халқ хўжалигида 50% ни ташкил қилган аёллар асосан, ҳаётнинг ҳамма жаҳаларида эркак ва аёлнинг тенглиги учун ҳаракат оқиба-тида оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган соҳаларга жалб қили-ниб, меҳнатга ҳақ эса 25—30% кам тўланарди. Бу эса, меҳнатни му-ҳофаза қилишнинг норма ва қонунларига зид эди. Хотин-қизлар илм олишда эркаклар билан амалда тенг ҳуқуққа эга бўлсаларда, улардан мутахассислар тайёрлашга эътибор суст эди, яъни олий ва ўрта мах-сус таълим тизимида маҳаллий хотин-қизлардан мутахассис тайёр-лаш ишига кам эътибор берилди. Хотин-қизларнинг раҳбарлик қоби-лиятларига ишончсизлик уларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намо-ён қила олишига тўсиқ бўлган. Хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишда миқдор кўрсаткичларга интилиши салбий ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келди. Совет даври аёлларнинг орга-низмидаги ўзига хос хусусиятларни, ёш авлод тарбиясидаги ролини эътиборга олмади. Ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган фаолият камситилди. Аёлларни ижтимоий ишлаб чи-қаришга жалб этишни хотин-қизларнинг жамиятда фаоллашувининг ягона йўли деб эътироф этилди.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Араловед Н.Д. Женский труд в промышленности СССР. — М.: Профиздат. 1954. — 98с.
2. Артюхина А. Очередные задачи партии в работе среди жен-щин. — М.-Л.: 1926. — 46 с.
3. Артюхина А. Итоги Всесоюзного съезда работниц и крестья-нок-членов Советов. — М.: Госиздат. 1927. — 17с.
4. Гальперштейн Я. Женщины и кадры// Народное хозяйство Средней Азии. 1930. № 9—10. С.28.

#### **I.4. Қишлоқ хўжалигини ялпи жамоалаштириш сиёсатининг хотин-қизлар турмушига таъсири**

**Мавзу ўқув мақсади:** *Совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти, унинг боқичлари, ялпи жамоалаштириш сиёсати, моҳияти ҳамда хотин-қизларни дала меҳнати, колхозларга жалб қилиниши, ундан кўзланган мақсадларни, қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатларини ҳолис ёритиш асосида талабаларга кенг маълумот ва тушунчалар бериш.*

Советлар ҳокимиятининг қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати ва унинг оқибатларини хотин-қизлар турмушига таъсири масаласи ҳам мустабид тузум даврида сохталаштирилган ва коммунистик мафкура манфаатларига бўйсундирилган ҳолда тадқиқ қилинган.

Социализм қуриш режасининг таркибий қисми бўлган жамоалаштириш сиёсатининг негизида минг йиллар мобайнида ҳукм суриб келаётган иқтисодий тизимни тубдан ўзгартириш вазифаси турар эди. Унга кўра эркин мулкчиликнинг ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг барча кўринишларига барҳам берилди. Унинг ўрнига янги «социалистик мулкчилик» ташкил этилди. «Социалистик мулкчилик»нинг моҳияти икки кўринишда: давлат ва жамоа мулкчилиги шаклида рўёбга чиқди. Аслида жамоа мулкчилиги давлат мулки ҳисобланарди. Жамоалаштириш сиёсатининг қишлоқда амалга оширилиши натижасида инсон ва фуқароларнинг барча ҳуқуқлари оёқости қилинди ва улар бундан маҳрум этилди. Давлат ва жамоа хўжаликларига уюшган қишлоқ фуқарolari ўз хусусий мулкларидан умуман маҳрум бўлдилар. Бу даврда хотин-қизларни қишлоқ хўжалик ишларига тўла сафарбар этишга алоҳида эътибор берилган. Жамоа хўжаликларидаги оғир меҳнат эксплуатацияси хотин-қизларни бир умрга майиб-мажруҳ қилиб қўйди.

1924 йил 9 мартда бўлиб ўтган II Умумтуркистон деҳқонларининг съездида «қолоқ деҳқончилик хотин-қизларнинг «очиши»дан ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнатидан манфаатдор» эканлиги таъкидланди. Шундан сўнг, ўзбек хотин-қизлари секин-аста қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига тортила бошлади. Бу жараён эса, ўзбек хотин-қизларининг «иқтисодий мустақиллиги»ни таъминловчи омил деб, сохта баҳоланди.

1919—1920 йилларда шарқ хотин-қизларини артелларга жалб қилиш орқали бошланган «иқтисодий озодликка чиқариш» масаласига 1925—29 йиллардаги ер-сув ислоҳоти даврида ёппасига ёндошилди. Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрдаёқ ЎзССР МИҚнинг фавқулдда сессиясида «Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида» декрет қабул қилинди. Ер-сув ислоҳоти даврида аёл ва эркак ўртасидаги ерга эгаллик қилиш борасидаги мавжуд тенгсизликка барҳам берилди. Лекин советларнинг Ўзбекистон сингари миллий республикаларга нисбатан ўтказган шовинистик сиёсатининг фожеалардан бири шу бўлдики, улар 1925—29 йилларда ер-сув ислоҳоти ўтказиш баҳонасида миллий қишлоқларда янги ижтимоий зиддиятлар келтириб чиқаришга эришилди. Яъни бу ислоҳот туфайли ер-сув ишлаб чиқаришнинг бошқа воситалари, миллий бойларга қарашли ерлар мусодара қилиниб, ноҳақликларга йўл қўйилди. Камбағал деҳқонлар билан бадавлат қатламлар ўртасида большевик маъмурлар томонидан атайлаб авж олдирилган синфий қарама-қаршилик тангликнинг янада кучайишига сабаб бўлди, «...хусусий мулкчилик муносабатлари... давлатнинг социалистик иқтисодиёт таъсирига бўйсундирилиши керак эди».

Ислоҳотни гоёвий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уни «муваффақиятли» амалга ошириш учун марказий партия-давлат комиссияси, жойларда эса вилоят, уезд ва волость комиссиялари ташкил этилди. Жумладан, Ўз КП МК(б) 1927 йилда Зарафшон вилоятига 18 кишини советларнинг аграр сиёсатини тушунтириб, ер-сув ислоҳотига замин тайёрлаш учун юборди. Комиссия таркибига маҳаллий аёллардан ҳам аъзолар киритилди. Комиссия аъзоларининг вазифаси қишлоқларга келиб, хотин-қизларни тарғибот — ташвиқот орқали ер-сув ислоҳотидаги иштирокини таъминлашдан иборат эди. Шунингдек, бу мақсадларни амалга ошишида «Кўшчи» уюшмаси муҳим роль ўйнаган. «Кўшчи» уюшмаси 1921 йилнинг декабрида Тошкентда бўлиб ўтган ўзининг I таъсис съездида ташкил топган бўлиб, совет ҳукуматининг қишлоқдаги таянчи эди. Бу уюшма қишлоқ ва овулларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, деҳқон аёлларни советлар ишига жалб қилишда, яъни ер-сув ислоҳотини ўтказишда ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштиришда «ташаббус» кўрсатган. Шунингдек, «Кўшчи» уюшмасининг аъзолари аёлларни советларга бўладиган сайловда, клублардаги бадий ҳаваскорлик тад-



бирларида, касаба союзларида ҳамда жамоа ҳўжаликларида қатнашишга даъват этган. Маҳаллий аёллар болаларини боғчага олиб бориб, ўзларини далага чиқишга ундаган. Ўзбек хотин-қизларини кооперация ишига жалб этиб, қишлоқларда хотин-қизлар учун ҳунармандчилик артелларини ташкил этган.

Совет ҳукумати ҳайрихоҳлари қилиб тарбияланган «фаоллар», хотин-қизлар ҳаракати қатнашчилари, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориб, «Кўшчи» уюшмасига хотин-қизларни жалб этишда фаол иштирок этишган. Натижада, уларнинг таъсирида ер-сув ислоҳоти бўйича ўтказилган йиғилишларда хотин-қизларнинг иштирок этишига эришилган. Лекин минтақада ишчи кучи етишмаслиги туфайли хотин-қизлар меҳнатидан ишчи кучи сифатида фойдаланиш ва шу орқали Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишга эришиш мақсадида, аёлларни жамият ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишига асосланган большевикча сиёсатнинг амалга ошишида ўзига хос «тўсиқлар» мавжуд эди. Натижада, минтақага хос бўлган, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган миллий-ахлоқий шарқона анъана ва қадриятларнинг асрлар давомида шаклланган маънавияти поймол этилди. Айниқса, бу зиддиятли жараён ер-сув ислоҳоти даврида яққол кўзга ташланди. Советлар томонидан «Ер ислоҳоти даври аёлларни озодликка чиқаришда янги босқич» деб аталиб, ислоҳот туфайли маҳаллий хотин-қизларнинг «ҳақиқий иқтисодий озодликка» чиққани, ҳаттоки, бу ислоҳот аёлларнинг нафақат иқтисодий озодлигини таъминлашда, балки уларнинг онгида ҳам «инқилоб» вазифасини ўтаб, ижтимоий фаоллигини оширди, деб таъкидланди. Улар томонидан ер-сув ислоҳоти бу фақатгина мусулмон қонунчилигига қарши ҳужум бўлмай, балки аёлларни далада ишлашини таъқиқловчи қонунларга ҳам қарши ҳужум эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, «аёлларни оғир қўл меҳнатидан халос қилиш учун уларни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш жараёнида қатнашишини, бунинг учун махсус ўқитиш ҳамда «маҳаллий ўзбек аёлларидан юқори малакали кадрлар — агрономлар, зоотехниклар ҳамда раҳбар ходимлар тайёрлаш жараёнига эътиборни кучайтириш лозим» деб ҳисобланди. Аслида эса, бу ислоҳот ўз моҳиятига кўра, ўзбек аёлларини меҳнат фронтига ҳайдашнинг бошланиши эди. Ер-сув ислоҳоти даврида бошланган аёлларнинг жисмоний кучидан фойдаланиш ҳаракатига жамоалаштириш даврида зўр берилди.

20-йилларнинг охирига бориб собиқ советлар давлати кооперацияни ривожлантириш сиёсатини ҳар томонлама жамоалаштириш сиёсати билан алмаштирди, алмаштирганда ҳам юқоридан «тиқиштириш» йўли билан алмаштирди. Айни вақтда, маҳаллий шароитлар мутлақо ҳисобга олинмади. Зўрлик билан мажбуран амалга оширилиб, республикамиз қишлоқ хўжалигини боши берк йўлга солиб юборган жамоалаштириш совет даври ўзбек деҳқончилиги фожеали солномасининг қайғули саҳифаларидан бирини ташкил этди. 1927 йил декабрда партиянинг XV съездида қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ҳақида махсус режа ишлаб чиқилиб, унда «хотин-қизларни ишга жалб этмай туриб, майда деҳқон хўжаликларини катта, йирик коллектив социалистик хўжаликка айлантириш ҳақида ҳатто сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслиги» алоҳида таъкидланди.

1929 йилга келиб, апрелдаги партиянинг XVI конференцияси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режалари қабул қилина бошланди. Бу режаларда хотин-қизлар меҳнатидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиш ҳақида алоҳида қарор ва кўрсатмалар ўрин олган эди.

Собиқ совет давлати ВКП(б) МКнинг 1929 йил ноябрь пленумидан сўнг жадал суратлар билан «социализм қуриш» мақсадида қишлоқ хўжалигини «ёппасига жамоалаштириш» шиорини кун тартибига қўйди. Бу шиорни ҳаётга татбиқ этиб, аёлларни колхозларга жалб қилишда хотин-қизлар клуби «ташаббус» кўрсатди.

1929 йил 25 декабрдан 1930 йил 3 январгача бўлиб ўтган Ўрта Осиё хотин-қизлари клублари мудирларининг VII Кенгашида клубларнинг иш режалари, фаолияти, шакл ва услублари қайта кўриб чиқилиши ва 1930 йилда «Биринчи беш йиллик охирида бирорта ҳам паранжи чачвон қолмасин», деган шиор остида фаолият бошлаши лозимлиги таъкидланди. Бу шиорнинг кун тартибига қўйилишидан шундай хулоса чиқариш мумкин: паранжи советларнинг пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳалақит қилган. Шунингдек, Ўрта Осиёда беш йиллик режанинг бажарилаши хотин-қизларнинг халқ хўжалигида қанчалик кўп иштирок этиши билан белгиланди. Шунинг учун кўпроқ колхозчи-деҳқон аёлларга эътибор берилди. Чунки айнан ўрганилаётган даврда «СССРнинг пахта мустақиллиги учун» кураш олиб борилди. Пахта далаларининг майдони кенгайтирилиб, Ўз КП(б) МҚ томонидан хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига жалб қилиниш жараёни юзасидан доимий назорат ўрнатилди. 1932 йил сен-

тябр ойидаги навбатдаги текширув натижасида ЎзКП(б) МҚ жойлардаги партия қўмиталари томонидан хотин-қизларнинг колхоз қурилишига жалб қилиш борасидаги ишларини қониқарсиз деб топди ва партия сафида ҳам хотин-қизларнинг сони кам эканлигини танқид қилди. ЎзКП(б) МҚ хотин-қизларни колхозларга кириш ҳаракатини жадаллаштириш мақсадида мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтиришга ва жамоат ошхоналарини ташкил қилишга аҳамият берди. Шунингдек, вақтдан ютиш мақсадида, далада овқатланиш ҳоллари ҳам бўлди. Баъзи хўжаликларда ҳаттоки, умумий кирхоналар мавжуд эди. Шундай қилиб, ўзбек аёллари меҳнат frontiда совет давлати учун ишлаб беришга мажбуран сафарбар қилинди. Бунда ўзбек аёлининг оиласи ва фарзанд тарбияси кейинга суриб қўйилди. Натижада, уларнинг анъанавий турмуш тарзидан бегоналашуви юз берди.

Марказ пахта мустақиллигига эришиш мақсадида маҳаллий хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иштирокидан қониқмай, уни янада кучайтириш учун «социалистик мусобақа»лар, туманлараро, вилоятлараро слётлар ва ҳатто республикалараро ҳам мусобақалар ташкил этган. Шу мақсадда 1931 йил 2 сентябрда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида «миллионлар шартномаси» имзоланди.

1933 йили мусобақа якунлари муҳокама қилинганда, 1931–32 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 60% деҳқон аёл колхозларга кирганлиги ва 1500 хотин-қиз раҳбарлик лавозимларига кўтарилганлиги, ФЗУ ва техникумлардаги ўқувчи қизлар даражаси 43–45% га кўтарилганлиги, уларнинг 30% маҳаллий миллатга мансублиги маълум бўлди.

Мусобақалар маҳаллий хотин-қизларнинг советлар мақсадини амалга оширишини сунъий жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб, советларнинг «инқилобий-бюрократик» тафаккур мантиқига мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ортидан қувишнинг ифодаси эди.

1930 йилда бошланган Ўрта Осиё бўйича жамоа хўжаликларида хотин-қизлар бригадаларини ташкил қилиш жараёни 1931 йил 11 июндаги ЎзКП(б) МҚ аёлларни колхозларга оммавий сафарбар қилиш ҳақида қабул қилган қароридан сўнг янада кучайди. 1931 йилда баҳорги экин мавсуми даврида ўзбек хотин-қизларининг 32711та аёллар бригадалари тузилган бўлса, йил охирида уларнинг сони 42487 тани ташкил этди. Ўзбек аёллари далага оммавий сафарбар қилина бошлади. Ташкил қилинган хотин-қизлар бригадалари зиммасига ер ҳайдашдан тортиб, ҳосил-

ни йиғиб олгунгача бўлган даврдаги ҳамма дала ишларини бажариш вазифаси юклатилди. Ҳатто 1931 йили баҳорги дала ишларида хотин-қизлар бригадалари омов билан ер ҳайдаш ишларини ҳам бажаришган. Ўзбекистон бўйича 20 та районда 2560 нафар «илғор» аёл меҳнат қилган. 1932 йили Ўзбекистон бўйича пахта йиғим-теримида 42 минг нафар хотин-қизни бирлаштирган 2197 та хотин-қиз бригадалари иштирок этди.


Ёппасига жамоа хўжаликлариди далада меҳнат қиладиган аёллар учун ҳеч қандай маиший шарт-шароит, болалар боғчаси йўқлиги туфайли, улар бир қўлида ёки елкасида боласини кўтариб меҳнат қилишга мажбур эдилар. Бу комфирқа ва совет ташвиқотчилари томонидан «колхозчиларнинг юксак онглилиги» сифатида талқин қилиниб, «колхозчи аёлларнинг меҳнатга ва оммавий-жамоат ишларига фаоллик билан ёндошуви» деб сохта баҳоланди. Совет ғамхўрлигининг энг зўр тимсоли сифатида қишлоқ хўжалиги таъминоти буюртмаси билан, аёллар учун махсус «енгил кетмонлар» ишлаб чиқарилган бўлиб, хўжаликларга 63768 та енгил, уч фунтлик кетмонлар тарқатилди. Чунки колхозчиларнинг асосий иш қуроли кетмон эди. 1932 йил «Правда Востока»нинг 10 июлдаги сониди «аёллар кетмон билан шу қадар яхши ишляптиларки, ҳатто уларнинг кўпчилиги эркаклар учун белгиланган нормадан ҳам юқори натижага эришяптилар» деб «фахрланиб» маълумот берилган.

Аёлларни кетмон билан қуроллантириш охир-оқибат шу даражага бориб етдики, ҳатто 1932 йил 16 майда Кўқонда кетмончилғорларнинг слётини ўтказишгача бориб етди, кетмончи аёллар мақтовлар остиди қолиб, ҳар бир эришилган «муваффақиятлар»да уларнинг ўрни алоҳида таъкидланиб, белгиланган яхши кетмончи меъёрини 120—180 %га бажарган мусобақа «ғолиб»ларининг номлари мажлисларда алоҳида қайд этилган ҳолда, рағбатлантирилиб, улар ҳақида «Аёллар колхозда катта куч», «Тожиҳон Шодиевнинг буюк мусобақаси», «Таниқли пахтакорлар», «Колхозчиларнинг сўзи» ва ҳоказо мавзуларда мақолалар ёзила бошлади.

Кўриниб турганидек, совет мустабид тузуми турли усул ва воситалар орқали хотин-қизларни далага чиқаришга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий масъулиятни улар зиммасига юклашга эришди. Натижада, 1930-31 йилларда Ўзбекистонда пахта экиладиган майдон 20 %га кенгайтирилиб, пахтачилик районларидаги ишчи кучининг 80 %ини аёллар ташкил этган. Яъни колхозчи аёллар миқдори ўсиб борган (13-илова).

## Колхозчи аёллар миқдорининг ўсиб бориши

Йил	Колхозлар миқдори	Колхозларга бирлашган хўжалик миқдори	Колхозчилар миқдори	Колхозчилар миқдори % ҳисобида
1930	3576	228965	10873	4.7
1931 йил охири	9687	626070	267663	41.7



Бунга сабаб, биринчидан ўзбек хотин-қизларини колхозларга жалб қилишда совет ҳокимияти томонидан олиб борилган мажбурлаш усули бўлса, иккинчидан, «социалистик ғоялар»нинг ҳақлигига ишонган ўзбек хотин-қизлари табиатидаги шижоат ва меҳнатсеварлик эди.

Шу билан бирга анъанавий жамиятнинг маънавий-психологик ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, ВКП(б) МҚ 1932 йил 4 февралда «колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш» учун эркаклар ва аёлларнинг ишлаб чиқариш бригадаларини бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор ҳам ўз моҳиятига кўра миллий хусусиятларни инкор қиларди. Шунинг учун ҳам ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси алоҳида ҳолатлар юз берганда, бригадалар таркибида хотин-қизлар гуруҳини ташкил этиш масаласини кўриб чиқди. Шундай қилиб, хотин-қизларнинг даладаги меҳнати устидан назорат янада кучайтирилди. Советларнинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатини амалга ошишида Ўрта Осиё бюроси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши каби «назоратчи» органлари «ташаббус» кўрсатди.

Ўрганилаётган даврда хотин-қизларни колхозларга сафарбар қилиш билан бирга, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш

жараёни ҳам фаоллашган. Яъни 1765 та ёки 7,5% колхозчи аёл бошқарув аппаратига жалб қилинган. Жумладан, 16 нафар аёл колхоз раиси, 31 нафари раис ўринбосари, 1446 нафари колхоз бошқармаси аъзоси эди. 1932 йилда республика бўйича колхоз назорат комиссияси таркибида 203 деҳқон-аёл иштирок этди. Раҳбарлик лавозимига қўйилган аёллар аслида, марказнинг ўта итоткор хизматкорлари бўлиб, уларнинг зиммасига коммунистик ғояни тарғиб қилган ҳолда, миллий бойликларни марказга топшириш вазифаси юклатилган эди.

Навбатдаги вазифалардан бири деҳқон аёлларни трактор билан ишлашга мажбур қилишдан иборат эди. Бу ҳаракат ҳам ўзбек халқининг миллий хусусиятларига умуман зид бўлган ҳолда, янги аёллар қатламини, яъни эркаклар билан тенг меҳнат қилишга шай эркакшода аёллар қатламини юзага келтирди ва бу жараён аёлларни оғир қўл меҳнатидан халос қилиш деб аталди. 1931 йили дастлабки тракторчи деҳқон аёллар далада меҳнат қила бошлади. Баҳорги мавсумда меҳнат қилган 30 нафар тракторчи аёлнинг 13 нафари йиғим-терим мавсумидан сўнг белгиланган режани «ортиғи» билан бажаргани учун мукофотланган. 1938 йилда тракторчилар тайёрловчи 4–5 ойлик курсларга дастлабки 6710 киши қабул қилинган. Шундан, 3110 нафари хотин-қизлар эди. Марказ қарори билан 100 минг тракторчи хотин-қиз тайёрлашга киришилди. Бунинг учун хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда механизаторлик курсларига жалб қилинди. Бу ерда аёллар организмнинг ўзига хос нозик хусусиятлари инobatга олинмай, олдиндан белгиланган аниқ меъёрларни бажаришга сафарбар қилинган.

Хотин-қизларнинг даладаги меҳнатини ташкил қилиш вазифасини 1933 йил январда ВКП(б) МҚ қарори билан ташкил этилган МТС сиёсий бўлимнинг хотин-қизлар билан иш олиб борувчи ташкилотчилари ўз зиммасига олди. МТС сиёсий бўлими ходимларининг деҳқон аёллар ўртасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 1933 йили республика бўйича 32711 хотин-қизлар бригадалари ташкил қилинди. Совет даври адабиётларида фахрланиб ёзилганидек, «1933 йилда 100% деҳқон хотин-қизларнинг далага чиқиши улкан ютуқ», деб эътироф этилди.

МТС Сиёсий бўлими аъзоларининг таркиби асосан, энг фаол хотин-қизлардан иборат эди. Шундай фаоллардан бири 1905 йили Фарғонада туғилган Тожихон Шодиевадир. У 1921 йилда Тошкентдаги ўлка партия мактабига ўқишга кириб, уни тугатганидан сўнг

ХХСРга Хоразм КП МКнинг хотин-қизлар бўлимига инструктор қилиб юборилди. Бу ерда 1923 йилгача фаолият кўрсатди. 1923-25 йилларда Кўқон шаҳар партия кўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлимининг мудири бўлиб хизмат қилди. 1927 йилда у Ўз КП МКнинг хотин-қизлар бўлими мудири этиб тайинланди. 1930 йилда ВКП(б) МК қошидаги марксизм-ленинизм курсини битирганидан сўнг 1933 йилда Фарғона МТС сиёсий бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди. Тожихон Шодиева совет ҳукуматида сидқидилдан хизмат қилди. Чунки у коммунизм ғояларига самимий ишонган. Коммунистик эътиқод, ягона совет халқи деган тушунчалар фақат Тожихон Шодиева ва унинг сафдошлари учун эмас, балки ўша пайтларни бошидан кечирган ҳар бир фуқаро учун ўта табиий туюлган. Биз Тожихон Шодиева, Жаҳон Обидова ва бошқа хотин-қизлар тақдири учун курашганларни, уларнинг сафдошларини қандай бўлса шундайлигича қабул этишимиз, ўз даврида Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилганлар қаторида ҳурмат қилишимиз лозим. Чунки улар мураккаб тарихий даврда яшашган. «Шунингдек, уларнинг барчаси коммунистик мафкура, «Совет иттифоқи», «миллатларнинг ягона оиласи» ғояларига онгли равишда ишонганликларини ҳам инкор қилиб бўлмайди, бунинг учун уларни айблаб ҳам бўлмайди». Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, улар ўз халқининг ва Ватанининг, яшаган тузумининг фидоийларидан эди. Лекин мустабид тузум ўз сиёсатининг фидоийларини ҳам аямай, даҳшатли қатағон тўлқинига гирифтор қилди. Жумладан, Тожихон Шодиева ҳам қатағонлик сиёсати қурбонларидан бири ҳисобланади.

Яна бир МТС сиёсий бўлими ходими 1906 йили Тошкентда ўқитувчилар оиласида туғилган Тожихон Рустамбековадир. У ҳам МТС сиёсий бўлими фаолларидан эди. Тожихон Рустамбекова 1919 йили хотин-қизларнинг маориф институтига ўқишга кириб, битирганидан сўнг ўқитувчилик қилган. 1927 йили паранжи ташлаб, Герцен номидаги Ленинград институти ва Крупская номидаги Москва Коммунистик тарбия Академиясига ўқишга кирди. Лекин партия ишига чақирув туфайли ўқишини тугатмай, ЎзССР ХКС ва Маориф Халқ Комиссарлигида фаолият олиб борди. Тожихон Рустамбекова ташкилотчилик қобилияти туфайли 1933 йилда Фарғона вилоят сиёсий бўлимига бўлим бошлиғи ёрдамчиси қилиб юборилди. Мана шундай МТС сиёсий бўлими хотин-қизлар билан ишлаш ташкилотчиларининг фаолияти илмий тадқиқотларда тўлиқ ёритилмаган.

Чунки, Сталин шахсига сиғиниш туфайли асоссиз қатағон қилинган МТС сиёсий бўлимларининг ташкилотчилари фаолиятини ўрганиш сиёсатга тўғри келмас эди. МТС сиёсий бўлимларининг хотин-қизлар ўртасида ишловчи ташкилотчилари хотин-қизлар бўлимлари ва шўъбаларининг тугатилганлиги сабабли қишлоқ хотин-қизлари ўртасидаги барча ишларни ўз зиммасига олган эди. Лекин, шу билан бирга, МТС сиёсий бўлимлари ўз фаолиятлари давомида хотин-қизлар бригадаларини ташкил этиш ва ҳоказо жараёнларда маъмурий-буйруқбозлик, зўравонлик усулларидан фойдаланган. Уларнинг хотин-қизларни жамоаларга жалб қилиш ҳаракати фақат ижобий баҳоланган. Хотин-қизларнинг жисмоний имкониятларига мос келмаган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиниши фақат катта муваффақият деб эътироф этилган. «Аёлларни хўжалик, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиниши фақат жамоалаштириш туфайли мумкин бўлди», деб таъкидланган.

Дастлабки пайтда хотин-қизларнинг меҳнат куни эркаклар номига ёзилган. Лекин биринчи беш йиллик якунига келиб 70% хотин-қиз деҳқонлар жамоа хўжалиklarининг тўлиқ аъзосига айланган.

1931 йил 1 мартда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг бригадасига Жаҳон Обидова бошлиқ қилиб тайинланади. Бу бригаданинг вазифаси пахтачилик районларида баҳорги экиш кампаниясини ўтказиш ишлари билан шуғулланишдан иборат эди. Жаҳон Обидова ўзбек халқининг асл фарзанди сифатида «социализм» ғоялари ва афзалликларига тўла ишонган ҳолда, бутун ҳаёти давомида эътиқод билан, собитқадамлик билан иш олиб борган.

1931 йил 21 августдан 7 сентябргача Ўрта Осиё бўйича хотин-қизларни оммавий пахта-йиғим теримига сафарбар қилиш мақсадида икки ҳафталик тайёргарлик ишлари олиб борилиб, ясли ва болалар майдончаси, ошхона, нонвойхоналар ҳамда «илғорлар бригадалари» ташкил қилинди. Йиғим-терим мавсумидан сўнг, 1931 йил 3 ноябрда Жаҳон Обидова Ўзбекистон КП МҚнинг «пахтачиликда йўл қўйилган камчиликлар»ни тугатиш учун тузилган комиссиянинг вакили сифатида 1932 йил 4 февралдан то 25 октябргача республиканинг турли районларида бўлиб, пахтачилик ишлари билан шуғулланади.

«Социализм» ғояларига ишонган ўзбек халқининг фидокорона меҳнати натижасида пахтачилик «тез суръатлар» билан ривожланиб, натижада, 1933 йилда «совет Ўзбекистони» марказга



802 минг 474 тонна пахта топширди. Ўша йили собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллиги таъминланди. Ушбу эришилган «ютуқлар»нинг қанчалик оғир оқибатлар келтирганлиги бугунги кунда яққол кўринмоқда.

1931 йил 9 февралда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг «Батрак ва ўрта ҳол хотин-қизларни колхоз қурилишига жалб қилиш ҳақида»ги қароридан сўнг, колхозларга хотин-қизларни жалб қилишни янада жадаллаштириш мақсадида «фаол»лар тайёрловчи курслар ташкил қилинди.

Хотин-қизларни жамолаштириш сиёсатининг «фаол»лари қилиб тарбиялаш махсус режа асосида олиб борилиб, дастлаб «фаоллар» тайёрловчи курслар Бухоро, Қашқадарё ва бошқа жойларда тузилди. 1930 йилда ушбу курслар 37минг кишини ўзига қамраб олган бўлиб, шулардан 10%и хотин-қизлардан иборат эди. Масалан, 1931 йилда Қашқадарё округида 25 та деҳқон аёл ўқиган. Уларнинг ўқув дастурларида қишлоқ хўжалигини жамолаштиришнинг навбатдаги вазифалари, хотин-қизларни жамоаларга жалб қилиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш каби вазифалар ўз ифодасини топган эди.

1935 йилда бўлиб ўтган республика ёшларининг 1 съезди қизларни колхозларга жалб қилиш вазифасини ўртага ташлади. Шундан сўнг, зарурий қишлоқ хўжалиги касбларини ўргатувчи бир йиллик агрокурслар ташкил қилинди, МТС таркибидаги тракторчилар курсига ҳам қизлар жалб қилина бошлади. Колхозда хотин-қизларнинг «катта куч эканлиги, агар улар техникани эгалласа янада катта кучга айланиши» мустабид тузумнинг ғоявий тарғиботчилари томонидан ҳар бир аёл онгига беандишаларча сингдирилди. Шунингдек, кунига 200—300 кг пахта териб, «илғорлар» сафидан ўрин олганлар ва, ҳаттоки, жуда ёш бўлишига қарамай (Ургут тумани Мирза қишлоқ советидан 12 ёшли кашшоф қиз Қумри) кунига 65—70 кг пахта терган қизлар «фахр» билан овоза қилинди. Бунда уларнинг жисмоний имкониятлари эътиборга олинмай, асосий эътибор қандай қилиб бўлса ҳам, кўпроқ ҳосил йиғиб олишга қаратилди.

Шундай қилиб, жамолаштириш сиёсати пахта яккаҳокимлигининг ялпи оммалашувига олиб келди. Марказнинг «назоратчи» органи Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши республика ҳукуматининг ёппасига жамоалашган туманларида «тўртдан уч қисм майдонга чигит экиш»ни талаб қилди. Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этган аёлларнинг қишлоқ хўжалиги-

даги салмоғи юқори эди. Айниқса, қишлоқ аёллари учун асосийси оила иқтисодини таъминлаш бўлиб, оғир жисмоний меҳнат қилишга мажбур эдилар. Мустабид тузумнинг ижтимоий сиёсати — ўлка маҳаллий аҳолисининг асосий қисми бўлган ўзбек деҳқонларини, жумладан, аёлларни ижтимоий таъминлашни ҳисобдан чиқариб ташлаган эди. Қишлоқ хотин-қизлари давлат томонидан ҳеч қандай ижтимоий тўловлар билан таъминланмаган эди. Улар ўзлари ҳақида ўзлари ғамхўрлик қилишлари лозим эди.

Совет даврида чоп этилган жуда кўплаб адабиётларда совет ҳукумати ўзининг дастлабки йилларида аёллар масаласини коммунистик мафкуранинг мақсад-манфаатига мос ҳолда ҳал қилганликларини исботловчи мисолларни учратиш мумкин. Жумладан, баъзи бир тадқиқотчилар аёлларнинг колхозларга киришининг бош сабаби қилиб, «улар ишлаб ўзларини таъминлаб, эрларига моддий қарамликдан ҳоли бўладилар», деган фикрни билдирганлар.

Аёллар меҳнатидан эркаклар қатори тенг фойдаланган мустабид тузум, аёллар меҳнатига ҳақ тўлашга келганда уларни камситган, яъни, масалан, 8 соатлик иш куни учун эркаклар 1сўм 20 тийин ҳақ олса, аёллар 90 тийин ҳақ олишган. 1932 йилда Бўка районидаги «Илғорлар» колхозида 474 эркак ва 316 хотин-қиз алоҳида-алоҳида, яъни 7 та эркаклар ва 7та аёллар бригадаларида меҳнат қилишган. Лекин моддий ёрдам улар ўртасида турлича тақсимланган, яъни эркакларга бир пуддан ун берилган бўлса, хотин-қизларга ярим пуддан ун берилган. «Эркак ишлаши ва ҳатто умуман ишламаслиги ҳам мумкин, лекин барибир ўз ҳақини олади, чунки аёллар улар учун ишлаб беради», деган фикрлар очиқойдин айтилиб, аёллар эри бўлмаган тақдирда колхоз аъзолигига қабул қилинмаган. Буни бир томондан, колхоз раисларининг аёлларга бўлган беғамлик, лоқайдлик, менсимаслик муносабати оқибати, деб баҳоласак, иккинчи томондан, бу маҳаллий раҳбарлар томонидан атайлаб қилинган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ўрганилаётган даврда хотин-қизларга муносабат масаласида колхоз раҳбарларида 2 хил қарама-қарши йўналиш, яъни биринчиси хотин-қизларни далада ишлашини таъқиқлаш билан боғлиқ йўналиш бўлса, иккинчиси, хотин-қизлар меҳнатидан чигит экишдан тортиб, пахта теримигача бўлган жараёнда «унумли» фойдаланиш, ҳаттоки аёлларни колхозга киришини зарур деб топмай, уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги фаолияти ҳам эрининг меҳнат дафтарчасига киритилиши, шунингдек, аёл-

лар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи ҳам ерга урилиши билан боғлиқ йўналиш мавжуд бўлган.

«Аёлларни озодликка чиқариш» борасида қўлга киритилган «муваффақиятлар» ҳақида 20—30 йилларда матбуот саҳифаларида жуда «чиройли» фикрлар ва маълумотлар бериш билан бирга, жамоалаштириш жараёнига аёлларни кенг жалб қилишда йўл қўйилган хатолар ҳақида бирон-бир фикр ва маълумотлар берилмаган. Аксинча, «фақат колхоз туфайли хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигига амалда эришилди», деб талқин қилинган.

1933 йил 19 февралда илғор-деҳқонларнинг I Умумиттифоқ съезди бўлиб, унда Сталин кишлоқ хўжалигини жамоалаштириш жараёнида йўл қўйилган салбий ҳолатлар, хато, камчиликларни «кичкина тушунмовчилик», деб атади. 1934 йил январда Ўзбекистон КП VI съезди ва 1935 йил февралда илғор-колхозчиларнинг II Умумиттифоқ съезди қарорларида жамоалаштириш сиёсатининг маҳаллий миллат хотин-қизлари турмуш тарзига «ижобий» таъсири, эришилган «ютуқлар» таъкидланди. Хотин-қизларнинг жамоаларга мажбурлаб киритилганлиги, уларнинг ўз хоҳишлари билан юз берган жараён деб эътироф этилди ва ихтиёрий колхозга бирлашган хўжаликлар республика бўйича 77,5%га тенг деб кўрсатилди. 1937 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг 66%и деҳқон аёллардан иборат эди.

Аёлларни жамоалаштириш жараёнига кенг жалб қилишдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлашда аёллардан ишчи кучи сифатида фойдаланиш эди. Шу мақсадда хотин-қизлар техникани ўзлаштиришга мажбур этилди. Бунинг учун хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда механизаторлик курсларига жалб қилинди. Шундай қилиб, мустабид тузумнинг аграр сиёсати туфайли аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50%ини эгаллади. Қишлоқ жойларда яшовчи аёллар жамоа ва давлат хўжаликларидаги ишчи кучининг 80 % ини ташкил қилди. Улар қишлоқ хўжалик ишларининг 15 соҳасида: уруғ тозалашдан тортиб, ер ҳайдаш, экин экиш, унга ишлов бериш ва териб олишгача бўлган барча ишларда қатнашарди.

Жамоалаштиришда ихтиёрийликка амал қилинмади, мажбурлаш, зўрлаш, яъни маъмурий-буйруқбозлик усули қўлланилди. Буйруқбозлик турли кўринишда: чекка ўлкаларга сургун қилиб юбориш билан кўрқитиш, ерни тортиб олиш, колхозга кирмаган якка хўжаликларга давлат томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмаслиги, колхозга киришни хоҳламаган деҳқонларга қулоқ деган тамға босилиб, турли жазолар берилиши каби усулларда

амалга оширилди. Кўпгина ҳолларда ер ва сувдан маҳрум қилиш билан кўрқитиб, колхозларга аъзо бўлишга мажбур этар эдилар.

«Ёлпасига жамоалаштириш» сиёсати туфайли деҳқонлар ўз мулки ва меҳнати натижаларидан бегоналашди, «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий рағбатлари тугатилди, қишлоқда малакали ишчи кучи тақчил бўлиб қолди».

Маъмурий — буйруқбозлик усулларидан бири бўлган чекка ўлкаларга сургун қилиб юбориш билан кўрқитиш оқибатида қанчадан-қанча ноҳаддан қулоқ қилиниб, узоқ ўлкаларга «махсус сургун қилиниб», у бегона жойларда мислсиз азоб-уқубатлар, қаҳратон совуқ, очарчилик, қаҳатчилик, сиёсий қатағон, сургундан яна сургун қилинишлар оқибатида минглаб, юз минглаб деҳқонларнинг ўлиб кетганликлари ҳақида, умуман жамоалаштириш ва қулоқ қилишнинг бу сингари даҳшатлари ҳақида совет даврида лом-лим дейилмади. Аксинча, ўша машъум йиллар «Улуг зафар», «Буюк бурилиш» йиллари деб аталди.

Мустабид совет даври тарихида «буюк бурилиш йили» деб аталган 1929 йил бошқа халқлар қатори ўзбек халқи тарихига ҳам фожеали йил бўлиб кирган. Советларнинг жамоалаштириш, якка деҳқон хўжаликларига каттадан-катта солиқ солиш, «қулоқ» хўжаликларини синф сифатида тугатиш ва уларни бошқа жойларга сургун қилишдан иборат сиёсати ва амалиётига бутун қишлоқ аҳолиси қарши кўзгалган, ҳамма жойда антисовет, антиколхоз ҳаракати кенг қулоқ отган. Аниқроғи большевикларнинг «аграр инқилоби»га қарши маҳаллий деҳқонлар оммасининг ҳақиқий қишлоқ инқилоби бошланаётган эди.

Қулоқ хўжаликларини тугатиш кампанияси Ўзбекистонда 1930 йил бошида бошланди. Жамоалаштириш ва қулоқларни тугатишдан иборат советлар сиёсати буюк фожеа, даҳшатли оқибат бўлиб чиққанини, советлар тарихидаги катта қора доғ эканини айтиш, ёзиш тамомила мумкин эмас эди. «Қулоқ қилиш»нинг оммавий тус олиши натижасида ўрта ҳол ва камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинди. Шунинг натижасида, биргина 1930 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 2648 та ўрта ҳол деҳқон хўжалиги тугатилди. Халқнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб, ўнлаб йиллар аввалги даражага тушиб кетди. Ҳатто мазмунан гўё халқ манфаатини кўзлаб қабул қилинган айрим қонунлар ҳам коммунистик партия якка-ҳокимчилик сиёсати манфаатларига қаратилган эди.

Жамоалаштириш сиёсати сафарбарлик усулида олиб борилди, чунки бу даврда қонунсизлик, қатағон қилиш авжига чиқди.

Жамоалаштириш даврида бой ҳам, камбағал ҳам бир хил даражада қатағон қилинган. Таъқиб-таъйиқ ва зўравонликлар билан олиб борилаётган бу сиёсатга қарши хотин-қизлар томонидан қаттиқ қаршилик кўрсатилган.

1930 йилларда Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1930 йил 30 январь қарорига асосан, ўз меҳнати эвазига фаровон турмуш кечираётган деҳқонлар янги, ўзлаштирилмаган ерларга мажбуран кўчириб юборилиб, уларнинг уй-жойлари, мол-мулклари мусодара қилинди. Уларнинг деярли ярмини аёл-деҳқонлар ташкил қилар эди. Жумладан, Табон Ёқубова, Одалан Жамолова, Инохон Матхалилова, П.Мирзараҳимова ва И.Болтаева ва ҳоказолар Украина ва Сибирга сургун қилинган эдилар. Шу билан бирга, улар сургун қилинган жойларида ҳам пахта экишга ҳамда йиғим-терим мавсумида «илғорлик» кўрсатиб, меъёридан кўп пахта теришга мажбур қилинганлар.

Жумладан, Украинанинг ҳозирги Херсон вилояти Голопристан туманидаги Мартин номли колхозда 1938 йили 18 гектарга сара пахта нави экилиб, йиғим-терим мавсумида стахановчилар деб тан олинган — Табон Ёқубова 9189 кг, Одалан Жамолова 7721 кг, Инохон Матхалиловалар 7986 кг пахта терган. «Южная Правда» газетасининг 1938 йил 27 октябрдаги сониди «Совхоз пахтакорларининг муваффақияти» сарлавҳаси билан мақола эълон қилиниб, унда Каховский 2-пахтачилик совхозида ўтказилган стахановчилик декадасида қатнашганлар — П.Мирзараҳимова ва И.Болтаевалар 2220 кг (мавсум бўйича), кунига 220 кг пахта терганлиги ҳақида «фахрланиб» ёзилган. Хотин-қизлар ўртасида ернинг ҳар бир гектаридан 20—30 центнердан юқори ҳосил олиш учун «Йиғимачилар», «Ўттизчилар», «Бешмингчилар», «Биринчи рақамли Сталин йўлланмаси учун», «Сталинча юриш», «Яхши кетмончи» номлари учун ҳаракатлар ташкил қилиниб, турли шиорлар ва рағбатлантириш усулларидан фойдаланилган. Бу машъум сиёсат ва амалиётнинг қишлоқ хўжалигига келтирган зарарини ҳозирда ҳам тузатишга тўғри келмоқда. «Буюк бурилиш йили» деб тарихга кирган 1929 йилдаги қишлоқ хўжалиги аҳволи даражасини тиклаш фақат 30-йиллар охиридагина мумкин бўлди. Советларнинг қишлоқдаги инқилобий янгиликлари юз минглаб кишилар ҳалок бўлган 1933 йилги қаҳатчиликка, очарчиликка олиб келди. Умуман олганда, жамоалаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати советлар манфаати асосида зўрлаб амалга оширилган сиёсат эди.

## Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати

Ер-сув ислоҳоти — совет ҳокимияти томонидан 1920-21 ва 1925-29 йиллар мобайнида ўтказилган. «Ер ислоҳоти даври аёлларни озодликка чиқаришда янги босқич» деб аталиб, ислоҳот туфайли маҳаллий хотин-қизларнинг «ҳақиқий иқтисодий озодликка» чиққани, ҳаттоки, бу ислоҳот аёлларнинг нафақат иқтисодий озодлигини таъминлашда, балки уларнинг онгида ҳам «инқилоб» вазифасини ўтаб, ижтимоий фаоллигини оширди, деб таъкидланди. Улар томонидан ер-сув ислоҳоти бу фақатгина мусулмон қонунчилигига қарши ҳужум бўлмай, балки аёлларни далада ишлашини таъқиқловчи қонунларга ҳам қарши ҳужум эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга, «аёлларни оғир қўл меҳнатидан халос қилиш учун уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш жараёнида қатнашишини, бунинг учун махсус ўқитиш ҳамда «маҳаллий ўзбек аёлларидан юқори малакали кадрлар — агрономлар, зоотехниклар ҳамда раҳбар ходимлар тайёрлаш жараёнига эътиборни кучайтириш лозим» деб ҳисобланди. Аслида эса, бу ислоҳот ўз моҳиятига кўра, ўзбек аёлларини меҳнат фронтига ҳайдашнинг бошланиши эди. Ер-сув ислоҳоти даврида бошланган аёлларнинг жисмоний кучидан фойдаланиш ҳаракатига жамоалаштириш даврида зўр берилди.

Деҳқонлар уйи - «коммунистик ғоя» ижодкорлари томонидан маданий-оқартув ишлари соҳасида яратилган янгиликлардан бири деҳқон уйлари бўлиб, ушбу муассасанинг бош мақсади шаҳарнинг қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат эди. Деҳқон хотин-қизлар бу ерда халқ хўжалигидаги ўзгаришлар билан танишиб, хўжалик, сиёсий мавзуларда маърузалар эшитишиб, муҳокама қилишар эди. Жамоалаштириш — 20-йилларнинг охирига бориб солиқ советлар давлати кооперацияни ривожлантириш сиёсатини ҳар томонлама жамоалаштириш сиёсати билан алмаштирди, алмаштирганда ҳам, юқоридан «тиқиштириш» йўли билан амалга оширилди. Айни вақтда, маҳаллий шароитлар мутлақо ҳисобга олинмади. Зўрлик билан мажбуран амалга оширилиб, республикамиз қишлоқ хўжалигини боши берк йўлга солиб юборган жамоалаштириш совет даври ўзбек деҳқончилиги фожиали солномасининг қайғули саҳифаларидан бирини ташкил этди.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Совет ҳокимияти томонидан олиб борилган қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати қандай оқибатларга олиб келди?

2. Қулоқлаштириш сиёсатининг моҳиятини қандай тушунасиз?

3. Қишлоқ хўжалигини ялпи жамоалаштириш сиёсатининг хотин-қизлар турмушига таъсири қандай бўлди?

4. Пахта яккаҳокимлигининг Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётига салбий таъсири ва оқибатларини гапириб беринг.

### «ЧАРХПАЛАК» технологияси

№	Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонга амалда оширган иқтисодий-сиёсий, иқтисодий таъдирлари ва унда хотин-қизлар иштироки	ВКП(б)МК ўрта Осиё бюросининг 1926 йил сентябринаги махсус қарори асосида	1930 йил февраль	1919 йил 12 ноябрда	Камбалоқ ва ерсиз деҳқонларнинг ташкилоти	Деҳқонлар янги ўлаштирилмаган ерларга мажбуран кўчириб юборилиб, уларнинг уй-жойлари, мол-мулклари мусодалар қилганини	Қишлоқларни "Самалистик асосда қайта қуриш"	Мамалякнинг пахта мустқилигини таъминлашда аёллардан ишчи кучи сифатида фойдаланиш.	1920—1922 йиллари	Аёлларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш янада кенг тус олди.
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Ўзбекистонда жамоалаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш нечангчи йилдан бошланган?		+							
2.	"Қўшчи" қандай ташкилот бўлган?				+					
3.	"Қўшчи" уюшмасининг асосий вазифаси нимадан иборат бўлган?						+			
4.	"Қулоқлаштириш" сиёсатининг моҳияти нимадан иборат?					+				
5.	Аёлларни жамоалаштириш жараёнига кенг жалб қилишдан кўзланган асосий мақсад нимада?							+		

Хулоса қиладиган бўлсак, советларнинг маҳаллий аҳоли турмуш тарзига, вужудига, қалби ва онига мутлақо сингмаган аграр сиёсати Ўрта Осиё хотин-қизларининг ижтимоий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб, аянчли оқибатларни келтириб чиқарди. Минтақада ишчи кучи етишмаслиги туфайли хотин-қизлар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланилди. Жамоа хўжалиқларидаги оғир меҳнат эксплуатацияси хотин-қизларни бир умрга майиб-мажруҳ қилиб қўйди. Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлашда аёллар меҳнатидан жисмоний куч сифатида фойдаланилди. Жамоалаштиришда ихтиёрийликка амал қилинмади, мажбурлаш, зўрлаш, яъни маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўлланилди. Шунингдек, колхозга кирмаганлар кулоқ сифатида тугатилиб, чекка ўлкаларга сургун қилинди. Аёлларни колхозларга жалб қилиш жараёнида уларга маиший хизмат кўрсатишга эътибор қаратилмади. Хотин-қизларнинг жисмоний имкониятларига мос келмаган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиниши «катта ютуқ» деб эътироф этилди.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. 1925—1929. — Т.: Фан. 1969. — 468 б.

2. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: Как это было? Коммунист Узбекистана. 1989. №10. С.81.

3. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш-қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. 1992. №12. Б.183—186.

4. Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. — Тошкент: Изд-во АН УзССР. 1955. — 134 с.

5. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. — Тошкент: Шарқ. 2001. — 368 б.

6. Шамсутдинов Р., Бекмуҳаммад У. Мозийнинг қора кунлари. — Урганч, 2007. — 37 б.



## II. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҚАРАМЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТГА ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ

### II.1. Фан ва маориф тизимида хотин-қизлар фаоллигини ўстириш

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг маданий сиёсати моҳиятини, советларнинг фан ва маориф тизимида хотин-қизлар фаоллигини ўстиришдан кўзлаган мақсади, яъни мустабид тузум маъмурий-буйруқбозлик усуллари орқали «маданий инқилоб» йўли билан хотин-қизларнинг илм-фан ва маърифатга бўлган интилишидан сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланганлигини манбалар асосида ёритиб бериш.*

«Совет Шарқи»да хотин-қизларни «озодликка чиқариш» ҳаракати уларни иқтисодийга, маданиятга ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш билан узвий боғлиқликда олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, хотин-қизлар аҳволининг тарихий негизларини, маҳаллий халқ мафкурасини, уни ўзгартириш йўлларини, хотин-қизларнинг саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги меҳнати аҳамиятини илмий ўрганишни тақозо этарди.

Хотин-қизлар масаласини ҳар томонлама чуқур илмий таҳлил қилмай туриб, хотин-қизлар ҳаракатини амалга татбиқ этиб бўлмас эди. Шуни назарда тутиб, ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюроси 1927 йил 24 февралдаги хотин-қизлар бўлими мудирларининг йиғилишида «Маҳаллий туб аҳоли ўртасидаги эски турмуш тарзига қарши кураш ишини илмий асослаш» ҳақидаги қарори тасдиқланди. 1927 йил 14 мартда Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар «озодлиги» билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу масалани илмий ўрганишга мутахассис кадрларнинг етишмаслиги боис, нафақат тарихчи, иқтисодчилар, балки ўлкашунослар ва ёзувчилар ҳам жалб

қилинди. Натижада, Ўлка хотин-қизлар бўлими қошида 25 кишидан иборат матбуот шўъбаси ташкил қилинди. Шўъбанинг мақсади — иқтидорли мутахассисларни хотин-қизлар аҳволини ўрганишга йўналтиришдан иборат эди.

1930 йили марксча-ленинча илмий муассасанинг Ўрта Осиё Ассоциацияси қошида Ўрта Осиё хотин-қизларининг иқтисодий, ҳуқуқий, маиший турмуш тарзини ўрганиш бўйича таркибида 16 нафар аъзоси бўлган комиссия ташкил қилинди. Комиссия аъзолари ўзгарган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, халқ хўжалигини реконструкция қилиш орқали юзага келган хотин-қизлар аҳволи, улар ўртасидаги ишни ташкил қилишнинг шакл ва усулларини ишлаб чиқиши лозим эди. «Совет Шарқи» хотин-қизлари ҳаракатини ўрганишга Москвадаги илмий марказлар ҳам алоҳида эътибор берди. Шулардан бири 1928 йили таркибида халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг назария ва амалиёти билан шуғулланувчи сектор ташкил этилган Коммунистик Академия эди. Хотин-қизлар ҳаракати билан боғлиқ муаммо Умумиттифоқ шарқшунослик илмий ассоциациясининг ҳам диққат марказида бўлди. Бу ташкилотлар қандай қилиб бўлса ҳам, хотин-қизлардан жисмоний куч сифатида фойдаланиш, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссаларини ўрганиш билан боғлиқ режаларни ишлаб чиқиши лозим эди. Шундай қилиб, шарқ хотин-қизлари масаласини «илмий» ўрганувчи бутун бир «жамланма» юзага келди.

Совет ҳукумати 20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларда ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада мустақкамлаш учун ҳаракат қилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида «маданий инқилоб» тадбири билан мафкуравий таъсирни кучайтириб борди. Айниқса, бу жараён кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълимда, илм ва маданиятда жиддий тус олди. Мустабид тузум маъмурий-буйруқбозлик усуллари орқали «маданий инқилоб» йўли билан халқнинг илм-фан ва маърифатга бўлган интилишини сиёсий манфаатлар томон бурди. Большевиклар тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган халқ таълимини биринчи кундан оқ мафкура измига солиш учун бутун имкониятини ишга солди. Мақтабларда сиёсий тарбияни йўлга қўйишга ва уни такомиллаштириб боришга эътибор берди.

Советлар ўзлари юритаётган сиёсатни тарғиб этишда маҳаллий миллат хотин-қизларидан кенг фойдаланди, ҳамда хотин-қизларни «коммунистик» ҳаётга тортишда махсус «маданий ин-

қилоб» режасидан фойдаланди. Хусусан, совет ҳукумати 20-йилларнинг бошлариданоқ хотин-қизларнинг «озодлиги»ни таъминлаш, уларнинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда «фаол» иштирок этишига эришиш учун, уларни халқ маорифи тизимига жалб этиш лозимлигини ва ўзбек хотин-қизларидан ўқитувчилар тайёрлаш билан эса, ўзининг сиёсий мақсадига эришиши мумкинлигини англаб етди. Яъни тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган мактабларда ҳаётни давом эттирувчи ёшларни совет ҳукуматини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ, итоатгўйлари қилиб тарбиялашда айнан мана шу ўқитувчилар муҳим роль ўйнаши мумкинлигини советлар яхши биларди. Шунинг учун ҳам, коммунистик партия ўзбек хотин-қизларидан ўз диктатурасини мустаҳкамлаш учун таянч сифатида фойдаланиб, даставвал ўзбек хотин-қизларининг саводхонлиги даражасига эътибор қаратди ва саводсизликка барҳам бериш муаммосига хотин-қизлар муаммоси деб қаради. Чунки 20-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек аёлларининг саводхонлик даражаси 0,5% этиб белгиланган эди. Лекин тарихдан маълумки, ўзбек хотин-қизлари азалдан маърифат ва маданиятга интилиб яшаган. Шунинг учун бу кўрсаткич ҳақиқатдан йироқ. Шу билан бирга саводхон аҳолини ҳисобга олиш даврида араб имлосини билса-да, рус алифбосини билмаганлар ҳам саводсизлар сафига қўшиб юборилган. Мақсад янги зиёли кадрларни шакллантириш орқали мавжуд эски миллий зиёлларни йўқ қилиш эди. Чунки советлар синфийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, «камбағал ва батрак аёллардан тайёрланган кадрларни ёш совет ҳукуматининг таянчи» деб ҳисоблаб, эски зиёли ходимларни совет ҳукуматига яқинлаштирмаслик лозимлиги, зеро улар «бегона элементлар» эканлиги таъкидланди. Масалага бундай ёндошув коммунистик партиянинг 20—30-йиллардаги сиёсий моҳияти билан ҳамоҳанглигидан далолат беради. Шунинг учун саводхонлик даражасининг ўсиши бюрократик бошқарув тизимининг мустаҳкамланиб бориши, қаттиқ мафкуравий назоратнинг ўрнатилиши билан уйғунликда олиб борилди. Шу ўринда миллий арбоб Раҳимжон Иноғомовнинг совет ҳукумати олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, «жамият ривожига асосий куч «пролетар диктатураси»си эмас, балки миллий зиёллар бошқарувидаги маънавий меросга эга бўлган халқ бўлиши керак», деган ғояси диққатга сазовордир. Раҳимжон Иноғомов маҳаллий халққа ҳеч бўлмаганда миллий-мада-

ний ўзлигини англаш ҳуқуқининг берилиши учун, жамият тараққиётида зиёлилар ролини ошириш учун интиланган. Бироқ мустабид тузум ўз ғояси, сиёсатига ёт бўлган бошқа фикрлашларга йўл қўймасдан «миллий оғмачилик»да айбланган миллий муҳолифат арбобларига қарши қатъий кураш олиб борди.

Совет ҳукумати томонидан асос солинган «социалистик қурилиш»нинг мақсад-манфаатлари қисқа муддат ичида саводсизликни тугатишни талаб қилар эди. Шунинг учун Туркистон Республикаси ХК Кенгашининг қарорига кўра «Саводли, саводсизни ўқит!» шиори остида хотин-қизлар саводини чиқаришга киришилди ва савод чиқаришга мажбур бўлган фуқаролар ёши 8–40 қилиб белгиланди.

1920 йил декабрда Туркистонда «Саводсизликни тугатиш ўлка фавқулодда комиссияси» тузилди. Жойларда «Округ саводсизликка қарши кураш комиссиялари» тузилган бўлиб, улар «Округ сиёсий-оқартув бўлими» билан биргаликда фаолият кўрсатдилар. Округ комиссиялари раҳбарлигида уезд, ўқув юртларида, ишлаб чиқариш корхоналарида «Фавқулодда комиссия»лар иш олиб бордилар. Бундай комиссиялар жойлардаги маҳаллий ташкилотларнинг «ўлка комиссияси» вазифаларини ўз ҳудудларида амалга ошириши лозим эди. Дастлаб маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, саводсизликни тугатиш бўйича хотин-қизлар учун махсус тўғарақлар ташкил қилинди. 1921 йилдаёқ ТАССР да 50 минг кишини бирлаштирган 1000 та саводсизликни тугатиш тўғарақлари ташкил қилинган эди. 1923 йилда эса «Саводсизликни тугатиш жамияти» тузилди. Лекин 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган мустабид тузумнинг моддий-иқтисодий базасини мустаҳкамлаш сари интилиш оқибатида маъмурий-буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб мустаҳкамланиб, ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, кампаниябозчилик ҳаракатлари авж олди. Шундан сўнг, 1925 йил февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) I съезди ва шу йили ноябр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) II съезди қарорларидан келиб чиқиб, «икки ҳафтачилар» номли кампания остидаги тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар. Бу кампания аъзолари корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўртасида умумий йиғилишлар ўтказиб, «Ҳамма саводсизлик учун курашга!» шиори остида оммавий митинглар уюштирдилар. Митинг сўнгида савод чиқариш мактабларининг янги талабгорлари рўйхатга олиниб, «социализм афзалликлари»ни тарғиб қилувчи кинофильм ва спектакллар намойиш қилинди.

Улардан тушган моддий маблағ саводсизликни тугатиш жамияти фондига топширилди. Мана шундай совет ҳукуматининг сиёсий найранглари ва миқдор кўрсаткичлар кетидан қувиши натижа-сида саводсизликни тугатиш мактаблари ва унда ўқувчилар сонининг ортиб боришига эришилди.

Агар 1923—1924 ўқув йилида Ўзбекистонда 500 хотин-қизни бириктирган 23 саводсизликни тугатиш мактаби мавжуд бўлган бўлса, 1925—1926 ўқув йилида эса 82 саводсизликни тугатиш мактабларида 2700 нафар хотин-қизлар ўқиди, шулардан 800 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди; 1923—1924 ўқув йилида қизлар учун ташкил этилган 30 та ижтимоий тарбия мактабларида 1344 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, 1925—1926 ўқув йилида 96 ижтимоий тарбия мактабларида 9454 нафар қизлар ўқитилди. Лекин ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва мафкуравий кескинлик туфайли хотин-қизлар саводсизликни тугатиш мактабларга дастлаб 3—4 кун қатнаб, кейин келмай қолардилар. Шунинг учун уларнинг мактабга келишини таъминлаш мақсадида рағбатлантириш, совға-саломлар бериш уюштирилди. 1928—1929 ўқув йилида Андижон округида 689 хотин-қиз саводсизликни тугатиш мактабида ўқиган, бу эса ўтган ўқув йилига нисбатан 106 та кам демак. Шаҳрихон районидаги саводсизликни тугатиш мактабида 945 нафар эркак ва 7 нафар хотин-қиз, Марҳамат районида 518 нафар эркак ва 4 нафар хотин-қиз, Избоскан районида 711 нафар эркак ва 5 нафар хотин-қиз савод чиқарди. Фарғона округи бўйича савод чиқариш мактабларида 5452 нафар эркак ва 584 нафар хотин-қиз ўқиди. Саводсизликни тугатиш мактабларининг сони, асосан шаҳарларда кўпчиликни ташкил этган. Масалан, Бухоро округидаги 203 та мактабдан атиги 11 таси қишлоқларда ташкил қилинган эди.

1925 йил март ойида РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси махсус резолюция қабул қилиб, «хотин-қизлар саводсизлиги республиканинг хўжалик ва маданий ривожига жиддий тўсиқ бўлаётганини, улар саводсизлигини тугатиш нафақат хотин-қизлар бўлими, балки жойлардаги барча партия ташкилотлари, республика маориф органининг ҳам вазифаси» эканлигини таъкидлади. Ҳақиқатдан ҳам, мустабид тузум хотин-қизлар меҳнатидан ўзининг беш йиллик «социализм қуриш» режаларини амалга оширишда манфаатдор эди ва хўжалик ривожига эса, арзон ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришда банд бўлган малакали, саводли хотин-қиз кадрларни талаб этар эди. Шу мақсадда 1925 йил майда

«Саводсизликни тугатиш жамияти» ҳақида янги қарор қабул қилинди ва асосий эътиборни қишлоққа қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, «социализмнинг афзалликлари»ни тарғиб қилиш. «янги жамият»ни қўллаб-қувватловчи ҳайрихоҳларга эришиш мақсадида ўқувчиларга ижтимоий-сиёсий билим бериш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди.

Маълумки, саводсизликларни тугатиш мактабларининг тингловчилари бўлган хотин-қизлар дастлабки йилларда алоҳида имтиёзларга эга эди. Улар маоши тўлиқ сақланган ҳолда, ишдан 2 соат олдин озод қилинар эди, тиббиёт консултациялари, болалар боғчалари биринчи ўринда ушбу мактабларга борган хотин-қизларга хизмат кўрсатар эди. Шунингдек, уларга дарсликлар ва ўқув қўлланмалари бепул берилар эди. Барча ўтказилган тадбирларга қарамай, маҳаллий халқ хотин-қизлари ўртасида мактабни ташлаб кетиш ҳоллари юз берган. 1927 йилда шаҳарлардаги маҳаллий миллат аёлларининг саводхонлик даражаси 3,6 %ни, қишлоқда эса 1%ни ташкил этди. Шунинг учун ҳам, «Хужум» ҳаракати туфайли бу жараёнга янада эътибор кучайтирилиши оқибатида 1926—1927 ўқув йилида саводсизликни тугатиш мактабларининг сони 155 тага етди ва уларда 4605 нафар хотин-қиз савод чиқарди. Бироқ анъанавий турмуш тарзи туфайли, яъни ота-оналар томонидан қизларни эрта эрга беришга интилиш, аёлларнинг таълим олишига оила аъзоларининг қаршилиги каби ҳолатлар туфайли хотин-қизлар ўртасида мактабни ташлаб кетиш ҳоллари мунтазам давом этган. Хусусан, бу ҳолат 1929—1930 ўқув йили охирига келиб, 30 %ни, баъзи туманларда 50-60 %ни ташкил этган. Натижада, советларнинг 1928—1929 йилларга мўлжалланган хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш режаси амалга ошмади. Жумладан, Фарғонадаги шойини қайта ишлаш фабрикасида 1929 йилда ишлаши керак бўлган 4 та саводсизликни тугатиш мактабининг атиги 2 таси фаолият юритди. Мактаблардаги шарт-шароит ноқулай бўлган, яъни атиги 35 нафар ўқувчи сифадиган 6 та парта мавжуд бўлган, гуруҳларнинг аралашлиги ишчи-аёлларнинг зўрға, хоҳиш-истаксиз ўқишга қатнашига сабаб бўлган. Марғилон фабрикасида эса хотин-қизлар учун 4 та мактаб ташкил қилинган бўлиб, улар деярли фаолият юритмаган. Чунки мактаблар фабрикадан 6 км узоқликда мавжуд бўлиб, ишнинг тугаши ва дарснинг бошланиши бир-бирига номувофиқ эди. Шундан сўнг, Ўзбекистон КП(б) МҚ нинг 1930 йил октябр пленуми хотин-қизлар мактаби тармоғини кенгай-

тириш ва хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш ойликлари ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Лекин, саводсизликни тугатиш мактабларида ўқитувчилар етишмас эди. Масалан, Кўқондаги хотин-қизлар клуби қошидаги мактабда бир ўқитувчига 114 ўқувчи тўғри келар эди. Саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар етишмаслиги муаммо бўлсада, эски ва янги, жадид мактаблари муаллимларидан фойдаланилмади. Аксинча, уларга «синфий душман» сифатида муносабатда бўлинди.


Советлар саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар етишмаслиги муаммосини ҳал этиш мақсадида 1919 йил апрель ойида Тошкентда маҳаллий миллат хотин-қизларидан ўқитувчилар тайёрлайдиган бир йиллик курслар ташкил этилди. Унга даставвал турли ёшдаги ва саводлилик даражаси ҳам турлича бўлган 55 нафар аёл жалб қилинди. Хотин-қизлар иккита катта ва битта кичик гуруҳга бўлинган ҳолда ўқитилди. Уларга С.Ахтямова, Ш.Халилулина, Г.Галиева, Г.Муҳамедова, Р.Насирова каби дастлабки ўқитувчилар томонидан таълим берилди. Шу йили 25 октябрда Туркистон хотин-қизлар педагогика билим юрти очилди. 1922 йил бу ўқув юрти «Маориф уйи» номи билан аталди.

1920 йилда Тошкентда муддати 2 йил бўлган хотин-қизлар маориф институтлари ташкил этилди. 1922 йилда Тошкентдаги ушбу институтнинг 630 нафар талабасидан 150 нафари ўзбек хотин-қизлари эди.

Тошкентдаги Шайхонтохурда очилган хотин-қизлар клуби қошида хотин-қизлар педагогика институти очилган бўлиб, 1923 йилда унинг дастлабки дипломларини олган илк 72 нафар битирувчиларидан 7 нафари ўзбек хотин-қизлари, яъни Тожихон Рустамбекова, Манзура Собирова (Ойдин), Манзура Ёнғулатова, Назми Маҳсумова, Ҳамида Тожиева, Робия Носирова, Хосият Зиёхоновалар бўлган. Шу билан бирга, биринчи ўқитувчилар орасида отинбибилар ҳам бор эдики, улар ўзларини халқ маорифи ишига бағишлаган фидоийлар ҳисобланарди. Шундай отин-бибилардан Ойшахон Қори-Ниёзова ва Кўқонда Мукаррам Қодирова кабилар саводсизликни тугатишда ташаббус кўрсатдилар. Маориф институтлари 1929 йилдан педагогика техникумларига айлантирилган. Шундай қилиб, советларнинг маҳаллий миллат хотин-қизларидан ўқитувчилар тайёрлаш мақсадида олиб борган тадбирлари натижасида республика бўйича педагогика билим юртларида хотин-қизлар салмоғи ортиб борди (14-илова).

## Педагогика билим юртларидаги хотин-қизлар салмоғи

Хотин-қизлар педагоги ка билим юртлари	Жами укув-чилар	Жумладан								
		Миллати			Ижтимоий келиб чиқиши					Сарф қилинган моддий маблағ миқдори
		ўзбек	тожик	бошқа	иш чи	деҳ қон	хиз матчи	хунар манл	бошқа	
Тошкент	149	141	3	5	63	74	8	4	-	
Бухоро	71	60	-	11	2	51	17	1	-	
Самарқанд	88	67	2	19	42	26	5	5	10	1929 й. 470207 сўм. 1930 й. 1250516 сўм.
Андижон	51	39	-	12	16	28	6	1	-	
Хоразм	80	66	-	14	1	53	6	13	7	



1920 йилдан Тошкентнинг янги шаҳар қисмида хотин-қизлар учун кечки курслар очиш ҳақида қарор қабул қилиниб, кечки мактабларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Лекин кечки таълим маҳаллий шароитга мос келмаганлиги боис, 1930 йилда барча Ўрта Осиё республикалари бўйича кечки таълимда 200 дан

ортиқ хотин-қизлар банд бўлди, холос.

Советларнинг маҳаллий миллат хотин-қизларидан ўқитувчи тайёрлашдан кўзлаган сиёсий мақсадининг негизида совет ҳукумати ва коммунистик мафкурани қўллаб-қувватловчи ўз тарафдорлари сонини ошириш ва улар ёрдамида ёш авлод онгига «коммунистик ғоя»ни сингдиришга интилиш яширинган эди. Шу мақсадда 1924-25 ўқув йилида 139 нафар хотин-қизлар Москва, Ле-



нинград, Бокуга олий ўқув юртларида ўқиш учун юборилдилар, шулардан 115 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. Москвада фаолият юритаётган ўзбек хотин-қизлари маориф институтига 10 нафар маҳаллий миллат вакиллари юборилди.

Дастлабки хотин-қиз педагоглар Самарқандда З.Ёкубова, М.Сулаймонова, Ф.Ёкубова; Тошкентда К.Шодмарова, З.Садриддинова, Г.Аҳмаджонова; Қашқадарёда П.Абдуллаева, Х.Сусина; Хоразмда З.Файзулина; Бухорода Х.Маъсудова, О.Қамариддинова эди. Улар «совет меҳнат мактаби» моделини қарор топтиришга хизмат қилишлари лозим эди. «Совет меҳнат мактаби» моделини қарор топтириш ва уни ислоҳ қилиш асосан, таълим мазмунини тубдан ўзгартириш ҳамда болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш, янги мактаблар тармоғини кенгайтириш йўли билан олиб борилди.

20-йилларнинг бошларида маҳаллий анъаналарни ҳисобга олиб, махсус хотин-қизларнинг ижтимоий тарбия мактаблари ташкил қилинди. 1923 йилда шундай мактабларни ташкил қилиш эҳтиёжига 1 миллион сўм ажратилган бўлса, 1924 йилда 2 миллион сўмдан ортиқ моддий маблағ ажратилди. Бунинг сабаби — советларнинг хотин-қизлар саводсизлигини тугатишдан сиёсий ва иқтисодий манфаатдорлигида эди.

1924—1926 йиллар давомида ўрта маълумотга эга ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни республика бўйича 5 та билим юртида олиб борилди. Жумладан, Самарқанддаги ўзбек ва тожик педагогика билим юрти, Бухоро ва Тошкентдаги педагогика билим юртларида 360 нафар талаба ўқиди. 1924 йили Самарқанд вилоят хотин-қизлар бўлими ўқитувчилар тайёрловчи курслар очишга муваффақ бўлди. Шу йили 15 тингловчи курсни битирди ва 9 нафари хотин-қизлар мактабида ишлай бошлади. Лекин кескин ижтимоий-сиёсий вазият, анъанавий турмуш тарзи туфайли ҳамма битирувчилар ҳам ўқитувчилик қила олмаган. Масалан, Самарқанддаги 19 та хотин-қизлар мактабида 590 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, шундан атиги 25 нафари ўқитувчи бўлганлиги фикримиз далилидир. 1925 йилдан вилоят партия мактаблари қошида хотин-қизлар билан ишлаш ўқув шўъбалари ташкил этилиб, хотин-қизларни советларнинг сиёсий мақсадлари томон йўналтирган, яъни курсларда 8 соатлик хотин-қизлар ҳаракати ҳақида қўшимча маъруза дарслари олиб борилган.


1925 йил 15 июлда Хива шаҳрида ҳам хотин-қизлар билим юрти очилди. Қизлар педагогика техникумига Зайнаб Камолова

мудир, Хадича Валишева, Зайнаб Потиева, Хадича Алимова ўқитувчи, Гулсума Аббосова хўжалик ишлари мудир, Қурбонной Отажоновна ошпаз бўлиб иш бошлаган. Педагогика техникуми ўз фаолиятини дастлаб Али Маҳрамнинг, кейинчалик Нурмурат Маҳрамнинг советлар томонидан тортиб олинган уйида давом эттирди. Хотин-қизлар техникумида «Мазлумалар озодлиги клуби» ташкил қилинди. «Эркин хотин-қизлар» деворий газеталари чиқа бошлади. «Хужум» ҳаракати йилларида саводсизликни тугатиш мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган 9 ойлик курслар кенг қамровли тарзда ташкил этила бошлади. Жумладан, Турсунхон Топилдиева, Ачахон-ойим Олахонова, Халимахон Ғофурова, Тўхтагон Ғозибоева, Тожихон Комилова, Турсунхон Жалилова кабилар саводсизликни тугатиш мактабининг биринчи ўқитувчиларидан эди. Лекин анъанавий жамият аёлларнинг дунёвий илмдан хабардор бўлиши каби ютуқларни тан олгиси келмас эди. Шунинг учун 1927–28 йиллар мобайнида 400 хотин-қиз мустабид тузум кампаниябозчилик сиёсатининг қурбонлари бўлишди. Биринчи ўқитувчилар Жамила Жумаева ва Мангуёра Бугаева биринчи қурбонлардан эди.

1929 йил 17 майда ВКП(б) МҚ «Саводсизликни тугатиш бўйича ишлар ҳақида»ги қарори ва 1930 йил 23 августда ЎзССР МИҚ қароридан сўнг саводхонлик учун кураш янада кенг тус олди. Қишлоқ аҳолиси саводсизлигини оммавий тугатиш шиори остида 350 минг деҳқонларни саводли қилиш режалаштирилди ва шу мақсадда 25 мингчилар сафарбарлиги бошланди. Жумладан, 1931 йилда Ўзбекистонга 433 ишчи юборилди. Улар орасида хотин-қизлар масаласи бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун юборилган Е.Миронова, Е.Кузнецова, Е.Нетесова, Бутўрина, Плотникова, Попова, Чемодановалар бор эди. Мустабид тузум улар орқали маҳаллий миллат хотин-қизларини ўз сиёсий ва иқтисодий мақсадлари сари ундадилар. Шунингдек, Ўзбекистон КП(б)МҚ қарорига кўра, 15минг «маданий армиячилар» жойларда ёшларни саводсизликни тугатишга жалб қилиш, саводсиз хотин-қизларни рўйхатга олиш, саводсизликни тугатиш пунктлари учун бинолар қидириш ва танлаш, дафтар ва китоблар учун анжомлар тўплаш, саводсизликни тугатиш мактаблари очиш, оналарнинг савод чиқаришига имкон яратиш мақсадида болалар хонаси ташкил этиш каби вазифаларни бажаришга сафарбар этилди. Натижада, республика бўйича саводсизликни тугатиш мактабларида хотин-қизлар салмоғи ортиб борди (15-илова).

## Хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш натижалари

Йиллар	Саводсизликни тугатиш мактабларидаги барча ўқувчилар сони	Шу жумладан хотин-қизлар
1923–24 йиллар	5100 нафар	500 нафар
1924–25 йиллар	19700 нафар	1023 нафар
1925 йил	26300 нафар	2700 нафар
1926–27 йиллар	36930 нафар	4605 нафар
1927–28 йиллар	40492 нафар	7092 нафар
1928–29 йиллар	67900 нафар	10695 нафар
1930–31 йиллар	175600 нафар	52143 нафар
1933–34 йиллар	221600 нафар	99620 нафар
1935–36 йиллар	459421 нафар	204377 нафар
1936–37 йиллар	602447 нафар	273637 нафар



Лекин бу рақамлар мустабид тузумни қониқтирмади. Чунки, халқ хўжалигининг олдиндан белгиланган имкониятсиз режаларининг бажарилиши ишлаб чиқаришда банд бўлган саводли хотин-қизларни талаб қилар эди. Хотин-қизлар саводини чиқариш туфайли эришиш назарда тутилган сиёсий мақсад эса, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларга, «социалистик янгилик»ларга аёллар ҳайрихоҳлигини оширишдан иборат эди.

Бундай шароитда советлар ҳукумати хотин-қизлар саводсизлигини тугатишни жадаллаштириш йўлини тутди. Шунинг учун саводсизликни тугатиш мактабларидаги ўқувчи хотин-қизлар сонини 500 000 тага етказиш вазифаси ўртага ташланди.

1931 йилда 175 900 хотин-қиз саводсизликни тугатиш мактабларида таълим олган бўлсалар, 1933 йилда 286 400 га етди. Бу рақамлар хотин-қизларга нисбат бўйича республика миқёсида кам эди. Корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларни савод чиқаришга жалб этишни фаоллаштириш мақсадида, уларнинг ойлик маоши тўлиқ сақланган ҳолда, 2 соатга савод чиқаришда иштирок

этиши учун ишлаб чиқаришдан озод этиш ёки унга маълум сабаб билан ишлаб чиқаришдан озод этилмаганлиги учун, ишдан сўнг савод чиқаришга қатнашгани учун қўшимча ҳақ тўлаш амалиёти жорий этилди. Амбулатория ва тиббий маслаҳатхоналарда саводсизликни тугатиш мактабларида ўқиётган хотин-қизлар навбатсиз қабул қилинди. Бу тadbирларнинг негизида советларнинг ўз мақсадлари яширинган эди. Қўрилган чора-tadbирлар натижасида, биринчи беш йиллик даврида саводсизликни тугатиш тизимида 808 минг хотин-қиз савод чиқарди. Лекин шундай бўлса-да, республика хотин-қизларининг ярми саводсизлигича қолди. Натижада, 1920 йилда белгиланган режа 1930 йилда бажарилмади, яъни ишлаб чиқаришда банд бўлган барча хотин-қизларни 100%, батрак аёлларни 50% саводхон қилиш режаси амалга ошмади. Хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси шаҳарда 1%, қишлоқда эса 0,3%дан ошмас эди. Шунинг учун, баъзи жойларда саводсизликни тугатиш машғулотлари далаларда ҳам ташкил қилинган. Хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш ишлари 40-йилларнинг охиригача олиб борилган.

20- йиллар бошида хотин-қизлар ўзлари учун очилган алоҳида мактабларда таълим олдилар, хусусан, 1921–22 ўқув йилида БХСР ва ХХСРларида бир неча қизгина мактабда таълим олган бўлса, кейинги йилда ушбу икки республикада 3 тадан хотин-қизлар мактаблари иш олиб борди, холос. Лекин кейинчалик ўғил ва қиз болаларни биргаликда ўқитиш амалиётига ҳам ўтила бошланди. Дастлаб бу жараёни жадидлар бошлаб берган эдилар. Жумладан, Абдулқодир Шакурий Самарқандда ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитган, қизларга унинг хотини дарс беришга кўмаклашган. Бундай ўқитиш усулига маҳаллий бойлар ва руҳонийлар қарши бўлишган. Лекин шундай бўлса-да, ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитадиган мактаблар Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам очила бошлаган. Яъни Тошкентда Эшонхўжа Хонхўжаевнинг янги усул мактабида 3 нафар қиз, Собиржон Раҳимовнинг «Раҳимия» мактабида 15 нафар қиз ўқиган. Абдулла Авлоний мактабида ҳам қиз ва ўғил болалар биргаликда, ёнма-ён ўтириб таълим олган. Лекин ушбу жараёнинг такомиллашувига мавжуд анъанавий турмуш тарзи йўл бермади. Шундай бўлса-да, қатор мақолаларда Ўзбекистонда ўғил болалар билан қиз болаларнинг бирга ўқиши масаласи ўртага ташланиб, маҳаллий аҳолининг бундай турдаги ўқитиш жараёнига салбий муносабатига ва ҳаттоки, уни инкор этишига қарамай, ушбу жараёни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Масалан, 1923 йилда Бухородаги 12 та мактабда 300 ўғил ва қиз болалар таълим олдилар. Хоразмда эса, бундай

мактаблар сони 10 га яқин эди. Лекин, мақола муаллифлари ўғил ва қиз болаларнинг биргалиқда ўқитиш жараёнини амалга оширишда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни ҳисобга олиш заруриятини тушуниб етмадилар. Натижада мактабларда қиз бола ўқувчиларнинг сони камайиб кетишига олиб келди. Масалан, Бухородаги мактабларнинг бирида қиз бола ўқувчиларнинг сони 72 тадан 22 тага тушиб қолди. Шундан сўнг, советлар маҳаллий халқ урф-одати ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан ёндошиб, ота-оналар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Хусусан, 1924 йил 4 октябрда Самарқандда бўлиб ўтган маҳаллий миллат қизларининг умумрайон конференциясида ота-оналар ўртасида олиб борилиши лозим бўлган тарғибот-ташвиқот ишларининг долзарблиги таъкидланди, ҳамда 1924 йил 17 октябрда бўлиб ўтган маҳаллий мусулмон хотин-қизларнинг конференциясидан сўнг мусулмон қизлар мактаблари тармоғини кенгайтиришга эришилди. 1923—24 йилларда маориф тизимида бундай мактаблар Сирдарё вилоятида 14 та, Фарғона вилоятида 12 та, Самарқанд вилоятида 4 та махсус мактаблар ташкил қилди. 1925 йилдан республикадаги вақф муассасаларини, эски услубдаги хотин-қизлар мактабларини моддий жиҳатдан таъминлашга эътибор кучайтирилди. Бу эса, советларнинг сиёсий ва иқтисодий мақсадларига хизмат қиладиган янги типдаги мактаблар учун жиддий хавф тугдирди.

Совет ҳукумати халқ таълими Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий ҳаётида кенг қамровли ва долзарблигини ҳисобга олиб, бу соҳада ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ислоҳотлар ўткази бошлади. Яъни совет мактабларининг бутун фаолияти ўқувчиларга пролетариатнинг синфий кураши ва «коммунизм» қурилиши манфаатларига бўйсундирилган советлар дунёқарашини сингдиришга, уларда коммунистик ахлоқни шакллантиришга йўналтирилди. Ислоҳотлар натижасида мавжуд миллий мактаблар ёпилиб, ўрнига совет мактаблари очила бошлади. Янги совет мактаблари халқнинг миллий таълим-тарбия ва қадриятлари, қадимий маданияти ва маънавиятидан ажратилган ҳолда ташкил этила борди. Шунинг учун ҳам, совет мактабларида маҳаллий туб миллат болаларининг салмоғи жуда кам эди. Бу ҳақда Мунаввар Қори шундай деган эди: «Ҳозир мактабларда миллий руҳ қолмади. Бу масалада ҳеч қандай иш қилинмаяпти. Агар аҳвол шундай давом этаверса, ўзбекларда миллий руҳ йўқолиб кетади. Ўзбекистон руслар оёғи остида қолади». Маҳаллий аҳолининг ва маҳаллий муаллимларнинг ўз маблағи эвазига фаолият юритаётган миллий мактабларнинг сони кўп бўлгани билан, улар-

даги ўқувчилар сони кам эди. Чунки миллий мактаблар кичкина ва мослаштирилмаган биноларга жойлашган эди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги инқилобий ўзгаришлар натижасида 1926—27 ўқув йилида Ўзбекистон бўйича аралаш мактабларда (дастлаб алоҳида синфларда) 2098 нафар ўзбек қизлари ўқиган. 1927—28 ўқув йилида эса бундай мактаблардаги қизлар умумий ўқувчиларнинг 23,6% ини, 1928—29 ўқув йилида эса 25,6%ни ташкил этган.

Ўзбекистон ССР халқ комиссарлиги СССР МИҚ Меҳнат ва маиший турмушни яхшилаш комиссиясининг 1929 йил 16 декабрдаги йиғилишида биринчи беш йилликда хотин-қизларнинг маҳсус мактабларини ривожлантириш ва биргаликда таълим олиш жараёнига ўтишни шаҳарларда ва нисбатан «маданийлашган» туманларда жорий қилиш лозимлиги таъкидланди. Шундан сўнг, умумий бошланғич таълимнинг жорий қилиниши, мактаблар тармоғининг кенгайтирилиши ва моддий базасининг мустаҳкамланиши хотин-қизлар саводхонлигини ошишига туртки бўлди. Мана шундай «муваффақиятлар» ҳақида матбуотда тез-тез мақолалар берилиб турса-да, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида деярли ҳеч нима дейилмади. Ваҳоланки, 20-йиллар охири 30-йиллар бошларида хотин-қизлар таълимини умумий мактаблар билан қўшиш жараёни ўтказилишига Ўзбекистондаги ижтимоий муҳит имкон бермас эди. Шунинг учун ҳам, хотин-қизлар таълимида орқага кетиш ҳоллари юз берди. Бу жараённи тўхтатиш ва хотин-қизлардан малакали ўқитувчилар тайёрлаш учун «Хужум» ҳаракати йилларида уларни ўқув юртларига жалб қилиш ва давлат томонидан моддий ёрдам бериш оммавий тус олди. Масалан, 1926—1927 хўжалик йилида ушбу мақсадлар учун 1 млн. 462 минг сўм маблағ сарфланди. Билим юртларидаги ўқув режалари кўрилиб, ўқитиладиган фанларнинг сиёсий томонларига устуворлик берилган. Чунки совет ҳокимияти таълимнинг барча тизим ва bosқичларидаги ўқув режалари мавжуд «адолатли» тузумга ишонувчан, фидойи, содиқ, бир хил фикрловчи ходимлар тайёрлаш мақсадига йўналтирилган эди.

Советларнинг кўзлаган ғаразли мақсадларидан фарқли ўлароқ, XX аср бошларидаёқ маърифатпар тараққийпарварлар ривожланган жамият яратиш учун, биринчи навбатда, аёлларни, албатта, мактаб-маориф соҳасига жалб этиш зарурлигини алоҳида қайд этиб ўтган эдилар. Улар аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига баҳо бериб, ривожланган жамиятни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмаслигини, уларни мактаб ва маориф соҳасига жалб этиш кераклигини, зеро

«жамият, башариятнинг ҳақиқий саодати яхши тарбия кўрмиш, фазилатли аёллар ила қойим», эканлигини таъкидлаганлар. Аёллар, қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозимлигини, зеро бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялашларини маърифатпарварлар ўз вақтида уқтириб ўтганлар. Чунки оиланинг соғлом муҳити, фарзандларнинг тақдири, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши онанинг билими, дунёқараши, истеъдодига бевосита боғлиқдир. Абдулла Авлоний «Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?» — деган саволга «Биринчи — уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи — мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, муддарис ва ҳукумат вазифасидур», — деб жавоб берган эди. Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», — деган сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, бугун ҳам шундай катта аҳамиятга эга.

Совет ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий инқилобни амалга оширишида ислом дини «тўсқинлик» қиларди. Шунинг учун дин ва диндорлар таъқиб ва тазйиқ остига олиниб, миллий турмуш тарзи ўрнига «совет турмуш тарзи» ҳаётга татбиқ этила борди. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан илгари сурилган маданий меросни инкор этиш ғояси «маданий инқилоб»нинг асосий мақсадларидан бири бўлиб, унга кўра ислом динининг юксак илмий-маданий қиммати оёқости қилинди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Совет мафкурачилари ислом динини «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қолоқ, реакцион қараш деб эълон қилди. Ислоннинг жаҳон тарихининг бир кўриниши бўлган мусулмон маданияти сифатидаги ўрни эътиборга олинмади.

Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилиқ билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона» деган қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб, динга нисбатан салбий муносабат унга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. 1928 йил ноябрда Ўзбекистон советларининг МИҚ диний мактабларни батамом йўқ қилиш бўйича қарор қабул қилди. Руҳонийларнинг қатағон қилиниши билан эса, азалдан халқнинг буюк меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия маскани масжид ва мадрасалар беркитиб ташланди. Ўзбекистонда шу вақтдан бошлаб таълим ва тарбия соҳасида совет тизими яққаҳоқимлиги қарор

топди. Шу боис, маданий-маърифий муассасалар тизими янги таълимотни, материалистик билимларни тарғиб этиш ва динга қарши ҳаракатлар орқали янги мафқурани жорий эта бошлади. 1929 йилда «Хужум»га рози бўлмаган дин арбоблари қатағон қилинди. Худосизлар уюшмалари тузилди. Жамият атеистик руҳда тарбиялана бошлади. Дин бостирилган ва мачитлар оммавий равишда ёпилган шароитда ислом амалиёти хонадонларда оила динига айланиб, сақланиб қолди. Ва кўпинча исломий тарбияни аёллар, яъни отинлар олиб боришарди, чунки улар ижтимоий ҳаётга камроқ жалб этилган эдилар. Лекин қатағон улар ҳаётининг муқаррар қисмига айланган эди.

«Миллатчилик»ка қарши кураш ниқоби остида ўзбек халқи маданий меросига хужум ўзбек хотин-қизлари тақдирига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

20-йиллар бошларида маҳаллий миллат хотин-қизларини саводини чиқаришда, маданий савиясини ошишида бошланғич таълим вазифасини адо этган оммалашган отинойи мактаблари ҳам совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг қатағон сиёсати туфайли ўз аҳамиятини йўқотди, яъни улар фаолияти тугатилди. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларида Башоратхон Жалилова, Мубораххон Обидова, Саломат Раҳимова каби отинойиларнинг мактаблари анча машхур эди, улар ҳам мактабдор, ҳам ўқитувчи сифатида эл олдида ҳурмат қозонган эдилар. Улар Тошкентда отинойи ёки отинбиби, Бухорода бибахалифа ёки бибиотин, Хивада элтибиби ва ҳоказо деб аталганлар. Лекин 1929 йилги дин арбобларини қатағон қилишнинг янги тўлқини оқибатида отинойи мактабларининг вазифаси ўзгариб, диний амалиётга айланди.

Анъанавий турмуш тарзи туфайли маҳаллий миллат хотин-қизлари «очиқ ўқитувчилар»дан кўра «ёпиқ ўқитувчилар»да таълим олишга интилишган. Масалан, 1925 йили Марғилон уезди Чимён қишлоғида очилган хотин-қизлар мактабига ўқувчилар келишмаган. Сабаби аниқланганда, ўқувчилар очиқ татар ўқитувчидан кўра ёпиқ ўқитувчи уларни ўқитиши ва таълим беришини хоҳлашган. «Ёпиқ ўқитувчилар»га 1923 йилда Марғилондаги Қўшариқ қишлоғи қизлар мактабига ўқитувчи этиб тайинланиб, 35 нафар қизга таълим-тарбия берган Қамбар Холматова, Тиллахон Содиқова, Зоҳидахон Обидоваларни мисол келтириш мумкин. Шундай шароитда советлар маҳаллий халқни ўзлигидан, миллий хусусиятларидан маҳрум қилиш учун «маданий инқилоб»нинг асосий мақсадларидан бири маданий меросни инкор



етиш ғояси ўртага ташлади. Бу ғоя маҳаллий халқни тилидан, динидан, тарихидан жудо қилиш йўли билан амалга оширилди.

Шундан сўнг, ҳукмрон сиёсий доиралар томонидан эски усулдаги ва жалид мактабларига қарши кураш эълон қилинди. Масалан, 1926—27 ўқув йилида Хоразм вилоятида 555та эски мактаб мавжуд бўлиб, улардан 454таси ишларди. 554 нафар ўқитувчи, 3894 ўқувчига дарс берарди. 1927—1928 ўқув йилига келиб мактаблар сони 99 тага, ўқувчилар сафи 770 нафарга қисқарди. Аксарият ўқитувчилар динпарастликда айбланди, диндорларга қарши кураш ғояси барча матбуот саҳифаларида ўз ифодасини топди. Жумладан, «Инқилоб куёши» газетасида чоп этилган «Динпараст ўқитувчилар» номли мақолада шундай дейилган: «Қишлоқ бошланғич мактабининг 100 дан ортиқ ўқувчилари 20 февралдан 24 февралгача мактабга қатнаб сарсон бўлдилар. Ўқитувчи Мирзаева, Машариповлар бу кунларда мактабни беркитиб, Қурбон ҳайитини қарши олиш билан юрганлар. Синф ўқувчиларини бор деб ёзиб, ўз уйларида 3 кунлик конспектни ҳам тайёрлаб қўйганлар». Ёки яна бошқа бир «Диндор ўқитувчи» сарлавҳали мақолада қуйидагилар келтирилади: «Манғит район Хўжақалъа қишлоқ советидаги «Комсомол» колхозида саводсизликни тугатиш мактаби очилган. Бу мактаб ўқитувчиси Бика Раҳимова колхозчиларни ўқитиш ўрнига диний-урф одатлар билан машғул бўлиб юради. Яқинда бўлиб ўтган эски Қурбон ҳайити куни Бика Раҳимова уйига эски мулла чақириб, ота-онаси арвоҳи учун Қуръон ўқитди ва шу кунларда мактабни бекитиб қўйди. Бундай ўқитувчи одамларга қандай тарбия бера олади?» Кўриниб турибдики, ўқитувчиларнинг Қурбон ҳайитини нишонлаши катта бир айб сифатида баҳоланиб, улар динпарастликда, «диндорлик»да айбланган. Ўзбек халқининг азиз байрамларидан бири Қурбон ҳайитига «эски» байрам сифатида қаралган. Халқ оммаси ҳайитни байрам сифатида нишонлаб турган кунларда, «совет ўқитувчиси»нинг бунга ҳаққи бўлмаган. Болалар ўқитувчиси ҳам халқнинг бир бўлаги, улар ҳам байрамни нишонлашга тўла ҳақли эканлиги эътироф этилмаган. Лекин совет давлати раҳбарлари учун ҳақиқатнинг қиёфаси умуман бошқа кўринишда эди. Улар «Болалар мактабга қатнаб сарсон бўлмоқдалар» ёки эски Қурбон ҳайит куни ота-онаси арвоҳи учун қуръон ўқитган Бика Раҳимова «Одамларга қандай тарбия бера олади?» — деб таъна қилишган. Ҳолбуки, ота-онани ҳаётлигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам ҳурматлаш, эъзозлаш тарбиянинг бир кўринишидир. Совет ҳукумати мафкурачилари мусулмонларнинг муқаддас байрами ҳисобланган ҳайит байрамларида ўқувчиларнинг мактабга

бориб сарсон-саргардон бўлгани ҳақида гўёки ачиниш фикрини билдиргани ҳолда, совет байрамлари ҳисобланган 7-ноябрь, 1-май байрамларини ўтказишда қанча ўқувчиларни сарсон қилиб эрталабдан кечгача дарсларни қолдириб, тайёрлов машғулотларига тортишлари ҳақида лом-лим дейишмайди. Шундай қилиб, советлар томонидан миллий мактабларнинг секин-аста беркитилиши натижасида 20-йиллар охирига келиб, улар ўз фаолиятини бутунлай тўхтатди.

20-йилнинг ўрталарига келиб, хотин-қизлар таълими тизи-мида айрим ижобий ўзгаришлар юз берди. Яъни бу жараён янги, замонавий мактаб бинолари қурилиши, дунёвий билимлар ўқитилиши, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ошиши билан боғлиқ. Хусусан, 1925–1926 ўқув йилидан эркаклар мактаблари қошида хотин-қизлар синфлари ташкил этила бошлади. 1925–1926 ўқув йилида республика бўйича 97 хотин-қизлар мактабларида 23308 хотин-қиз таълим олган бўлса, уларнинг 9454 таси маҳаллий миллат вакиллари эди. Лекин шу билан бирга, бу жараён маҳаллий миллат хотин-қизларини миллий ўзлигини англашидан чалғитиб, советлар ва коммунистик партиянинг улуғ-миллатчилик мақсадларига бўйсундирилган эди.

1930 йил июнь-июль ойларида бўлиб ўтган ВКП(б) XVI съезди, 1930 йил сентябрда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси, 1930 йил 16 ноябрда Ўз ССР МИҚ умумий бошланғич мажбурий таълимнинг жорий қилиниши ҳақида қарор қабул қилди. Қарор қизлар таълимининг оммалашувига туртки бўлди. Чунки 1930 йилгача баъзи қишлоқ мактабларида умуман, қиз болалар ўқимаган. Масалан, Наманган вилояти Чортоқ уезди Ойқирон қишлоғида 200 ўқувчининг таркибида қизлар бўлмаган.

1931 йил 13 майда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси «ВКП(б) МҚ ва ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг умумий бошланғич таълимнинг жорий этилиши билан маҳаллий миллат қизларининг мактабларга жалб қилиниши юзасидан қўрсатмаларини текшириш ҳақида» қарор қабул қилди. Текширув натижасида 1931 йилда Ўзбекистон бўйича маҳаллий миллат болалари умумий ўқувчилар сонининг 91%ни, шундан қизлар 30%ни ташкил этганлиги маълум бўлди. 1931 йилда Ўрта Осиё ўлка хотин-қизлар секторлари мудирлари Кенгашида барча ўқув юртларида хотин-қизлар салмоғини ўқувчиларнинг 40% ни ташкил этиши муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилди. Маҳаллий миллат хотин-қизлари учун қуйидаги имтиёзлар белгиланди:

– ишлаб чиқаришдан муддатидан илгарироқ рухсат бериш;

— ўқув дарсликлари ва қўлланмалар билан бепул таъминлаш. Булар оммавий саводхон қилишнинг айрим имкониятлари эди. холос. Бироқ, бу имконият ва тадбирлар хотин-қизлар таълимининг умумий муваффақиятини таъминламаса-да, айрим сон кўрсаткичларига эришилди. Бунга сабаб авваламбор, мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик усули бўлса, иккинчидан ўзбек аёллари саводсизликни тугатиш орқали жамиятдаги ўз ижтимоий мавқеларининг ошишини тушуниб етдилар.

Бироқ марказ ўз мақсадига эришишни янада жадаллаштириш учун нафақат республика миқёсида, балки республикалараро мусобақалар ташкил этишга ҳам киришади. Хусусан, 1931 йилда Ўзбекистон жумҳурияти Туркменистон жумҳурияти билан социалистик мусобақага киришади. Мусобақа мақсади қуйидагича эълон қилинади: «Ўзбекистон жумҳурияти хотин-қизларни чинакам озодликка чиқарув учун керакли чораларнинг барчасини бажарди ва бажармоқда. Бу йўлдаги ишларни яна ҳам мустаҳкамлаш мақсадида яқинда Ўзбекистон жумҳурияти Туркменистон жумҳурияти билан социализм мусобақасига тушди. Бу мусобақа шу йилнинг 1 сентябридан 1933 йилнинг 1 январигачадир». Мазкур мусобақа асосан, аёлларни социалистик қурилиш ва маорифга жалб қилиш, шунингдек, мактабгача тарбияни ривожлантириш бўйича бошланган социалистик мусобақа эди. 1930 йил 11 декабрда чақирилган Хоразм округи Урганч тумани халқ таълими ишчиларининг, ўқитувчиларининг йиғилиши зиёлилар олдига улкан вазифаларни қўйган эди. Бу йиғилиш Қуйи Амударё ҳудудларида халқ таълимини ривожлантириш бўйича социалистик мусобақанинг бошланиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Туркменистоннинг Тошҳовуз области, Тошҳовуз тумани, Тошкент областининг Пскент тумани, Хоразм округи Хонқа тумани ўқитувчиларини социалистик мусобақага чақирди. «Инқилоб қуёши» газетаси саҳифаларида социалистик мусобақа шартлари эълон қилинди:

- мактаб ёшидаги ёшларни 100 % ўқишга жалб қилиш;
- ҳар бир ўқитувчи бепул бир саводсизликни тугатиш гуруҳини ўқитиши лозим;
- мактабларда миллатлараро тарбияга доимий эътибор кўрсатиш;
- тажрибаси кам ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- ўқув дастури ва мактабларга болаларни жалб этиш кўрсаткичларининг 100 % ижросини таъминлашни ташкил қилиш.

Совет маданиятини ривожлантириш бўйича ўтказилаётган бу социалистик мусобақа бутун Ўрта Осиё республикаларини қам-

раб олди. Хоразм округи Хива шаҳри комсомол ташкилоти биринчилардан бўлиб маданий юриш ойликларида фаол қатнашди. 1931 йилда 4 та мактаб жиҳозланиб, 4 та янги мактаб қурилди. Урганч тумани комсомол ташкилоти ёшлар орасида ўқув қуролларини кенг тарқатдилар. 1930-1931 йилларда Хоразмда маданий юриш шунчалик кенг тарқалдики, ҳеч бир қишлоқ, аҳоли пунктлари, ташкилот бундан четда қолмади, ўнлаб комсомол ва пионер ячейкалари ташкил қилинди, минглаб қизлар мактабларга жалб қилинди. 1931 йил 16 майда ВЛКСМ Ўрта Осиёда ўлка қўмитаси ўн минг комсомолни педагогик ишларга жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга асосан Ўзбекистондан бу ишга 5850 киши жалб қилинди. Мана шундай оммавий тадбирлар орқали советлар ўз мақсадларининг миқдор кўрсаткичларини таъминлашга эришиб бордилар.

1930 йил 25 июлда ВКП(б) Сиёсий бюроси ва 14 августда СССР Халқ Комиссарлиги томонидан умумий мажбурий бошланғич таълимни, шаҳарларда эса, етти йиллик мажбурий таълимни жорий қилиш ҳақидаги қарори асосида Ўзбекистонда ҳам 1930 йил 15 сентябрдан бошлаб умумий мажбурий бошланғич таълимни жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Умумий мажбурий бошланғич таълимнинг жорий қилиниши, 1934-35 ўқув йилидан етти йиллик мажбурий таълимнинг киритилиши қизларни мактабга жалб қилишда маълум роль ўйнади. 1935-36 ўқув йилларида Ўзбекистонда 253,1 минг қиз ёки барча ўқувчининг 40,2% мактабга жалб қилинди. Натижада 1927-28 ўқув йилида шаҳар мактабларидаги қизлар 26,1 %ни ташкил қилган бўлса, 1938-39 ўқув йилига келиб бу кўрсаткич 42,7 %га етган. Қишлоқ мактабларидаги қизлар 1927-28 ўқув йилида 11,5 %ни ташкил қилган бўлса, 1938-39 ўқув йилига келиб 41,7 %га етган.

Лекин архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, қизларнинг мактабларни ташлаб кетиш ҳоллари бўлган. Жумладан, 1935 йил 25 ноябрда Қашқадарё вилоят партия қўмитаси юқори синфлардаги ўқишни ташлаб кетган қизларни мактабга қайтариш масаласини муҳокама қилган. Район халқ таълими ва район партия қўмиталарига «ўқишни ташлаб кетган ўзбек қизларини яна қайтадан мактабга жалб қилиш учун» ота-оналар ўртасидаги ташвиқот ишларини кучайтиришни асосий вазифа қилиб қўйди. Натижада, 1939 йил Ўзбекистон мактабларида 620 минг бола ўқиган бўлса, ярмини қизлар ташкил этди.

20-30 йиллар мобайнида хотин-қизлар таълимининг ташкил этилиши туфайли, улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт-

да фаол иштирок эта бошладилар. Ўзбек хотин-қизларининг ши-жоати ва меҳнатсеварлиги фан ва маданият соҳаларида ҳам на-моён бўлди. 1937 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган олима аёллар-нинг биринчи конференциясига 400га яқин хотин-қизлар қат-нашдилар. Улар орасида биринчи ўзбек аёлларидан кимё фани соҳасида илмий изланаётган М.А.Ҳожинова, З.Саидносирова, тиббиёт фани соҳаси бўйича З.Умидова ва бошқалар бор эди. Бироқ уларнинг бу фаоллиги совет ҳукуматининг мустақкамла-нишига ва иқтисодий мақсадларига бўйсундирилди. Шунинг учун совет ҳукумати маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун уларни ўрта махсус ва олий таълимга йўналтирди.

Хотин-қизлардан халқ хўжалиги мутахассислари тайёрлаш жараёни ҳунар-техника билим юртлари, фабрика- завод ўқувчи-лиги, ҳунар-техника мактаблари, касаба уюшмаси мактаблари, ишчи факультетлари, техникумлар, маориф институтлари орқа-ли олиб борилди.

Хотин-қизлардан кадрлар етиштириб беришда педагогика ин-ститутлари ва Ўрта Осиё Давлат университети муҳим роль ўйна-ди. 1930 йилдан 1937 йилгача олий ўқув юртларидаги ўзбек хо-тин-қизларининг сони саккиз мартага ортди. Хотин-қизлардан маориф соҳаси учун мутахассис ходимлар тайёрлашнинг усту-ворлиги таъкидланиб, улардан ўқитувчилар тайёрлашга эътибор кучайтирилса-да, эркаклардан ўқитувчилар тайёрлаш масаласи-га шубҳа билан қаралди ва маориф соҳасида аёлларнинг ролига ҳалақит қилади, деб таъкидланди. Бу эса ушбу мутахассислик-нинг нуфузига салбий таъсир кўрсатди.

1929 йил августда ЎзССР Маориф халқ комиссарлигининг хо-тин-қизлардан мутахассислар тайёрлаш жараёнини «жадаллаштириш» ҳақидаги қарори қабул қилинди. Марказ томонидан 1931 йилда ушбу масалани тезроқ ҳал қилиш учун 330 хотин-қизни саноатга, 60 тани транспортга, 40 тани қурилиш ташкилотларига, 200 тани коопера-циялар ва 4 тани касаба уюшмаларига, жами 2800 хотин-қизни раҳ-бар лавозимларга кўтариш масаласи қўйилди. Агар 30-йилларнинг иккинчи ярмигача асосий эътибор аёлларнинг аҳволи, уларни раҳ-барлик лавозимларига кўтариш, ўқишга жалб этишга қаратилган бўлса, кейинчалик аста-секин бу кўрсаткичлар ҳисоботларда акс эт-тирилмай қолди. Бу ҳолнинг юзага келиши «СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал этиш» бўйича янги концепция ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Аёллар аввалгидек, раҳбарлик лавозимлари, депутат-

лик ўринларига квотасини сақлаб қолган бўлса-да, аста-секин бу масалаларга сиёсий аҳамият бермай қўйилди. Чунки советлар томонидан «хотин-қизлар масаласи ҳал этилган» деб топилди.

## Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати

**Маданий инқилоб** — социализм қуриш режасининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, «шаклан миллий ва моҳиятан социалистик» маданиятни ривожлантириш шиори билан ниқобланган шаклда амалга оширилган. Унинг моҳияти — руслаштириш, бегона мафкура — «катта оғачилик»дан иборат эди. Мустабид тузум маъмурий-буйруқбозлик усуллари орқали «маданий инқилоб» йўли билан халқнинг илм-фан ва маърифатга бўлган интилишини ўзининг сиёсий манфаатлари томон бурди.

**Маориф** — таълим-тарбия ишларини бошқариш билан боғлиқ фаолият, идора.

**Маданият** — (арабча — мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрганлик)-кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

**Маънавият** — инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган, уларга асосланадиган ижобий фазилатларнинг мажмуи.

**Маърифат** — таълим-тарбия, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний ғоялар мажмуи билан боғлиқ бўлган, уларга асосланадиган ижобий фазилатларнинг мажмуи.

**Миллий модель** — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Миллий моделнинг бош мақсади комил инсон ва етук мутахассис тайёрлашга қаратилган.

**Ислом дини**-(арабча «аслама» — худога ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш; шундан «муслим» — бўйсинувчи, итоаткор) — дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик ва ислом) бири.

**Таълим** — муайян билимларни эгаллашга қаратилган ташкилий фаолиятлар тизими.

**Фан** — инсон фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири. Бу фаолият воқелиқни билишга ва ундан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган.

**Қадриятлар** — борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳоли-

салар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва бошқалар.

### «ФСМУ» технологияси

Ўқитувчи ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади.

Вазифа: «Совет ҳокимиятининг маданий соҳадаги сиёсати ва унда хотин-қизларнинг ўрни?» мавзуси бўйича қуйида фикрларингизни баён этинг:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг

Талабалар ўз мақсадларига эришишга бўлган ишончни баён этадилар. Машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. «Маданий инқилоб» ғоясининг мақсад-муддаоси нимадан иборат бўлган?

2. «Саводсизликни тугатиш жамияти» қачон тузилди?

3. Саводсизликни тугатиш мактаблари фаолияти ҳақида гапириб беринг.

4. Хотин-қизларни маориф соҳасига жалб этишдан қўзланган мақсад.

5. Таълим ва илм-фан соҳасида хотин-қиз кадрларнинг ўрни ҳамда роли ҳақида сўзлаб беринг. Совет ҳокимиятининг ислом динига ва умуман динга бўлган муносабатини қандай изоҳлайсиз?

6. «Атеизм» атамасининг моҳиятини тушунтириб беринг.

7. Диний бағрикенглик (толерантлик) ғоясини қандай тушунасиз?

8. Нима сабабдан Ўзбекистонда дин ва диндорларга нисбатан ҳужумкор кураш авж олдирилди?

9. Мустақиллик йилларида хотин-қизларга муносабат ва уларга давлат томонидан берилаётган эътибор ҳақида нималарни биласиз?

Хуллас, 20—30 йилларда хотин-қизларни олий ва ўрта махсус таълимга жалб этиш, улардан раҳбар ва мутахассислар тайёрлашда миқдор кўрсаткичларга эришилди. Ўрни фан ва маориф соҳасида хотин-қизлар салмоғи ортишига ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг кенг иштирокига эришилди. Лекин бу жараён, ўз моҳиятига кўра, салбий аҳамият касб этди. Чунки оғир жисмоний меҳнатга асосланган ишлаб чиқаришда хотин-қизларнинг иштироки келгуси авлод ижтимоий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек аёлларини оиладан ҳам кўра кўпроқ жамиятда эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

20—30 йилларда советларнинг маҳаллий миллат хотин-қизларини фан ва маориф тизимига жалб этиш муаммоси тадқиқ қилинганда қуйидаги хулосаларга келинди:

— маҳаллий миллат хотин-қизларининг маданий турмуш тарзини, маънавий ҳаётини такомиллаштириш мақсадида уларни умумтаълим мактабларига жалб этиш, саводхон қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни ташкил қилиш орқали халқ таълими тизими таркиб топди; муаллимлар ва мактабларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича чоралар кўрилди; аёллардан ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқув юртлари сони кўпайди; кўплаб билим юртларида хотин-қизлар салмоғи ортиб борди. Хотин-қизлардан ўқитувчилар тайёрлашга эътибор кучайтирилиб, эркаклардан ўқитувчилар тайёрлаш масаласига шубҳа билан қаралиши ушбу мутахассисликнинг нуфузига салбий таъсир кўрсатди;

— лекин бу миқдорий ўсишга советларнинг мақсад-манфаатларидан келиб чиқиб, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усули асосида эришилди; хотин-қизларни жамиятда содир бўлаётган маънавий ўзгаришларга кенгроқ жалб этишдан кўзланган мақсад, энг аввало, улардан арзон ишчи кучи сифатида, ўз ҳоқимиятининг тарафдорлари сифатида фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида ўз диктатурасини мустаҳкамлашдан иборат эди;

— таълим тизимининг назарий-ғоявий услубий асосларининг мафкуравий қолиплар тизимида чекланиши мустақил фикрни эмас, партиянинг итоаткор ижрочисини тарбиялашга мослашиб борди. Ҳуқмрон ғоялар билан ҳақиқий воқелик ўртасидаги тафовут ҳаётга қизиқиш, янгилликка интилишни бўғарди. Сиёсатлаш-



ган совет маданияти ўзбек хотин-қизлари таъсирида «миллий тараққиёт» учун имкон бермади.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Акилов К.А., Аббасова Л.А. Женщины Узбекистана в культурном строительстве. — Т.: Фан. 1976.
2. Ахтямова Ю.С. Хотин-қизлар масаласи: икки дунё, икки хил ёндошув. — Т.: Билим. 1987. — 25 б.
3. Камолов У. Ўзбекистонда хотин-қизлар маорифининг ривожланиши // Совет мактаби. 1974. №1. Б.16—21.
4. Культурное строительство СССР: Стат.сб. Госполитиздат. 1940. — 268 с.
5. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. — М.: Изд. АН СССР, 1955. — 360 с.
6. Смирнова А. Женское образование в Узбекистане // Коммунистка. 1928. № 8. С. 82—83.

## **II.2. Хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги иштироки**

*Мавзу ўқув мақсади: дин ва диний ташкилотларга муносабатини, коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги, 20–30 йиллардаги фан ва маданият, маънавий ҳаётдаги чеклашларни ёритиб бериш, советлар даврида яккаҳокимиятчиликнинг кучайиши, маъмурий буйруқбозлик тизимининг вужудга келиши, совет ҳукуматининг қатағонлик сиёсати ва унинг оғир оқибатлари, маънавий ҳаётда мафкуравий чеклашларнинг кучайиши, инқирозли ҳолатга тушиши ва унинг сабабларини, «Мафкуравий майдон»да олиб борилган сиёсат ва ўзбек зиёли аёлларининг таъқиб қилиниши, «миллатчилик»ка қарши кураш ниқоби остида ўзбек халқи маданий меросига ҳужумнинг ўзбек хотин-қизлари турмушига таъсирини очиб бериш асосида билим ва кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш.*

Маънавият халқимизнинг минг йиллар давомида тўплаган ахлоқий тажрибалари билан боғлиқ бўлиб, ўзбек халқининг юксак маънавият ва бой маданий меросга эга эканлигидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» номли китобида таъкидлаганидек: «Албатта,

ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди». Бироқ собиқ Иттифоқ даврида халқимиз маданий меросига муносабат қатъий мафкуравий назорат остида бўлиб, у синфийлик ва партиявийликни таъминлаш, лийнй мафкурага қарши курашиш, байналмилалчиликни амалга ошириш баҳонасида миллий маданиятларни аста-секинлик билан ўз тарихий маънавий-негизларидан ажратишга қаратилган сиёсат олиб борилди. Тўғри, бу сиёсат қатағон йилларини истисно қилганда, қўпинча очикчасига зўравонлик шаклларида эмас, балки байналмилалчилик ниқоби остида маккорона равишда ва миллий маданиятлар тўғрисида ғамхўрликни акс эттирган шиорлар билан ниқобланган шаклда олиб борилар эди. Шунинг учун ҳам, бу сиёсат мунофиқона ва зиддиятли эди. Миллий маданиятларнинг ривожланиши учун муайян ижобий ишлар қилинган бўлса-да, сиёсатнинг моҳияти ва пировард мақсади миллий маданиятларни «социалистиклаштириш» жараёнида рус маданияти негизида пайдо бўла бошлаган «умумсовет маданияти»га қўшиб юборишдан иборат эди.

Жамиятнинг маданий тараққиёти ва аёллар масаласи узвий ва ўзаро боғлиқ муаммолардир. Бу ҳақда юртбошимиз шундай деган эди: «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади».

Ўрганилаётган 20–30 йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар республиканинг маънавий-маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди, миллий маданиятга салбий таъсир ўтказди, хотин-қизларнинг маданий ҳаётдаги иштироки сиёсий мақсадларга бўйсундирилди.

1923 йил 21 июнда ТКП МҚ Ижроия бюроси йиғилишида қабул қилинган қарорда хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакл ва усуллари, вазифаларини тушунтиришга оммавий ёндошувга (кампаниячиликка) чорлади. Йиғилиш қарорига биноан, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш учун уларни маънавий-маърифий соҳаларга жалб қилишга эътибор қаратилди. Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки кенг қўламда тарғиб қилинди. Уларнинг маданиятни эгаллашга бўлган интилишлари қўллаб-қувватланди, маданият, санъат соҳасида нисбатан эркинлик бўлди, маданий-маърифий муассасалар тармоғи яратилди, халқ ҳаётига кино, радио ва китоб кириб келди. Шу йиллар умид ва эрк даври бўлган эди. Жамиятни ўзгартириш, ўз мамла-

кати равнақи йўлида билим эгаллаш ғояси кўпларни забт этган эди, билим сари интилиш бошланган эди. Бу жараёни ижобий баҳолаш мумкин. Лекин мана шу жараён миллий маданиятнинг, кадриятларимизнинг топталишига сабаб бўлди. Ўзбекистон хотин-қизлари маданияти соф «маданий тараққиёт» йўлидан эмас, балки собиқ Иттифоқнинг маданият соҳасидаги сиёсати йўлидан борди. Яъни «янгича», «алоҳида», «пролеткультчи» каби совет маданияти анъанавий, миллий маданиятдан ўзининг сиёсатлашганлиги билан фарқ қилиб, «миллий тараққиёт» учун имкон бермади.

Хотин-қизларни «социалистик маданий қурилиш»га жалб қилиш, шаклланиб бораётган маъмурий-буйруқбозлик тизимини мустақамлаш, коммунистик партия родини ошириш, сиёсий мафкурани омма онгига ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, сингдириш мақсадида маданий-оқартув муассаса ҳисобланган хотин-қизлар клублари, қизил чойхоналар, халқ уйлари, қизил ўтовлар, қироатхоналар, тарғибот уйлари, сиёсий саводхонлик курслари ташкил этилди. Бундай муассасалар коммунистик мафкурани омма орасида тарғиб этишнинг энг ишонарли, оддий йўли ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам, уларнинг сони муттасил равишда ошиб борди. Масалан, 1925 йил қизил чойхоналар сони 177 та бўлган бўлса, 1928 йилда улар сони 366 тага етди. Шунга мос равишда клублар ва деҳқон уйлари 140 ва 244 тага, кутубхоналар сони эса 84 ва 270тани ташкил этди. 1925 йил март ойидан 1926 йил мартигача хотин-қизлар клубининг сони 11тадан 32 тага, аъзолар сони эса, 920тадан 3000тага, 1927 йилда 4723 тага етди. Лекин, марказ бу тадбирлардан қониқиш ҳосил қилмай, жамиятда хотин-қизларнинг ўрни тўғрисидаги ижтимоий онгни қайта қуриш жараёнини социалистик қурилиш эҳтиёжларига мос тушмаётганлиги боис янада шиддаткорликни талаб қилди.

Хотин-қизлар клуби асосан, маданий-маърифий муассаса бўлса-да, амалда советларнинг сиёсий мақсадларини ҳаётга татбиқ этди. Бу унинг низомида ўз ифодасини топган эди:

«1. Хотин-қизлар клуби олдида турган асосий вазифа туб миллат хотин-қизларини совет ҳукумати ва партия олдида турган вазифаларни амалга татбиқ этиш учун социалистик тарбиялаш;

2. Клуб фаолияти орқали, меҳнаткаш хотин-қизларни маиший аҳволини яхшилаш, маданий ҳаётга жалб қилиш, ижодий имкониятларини намоён этишига эришиш, уларда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва маданий кўникмаларни ошириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш;

3. Клубларда дам олиш маскани сифатида хотин-қизларнинг бадий ва ижодий имкониятларини намоён қила олишига имконият яратиш;

4. Клубларда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида ясли, боғча ва ҳоказо ташкил қилиш;

5. Клуб қизларни ёшлар коммунистик ҳаракатига жалб қилиш учун 8 ёшдан бошлаб, улар учун ёшлар шўъбаси ташкил қилиш».

Биринчи хотин-қизлар клуби 1921 йил Самарқанд ва Қўқонда очилган. 1923 йил 10 августда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида маҳаллий миллат хотин-қизлари учун клуб ташкил қилинган. 1924 йилдан бошлаб Туркистоннинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида, жумладан, Марғилон ва бошқа жойларда клублар очила бошладди. Марғилонда очилган клубга Алихўжаева бошчилик қилди. Бу клубга аввал 4 нафар аёл қатнашди. Уларнинг 3 нафари ўзбек, 1 нафари эса, рус миллатига мансуб эди. Клубга қисқа муддатда 230 нафар аёл жалб қилинди.

Совет ҳукумати хотин-қизлар клубини ўз сиёсий мақсадларини амалга ошишида таянч деб билиб, клубларни «инқилобий кучларнинг йиғилган пункти», деб атади. Шу билан бирга, РКП(б) Ташкилий бюросининг «Туркистон хотин-қизлари ўртасидаги ишлар тўғрисидаги» қарорида хотин-қизлар клубининг бош вазифаси Туркистон хотин-қизларида «совет ҳукуматига ҳайрихоҳликни ошириш, партия ишларига содиқлик руҳини уйғотиш»дан иборат қилиб кўрсатилди. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар клублари партия, давлат, касаба уюшмаларининг вазифаларини тарғиб қилишга қаратилган соф сиёсий мақсаддан иборат вазифани бажариб, совет ҳукуматига содиқ ҳайрихоҳларни тарбиялай бошладди. Шунинг учун ҳам, коммунистик партия клубларга ўзининг ишончли сиёсий пойдевори сифатида муносабатда бўлди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзгарган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият хотин-қизлар клублари вазифаларига ҳам ўзгариш киритди. Яъни, клублар маҳаллий хотин-қизларнинг маданий савиясини ўстириш учун эмас, балки советларнинг сиёсий ва иқтисодий мақсадларига йўналтирилди. Клубларнинг вазифаси ўқув юртлари ва саноат ишлаб чиқариши учун хотин-қиз мутахассислар тайёрлашдан иборат қилиб белгиланди.

1925 йил 12 февралдаги Ўз КП(б) МКнинг «Хотин-қизлар ўртасидаги ишлар ҳақида»ги қарори хотин-қизлар клублари билан бирга деҳқон аёллар қизил бурчаклари ташкил этиш вазифасини қўйди. Қишлоқларда хотин-қизлар клуби очишнинг мод-

дий имкониятлари бўлмаганлиги боис, деҳқон аёллар қизил бурчаклари, хотин-қизлар кооператив дўконлари ташкил қилинган.

1925 йил 15 июнда РКП(б) МҚ Ташкилий бюросининг «Партиянинг Совет Шарқи хотин-қизлари ўртасидаги ишлар бўйича вазифалари» тўғрисидаги қарори клублар фаолиятини янада кучайтириш вазифасини қўйди. Қарордан келиб чиқиб, 1925 йил августда «хотин-қизлар клуби совет ҳукуматини мустаҳкамловчи таянч кучларни тарбиялаш учун ўз таркибига маҳаллий миллат қизларини жалб қилиб, улардан кашшоф ва комсомоллар тайёрлаш вазифасини қўйди.

Хотин-қизлар клуби фаолияти «Хужум» даврида янада жадаллашди. «Эски, анъанавий турмушга қарши ҳужум» хотин-қизлар клуби фаолиятини кенгайтиришни талаб қилар эди. Бу даврдаги маданий-маърифий ишларнинг муҳим шакли «Хужум» даврида ташкил этилган оилавий тўғарақлардан иборат бўлди. Оилавий тўғарақларда илк «очилган» аёллар ўз оиласи билан иштирок этиб, «янги жамиятнинг афзалликлари» тўғрисидаги газета ва журнал мақолаларини ўқишар, маърузалар тинглашар, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва атеистик мавзуда суҳбатлар ташкил қилиб, ўзларида «янгича дунёқараш» шакллантирар эди. Шунингдек, бу даврда «Янги турмуш учун» жамияти тузилган бўлиб, у ерда ёшлар орасида комсомол тўйлари, пролетарча байрамлар тарғиб қилинар эди. 1927 йил майда МҚнинг «Эски турмушга қарши ҳужум» махсус комиссиясининг «Янги турмуш учун» жамиятининг оилавий тўғарақларга нисбатан самарали эканлигини таъкидлаганидан сўнг оилавий тўғарақлар ўз фаолиятини тўхтатди. Аслида «Янги турмуш учун» жамиятининг фаолияти анъанавий турмуш тарзига ёт бўлиб, миллий урф-одатларни инкор қилган ҳолда социалистик турмуш тарзини тарғиб қилар эди.

1927 йил 14 январда ВКП(б) МҚнинг «Хотин-қизлар клубининг совет Шарқидаги вазифалари ҳақида»ги қарори маҳаллий хотин-қизлардан «фаоллар» тарбиялаш вазифасини қўйди. Бунинг учун эса, клуб фаолиятини жадаллаштириш талаб қилинди. Нагигада, республика бўйича клублар тармоғи 1927–1928 йилларда 34 та бўлган бўлса, 1928–1929 йилларда 40 тага етган, 30-йилларнинг охирида эса, 42 тага етди.

20-йилларда совет ҳукумати хотин-қизлар клублари орқали ўз мафкурасини халққа сингдиришга, маҳаллий хотин-қизларни «коммунистик руҳда қайта тарбиялаш, социализм, унинг ғоялари учун хизмат қилувчилар»ни шакллантиришга уринган бўлса, 30-йилларда маҳаллий миллат хотин-қизларини советларнинг иқтисодий мақсадларига, яъни саноатлаштириш ва жамоалаштириш сиёсатига жалб

қилишга уринди. Хотин-қизларни том маънода озодликка чиқариш ҳамда уларни маданий жабҳаларга тортиш жамиятнинг уларга нисбатан туган сиёсати ва ҳукмрон мафкура муносабати билан белгиланиб, хотин-қизларга соф иқтисодий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан муносабатда бўлинди. Шунинг учун ҳам, хотин-қизлар клубларининг асосий вазифаси 1929 йил 23 декабрдаги СССР МИҚнинг «Хотин-қизлар таълими» тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўзбек хотин-қизларини хўжалик қурилишига тортишдан иборат эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида хотин-қизлар клублари тугатилиб, уларнинг вазифаси жойлардаги партия ташкилотлари зиммасига тушди. Бу жараён клублар фаолиятининг ўта сиёсатлашуви билан изоҳланади.

Ўрганилаётган даврда «коммунистик ғоя» ижодкорлари томонидан маданий-оқартув ишлари соҳасида яратилган янгиликлардан яна бири деҳқон уйлари бўлиб, ушбу муассасанинг бош мақсади шаҳарнинг қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат эди. Деҳқон хотин-қизлар бу ерда халқ хўжалигидаги ўзгаришлар билан танишиб, хўжалик, сиёсий мавзуларда маърузалар эшитишиб, муҳокама қилишар эди.

Маҳаллий миллат хотин-қизлари орасида коммунистик партия ва совет ҳукуматининг сиёсатини тарғиб этишда кутубхоналар ҳам муҳим восита ролини ўйнади. Халқ маорифи Комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган кутубхона бўлими кутубхоналар, кўчма кутубхоналар ташкил этиб, кутубхона ходимларини тайёрлаш билан шуғулланар эди. 1924 йилнинг бошида республика бўйича 122 та кутубхона фаолият кўрсатган бўлса, шу йилнинг июль ойига келиб, уларнинг сони 131 тага етди.

Маданий-оқартув, сиёсий-мафкуравий соҳада махсус тайёргарликка эга ходимларнинг етишмаслиги сабабли 1921 йил ўрталарида Тошкентда 200 кишига мўлжалланган тўрт ойлик сиёсий-оқартув, уч йиллик Ломоносов, 1926 йил июнда эса Тошкентда клуб-кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш бўйича бир ойлик, 1927 йил февралда Тошкентда маданий-оқартув ходимларининг олти ойлик курслари очилган. Уларнинг асосий вазифаси ишчи ва камбағал деҳқонлардан кутубхоначи, саводсизликни тугатиш ходими, мафкурачи-сиёсатчи каби сиёсий-оқартув ходимлари тайёрлашдан иборат эди.

20-йиллар бошларида маданият, санъат соҳасида нисбатан эркинлик бўлган бўлса, РКП(б) МҚнинг 1925 йил 18 июнь қарори-

дан сўнг бу соҳадаги ҳар қандай эркинлик чекланиб, коммунистик мафкура раҳнамолигида «Пролетар маданияти ва адабиётининг гегемонлиги» учун кураш кескин авж олди. Пролетар маданиятини ривожлантиришнинг муҳим омили – синфий кураш ғояси асосида шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият яратилди. Совет ҳукумати маданиятга жамиятга сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида қараб, унга доимо партиявийлик ва синфийлик нуқта-назаридан туриб ёндошди. Ижодиётни партиявийлик тамойилларига, мафкуравий қонун-қоидаларга бўйсундириш учун кенг йўл очиб берди. Бу эса, ижод эркинлигини бўғиб қўйилишига, маданият муассасаларининг фаолиятини чеклаб қўйилишига олиб келди. Совет тизими ҳукмрон мафкурасининг зўравонлиги оқибатида маданий ривожланишнинг ўзига хос синфий қолиплари шакллантирилди. Ушбу қолиплар асосида яратилган бадиий ва сахна асарларида жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муаммолар четлаб ўтилди. Партиянинг янги турмушни мадҳ этишга, халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига қаратилган сиёсати бадиий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни яшириб, хато ва камчиликлар тўғрисида сукут сақлаш тенденциялари пайдо бўлди. Натижада, ҳаётий ҳақиқатдан узилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

Ўрганилаётган даврда жамиятда рўй бераётган инқилобий ислохотлар, ҳужумкор ҳаракатлар, ижтимоий тенглик ғояси ижтимоий-маданий, адабий-бадиий жараёнларда ҳам ўз инъикосини топган. Шунинг учун ҳам, 20-йилларда адабиёт, санъат, театр соҳаларидаги яратилаётган асарлар, қўйилаётган драма ва спектаклларнинг моҳиятини совет мафкураси ташкил этган. Хусусан, уларда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги акс эттирилган. Хусусан, Жаҳон Обидованинг «Беш йиллик кураш ва меҳнаткаш хотин-қизларни озодликка чиқариш» номли мақола-сида ва 1926 йилда Хосият Тиллахонованинг «Уйғониш», «Интилиш» каби шеърларида, «Ишлаб чиқариш ютуқларининг мустаҳкамланиши», «Ўрта Осиёда ипакчиликнинг ривожланиши», «Муваффақиятимизни мустаҳкамлаб камчиликларга йўл қўймайлик» каби мақола ва рисолаларида ишлаб чиқариш ва унда аёллар иштироки мавзуси алоҳида ўрин эгаллаган эди. Шунингдек, адиба Ойдин (Манзура Собирова)нинг 1925 йилда эълон қилинган «Янгилик йўли» номли пьесасида ҳам «давр талаби»дан ке-

либ чиқиб, жамиятдаги инқилобий ўзгаришлар ижобий баҳоланади. 1932 йилда ўз авлодининг рамзига, янги аёл идеалига айланган аёллардан бири Зулфиянинг 43 та тилга таржима қилинган «Хаёт саҳифалари» номли шеърлар тўплами чиқди.

Кескин ижтимоий-сиёсий вазият туфайли 20—30 йилларда театр ташкил этиш, уни такомиллаштириш қатор қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Бунга биринчи навбатда маҳаллий меҳнаткашларни, айтиқса, хотин-қизларни театр жамоаларида қатнашиш учун йўл қўймасликка уриниш таъсир қилар эди. Шундай бўлса-да, театр санъати тараққий этди. Кейинчалик ўзбек театр санъатининг фаҳри бўлиб етишган Турсуной Саидазимова, Маъсума Қориева, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова кабилар саҳнага чиқиш ўлим билан тенг бўлган даврда биринчилардан бўлиб саҳна юзини кўрдилар. Замира Ҳидоятова, Тошхон Султонова, Назира Алиева, Ҳалима Носирова, Тамарахоним каби ўнлаб санъаткорлар ҳам ўзларини саҳнадаги фаолиятларини ўша даврларда бошлаган эдилар. Мукаррама Турғунбоева ҳам 1929—33 йиллар мобайнида ўзбек давлат музыкали театри қошидаги Рақс студиясида ўқиб, биринчи ўзбек балетларини яратишда қатнашган. Хотин-қизларни маданий қурилиш ишига кенг жалб этиш жамиятдаги руҳий кечинмаларга боғлиқ бўлгани учун ҳам, мусулмон жамиятига номаълум бўлган театр, концерт каби маданий янгиликлар натижасида юзага келган «янги» одамлар — актёр, ҳофиз, машшоқлар содда халқни ўзига мафтун этган эди.

Шулардан бири Тамарахоним бўлиб, у ўз фаолиятини 1928 йилда халқ артисти Уста Олим Комилов томонидан эксперименталь мусиқали драматик театр қошида ташкил этилган кичик бир студияда бошлайди. У ерда Тамарахоним халқ рақсларини ва чолғу асбобларда рақс тушишни ўрганади. У 1930 йилда Москвада бўлиб ўтган олимпиадада Уста Олим жўрлигида қадимги ўзбек ўйини «Садр»ни ижро этади. Улар ўша даврдаги пойтахт газеталарида моҳир санъаткор сифатида эътироф этилади. 1935 йилнинг июль ойида Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов ва Абдуқодир Исмоилов халқаро рақслар фестивалида иштирок этиш учун Англияга боришади. У ерда Тамарахоним ижросидаги «Қари наво» рақси ҳаммада катта таассурот қолдирган, шунингдек, Англия қироличаси Мария ва қирол Георгнинг ҳам мафтун этган. Санъаткорнинг маҳорати Европага танилган.

Шунингдек, оилада тўққизинчи қиз бўлиб дунёга келган Ҳалима Носирова отасининг вафотидан сўнг болалар уйида тарбияланади. Ҳ. Носирова болалар уйидаги ҳаваскорлик тўғарагида қўшиқ



куйлаб, ширали овози билан барчани ўзига мафтун этганлиги туфайли барча уни «майна» деб чақиради. Театрда роллар ижро эта бошлаганида, истеъдоди билан шоир Чўлпон назарига тушади ва у Ҳалимага катта ролларни ижро этишида яқиндан ёрдам беради. Ҳ.Носирова Ўзбек давлат мусиқали театрида 1929 йилнинг 10 августидан «Ҳалима» номли спектаклнинг янги сахна талқини намойиш этиш билан бирга ўз фаолиятини бошлайди. Шу йили ёш истеъдодли драматург Комил Яшиннинг бастакор Тўхтасин Жалилов билан ҳамкорликда яратган бир пардали «Лолахон» пьесаси сахна юзини кўради. У нафақат миллий мусиқали театр, балки миллий опера театрида ҳам ижодий фаолият олиб боради. Ҳ.Носирова Комил Яшиннинг «Лолахон» асаридан тортиб, «Гулсара» мусиқали драмасигача, шунингдек, «Фарҳод ва Ширин» операсигача бўлган барча асарларида бош ролларни ижро этган. Ҳалима Носирова 24 ёшида «Халқ артисти» унвонини олган бўлса, 2000 йилда «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган.

Ўзбекистонда 20–30 йилларда хотин-қизларни маданий ҳаётга кенг жалб этишда кино санъати алоҳида аҳамият касб этди. Лекин, советлаштириш сиёсати санъатнинг барча соҳаларига, шу жумладан, кино санъатига ҳам кириб борди. Чунки, кино Ўзбекистонда янги бўлиб, омманинг унга муносабати ижобий эди. Шунинг учун ҳам кино санъати халқ оммасини коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлди. 1924 йил ўзбек кинематографияси ташкил топди. Шу йили режиссёр В.Высковскийнинг «Ажал минораси», Д.Бассальгонинг «Мусулмон аёл», «Мулла Ҳакимнинг қизи», 1928 йилда «Ўзбекистон хотин-қизлари» каби дастлабки бадиий киноленталар ишланди. Ҳаттоки, 1925 йил октябрда бўлиб ўтган Ўрта Осиё хотин-қизлари ходимларининг II Ўлка йиғилиши Бухорода суратга олинган «Мусулмон аёл» кинолентаси намойишини кенгайтириш лозим, деб топди. Чунки бу фильм «фаол» аёллар ҳаётига бағишланган бўлиб, советларнинг сиёсий мақсадларини тарғиб қилишда, сиёсий саводхонликни кучайтиришда «муҳим роль» ўйнаган, бош ролни Ольга Третьякова ўйнаган. Шунинг учун бу асар 1926 йил 16–18 июнь кунлари Бухорода намойиш қилинганда ўзбек хотин-қизлари 50% (25 тийин) тўлаши афишада қайд этилган. Дастлаб кинофильмлардаги бош аёл ролларини мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият туфайли эркаклар ёки рус миллатига мансуб аёллар ўйнаган бўлса, 1926 йилдан «Бахт» фильмидаги бош қаҳрамон Жамила ролини ўзбек актрисаси Турсунхон Жаъфарова ижро этди. 1937 йилда «Қасам»

фильмидаги Азимнинг хотини ролини Андижон театри актрисаси Шаҳодатхон Раҳимова, Азимнинг онаси ролини ўзбек мусиқий театрининг актрисаси Лутфихоним Саримсоқовалар ижро этдилар. Комил Яшин сценарийси асосида яратилган «Асал» фильмида бош ролни Ҳалима Носирова ижро этди. Айниқса, «Ҳужум» ҳаракати туфайли маҳаллий хотин-қизлар ўз истеъдод ва маҳоратларини кенг намоён қилиш имкониятига эришдилар.

«Ҳужум» ҳаракати натижасида маҳаллий хотин-қизлар орасидан биринчи журналист аёллар етишиб чиқди. Улар Ҳамроой Муҳамедова, Робия Носирова, Роза Назирова, Зарифа Ўрмонова ва бошқалар. Шу йилларда маданий-маърифий ишларнинг муҳим бўгинларидан бири матбуот эди. 1922 йилда ўзбек тилидаги «Нима учун сен коммунист бўлдинг?», «Туркистон меҳнаткашларининг жонли бадиий сўзлари» номли рисоалар чоп этилди. Янги йўл номли рўзнома нашрдан чиқа бошлади ва 1926 йилдан ушбу ном остида ойлик журнал ташкил қилинди. Журналнинг масъул муҳаррири С.Холдорова бўлган. Яна бир қанча аёллар рўзнома ва журнал ишларида доимий банд бўлишган. Булар Т.Мурабова, Н.Муслимова, опа-сингил С. ва Х. Раҳимовалар ва ҳоказо. Газетанинг адабиёт бўлимини М.Собирова (Ойдин) ва Х.Тиллахоновалар олиб боришган.

Умуман, 20-йилларда маҳаллий хотин-қизларни ижтимоий-маънавий ҳаётга жалб этишда муайян ютуқлар қўлга киритилди: ўзбек хотин-қизларининг билимга бўлган интилиши туфайли саводсизликка барҳам берилди, натижада, уларнинг ижтимоий фаоллиги ошди. Мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятга қарамасдан санъатга қизиққан хотин-қизлардан кўплаб машҳур санъаткорлар етишиб чиқди. Лекин мана шу ютуқларнинг барчаси коммунистик партия ва совет ҳукуматининг мақсад-манфаатларига хизмат қилди. Яъни, биринчидан, маданий-оқартув муассасалари, маданий тadbирлар маҳаллий миллат хотин-қизларининг маданий савиясини ўстириш учун эмас, балки уларни коммунистик ғоя асосида сиёсий-мафкуравий тарбиялаш учун хизмат қилди.

Иккинчидан эса, 20-йилларнинг бошларида маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятида нисбатан эркинлик кузатилган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан эса, ўзгарган вазият туфайли уларнинг фаолиятида ҳукмрон коммунистик партиянинг яккаҳокимлиги ўз аксини топди. Барча маданий-оқартув муассасалари миллий маданиятга, миллий урф-одат ва диний кадриятларга қарши маданий меросни инкор этиш ғояси асосида фаолият юритди.

30-йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик ти-

зими ва шахсга сифиниш мафкурасининг гайримиллий, зўравонлик сиёсати оқибатида эса маданият, санъатга янада сиёсий тус берилди. Фарбда адолатли равишда «эътиқод маданияти» деб аталган совет сиёсий маданияти негизида юз бераётган инқилобий ўзгаришларнинг ҳақлигига эътиқод, ҳокимиятга ишонч, дохийларни эъозлаш ётарди.

Ҳукмрон мафкура республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ сиқувга олди. Ҳар қандай миллийликка бўлган интилиш совет ҳукуматининг қатағонлик сиёсати зарбасига учради ва «зарарқунандалик» деб баҳоланди. 1933 йил 11 апрелда эълон қилинган «Ўз ССР санъатидаги зарарқунандачилик оқибатларини тугатиш тўғрисида»ги қароридан совет ҳукуматининг рус маданиятини улуғлаш билан боғлиқ коммунистик-улуғ миллатчилик қарашлари ўз ифодасини топган. Туб миллий манфаатларни унутиб қўйиш, зўр бериб байналминаллаштириш маданий қурилишда салбий роль ўйнади. Партиянинг маданият соҳасида байналминал маданиятни биринчи қўядиган сиёсати миллий маданиятни ривожлантириш режасини, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланишни орқа ўринга суриб қўйди. Маданиятни мафкура-лаштириш ахлоқ-одоб, адабиёт, санъатнинг самарали миллий заминдан ажралиб қолишига сабаб бўлди, тарихий хотира, миллий анъаналар ва одатларни унутиб юборишга олиб келди. Байналмилал маданиятнинг устувор тарзда ривожланиши Ўзбекистон туб халқи тилининг қўлланиш соҳасини торайтириб қўйди.

Маънавий ҳаётга буйруқбозлик йўли билан раҳбарлик қилиш, мафкуравий чеклашлар, тўғаноқ механизми, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш жамиятнинг маънавий ҳаётида инқирозли ҳолатларни юзага келишини белгилади. Ўлкада миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эълон қилинган бўлса ҳам, амалда турли йўллар билан шу ҳуқуқнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиб келинди. Ўлкада ҳукмронлик қилган совет ҳокимиятининг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойили асосидаги улуғмиллатчилик сиёсати натижасида сохта байналмилаллик ғояларига қарши бўлган аҳоли қатламлари мустабид тузум қатағонлик сиёсатининг қурбонига айландилар.

Жумладан, советларнинг 20-йиллардаги хотин-қизларга бўлган муносабати натижасида маҳаллий хотин-қизлардан етишиб чиққан, кўзга кўринган раҳбар ва кадрлар, ижодкорлар 30-йилларнинг иккинчи ярмидан советларнинг қатағон қилиш сиёсати оқибат-

тида «халқ душмани» деб эътироф этилди. Натижада, маҳаллий миллат хотин-қизлари қатағон қилиш сиёсатининг кенг тарқалган турларидан бири «тозалаш» усули билан ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четлаштирилди. 1928 йил ўрталарига келиб оммавий равишда текшириш ишлари бошлаб юборилди. 1929—1930 йиллардан бошлаб эса, жамиятни «аксилинқилобий унсурлардан» «тозалаш» борасида алоҳида махсус қарорлар қабул қилина бошлади.

СССР Ички ишлар халқ комиссари, «темир нарком» номини олган Николай Ежов томонидан 1937 йил 30 июлдаги «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруққа мувофиқ, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8—10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Айниқса, ҳукмрон мафкура яккаҳокимлиги кучайган, унга қарши чиқиш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлашнинг ўзи хавфли ҳисобланган давр, яъни 1937—38 йиллардаги қатағонлик сиёсати натижасида, Ўзбекистон бўйича 41 минг киши қамоққа олиниб, улардан 6920 таси отиб ташланган, қолганлари узоқ ўлкаларга қамоқ жазосига мубтало қилинган. Улар орасида бир қанча хотин-қизлардан иборат давлат ва партия арбоблари ҳам бўлган. Шунингдек, Германияда таҳсил кўриб келгани учун аксилинқилобчи ва миллатчи сифатида, баъзан эса чет эл разведкасининг жосуси сифатида қамоққа олинган, шунингдек, «халқ душмани»га чиқарилган фарзандлари, эрлари ва оталарининг «аксилинқилобий, миллатчилик фаолиятлари» ҳақида сиёсий идораларга ўз вақтида хабар бермаганлари учунгина қамоққа олинган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этар эди. Умуман, совет тузуми даврида хотин-қизларни қатағон қилишнинг 40 дан ортиқ «тури» «ўйлаб топилган». 20 дан ортиқ «номлар» билан таҳқирланганлар: «буржуа миллатчиси», «бузғунчи», «троцкийчи-зиновьевчи», келиб чиқишини яширганлиги, қочоқлик учун ёки ўз хоҳиши билан яшаб турган жойини ташлаб кетганлиги, инқилобга қарши буржуа миллатчи гуруҳида қатнашганлиги, синфий большевикча ҳушёрлигини йўқотганлиги, синфий «ёт унсурлар» билан давлат ва аппаратни «ифлослантирганлиги», тузумга қарши бўлгани, катта моддий зарар келтирганлиги, хўжалик ишини эплай олмагани, «буржуа миллатчиси» ва троцкийчи-зиновьев-

чилар билан яқин алоқада бўлганлиги, икки ёқлама сиёсат олиб борганлиги ва ҳоказо. Хуллас, жамият «совет сиёсатини ёқтирмаган»лардан мунтазам равишда тозаланиб борилган.

1939 йил 1 январга оид маълумотга кўра, НКВДнинг меҳнат тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасида 23855 нафар ўзбеклар бўлиб, 1942 йил 1 январда бу кўрсаткич лагерларда азоб чекаётганларнинг 26907 нафари (2 %)ни ўзбеклар ташкил этарди. Улар совет салтанатининг турли бурчакларида барпо этилган лагерларда қамоқ жазосини ўтаб, ҳаётларини қийинчиликда ўтказишган. Хусусан,

– Узоқ Шарқ лагерида муддатини ўтаётган ўзбеклар Норильск, Ворошилов, Тойшет-Братск, Улан-Удэ-Наушки, Известковая-Урал, Усть-Ниман-Комсомольск, Волочаевка-Комсомольск, Биробиджан-Ленинская, Посьет-Брановский темир йўл бекатлари орасидаги қурилишларда меҳнат қилишган.

– Дмитров меҳнат тузатув лагеридаги маҳбус ўзбеклар механика заводида газогенератор автомашиналар ва мебель ишлаб чиқаришида, Волга-Москва канали қурилишида заҳмат чекишган.

– Волга лагеридаги ўзбек маҳбусларидан Рибинск Вауглич сув иншоотлари қурилишида, ёғоч тайёрлашда фойдаланилган.

– Ухтин-Печерск лагеридагилар нефть-газ қидирув ва қазиб олиш, гелий заводи қурилишида, радиий олиш учун сувни қайта ишлаш, Чибью-Крутой трактини қуришда, ёғоч тайёрлашда иштирок этганлар.

– Темноиково лагеридагилар ўрмончилик ва мебель ишлаб чиқариш билан машғул бўлишган.

– Узоқ Шарқ лагеридагилардан эса, 201-сонли чуқурлаштирув ишларида, қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш, ёғоч тайёрлаш, махсус қурилишлар учун хўжалик органларида ишчи кучи сифатида фойдаланилган.

– Сибирь лагеридагилар қишлоқ хўжалигида, тикув фабрикасида, ёғоч тайёрлашда меҳнат қилганлар.

Ҳатто Қозоғистонда 1937 йил 15 августдаги НКВДнинг «Ватан хоинларининг оила аъзоларини қатағон қилиш операцияси» (Об операции по репрессированию жен и детей изменников Родины) тўғрисидаги 00486-сонли буйруғи асосида «АЛЖИР» (Акмолинский лагерь жён изменников Родины) ташкил этилиб, унда қатағон этилганларнинг аёллари қамоқ жазосини ўташган. 1938–1946 йилларда Қарағандадаги мазкур лагерда «Ватан хоинларининг оила аъзолари»дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халқ душ-

мани тамғаси билан қатағон бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифоқ бўйича 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22427 нафари Халқ маорифи комиссарлиги ҳудудидаги болалар уйларига ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юқорида бўлган болалар «ижтимоий хавфли» ҳисобланиб, қамоққа олинган ва жазога ҳукм қилинган. Карағанда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосида дунёга келганлар. Ана шундай фожеалар Ўзбекистонда яшаётган аҳоли катта қисмининг бошига ҳам тушган эди. Ўша даврларда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган маданият ходимлари ҳам бу ёвузликлардан четда қолмадилар. Жумладан, журналист Собира Холдор қизи, таниқли давлат ва партия арбоби Тожихон Шодиёева, Тожихон Аҳмедова, журналист Хосият Тиллахон қизи, журналист Марям Султонмуродова, шифокор Хайринисо Мажидхонова, Саида Шермуҳаммад қизи, педагог Зайнаб Ҳошимова, Саодат Аминова, Кимё Ашурова, Раҳбар Шермуҳамедова, Раҳима Исломова, Ҳикматжон Фитратова, Руқия Хўжаева, Гулсум Раҳимова, Мақсуда Исҳоқова, Матлуба Муҳамедова, Вилоят Хўжаева, Хадича Алиева, Сора Тўрабекова, Асҳоб Миршаропова, Сабоҳат Раҳматова ва ҳоказо)лар совет ҳокимияти томонидан олиб борилган қатағонлик сиёсатининг қурбонлари бўлишган (16-илова).

### **Қатағон қилинган аёллар рўйхати**



**Хадича Алиева** — таржимон, ношир. Ҳазрат Юнуснинг рафиқаси, уй бекаси, чаласавод бўлган. 1937 йил 14 сентябрда жиний иш қўзғатилган, 20 октябрда ҳибсга олиниб, «халқ душманининг хотини ва кўмакдоши» сифатида жиний жавобгарликка тортилган. 1938 йил 5 апрелда Хилково станцияси Биринчи меҳнат посёлкасига уч йилга бадарға қилинган. 1957 йил 1 февралда оқланган.

**Кимёхон Ашурова** — Марғилон шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби. Андижон округ партия қўмитаси масъул котиби, сўнгра Тожикистон КП МҚ котиби Ўринбой Ашуровнинг рафиқаси, уй бекаси бўлган. У 1937 йилда эрининг аксилинқилобий-миллатчилик фаолиятини яширганликда айбланиб, ҳибсга олинган. 1938 йилда беш йилга Красноярск ўлкасига жазо муддатини ўташга жўнатишган. 1942 йилда муддатни ўтаб, она юртига қайтган.



**Элмира Исломова** — Ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломовнинг рафиқаси бўлган. 1937 йил 30 октябрь куни «халқ душмани»нинг хотини сифатида қамоққа олинади. 1939 йили 10 февралда у билан боғлиқ тергов иши тўхтатилган.

**Хайринисо Мажидхонова** — 1905 йилда Тошкентда туғилган, шифокор. Германияда таҳсил олгани учун ватан хоини ва «аксилинқилобий миллатчи» сифатида айбланган. 1937 йил 13 сентябрда ҳибсга олинган. Хайринисо Мажидхоновага «1922—28 йилларда Германиядаги «Туркистон» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлган, 1928 йилда унинг топшириқлари билан СССРга жосус бўлиб келган, СССРдаги ўша «Туркистон» ташкилоти аъзолари билан алоқада бўлган», — деган тухматкорона айблар қўйилган. Лекин содда халқ коммунизмга ишончдек олий туйғуни дастак қилиб олган мафкуранинг адолатли жамият тўғрисидаги пуч ваъдаларига ишониб, шўроларнинг зулми, қатағонлик сиёсати ва ҳибсга олишларини совет сиёсий тизими моҳияти билан боғламас эдилар. 1938 йили 9 октябрда отувга ҳукм қилинган. 1999 йили 7 октябрда оқланган.



**Матлуба Муҳамедова** — Муҳандис Восиқ Муҳамедовнинг рафиқаси, шифокор-врач бўлган. «Германиянинг айғоқчиси Саттор Жаббор (опаси Маҳбуба Муҳамедованинг турмуш ўртоғи), аксилинқилобий миллатчилардан Чўлпон ва Восиқ Муҳамедовлар билан яқин муносабатда бўлган ва аксилинқилобий шеърлар битиб, уни яшириш йўллари билан тарқатиб келган ва аксилинқилобий тарғибот-ташвиқот

ишларини олиб борган»ликда айбланиб, 1938 йил 16 январда қамоққа олинган. 1938 йил 17 майда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, жазо муддатини ўташ учун Сибирнинг «Усольский» лагерига жўнатишган. Унинг адолатсизликларга чидай олмай, ҳақиқатни талаб қилиб, СССР прокуратураси ва бошқа юқори суд органларига мурожаати туфайли 1940 йил 26 февраль СССР Олий Суди жиноий ишлар бўйича суд коллегияси мажлисида ҳукм бекор қилинган.

**Асҳоб Миршаропова** — Хоразм Халқ Республикаси ҳарбий но-зири Миркомил Миршароповнинг рафиқаси, геолог, татар мил-латига мансуб бўлган. «Халқ душмани»нинг аксилинқилобий мил-латчилик фаолиятини яшириб келганликда айбланган ва 1937 йил 25 ноябрь куни ҳибсга олинган. 1938 йили 16 декабрда айб-дорлиги аниқланмагани учун озодликка эришган.



**Гулсум Раҳимова-Ашрафий** — 1902-1937 йилларда яшаган. 1918—1925 йиллар оралиғида Германияда Дрезден қизлар гимназиясида таҳсил олган. 1937 йил 18 июлда Германияда аксилинқилобий ай-ғоқчилик ташкилоти «Озод Туркистон»-га аъзоликда ва жосусликда айбланиб, ҳибсга олинган. 1937 йил 9 октябрда отувга ҳукм қилинган. Мустақилликдан сўнг оқланган.

**Марям Султонмуродова** — 1905 йил 13 февралда туғилган хоразмлик журна-лист. 1919 йилда Тошкентга келади, жа-дидларнинг «Кўмак» жамияти ёрдамида 1922 йилдан 1928 йил-гача Германияда, жумладан, 1923—24 йилларда Берлинда, 1924—26 йилларда Дармштадт шаҳрида педагогика мактабида таҳсил олиб, 1926—28 йилнинг май ойигача Берлинда хизмат қилади ва 1928 йилда Тошкентга қайтиб келади. Дастлаб Эски шаҳардаги кечки «Коммунистик университет»да ўқув бўлими мудираси, 1935 йилдан «Гулистон» журналида ўз фаолиятини давом эттиради. 1937 йил 15 сентябрь куни Берлиндаги «Озод Туркистон» ташкилотига аъзоликда ва жосусликда, «Ёрқин тур-муш» ва «Гулистон» журналларида миллатчилик ишларини олиб борганликда айбланиб, ҳибсга олинган. 1938 йил 9 октябрда 10 йил муддатга қамоққа ва 5 йил муддатга сиёсий ҳуқуқлар-дан маҳрум этишга ҳукм этилган. 1939 йил 10 мартда Қозон турмасига жўнатишган. Суздаль қамоқхоналарида, НКВДнинг



«Далвстрой» лагерида азоб-уқубатли кунларни бошидан кечирган. 1949 йил 30 мартда яна қамоққа олиниб, 3 августда Краснодар ўлкасига сургун қилинган. 1954 йилда қайтиб келган. 1957 йил 2 августда СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъати унинг бегуноҳлигини ажрим қилади, лекин бу ажрим 1957 йил 14 октябрдагина эълон қилинади. Озод этилганидан кейин ҳам яна 2 ой тутқунликда яшайди.



**Собира Холдорова** — 1907 йилда Наманган вилоятининг Чуст қишлоғида туғилган, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатининг фаол ташкилотчиларидан бўлган журналист, «Янги йўл» журнали муҳаррири, «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррир ўринбосари, Тошкент шаҳар Киров тумани партия кўмитаси котиби бўлган. Қатагон қилинган Ўз ХКС раис ўринбосари Мўмин Усмоновнинг хотини сифатида «синфий хушёрлигини йўқотган ҳамда аксилинқилобий унсур билан алоқа боғлаган»ликда, «аксилшўровий миллатчи, ўнг троцкийчи ташкилотга аъзо ва ғоявий фронтда зарақунандалик қилган»ликда айбланган. Шунингдек, Собира Холдорова Сталиннинг «Ленинизм масалалари» асарини атайин бузиб таржима қилганликда айбланади. 30000 нусхада чоп этилган бу китоб сиёсий хатолар туфайли савдо ташкилотларидан йиғиб олинади ва, натижада, давлатга 144782 сўм 82 тийин зиён етказилади. 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинган. У Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 63 ва 67 моддалари бўйича айбдор деб топилиб, 1937 йил 23 сентябрдан 1939 йил 29 мартгача сўроқ ишлари давом этади. 1940 йилда ШСЖИ Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги Алоҳида Мажлиси қарори билан 5 йилга Ёкутистонга бадарға қилинади. С.Холдорованинг 1943 йилдан 1949 йилгача ШСЖИ Олий Совети ва ШСЖИ Ички Ишлар Министрлигига ўзининг ноҳақ маҳкум этилгани, оқлашларини сўраб ёзган аризалари эътиборсиз қолиб кетаверди. 1956 йил 22 июнда Туркистон Ҳарбий Округининг Ҳарбий Трибунали С.Холдорованинг ишини қайта кўриб чиқиб, уни айбсиз деб топди. Лекин ҳақиқат 19 йил деганда қарор топди. Бунинг натижасида С.Холдорова руҳий хасталикка йўлиқди ва 19 йиллик умрини ҳасрат-надомат, азоб-уқубатда ўтказди.



**Раҳбар Шермухамедова** — қатағон қилинган, Самарқанд, Наманган ва Тошкент шаҳар партия кўмитаси котиби лавозимларида хизмат қилган Мирмуслим Шермухамедовнинг турмуш ўртоғи бўлган. 1937 йил 30 сентябрь куни «Ватан хоини оиласининг аъзоси» сифатида ҳибсга олинган. 1938 йил 10 июль куни 5 йилга меҳнат-тузатув лагерига жўнатилган. 1943 йил жазони ўтаб қайтган. 1957 йил февралда оқланган.

**Райхон Хўжаева** — *Файзулла Хўжаевнинг онаси.* 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинганда 72 ёшда бўлган. 1938 йил 4 июнда 5 йил муддатга Қараганда лагерига қамоққа ҳукм қилинган, лекин бетоблиги туфайли 15 апрелда турма қошидаги касалхонага тушиб, вафот этган.



*Файзулла Хўжаевнинг оиласи*

**Ҳамида Хўжаева** — *Файзулла Хўжаевнинг ўғай онаси.* 1937 йил 23 октябрда ҳибсга олинганда 65 ёшда бўлган. 1938 йил 4 июнда «ижтимоий хавfli унсур» сифатида Маринск шаҳрига меҳнат-тузатув лагерига ўташ шарти билан 5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Тахминан 1941–42 йилларда Занги ота лагерига кўр бўлиб вафот этган.

**Фатина Петрова** — *Файзулла Хўжаевнинг рафиқаси.* Рус миллатига мансуб шифокор-хирург бўлган. 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинган. 1938 йил 9 апрелда Алоҳида Мажлис қарори билан 8 йилга кесилган. 1945 йил 2 октябрда озод этилган. 1954 йил 16 апрелда иш жиноят таркиби бўлмагани учун тўхтатилган.

**Малика Хўжаева** — *Файзулла Хўжаевнинг биринчи рафиқаси бўлган.* Маълумоти бўлмаган. 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 2 октябрдан Тошкент қамоқхонасида сақланган ва 1938 йил 8 апрелда озодликка чиққан. Бироқ орадан 1 ой 20 кун ўтгандан сўнг яна беш йилга Қозоғистон лагерларига жўнатилган ва ўша ерда 1953 йилда вафот этган.

**Робия Хўжаева** — Файзулла Хўжаевнинг синглиси. 2 йиллик педагогика курсини тамомлаган. 1937 йил 23 октябрь куни ҳибсга олинган. 1938 йил 29 майда «ижтимоий хавфли унсур» сифатида 8 йилга кесилган. Тошкент вилояти Бекобод тумани Сретенка қишлоғига бадарға қилинган.

**Вилоят Хўжаева** — Файзулла Хўжаевнинг қизи. Онаси Малика Хўжаева билан Қозоғистон вилоятининг Уст-Каменогорск шаҳрига сургун қилинган. 1938 йил 9 апрелда уни озод этиш тўғрисида Алоҳида Комиссиянинг қарори чиқарилган. Шундан сўнг, Тошкент пойафзал фабрикасига ҳисобчи бўлиб ишга кирган. 1938 йил 21 октябрда яна қамоққа олинган. Аввал Қозоғистон вилоятининг Уст-Каменогорск шаҳрида, сўнгра Бородулиха қишлоғида сургунда бўлган. 1985 йилда ҳукм бекор қилинган. ЎзССР ЖПКси 353-моддасига кўра, СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Комиссиянинг 1938 йил 29 майдаги қарори тўхтатилган.

**Мақсуда Исҳоқова** — Хатирчи тумани партия ташкилоти котиби, кейинчалик ЎзКП(б) МҚнинг кадрлар бўлими бошлиғи Фани Исҳоқовнинг рафиқаси, уй бекаси бўлган. «Халқ душмани»нинг хотини сифатида 1937 йил 1 октябрь куни ҳибсга олинган. 1938 йил 3 йилга НКВДнинг меҳнат посёлкаларига сургун қилинган. 1941 йилда озодликка чиққан.



**Зоя Оллоқулова** — украинка, ХКСда қишлоқ хўжалиги бўйича референт бўлиб ишлаган эри Жуманиёз Оллоқуловнинг аксилинқилобий фаолиятини яширганликда айбланган. 1937 йил 23 октябрда ҳибсга олинган. 1938 йил майда 5 йилга меҳнат посёлкасига ишлашга ҳукм қилинган ва Бекобод туманидаги Сретенский қишлоғига яшаш ва ишлаш учун юборилган. 1939 йил 21 апрелда меҳнат посёлкасидан озод этилган.

**Ҳикматжон Фитратова** — уй бекаси. Қатарон қилинган ёзувчи ва олим Фитратнинг турмуш ўртоғи, «аксилинқилобий миллатчи, халқ душманининг оила аъзоси» сифатида айбланган. 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 31 октябрда иш суд оширилган. 1938 йил 30 декабрда Тошкентдан четга чиқмаслик шарти билан қамоқдан озод этилган. 1939 йил 7 февралда иш тўхтатилган.

**Зайнаб Ҳошимова** — ЎзФА қўмитасининг биринчи раиси, А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг собиқ дирек-

тори Отажон Ҳошимовнинг турмуш ўртоғи. 1937 йил сентябрь кuni ҳибсга олинган. Эрининг миллатчилик ташкилоти аъзоси эканлигини яширганликда ва унга кўмаклашганликда айбланган. 17 ой тергов қилинган. Қамалмаган бўлсада, маънавий тазйиққа учраган. Ўқитувчилик касбидан ташқари токар ёрдамчиси, ошпаз ва тиббий ҳамшира бўлиб ишлашга мажбур бўлган.

**Тожихон Аҳмедова** — уй бекаси. Тошкент шаҳар советининг раиси, кейинчалик СССР МИҚ Миллатлар советининг котиби Абдулҳай Тожиевнинг рафиқаси. 1937 йил 2 октябрда ҳибсга олинган. 1938 йил 21 ноябрда 8 йилга Мордва автоном республикасидаги қamoқ лагерига жўнатилган. 1945 йил 2 октябрда муддатни ўтаган. 1956 йил 11 декабрда оқланган.

**Кетеван Исломова** — маҳаллий саноат халқ комиссарлигида иқтисодчи-режачи сифатида фаолият юритган. Грузин миллатига мансуб. Ўзбекистон Молия халқ комиссари Акбар Исломовнинг рафиқаси. 1937 йил 2 октябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 30 октябрда «халқ душмани»ни яшириб келган ва унинг аксилинқилобий фаолиятига ёрдам бергани учун жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарилиб, СССР НКВДси Алоҳида Мажлисига кўриб чиқиш учун юборилган. 1939 йили 9 февралда хатти-ҳаракатида жиноят аломати бўлмагани учун озод этилган.

**Сабоҳат Раҳматова** — шаҳар қурилиш трести бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаган Шомансур Алихўжаевнинг турмуш ўртоғи. 1937 йил 2 октябр кuni «аксилинқилобий миллатчилик фаолияти»ни яширганликда айбланиб, ҳибсга олинган. 1937 йил 21 ноябрда жиноий иш СССР НКВД Алоҳида Мажлисига топширилган. 1939 йил 4 февралда Алоҳида Мажлис томонидан жиноий фаолиятдаги иштироки аниқланмаганидан сўнг озод этилган.

**Екатерина Сулаймонова** — Чўлпоннинг рафиқаси, рус миллатига мансуб. Чўлпоннинг «аксилинқилобий миллатчилик фаолиятини яширганликда ва уларда иштирок этганликда айбланиб, 1937 йил 22 сентябрда ҳибсга олинган. 1937 йил 31 октябрда иш судга оширилган. 1939 йил 4 февралда озод этилган.

**Сора Тўрабекова** — уй бекаси, «халқ душмани» Жўра Тўрабеков билан бирга яшаб, унинг «аксилинқилобий-миллатчилик троцкийчилик фаолиятини яшириб келган ва шу йўл билан унинг сотқинлик-зараркунандалик фаолиятига кўмаклашган»ликда айбланиб, 1937 йил 2 октябрда ҳибсга олинган. 3 йил қamoқда бўлган. 1939 йил озодликка чиққан.

**Валентина Васильева** – Ўрта Осиё давлат университети ўқитувчиси, рус миллатига мансуб. Шоир Боту (Маҳмуд Ҳодиев)нинг хотини. 1941 йил сентябрда ҳибсга олинган. 1941 йил декабрда 8 йилга, 1941 йил 27 декабрда маҳбусанинг шикоят қайта кўрилиб, «халқ душмани» сифатида 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, Сибирга сургун қилинган. 1951 йилда озод этилиб, Тошкентга қайтган ва 1958 йилда оқланган.

**Зинаида Расулева** – уй бекаси, рус миллатига мансуб. «Уззаготхлоптрест» иқтисодчиси бўлиб ишлаган Али Расулевнинг хотини. «Халқ душмани»нинг оила аъзоси бўлганлиги учун қатағон қилинган.

**Антонина Каримова** – уй бекаси, рус миллатига мансуб. ЎзХКС раиси Абдулла Каримовнинг хотини. «Халқ душмани»нинг оила аъзоси бўлганлиги учун қатағон қилинган.

**Мария Гюнтер** – иқтисодчи, ЎзХКС ходими А.С.Немцовичнинг хотини. «Халқ душмани»нинг оила аъзоси сифатида қатағон қилинган.

**Руқия Хўжаева** – Самарқанддаги интернат тарбиячиси бўлган. Тожикистон ССРнинг Москвадаги вакили Исо Хўжаевнинг хотини. «Халқ душмани»нинг оила аъзоси сифатида қатағон қилинган.

**Раҳима Исломова** – Самарқанд вилояти Митан тумани ёшлар ташкилоти раҳбари.

**Зухра Турсунхўжаева** – уй бекаси, Ўзбекистон ташқи савдо халқ комиссари Муҳиддин Турсунхўжаевнинг турмуш ўртоғи

**Саодат Салимова** – Саодат Салимова суронли йилларда хоразмлик ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи ўқитувчидир. У 1905 йилда Хива шаҳрида туғилган. С. Салимова «Коммуна» мактабида саводсизликни тугатиш ва ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшган зиёлилардан эди. Хива педагогика билимгоҳида биринчи ўқитувчи, илмий бўлим мудири, сўнг директор лавозимларида ишлаган. 1935 йилда Хива тумани маориф бўлимига мудир қилиб тайинланган. «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган. С. Салимова қатағон гирдобига тортилган вақтда Хива шаҳар М. Горький номли мактаб ўқитувчиси бўлган. 1937 йил 19 августда Урганч район партия қўмитасининг 10-сонли баённомаси асосида Хоразмда энг илғор, биринчи аёл ўқитувчилардан бўлган Саодат Салимованинг иши кўрилган. С. Салимовага қўйилган айб қуйидагича бўлган: 1931 йилдан партия аъзоси, 1364142-сонли партбилети Хива район партия қўмитаси томонидан тортиб олинган.

С. Салимова иши қўзғатилганда Хива район халқ маорифи мудирлари лавозимига тайинланмоқчи эди. Район мактабларидаги бир гуруҳ ўқитувчилар ишдан бўшаш тўғрисида ариза берганликлари ҳамда турмуш ўртоғи Салимов Абдулланинг дўстларини уйига меҳмонга тез-тез чақириб турганлиги ва шу даврада советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланади. С. Салимова ҳозирда Хива шаҳар М. Горький номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди, деб қўрсатилади. У 1937 йил 27 августда Хива район партия қўмитасининг 15-сонли баённомаси қарорига асосланиб, партия сафидан ўчирилди. Лекин ўша партия мажлисида С.Салимова ўз турмуш ўртоғи ҳақида қуйидагиларни айтди: «партия активига шуни ишонч билан айтаманки, менинг эрим миллатчи эмас. Мен уни жуда яхши биламан, чунки мен у билан 16 йилдан буён бирга яшайман. У совет ҳукуматининг ҳалол ишчиси. Мен бу айтган сўзимга партбилетим билан жавоб бераман», дейди С. Салимова. Шундай бўлса ҳам, А. Салимовни 5 йилга озодликдан маҳрум қиладилар.

Бибиражаб Полвонниёзова — Давлат Ризаевнинг рафиқаси бўлганлиги учун «халқ душманининг хотини» деган айбнома билан партия сафидан ўчирилади. Давлат Ризаев 1922 йилда Хоразм комсомоли Марказий қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудирлари, орадан кўп ўтмай, Марказий қўмитанинг маъсул секретарлигига сайланган. 1934 йил майида ВКП (б) Марказий қўмитасининг Партия назорати қўмитаси раисининг Ўзбекистон бўйича ўринбосари этиб тайинланган, 1937 йил апрелидан Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасига биринчи секретарь қилиб тайинланган ва бу лавозимда атиги 3 ойгина ишлаган. 1937 йил 19 августда Урганч район партия қўмитасининг 10-сонли баённомаси асосида улар иши кўрилган ва айб қўйилган.



**Тоҷихон Шодиева** — «Хужум» даври фаолларидан бири Тоҷихон Шодиева ҳам биринчилардан бўлиб ўз паранжисини ташлаган эди. У Молотов (Фарғона) туман партия ташкилоти котиби, Хоразм округи хотин-қизлар шўъбаси инструктори, сўнгра Қўқон шаҳар хотин-қизлар шўъбаси мудирлари ва «Янги йўл» журнали муҳаррири бўлиб фаолият юритган. У коммунистик партиани золим эр таҳқиридан қутқарган куч деб биларди. Шунинг учун ҳам, у ҳар қандай

топшириқни бажаришга шай ўз даврининг фарзанди эди. Лекин мустабид совет тузумининг қатағонлик сиёсати ўз фидоийларини ҳам аямади. Тожихон Шодиева 1937 йил 24 сентябрда аксилонқилобий миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда айбланиб, ҳибсга олинди. 1938 йил 4 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasининг сайёр сессияси ҳукмига мувофиқ ўн йил муддатга қамоқ жазосини ўташ учун Қозон турмасига жўнатилади, беш йилга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилади. 1950 йил 28 октябрда яна алоҳида мажлис қарори билан беш йилга Хабаровск ўлкасига бадарға қилинади. У 10 йил қамоқ муддатини ўтаганидан сўнг, Тошкентга қайтмай Калимада яшаб қолади. Бунинг сабабини унинг қуйидаги сўзлари орқали англаш мумки: «Бир марта халқ душмани номини олдингми, бўлди, сени омон қўйишмайди. Бир баҳона топиб, яна қамашади ёки бошқа ёқларга сургун қилишади. Мен бу гапларни ҳаводан олиб айтаётганим йўқ, тарихнинг сабоғидан олиб гапиряпман. Йигирманчи йилларнинг бошларида озмунча зиёлилар, ҳукумат раҳбарлари душман деб ўлимга, айримлари сургун, қамоқларга ҳукм қилинмади. Хўш нима бўлди? 30-йилларга келиб сургун қилинганлари қайта қамалди, қамоқдагилари эса отилди». Тожихон Шодиева 1956 йилда оқланган. Шундай қилиб, «қатағон» йилларида «Ҳужум»ни қувонч билан қабул қилиб, унга ўз кучини, шижоатини, ҳаётини бағишлаган аёлларнинг кўпчилиги қурбон бўлдилар. Адолатсизлик асосида қурилган мустабид тузумнинг жазо қонунлари жамият ҳаётидаги энг табаррук инсон, гўзаллик рамзи бўлган аёлларга ҳам раҳм қилмади. Мустабид совет давлати ва унинг ғоявий раҳнамоси бўлган большевиклар партияси ўзи илгари сургун «Ҳужум» кампаниясини қўллаб-қувватлаган ўзбек аёллари жасоратига шу услубда «ташаккурлар» билдирди. Мана шундай давом этган қатағонлик сиёсати халқ норозилигига сабаб бўлганлиги учун, мустабид тузум раҳнамолари халқни бироз бўлса-да хотиржам қилиб, тинчитиш учун ҳамда совет ҳокимиятининг «адолатли» эканлигини оммага кўрсатиб қўйиш мақсадида 30-йилларда турли сабаблар билан қамалган аёлларнинг кўпчилигини озод этди. Бироқ совет ҳокимияти ва коммунистик партия миллий истиқлолга эришгунимизга қадар ўзининг қатағонлик сиёсатини турли шакл ва усуллар орқали давом эттириб келди. Қатағонлар шаклан ўзгарган туюлса-да, амалда ўзининг разилона жирканч мазмун-моҳиятини йўқотмади, яъни халқни итоаткор ҳайрихоҳ сифатида бўйсундиришга ҳаракат қилди.

Умуман олганда, 30-йилларда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тўлиқ ғалабаси, яъни 1936 йилда «социализмнинг тўла ғалаба қилган»лиги ҳақидаги ғайриилмий хулоса натижасида маданият соҳаси бутунлай сиёсатлаштирилди. Миллийлик маънавият ва маданиятда иккинчи даражали масалага айланди. Уни куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Совет ҳукумати маданиятга жамият учун сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида қараб, унга доимо партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назаридан туриб ёндошди. Бу эса ижод эркинлигининг бўғиб қўйилишига, маданият муассасаларининг фаолиятини чеклаб қўйилишига олиб келди. Натижада, маданият соҳасида маъмурий-буйруқбозлик тизими ўрнатилди.

2. Совет тизими ҳукмрон мафкурасининг зўравонлиги оқибатида маданий ривожланишнинг ўзига хос синфий қолиплари шакллантирилди. Ушбу қолиплар асосида бадиий ва саҳна асарларида жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муаммолар четлаб ўтилди.

3. Миллий маънавият ва маданий мерос кадрсизланиб, руслаштириш сиёсати олиб борилди. Маданиятда миллийликни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ижтимоий тараққиётга зарба эканлиги таъкидланди.

4. Маърифатпарвар зиёлилар, айниқса, дин вакиллари қатагон қилинди, маънавий ҳаётда турғунлик ҳолатлари пайдо бўлди.

5. Маҳаллий миллат хотин-қизларининг маданий ҳаётдаги иштироки сиёсий мақсадларга бўйсундирилди. Ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан, кўзга кўринган раҳбар ва кадрлар, ижодий ходимларнинг маънавий ҳаёти исканжага солиниб, 30-йилларнинг иккинчи ярмидан советларнинг қатагон қилиш сиёсати оқибатида «халқ душмани» деб эътироф этилди.

6. Ўзбекистон хотин-қизлари маданияти соф «маданий тараққиёт» йўлидан эмас, балки собиқ Иттифоқнинг маданият соҳасидаги сиёсати йўлидан борди. Миллий манфаатларни тан олмаслик, зўр бериб байналмилаллаштириш, сиёсатлашган совет маданияти ўзбек хотин-қизлари таъсирида «миллий тараққиёт» учун имкон бермади.

7. Совет ҳукумати ўзбек хотин-қизларини жамиятда содир бўлаётган маънавий ўзгаришларга кенг жалб этиш орқали уларга соф иқтисодий ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридан муносабатда бўлиб, ўз ҳокимиятининг хайрихоҳлари сифатида фойдаланди.



## Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати

**Хотин-қизлар клуби** — маданий-маърифий муассаса бўлса-да, амалда советларнинг сиёсий мақсадларини ҳаётга татбиқ этган.

**Мафкура** — (арабча — фикрлар мажмуи) жамиятда муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаоларини мужассамлаштирган фикрлар ва ғоялар тизими.

**Маданий мерос** — авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

**Мафкура якка ҳокимлиги** — муайян бир давлат, жамият ёки ижтимоий гуруҳларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида, жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилишини ифодалайдиган тушунча.

**Атеизм** — (юнонча а -инкор, theos-худо; худони инкор этиш)-динни, умуман, илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш.

**Отин, Отинойи** — Ўрта Осиёдаги диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. Отинлар аёллар ўртасидаги диний маросимлар (мавлуд, амри маъруф, наҳйи мункар ва б.) ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълим бериш билан ҳам шуғулланган.

**Истиқлол** — (арабча-озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) -инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этувчи тушунча.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Хотин-қизлар клубларининг вазифалари нималардан иборат бўлган?

2. «Миллий манфаатларни тан олмаслик, зўр бериб байнал-милаллаштириш» деганда нимани тушунасиз?

3. «Сиёсатлашган совет маданияти» тушунчасининг моҳиятини изоҳланг.

4. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида хотин-қизларнинг адабиёт соҳасидаги фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?

5. Ўзбек санъатини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшган аёл санъаткорлардан кимларни биласиз?

6. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари ҳақида сўзлаб беринг.

7. Мустабид совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати қурбони бўлган ўзбек зиёли аёлларидан кимларни биласиз?

8. Нима учун илғор фикрли маҳаллий миллат вакиллари, жумладан, хотин-қизлар қатағон қилинди?

9. Ўзбек аёллари қандай «айбловлар» остида қатағон қилинди?

10. Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қандай Фармон, қарор ва қонунларни биласиз?

### **«РЕЗЮМЕ» технологияси**

«Резюме» технологиясидан фойдаланилган ҳолда, «Қатағон» тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин?» деган савол ўртага ташланади. Бунда талабаларнинг совет ҳокимиятининг қатағонлик сиёсати ҳақидаги мустақил фикрлари тўпланади. Бунинг учун ҳар бир гуруҳга А4 форматли қоғоз ва рангли фломастерлар тарқатилади. Ҳар бир гуруҳ қатағон тушунчаси ҳақидаги ўз фикрларини қоғозга туширадилар. Сўнгра ҳар бир гуруҳдан 1 та вакил доскага чиқиб, фикрлар ёзилган қоғозни доскага ёпиштирган ҳолда ўз хулосаларини асослаб тушунтиради. Кейинги гуруҳ ўзи тайёрлаган қоғозни аввалги гуруҳ қоғози тагига ёпиштиради. Шу тарзда доскада 2 та гуруҳнинг қатағон тушунчаси ҳақидаги мулоҳазалари яққол намоён бўлади. Ўқитувчи билдирилган фикрларни хулосалаб, энг тўғри тушунчани кўрсатади. Шу тарзда энг кучли фикрловчи гуруҳ ажратилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, совет мустабид мафкурасининг тазйиқи ҳамиша маданий жараённинг эркин ривожланишига тўсиқ бўлди. Маънавий ва маданий соҳаларни баҳолашда синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошиш, мафкуранинг маданият устидан ҳукмронликка интилиши, турли хил мафкуравий зуғумлар маънавий соҳада жиддий қашшоқлашиш ҳолатларини юзага келтирди. Шунга қарамасдан, ўзбек хотин-қизларининг маънавиятга, маърифатга ва маданиятга бўлган чанқоқлиги, шу соҳа ходимларининг тинмай изланишлари натижасида жамият маданий ҳаёти ўзига хос тарзда ўзгариб борди. Даврнинг асоссиз тазйиқ ва зуғумлари, совет мафкурасининг турли пўписа ва таҳдидлари уларнинг иродасини бука олмади.

### Қўшимча адабиётлар:

1. минова Р.Х. Рост творческой активности женщин Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1987. №3. С.29–36.
2. Анъаналар, дин ва аёлларнинг ижтимоий мақоми//Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида маъруза. RBEC//Undz.1999. – 95 б.
3. Вахабов М.В. Ислам и женщина. – Москва: Мысль.1968. –168 с.
4. Жадидчилик: ислоҳот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам, №1). – Тошкент: 1999. – 218 б.
5. Зиёев Х. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. 2000. – 288б.
6. Ислам и женщины Востока. – Тошкент: Фан. 1990. – 250 с.
7. Маърифат фидойилари // Гулистон. 1991. №4. Б. 20–21.
8. Каспарова В. Раскрепощение женщины Востока. – Москва: – Труд. 1925. – 56 с.
9. Тошбоева Т.Х. Ўзбек аёли ўтмишда ва ҳозирги кунда. – Тошкент: Билим. 1987. – 18 б.
10. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. – Тошкент: Шарқ.1999. – 208 б.
11. Шукурова Х.С. Социализм и женщины Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан. 1970. – 365 с.
12. Эштўхтаев Х. Миллий кадрлар – «халқ душманлари»//Фан ва турмуш. – 1991. №5. 23–25б.
13. Қор қўйнида лолалар /Масъул муҳаррир. Б.Шарипов. – Тошкент: Академия. 2001. – 213 б.
14. Матниёзов М. Хоразм тарихи. 2-жилд. – Урганч: 1997. – 375 б.
15. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларининг ўрни (XX асрнинг 20–30-йиллари мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражсини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2004. – 161 б.

### III. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

#### *III.1. Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида фронт ортида кўрсатган фидокорона меҳнатлари*

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида мамлакат ичкарасида кўрсатган фидокорона меҳнат намуналарини, уларнинг халқ хўжалиги барча тармоқларида ҳал қилувчи ишчи кучи сифатида ўз зиммасидаги вазифаларини сидқидилдан бажарганлигини тарихий воқеликлар, манбалар асосида очиб бериш, хотин-қизларнинг фаол ижтимоий куч сифатидаги ролини тарғиб қилиш.*

Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда: «Уруш йиллари Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарихбизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ». Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль қарорида таъкидланганидек, бу давр бўйича ҳам илмий-тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш, ҳолисона тарихни яратиш, жамият, халқ, миллатнинг маънавий юксалишига, уни ўзлигини англаштишга хизмат қилиш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон хотин-қизларининг метин иродалари иккинчи жаҳон уруши йилларида жуда катта синовдан ўтди. Ўзбекистон аёллари айрилик юқларини елкаларида кўтариб, қўллари билан тириклик учун, фашизм устидан ғалаба қозониш учун тинмай, кечаю кундуз меҳнат қилдилар. Ўзбек хотин-қизлари табиатида хос бўлган ватанпарварлик хислатлари уруш йилларида янада ёрқинроқ намоён бўлиб, улар Ватан сўзини қанчалик теран ҳис этишларини мамлакат ичкарасидаги фидокорона меҳнатлари орқали кўрсатиб, ғалабани таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Шунинг учун ҳам, урушнинг даҳшатли йилларида аёл образи мамлакатга бостириб кирган фашист босқинчиларини тор-мор қилишга чақирувчи она-Ватан

рамзига айланганлиги бежиз эмас. Зеро, Президент Ислом Каримовнинг: «Мамлакат ичкарисиди уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни кексаю ёш, оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳритонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқуқбатлар чекиб, фидоийлик кўрсатганини эсдан чиқариб бўлмаслиги» — ҳақидаги сўзлари фикримиз далилидир. Урушнинг биринчи кунидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча корхона, маҳалла ва бошқа жамоат жойларида кўп минг кишилиқ митинглар бўлиб, шаҳар аҳолиси, жумладан, хотин-қизлар душманни тор-мор қилиш учун ҳар қандай вазифани шараф билан бажаришга, бутун куч ва воситаларини Ватан ҳимоясига бағишлашга қарор қилдилар. Хусусан, бундай митинглар 1941 йил 22 июнь куни Тошкент тўқимачилиқ комбинатида ва 23 июнь куни «Ташсельмаш» заводида ташкил этилди. 23—24 июнь куни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус ва Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам кўп минг кишилиқ митинглар бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққанлар ўз нутқларида Ватанни ҳимоя қилишга ва фронтда ёвуз босқинчилар устидан ғалабани таъминлашга халқни даъват этдилар.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг шаҳар ва туман ҳарбий комиссарликларига кўнгиллилардан 14 мингдан ортиқ ариза тушган, улар орасида 6 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этган. Фронт орқасида қолган минглаб хотин-қизлар «Ҳамма нарса фронт учун!», «Ҳамма она Ватан ҳимоясига!», «Фронт ортида фронтдагидек!», «Фақат олға ва олға!», «Топшириқни бажармай туриб уйингга кетма!», «Ким бугун яхши ишлаган бўлса, эртага ундан ҳам яхшироқ ишлаши керак», «Ким бугун ўзи учун ишлаган бўлса, эртага икки киши учун ишлаши керак» шиорлари остида меҳнат фронтига сафарбар қилиндилар. Чунки аёллар фронтга кетган эркак ишчи кучлари ўрнини таъминлашнинг асосий омили эди.

Урушнинг бошланғич давридаги энг мураккаб ва масъулиятли вазифалардан бири иқтисодиётни ҳарбий изга солишдан иборат эди. Бу борада асосий вазифалар қуйидагилар этиб белгиланди:

1. Фронт орқасини мустаҳкамлаш ва уни тинимсиз ишлашини таъминлаш, ҳар бир шаҳар, район, совхоз ва колхозни, фабрика ва заводни мудофаа истехкомига айлантириш.

2. Армия сафларини мунтазам тўлдириб бориш, 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида барчага умумий ҳарбий таълим беришни намунали ташкил этиш.

3. Қисқа муддат мобайнида бутун аҳолини мудофаага тайёрлаш, ҳар бир киши камида битта ёки иккита ҳарбий мутахассисликни эгаллашини таъминлаш.

4. 1941 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 5—10 %га ошириш.

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларини, айниқса пахтачилик бўйича тўла-тўқис ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

Бу вазифаларни бажаришда асосий ишчи кучи ҳисобланган хотин-қизлар алоҳида масъулият билан меҳнат қилдилар.

1941 йил 26 июнда Тошкент тўқимачилик комбинатида кўп минг кишилик митинг бўлиб, бунда улар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятларни қабул қилганликларини таъкидладилар. Шаҳарда «Ўзинг ва фронтга кетган ўртоғинг учун ишла!» деган шиор кенг қулоч ёйди. 4 июлда Тошкент шаҳар Октябрь тумани хотин-қизларининг «Ҳар қандай вазиятда ҳам эркаклар ўрнини эгалла!», «Меҳнат фронтидаги станок сари!» 15 минг кишилик митингда республика хотин-қизларига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Унда: «...Азиз опа-сингиллар! Эримиз, акамиз, укамиз ва ўғилларимизнинг станок ёнидаги, комбайн рулидаги ва даладаги ўрнини эгаллайлик», дейилган эди. Айниқса, уй бекаси Ойша Юсупованинг фронтдаги ғалабани таъминлашга фронт ортида ҳисса қўшамиз, деган даъвати кўпчилик хотин-қизларни Ватан ҳимоясини ўз меҳнати билан таъминлашга чақирди. Мазкур мурожаатнома ва даъватномалардан сўнг, пойтахт хотин-қизлари фронтга жўнатиш ва ишга жойлаштириш ҳақида шаҳар партия комитети ва давлат органларига ариза бера бошладилар. Биргина 22—26 июнда шаҳар бўйича 1551 нафар хотин-қизлар фронтга жўнатишни, Октябрь тумани бўйича 1—15 июлда 7508 нафар хотин-қизлар эса, ишга жойлаштиришни сўраб ариза берганлар.

Шундан сўнг, республика корхоналари ва муассасаларида аёлларни «эркаклар касби»га ўқитиш оммалаш-ди. Натижада, республика ишлаб чиқариш корхоналарида хотин-қизларнинг нисбати йилдан-йилга ортиб борган. Агар бу кўрсаткич 1940 йилда 34 %ни ташкил этган бўлса, 1942 йилда 50 %га етган. Биргина Тошкент шаҳрида урушнинг биринчи ойларида завод ва фабрикаларда 20 мингдан ортиқ аёллар меҳнат қилишган. 300 нафар уй бекаси темир йўл станцияларида йўл назоратчилари сифатида фаолият юритишган. Барча қийинчиликларга қарамай, ўзбек аёллари ғалаба яқинлашишини кутиб фидоийлик билан меҳнат қилганлар.

Ишлаб чиқариш корхоналарида қатъий меҳнат интизоми ўрнатилди. Корхоналардан ўзбошимчилик билан кетиб қолганлар учун 5 йилдан 8 йилгача муддат билан қамоқ жазоси жорий қилинди. Катта ёшдагилар учун иш куни 6 кунлик иш ҳафтасида 11 соатгача узайтирилди. Аслида иш куни 12-14 соатгача чўзиларди. Фабрика ва заводларда ишлар уч сменада ташкил этилди. Таътилга чиқиш бекор қилинди. Шунингдек, 1941 йил 22 июнь куни Урганч шаҳрида 3 мингдан ортиқ киши иштирокида бўлиб ўтган шаҳар меҳнаткашларининг катта митингида ҳам Хоразм хотин-қизлари Ватан учун, галаба учун фидоийларча меҳнат қилиб, эркаклар ўрнини эгаллашга чақирилди. Шундан сўнг, Хоразм вилоят пахта тозалаш заводларига 366 нафар хотин-қизлар жалб этилиб, шулардан 141 нафари янги касбни ўрганиб, мутахассис ишчига айланди. 1941 йил охирига келиб, вилоят саноат корхоналарига жалб қилинган хотин-қизлар сони 1213 нафарга етди.

1941 йилнинг июль ойида «Правда» газетасида «СССРнинг ҳамма хотин-қизларига» мурожаатнома эълон қилинди. Мурожаатнома моҳияти аёлларни эркаклар ўрнини эгаллаган ҳолда, фронт ортида меҳнат қилишга сафарбар этишга бағишланган эди. Шундан сўнг барча шаҳар ва қишлоқларда мазкур мурожаатноманинг мазмун-моҳияти кенг муҳокама этилиб, хотин-қизлар эркаклар касбини ўрганишга даъват этилди. 1941 йил 3 июлда Бухоро меҳнаткашларининг кўп минг кишилиқ митингида ҳам хотин-қизлар эркаклар ўрнини эгаллашга чақирилди. Чақириққа биринчилардан бўлиб қўшилган Когон темир йўл ишчи хотин-қизларидан 100 киши қисқа фурсатда эркаклар ўрнини эгаллаб, темир йўл қатновини бир маромда давом этишида катта роль ўйнадилар. Станция навбатчиси, машинист-аёллар сафи кенгайди. 1941 йил охиригача вилоятдаги 5 мингдан ортиқ хотин-қизлар эркаклар станокларини эгалладилар. 1943 йилга келиб, вилоятда саноатдаги ишчи-хизматчиларнинг 82% ини хотин-қизлар ташкил қилди.

Хотин-қизларни оммавий касб-ҳунарларга ўргатиш бўйича техникум ва МТСларда саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашнинг 1 ва 6 ойлик қисқа муддатли курслари, 10 кунлик семинарлар, стахановчилар мактаблари ташкил этилди. Натижада, урушнинг 3 йили давомида 103 минг нафар ишчи-аёллар тайёрланди. Улар оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Хусусан, 1700 нафар ўзбек хотин-қизлари Ангрэн кўмири конига ишга тушди. Айниқса, 1942 йил 13 февралдаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармони билан ишламаётган меҳ-

натга лаёқатли аёллар, ўсмир ёшлар ва нафақахўрлар ҳисобига ишчилар сафи янада тўлдирилди. 1942 йил февралдан бошлаб 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар саноат ишлаб чиқаришига сафарбар қилинди. Халқ хўжалигининг асосий таянч ишчи кучини ўсмирлар ва аёллар ташкил этди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги «Колхозчи» заводининг ишчилари биринчилардан бўлиб корхонада хотин-қизларни бевосита станок олдида туриб ишлашга ўргатиш ташаббуси билан чиқиши натижа-сида, 35 нафар уй бекаси токаръ ва слесарлик касбини эгаллаган.

Республикада оммавий равишда хотин-қизларни эркаклар касбини ўқиб-ўрганишга сафарбар қилиш бошланди. 1941 йил октябрь ойида Тошкентдаги биргина «Ташсельмаш» заводидида меҳнат қилган 2624 нафар ишчиларнинг 52,6 %ини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, ноябрь ойида Тошкентнинг 42 та саноат корхонасида 7620 нафар хотин-қизлар эркаклар касбини ўқиб-ўрганган. Агар 1940 йилда республика саноатида банд бўлган аёллар 34 %ни, ишчи ва хизматчи аёллар сони республика ишчиларининг 40,7 %ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан олиб борилган мажбурий сиёсат туфайли 1942 йилга келиб 54,9 %ни ташкил этган, шу йилнинг охирида хотин-қизлар республика йирик саноат корхоналари меҳнат ресурсларининг 63,5 %ини ташкил этиб, халқ хўжалигида ҳал қилувчи роль ўйнаган. 1941 йилнинг 15 октябрида Тошкент шаҳрининг 42 та саноат корхонасига 11 минг нафар ишчи ишга қабул қилинган бўлиб, уларнинг 8 минг нафари хотин-қизлардан иборат эди. Хотин-қизларни саноат корхоналарига ишга жалб қилишда партия фаолларидан Жаҳон Обидова, Фотима Йўлдошбоева каби ўзбек аёллари ташкилотчилик ишларини фаол олиб борганлар. Шунингдек, минглаб хотин-қизлар ўз ихтиёри билан саноат ишлаб чиқаришида иштирок этиб, эркакларга тегишли касбларни ҳам эгаллашга муваффақ бўлдилар. Бундай жараёнлар Самарқанднинг 1-сонли мелькомбинатида, нон заводидида, 2-сонли винзавоидида ва саноат корхоналарида ҳам давом этди. 1941 йил ноябрь ойида Тошкентнинг 42 та саноат корхоналарида ҳам 7620 нафар хотин-қизларга эркаклар касби ўқитиб ўргатилди. 1941 йилнинг охирига келиб Сурхондарё вилоятининг корхоналарида 803 нафар аёл урушга кетган турмуш ўртоғи ва ака-укаларининг ўрнини эгаллашди. Урушнинг дастлабки 7 оyi мобайнида 240 нафар хотин-қизлар «Ворошиловнефть» трестига ишга жойлашиб, уларнинг 219 нафари уй бекалари эди. Наманган вилоятида эса, 230



нафар хотин-қизлар мураккаб ишлаб чиқариш мутахассисликларига ўқитилди. Хоразм вилоятида 1941 йилнинг июль-сентябрь ойларида 700 нафар аёллар саноат корхоналарига жалб этилди. Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида урушгача бўлган даврда 50 нафар аёллар саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган бўлса, 1941 йилнинг сентябрига келиб, уларнинг сони 250 нафарга етган, шундан 100 нафари ишлаб чиқариш соҳасига махсус ўқитилган.

Бироқ, шундай бўлса-да, саноат ишлаб чиқариши учун тайёрланаётган кадрлар ўртасида маҳаллий миллат аёллари сони «озчиликни ташкил этаётгани»дан марказ қониқиш ҳосил қилмади. Шунинг учун ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 13 февралдаги Фармони, ВКП (б)МҚ нинг 1944 йил 6 мартда қабул қилган қарори асосида ЎзКП(б) МҚ нинг X Пленуми республикада саноат ишлаб чиқаришини янада кучайтириш ва унга маҳаллий миллат аёлларини жалб қилиш масаласини алоҳида кўриб чиқди. Кўрилган чора-тадбирлардан сўнг, 1945 йилнинг бошларида Тошкент шаҳрининг ўзидаги ишлаб чиқариш корхоналарида 4 мингдан зиёд ўзбек хотин-қизлари ишлай бошлади.

Коммунистик партия раҳнамолигидаги совет давлати республика ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг фашизмга қарши сарфарбар қилинишида аёллар ролини ўстиришда хотин-қизлар бўлимлари фаолиятдан кенг фойдаланди. Тарихдан маълумки, совет тузуми даврида хотин-қизлар бўлимлари бир неча бор тугатилиб, «вазият талаб этган вақтда» яна қайтадан ташкил этилиб борилган.

Уруш йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг халқ хўжалигида ҳал қилувчи ижтимоий куч сифатидаги ролининг ўсиши давр талабига айланганлиги боис, хотин-қизлар бўлимлари 1943 йил май ойида ВКП(б) МҚнинг қарори билан қисқа муддатга қайта ташкил этилиб, улар фаолиятида ишнинг йўналиш, шакл ва усуллари анча ривожлантирилиб, мураккаблаштириб борилди. Хусусан, ВКП(б) МҚнинг 1943 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ ҳамда 18 майдаги ЎзКП(б)МҚ бюроси қарори асосида Марказий кўмита аппаратида хотин-қизлар ўртасида ишлар бўйича бўлим ва бўлим мудири, республика партия кўмиталари қошида хотин-қизлар советлари ташкил этилиб, уларга вилоят партия кўмиталарида обком секретарлари (вилоят котиблари)нинг ўринбосарлари, шаҳар ва район партия кўмиталарида хотин-қизлар ишлари бўйича секретарлар раҳбарлик қилган. Бутун республикада бу соҳага масъул сифатида вило-

ят партия қўмиталарида 10 та секретарь ёрдамчиси. шаҳар партия қўмиталарида 13, шаҳар таркибидаги район партия қўмиталарида 11, қишлоқ район партия қўмиталарида 133 секретарь тайинланган эди. Янги ташкил топган мазкур ташкилотлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

- хотин-қизлар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни кучайтириш;
- хотин-қизларнинг фронт ва фронт орқасини ҳар томонлама мустақкамлашга қаратилган меҳнатларини уюштириш;
- жангчиларнинг оилаларига зарур бўлган ёрдамни ташкил этишга қўмаклашиш.

Бу бўлимлар касаба уюшмалари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари орқали хотин-қизлар ўртасида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган. Бу ташкилотлар қонунан мустақил бўлсаларда, аслида партиянинг кўрсатмаси асосида «партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» шиори остида, ўзаро ҳамжиҳатликда унинг сиёсатини амалга оширган.

Хотин-қизлар бўлимлари ташаббуси билан колхозларда аёлларнинг уруш шароитидаги вазифаларига бағишланган хотин-қизлар кенгашлари, туманларда эса, конференциялар ўтказилган. Жумладан, 1943 йил июль-август ойларида Фарғона вилоятининг шаҳар ва районларида хотин-қизларнинг уруш кунларида жамият ҳаётидаги ролига бағишланган слёти бўлиб ўтган. Шу йили октябрь ойида Фарғонада хотин-қизлар бўлими ходимларининг вилоятлараро йиғилиши бўлган. 1943 йилнинг август-сентябрь ойларида Қорақалпоғистоннинг барча колхоз ва туманларида бўлиб ўтган кенгаш ва конференцияларда жами 20538 нафар хотин-қизлар иштирок этган. Уларда уруш шароитида хотин-қизлар бўлимлари олдида турган долзарб вазифалар, асосан аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш масалалари муҳокама этилган. Чунки аёллар ва ўсмирларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этмай туриб, фронтга кетган эркак ишчи кучлари ўрнини тўлдириб бўлмас эди. Хотин-қизлар бўлимларининг фаолияти билан Тошкент шаҳрида 1943 йилнинг июнидан 1944 йилнинг май ойига қадар ишлаб чиқариш корхоналарига 15270 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди, улардан 700 нафари ўқишга юборилди. Натижада, 1943 йилда аёлларнинг саноатдаги улуши 63,5 %га етди. 1944 йил охирига келиб, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида 35 минг нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилиб, улардан 26 минг на-

фари саноат корхоналарига жалб қилинди. 1941 йил июль ойидан «Ташсельмаш» заводида 220 нафар хотин-қизлар фронтга кетган оталари, акалари ва эрларининг ўрнига ишга кириб, фидокорона меҳнат қилдилар. Ўзбекистон саноатчилари 1941 йил охиригача 300га яқин корхонани жанговар техника, қуроллар, ўқдори ишлаб чиқаришга мослаштириб, қайта қурдилар. Уларда фронтга кетган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар эгалладилар. Хотин-қизлар меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида махсус ташкил этилган тарғибот-ташвиқот жойларида аёллар фронт ҳамда халқ хўжалигида юз бераётган янгиликлардан мунтазам равишда хабардор қилиб борилди.


II-жаҳон уруши йилларида хотин-қизлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланганлиги боис ҳам, уларнинг «фавқулодда уруш шароитида инсон, ишчи-хизматчи, раҳбар сифатидаги обрўси қарор топди». Хусусан, 1941 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳри партия ташкилотининг уруш даври шароитидаги иши тўғрисидаги қарорида, Ўз КП(б) МҚ нинг 1941 йил декабрь ойидаги Пленумида, 1942 йил 21 апрелдаги Андижон вилояти партия фаоллари йиғилишида ҳарбий вазиятда партиявий-сиёсий ишларни ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, кўплаб хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилина бошлади. Натижада, хотин-қизлар партия ва бошқа совет ташкилотларининг масъулиятли лавозимларини эгаллай бошладилар. Урушдан олдинги йилларда раҳбарлик лавозимида банд хотин-қизлар салмоғи республика бўйича атиги 280 нафар аёлни, яъни жами раҳбар ходимлар таркибининг 1,2 %ини ташкил этган бўлса, 1944–1945 йиллар давомида партия ва совет ташкилотларида 940 нафар хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Биргина Хоразм вилоятида 1941–1942 йилларда 97 нафар аёл раҳбарлик лавозимига тавсия этилган. Шулардан, 18 нафари қишлоқ совети раислигига, 8 нафари колхоз раиси (1943 йилда вилоят бўйича 81 нафар аёл колхоз раиси бўлган), 358 нафари колхоз раиси муовини, 28 нафари бригада бошлиғи, 8146 нафари звено бошлиғи лавозимларига кўйилди. 1941–1943 йилларда вилоят бўйича 316 нафар аёл партия ва совет раҳбарлик ўринларига, 1273 нафари хўжалик раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. Фақат 1941 йилда вилоятда турли мутахассисликлар бўйича 2200 нафар хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларига тайёрланган. Андижон вилоятида 1942 йилда 2000 дан ортиқ хотин-қизлар колхоз раиси, бригадир этиб сайланган. Биргина Жалолқудуқ туманида 43 нафар колхозчи аёллар колхоз раиси, раис ўринбосари вазифасига

кўтарилган. Қашқадарё вилоятида эса, 1400 колхозчи хотин-қизлар пахтачилик, галлачилик бўйича звено бошлиқлари лавозимларига тайинланган. Чирочки туманида 45 нафар аёл колхоз раиси ўринбосари ва 72 нафар хотин-қизлар ҳосилот кенгашининг раиси этиб сайланди. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида 52 нафар аёл раис ўринбосари, 150 аёл бригадир ва 400 аёл звено бошлиқлари бўлишган. Умуман республика бўйича 1943 йилда 15 минг аёл колхоз раиси, раис ўринбосари ва бригадир, 48772 нафар қишлоқ аёллари звено бошлиқлари бўлиб ишлаган.

Раҳбарлик лавозимида ишлаётган аёлларни сиёсий рағбатлантириш мақсадида уларни партия сафига ёки партия аъзоси номзодлигига қабул қилиш жараёни оммалашган. Агар 1943 йилнинг биринчи ярмида республикада хотин-қизлардан 2486 киши партия сафига қабул қилинган бўлса, шу йилнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 3386 тага етди. 1943 ва 1945 йилларни қўшиб ҳисоблаганда бу муддатда ВКП(б) аъзолигига 7897 нафар эркаклар ва 13698 нафар хотин-қиз партия аъзолигига номзодликка қабул қилинган (17-илова).

### **Уруш йилларида хотин-қизларнинг партия сафига жалб қилиниши**

№	Йиллар	Партия сафига қабул қилинган аёллар сони
1.	1941 йил	12 223
2.	1942 йил	16 032
3.	1943 йил	21 591
4.	1945 йил	25 135



Маълумки, партия жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи сифатида ўз мавқеини кўтариш мақсадида аъзолигини мураккаб-лаштириб, табақалаштирган ва синфийлаштирган. Асосан ишчи, деҳқонлар партия аъзолигига кўпроқ олинган ва бу вакиллардан раҳбарлик лавозимларига кўтариш йўли изчил амалга оширилган. Чунки синфлар ўртасида кураш кучайиб бораверади, деган турли ғояларга ишонган бу тизимда партия аъзоларининг асосини ишчи ва деҳқонлар ташкил этар, зиёлиларнинг эса, партия сафига кириши мураккаблаштирилган эди. Шу тариқа партиянинг ўрни ва аҳамияти кучайиб, давлат сиёсатида кадрлар масаласини ҳал қилиш борасида унинг имтиёзлари ва бирламчи ҳуқуқи устун бўлди. Тегишли партия қўмиталарнинг розилигини олмай туриб, бирон-бир коммунистни жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш мумкин эмас, ҳеч бир раҳбар, тегишли партия ташкилотлари тасдиғидан ўтмай туриб, ўз лавозимидан бўшатишмас ва четлаштирилмасди.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида партия ходимлари «маҳаллий» ва «маҳаллий бўлмаган» кадрларга ажратилмади. Марказда ва жойлардаги бошқарув органлари таркибида турли миллат вакиллари биргаликда ишладилар. Маълумки, уруш йилларида марказдан Ўрта Осиёга эвакуация қилинган жами 308 та корхонанинг 104 таси Ўзбекистонга: улардан 55 та корхона Тошкент ва Тошкент вилоятига жойлаштирилган эди. Тошкентга кўчириб келтирилган 55 та саноат корхоналаридан бири Москва яқинидан кўчириб келтирилган Чкалов номидаги авиация заводи бўлиб, мазкур завод уч ой ичида катта ташкилотчилик ишлари туфайли ишчи кадрлар билан таъминланиб, тўла қувват билан ишлай бошлади. Умумий ишчилар сонининг 70 фоизи янги ишга қабул қилинган кадрлар бўлиб, шулардан 362 нафари ўзбек хотин-қизлари эди. Тажрибали ишчиларнинг фронтга кетиши натижасида вужудга келган кадрлар етишмовчилиги янги келган, тажриба ва меҳнат малакасига эга бўлмаганларни ғоят қисқа муддат ичида турли ишлаб чиқариш касбларига ўргатиш ва ўқитиш йўли билан тўлдириб борилди, бунда хотин-қизлар фаолиятидан «унумли» фойдаланилди. Жумладан, ўзбек хотин-қизлари орасидан чиққан дастлабки давлат ва жамоат арбобларидан Жаҳон Обидова 1941 йилнинг 12 августида «Ўзконсервплодоовош» трестига бошлиқ қилиб тайинланганидан сўнг, Симферополь, Мелитополь, Севастополь ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келтирилган консерва заводларини жойлаштириш ва тезроқ ишга тушириш билан шуғулланиб, фронт ичкарасини Ўзбекистонда етиштириладиган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашда ўзининг муносиб



*Ҳарбий завод ишчиси М. Алиева иш устида. Тошкент, 1943 йил*

рени қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилганидан сўнг, 1942 йилда шаҳарда мавжуд 137 та корхонанинг 64 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди.

Ҳарбий ишлаб чиқаришни янада ўстириш янги технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ғоят улкан қийинчиликларни енгишга боғлиқ эди. Давлат органларининг маъмурий-буйруқбозлик асосида ҳўжаликни бошқариши айниқса уруш йилларида авжига чиқди. Ҳукумат органлари томонидан ўртага ташланган асосий вазифа-мавжуд имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, кишиларнинг жисмоний ва руҳий куч-қувватлари қанча сарфланса ҳам, ҳолдан тойгунча ишлаб, режани албатта бажаришни талаб этар эди. Оғир меҳнат юки асосан, аёллар ва ёшлар зиммасига тушди. Айниқса, 1944 йил 6 мартдаги ВКП (б) МҚнинг пленумида республика саноат ишлаб чиқаришида ўзбек кадрлари камлиги, шунинг учун ўзбекларни саноатга кенг миқдорда жалб этиш ва малакали ўзбек мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур эканлиги тўғрисидаги қарори ўзбек хотин-қизларини саноат ишлаб чиқаришига янада кенгроқ жалб этишга ўз таъсирини кўрсатди.



*В. П. Чкалов номидаги завод ишчиси 1942 йил*

хиссасини қўшди. Бу заводлар Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган ва Янгийўл шаҳарларига жойлаштирилиб, асосий ишчи кучини хотин-қизлар ташкил этган. Улар «фашистларга қарши кураш кунларида бизнинг эътиборимиз фронт талабларини қонидиришга қаратилмоғи керак» деган шиор остида бешиним меҳнат қилишди. 1941 йил сентябрда Ўзбекистон КПК бюроси томонидан шаҳар саноат корхоналари

рени қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилганидан сўнг, 1942 йилда шаҳарда мавжуд 137 та корхонанинг 64 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди.

Ҳарбий ишлаб чиқаришни янада ўстириш янги технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ғоят улкан қийинчиликларни енгишга боғлиқ эди. Давлат органларининг маъмурий-буйруқбозлик асосида ҳўжаликни бошқариши айниқса уруш йилларида авжига чиқди. Ҳукумат органлари томонидан ўртага ташланган асосий вазифа-мавжуд имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, кишиларнинг жисмоний ва руҳий куч-қувватлари қанча сарфланса ҳам, ҳолдан тойгунча ишлаб, режани албатта бажаришни талаб этар эди. Оғир меҳнат юки асосан, аёллар ва ёшлар зиммасига тушди. Айниқса, 1944 йил 6 мартдаги ВКП (б) МҚнинг пленумида республика саноат ишлаб чиқаришида ўзбек кадрлари камлиги, шунинг учун ўзбекларни саноатга кенг миқдорда жалб этиш ва малакали ўзбек мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур эканлиги тўғрисидаги қарори ўзбек хотин-қизларини саноат ишлаб чиқаришига янада кенгроқ жалб этишга ўз таъсирини кўрсатди.

Уруш йиллари ишлаб чиқариш ҳажмининг анча ортганлигига қарамай, саноатнинг тармоқлари бир текисда ривожланмади. Электроэнергия ва ёқилғи хом ашёларининг етишмаслиги туфайли фабрика, заводларнинг бир қисми ишсиз туриб қолган эди. 1942 йили давлатга деярли 1 млн. сўмга яқин саноат маҳсулотлари топширилмади.

Шу тўфайли Ўзбекистон ҳукумати ўз олдига фавқулодда масалаларни, яъни қудратли энергетик базани яратиш, хом ашё манбаларини аниқлаш, кўмир қазиб олишни кўпайтириш, нефть ва газ қайта ишлаб чиқариш суръатларини жадалаллаштиришни қўйди. Шунинг учун ҳам, хотин-қизлар жисмоний имкониятлари кўтармаса-да, оғир саноат ишлаб чиқаришида меҳнат қилишга мажбур этилди. Советларнинг маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви асосида, тазйиқ ва сиқувлар оқибатида хотин-қизлар мавжуд муҳитга мослашишга мажбур бўлган ҳолда, ўзлари билиб-билмай, социалистик халқ хўжалиги зарбдори бўлишга интилганлар.

Юз минглаб аёллар уруш йилларида республикани электрлаштириш умумхалқ ҳаракатига қўшилган. 1944 йил 9 мартдаги «Правда Востока» газетасида: «Салор ГЭСи қурилишида Фарғона вилоятидан келган Турсуной Йўлчибоева, наманганлик Ҳайрихон Содиқова, ишчилар Л.Абдураззоқова, Т.Абдусаломова, М.Севастьянова, Кандаурова ва бошқа аёллар бригадалари вакиллари меҳнат жасорати намуналарини кўрсатдилар. ГЭС қурилишида асосан, аёллар ишлаганлари учун ҳам, станцияга «8 Март» номи берилди», — деб ёзилган эди. Шунингдек, ўзбекистонлик аёллар Фарҳод ГЭС қурилиши жараёнида, 1942 йил 27 апрелда қабул қилинган ҳукумат қарори билан Бекобод шаҳрида қурила бошлаган металлургия заводида тинмай меҳнат қилиб, мураккаб техникани ўзлаштиришга мажбур этилди.

Уруш йилларида республиканинг барча вилоятларида саноатнинг ривожига аёллар ўз меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшди. Улар вақти келганда, икки ва ҳаттоки уч сменада ҳам меҳнат қилишга мажбур қилинди. Жумладан, Урганч тикувчилик фабрикасида жорий қилинган уч сменалик иш фаолиятида Умарова, Саъдуллаева, Бекмонова, Азизова каби ишчи аёллар фидойилик билан меҳнат қилиб, кундалик режани 2—2,5 барвар қилиб бажардилар. Иккита ўғлини фронтга жўнатган Уллижон Маткаримова кундалик вазифани 170—200 %га бажарибгина қолмасдан, тикувчилик касбига ёшларни ҳам ўргата бошлади.

Хотин-қизларнинг фаол ижтимоий куч сифатидаги меҳнати тўфайли саноат ишлаб чиқариши Фарғона вилоятида 50—60 %га ўсди, Қўқонда суперфосфат заводи, Фарғона гидролиз заводи, Қувасойдаги шифер ва кимё заводлари, Қўқондаги шакар заводи, Марғилондаги консерва заводи қурилиб, ишга тушди.

Уруш йилларида ҳам мусобақабозлик орқали хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятларига зўр бериш ҳаракатлари давом

этди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Идри-сова режани ортиғи билан бажариб, 1 ойда 1 тонна пахта титишга муваффақ бўлди. Тўқувчи М.Носирова эса, бир вақтнинг ўзида 80 та станок билан меҳнат қилиб, режани ортиғи билан, Володарский номли Андижон тикувчилик фабрикаси ишчи-аёллари ишлаб чиқаришнинг кундалик нормасини икки %дан кам қилмасликка аҳд қилишган. 1942 йилнинг 9 ойи давомида «Тошсельмаш» заводи ишчиларининг мингга яқин рационализаторлик таклифлари асосида 2,5 млн.сўм маблағнинг иқтисод қилиниши таъминланди. Шунингдек, жамоа йиғилишларида «Вазифа бажарилма-гунча цехдан кетилмасин» деб қабул қилинган қарор остида завод ишчи-аёлларидан Г.Халилова, Х.Шарипова, Решетниковалар белгиланган режани ортиғи билан бажарганлар. «Тоштрам» заводидан Пушкарева, «Большевик» артелидан опа-сингил Маъруфа, Маҳнуса Ғофурова, Тўқимачилик комбинатидан Муҳаббат Носирова, Аъзамова ва бошқалар кунлик нормаларини 200 % қилиб бажарганлар. Тошкент шаҳрида 1233 нафар хотин-қизлар эркаклар касби бўйича меҳнат қилишган. Биргина «Тошсельмаш» заводидан 230 нафар хотин-қизлар ўқ-дори ишлаб чиқариш це-хида ишлаган. 1945 йилнинг июнида СССР Олий Совети Президиумининг қарори билан фронт ичкарасидаги меҳнаткашлар учун таъсис этилган «Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун. 1941—1945 йиллар» медали билан Тошкент шаҳри хотин-қизларининг вакиллари ҳам тақдирланган. Мана шундай рағбатлан-тириш орқали сунъий равишда сиёсий тус бериб ташкил этилган мусобақалар аёлларнинг оғир меҳнат остида эзилишига сабаб бўлган.

Шунингдек, уруш йилларида аёллардан улар учун анъанавий бўлмаган соҳалар бўйича ҳам кадрлар тайёрланган. Масалан, 1942 йил январда аёллардан телеграфчилар, телефонисткалар, автомашина ҳайдовчилари, радистлар, снайперлар (мерганлар) тайёрланган. Биргина Хоразм вилоятида 300 нафар қизлар снайпер, пулемётчи, алоқачи, радист-оператор сифатида тайёрланган.

СССРнинг муҳим қишлоқ хўжалиги марказлари душман қўлида қолгач, фронт орти минтақаларида, шу жумладан, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жабҳаси кенгайтирилиши керак эди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши эркакларнинг армияга сарфарбар қилинганликлари натижасида, ишчи кучи етишмаслиги ту-файли мураккаб кечди. Шундай шароитда халқ хўжалигининг барча соҳалари каби, қишлоқ хўжалигини ҳам ҳарбий изга солиш зарур эди. Ана шу мақсадда 1941 йилдаёқ қишлоқ хўжалигининг барча бўғин-



ларидаги иш тартибини қатъийлаштириш юзасидан шошилиш чоралар кўрилди. Колхозларда энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари сони урушдан олдингига қараганда 1,5 барабар оширилди. 1942 йил 13 апрелда қишлоқ хўжалигида 100 меҳнат куни ўрнига 150 минимум мажбурий меҳнат куни ишлаш ҳақидаги СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинган бўлиб, уни бузганлар қаттиқ жазоланган. 1942 йили 595 одам қамоққа олинган, шулардан 377 нафар хотин-қизлар эди. Жазони ўтаган хотин-қизлар кейинги фаолиятида режани 1—1,5 марта кўпроқ бажаришга мажбур этилган. Ушбу чоралар қишлоқда қолган кам сонли меҳнатга лаёқатли аҳолининг (асосан аёллар) куч-қувватини энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларининг бажарилишига сафарбар этишга хизмат қилган. Бу жараёнда эркаларнинг фронтга сафарбар қилиниши, шунингдек, малакали мутахассислар, меҳнатга лаёқатли эркаларнинг мудофаа саноатига кенг жалб қилиниши натижасида республика колхозларида меҳнатга лаёқатли бўлган эркалар сони 32 %га камайиб кетди. Натижада, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий оғирлик аёллар зиммасига тушган. 1942 йилда Наманган вилояти қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг 50 %и, Тошкент, Андижон ва Самарқанд вилоятларида 60 %дан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этди. Айрим колхозларда асосий куч аёллардан иборат эди. Хусусан, Фарғона вилояти Бағдод тумани «Иттифоқ» колхозининг 200 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 150 нафарини аёллар ташкил этган.

Урушнинг дастлабки ойларида ҳарбий хизматга колхозчиларнинг, биринчи навбатда механизаторларнинг 20 %и чақирилди. «Аёллар, трактор рулига!», «Аёллар, ишлаб чиқаришга!» даъватига минглаб аёллар жавоб бердилар. 1941—1945 йилларда 25 минг нафардан зиёд тракторчи аёллар тайёрланди. Хотин-қизларни трактор билан ишлашга мажбур қилиниши «қишлоқ хўжалиги меҳнатини енгиллаштириш, деҳқоннинг маданий даражасини, уларнинг ташаббус ва қобилиятларини ўстириш учун имконият яратиш» деб ниқобланиб, «хотин-қизлар колхозда ҳал қилувчи, етакчи куч» деган шиор илгари сурилди. Коммунистик партия миллий, анъанавий кадриятларни инкор қилган ҳолда уларга қарши курашиб, деҳқон хотин-қизларни «социалистик қурилиш»га жалб этди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида механизатор кадрларга бўлган эҳтиёж туфайли республика бўйича барча районлардаги қачонлардир механизаторлик курсларида ўқиган ёки тракторчи ва комбайнчи бўлиб ишлаган хотин-қизлар махсус рўйхатга олинди, МТС ва совхозларга юборила бошланди. Жумла-

дан. уларга Тошкент вилояти Қорасув тумани Охунбобоев колхози деҳқонларидан — Абдуллаева, Аҳмедова, Валиева, Одилова ва бошқа колхозлардан Тошходжаева, Салимова. Каримова кабиларни мисол келтириш мумкин. 1941 йилнинг бошида механизатор кадрлар Ўзбекистонда 27888 нафар кишини ташкил этган бўлса, 1942 йил бошига келиб, эркак механизаторларнинг фронтга кетганлиги туфайли улардан атиги 2775 нафар киши қолган эди. Фронтга кетаётган II Каттақўрғон МТС механизатори Шариф Холов ўз хотини Марьям Холовага комбайн ҳайдашни ўргатиб кетган, натижада, у «илғор» механизаторлар сафидан ўрин олган.

МТСлар қошида механизаторлар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. ҚҚАССР Тўрткўл МТС қошида 24 нафар, Хоразм вилоятининг Хива ва Қўшқўпир туманидан 204 нафар, Урганч туманида 243 нафар, Шовот туманида 164 нафар колхозчи хотин-қизлар икки ярим ойлик курсларни битириб, трактор ҳайдашни ўрганиб, фронтга кетган механик-тракторчилар ўрнини эгалладилар. 1941 йил кузида вилоят бўйича 2116 нафар хотин-қиз тракторчилар курсини битирган бўлса, 1942 йилга келиб, 3 мингдан ортиқ хотин-қиз тракторчилар сафидан ўрин олди. Уларнинг аксарияти фронтга кетган жангчиларнинг рафиқаси эди. Жумладан, 50 ёшли Янгарова ўғлининг тракторига ўтириб, кунлик нормани 1,5 барабар ортиғи билан бажарган. Худди шундай курсларни Фарғона вилояти Бағлод МТСида 111 нафар, Қашқадарё вилояти I-Косон МТСида 110 нафар колхозчи хотин-қизлар тугатиб, трактор рулини бошқара бошлашди. 1942 йилда баҳорги ҳосил даврида 3800 нафар хотин-қизлар трактор рулларини бошқаргани ҳолда, ўнлаб тракторчи, механизатор хотин-қизлар бригадаларини ташкил этиб, пахта далаларида меҳнат қилишди. Хоразм вилояти Урганч тумани 2-сонли МТС тракторчилари А.Қўчқорова, А.Якубова ўзаро мусобақалашиб, 427 гектар ерни шудгор қилишда фаоллик кўрсатишди. 1942 йил ноябрь ойига келиб, ҳар куни икки иш нормаси бажараётган колхозчилар сони 35260, уч норма бажараётганлар 25970, уч нормадан ортиқ бажараётганлар сони эса 12443 кишига етди.

1941 йилда пахта ҳосилининг йиғим-теримида республика бўйича кекса ёшли, яъни, 60—65 ёшли аёллардан 40 минг нафари иштирок этиб, астойдил меҳнат қилишди. Жумладан, Андижон вилояти Андижон туманининг 65 ёшли колхозчиси Т.Эрматова кунига 150 кг. пахта терган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани қишлоқ хўжалиги артелининг 65 ёшли ишчиси Раимкулова кунлик нормани 2,5 барабар ортиғи билан

бажарган. Хоразм вилояти бўйича эса, 8003 нафар қариялар қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этган.

1942—1945 йилларда аёллар колхоз ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг ярмидан кўпини ташкил этиб, жиддий меҳнат ютуқларига эришди. Уруш йилларида колхозларда раҳбарлик лавозимларига тайинланган 64 минг нафар аёл ва барча колхозчи аёллар уруш даврининг асосий меҳнат вазифаларини ўз елкаларида олиб чиқишди. Улар барча қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ер ҳайдашдан бошлаб, ҳосилин йиғиб олишгача бўлган жараёнда бурч ва ор-номус даъвати билан фронтга ёрдам кўрсатиш учун сидқидилдан фидойи меҳнат қилдилар.

Жумладан, Сурхондарё вилояти Сароисиё туманида колхозчи аёл М.Хидирова 40 кунда 10800 кг пахта териб берди. Мазкур тумандаги «Иттифоқ» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари Ш.Бобожонова, А.Ёқубова, М.Азимовалар фронтчасига меҳнат қилиб, кунлик нормани 2—3 баравардан ошириб бажардилар. Хоразм вилояти Урганч тумани колхозчиларидан Ў.Пирназарова, Ш.Эркаева, Т.Раҳимова ва Қўшқўпир туманидан 6-синф ўқувчиси Ж.Машарипова кабилар кунига 4—5 норма бажарганлар.

Ўзбек аёлларининг ўз вазифасига нисбатан масъулият билан ёндашуви туфайли уруш йилларида халқ хўжалигида маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, республиканинг барча вилоятларида агитатор — хотин-қизлар томонидан фашизм устидан ғалабага руҳлантирувчи, халқ хўжалигини ривожлантиришда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантиришга қаратилган маърузалар мунтазам ўқиб борилган, давра суҳбатлари ташкил этилган. Бундай тадбирлар қизил чойхона ва бошқа маданий-оқартув муассасаларида олиб борилган. Жумладан, уруш йилларида Тошкент вилоятида 1183, Самарқанд вилоятида 5300, Андижон вилоятида 1750, Фарғона вилоятида 1455, Наманган вилоятида 2500 нафар хотин-қизлар оммавий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун жалб этилган.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий госпиталларда текин ишлаб берувчи аёллар ҳаракати кенгайиб борди. Ўзбекистонга жойлаштирилган 30 дан ортиқ госпиталларда аёллар жангоҳларда оғир яраланган жангчиларни парвариш қилишда тиббий ходимлар билан биргаликда фаолият олиб бордилар.

Шунингдек, аҳоли, жумладан аёллар томонидан фронт учун иссиқ кийимлар тўплаш ва тайёрлаш кенг авж олди. Урушнинг дастлабки олти ойи мобайнида фронтга 421,5 мингта турли иссиқ

кийимлар юборилди. Жумладан, 1941 йилнинг кузидан 1943 йилнинг 1 июлигача республикада 34464 пўстин, 21207 теридан ишланган нимча, 100344 жуфт пийма, 192555 жуфт пайпоқ, 150086 жуфт панжали ва панжасиз қўлқоп, 100966 жуфт иссиқ ички кийим, 192898 қалпоқ, 113750 калта камзул ва шарвар, 395500 миқдорида уст-бошлар тайёрланиб, 8млн. 833.300 тўпламоқда. Мудофаа жамғармасига эса, 649,9 млн.сўм пул ва 55 кг.га яқин олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металллар ҳамда 30 млн. сўм миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо буюмлар топширилди. Республика аҳолиси томонидан тўпланган мазкур жамғарма ҳисобига танк колонналари, авиация эскадрильялари, бронепоездлар қурилиб фронтга жўнатилди. Буларда юксак ватанпарварлик ҳис-туйғуларини ўзида мужассам этган хотин-қизларнинг ҳам алоҳида улуши бор. Жумладан, Тошкент вилояти Сталин номли колхоз деҳқон аёли М.Олимова 300 сўм нақд пул берган бўлса, Фарғона туманидаги Фрунзе номли колхоз раиси Хосият Бозорбоева мудофаа фондига 1500 сўм ва ўзининг қимматбаҳо зебзийнат ҳамда тақинчоқларини берган. Бухоро вилояти Қарши тумани колхозчилари мудофаа фондига 125 минг сўм, Термиз тумани Намуна колхози аъзолари 10 минг сўм нақд пул топширишган. Бундай мисолларни яна кўплаб давом эттириш мумкин.

Бундан ташқари, мудофаа жамғармасига республика деҳқон аёллари томонидан 18 724 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширилди. Хусусан, Косон тумани Охунбобоев номли колхознинг деҳқон хотин-қизлари мудофаа жамғармасига 100 центнер буғдой, 100 кг ёнғоқ, 100 кг ўрик, 400 бош қўй, 300 кг гўшт топширишди. Фарғона вилояти колхозларининг меҳнаткашлари қисқа вақт ичида мамлакат мудофаа фондига 15 тонна сабзавот маҳсулотлари, салкам 18 тонна қулуқ мева, 2 тоннадан зиёд гўшт ва жун топширишди. Сурхондарёлик қишлоқ аҳолиси, жумладан аёллар фронт учун 6 минг бош чорва моллари, 500 тонна ғалла, 20 тонна мой, 30 минг литр вино ва бошқа кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари топширишди. Шунингдек, фашистлар армиясининг ҳарбий-техник жиҳатидан устунлигига барҳам бериш мақсадида жанговар машиналар ишлаб чиқариш учун маблағ йиғиш ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатда ҳам республика хотин-қизларидан андижонлик Адолатхон Парпиева 1000, икки жангчининг онаси колхозчи аёл Тожибиби Йўлдошева 1000, Хўжаобод туманидаги Крупская номли қишлоқ хўжалик артели аъзолари Тўхтабоева ва Асқаровалар 2000 сўмдан топшириб, фаоллик кўрсатдилар. Тош-

кент вилояти «Полярная звезда» жамоа хўжалиги аъзолари эса, танк ва ҳарбий самолётлар қуриш учун 1 миллион 361 минг сўм топширишган бўлса, 1942 йилда наманганлик колхозчилар 37 миллиондан зиёд маблағ тўплашган. Бухоро вилояти Гиждувон тумани колхозчилари 1,6 миллион сўм, Бухоро тумани колхозчилари эса, 55 минг сўм маблағ топширишган.

Маълумки, фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудларнинг аҳолиси ва ота-онасиз қолган болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Шу муносабат билан 1941 йил 15 ноябрда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси собиқ Иттифоқ ХКСнинг 1941 йил 5 июлдаги «Уруш вақтида аҳолини кўчириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида фронт чизигидан эвакуация қилган болаларни жойлаштириш ҳақидаги масалани муҳокама қилди ва уларнинг қабул қилиниши ҳамда жойлаштирилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди. 1941 йил 3 декабрдаги Ўз КП МҚнинг кўчириб келтирилган фуқароларни қабул қилиш ва жойлаштириш ишларига жиддий эътибор бериш мақсадида қабул қилинган 185-сонли махсус қарори асосида ЎзССР ХКС ҳузурида 1941 йил 10 июлда махсус республика комиссияси ва маҳаллий советларнинг ижроия қўмиталари қошида алоҳида бўлимлар тузилди. Улар эвакуация қилинган аҳолини ҳисобга олиш ва жойлаштириш ишлари билан шуғулландилар. Шунингдек, ЎзССР ХКС қошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича таркибида 30 нафар хотин-қизлар фаолият юритган махсус комиссия тузилди. Шунингдек, 1941 йил ноябрь ойида «Фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш ҳақида»ги ҳамда 1941 йил 14 ноябрда эвакуация бўйича кенгаш «Эвакуация бўйича кенгаш қошидаги аҳолини эвакуация қилиш бўйича бошқарма штатларининг Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги СЭ187-рақамли қарорларни қабул қилди.

Ўзбекистон ҳукумати собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлари Советининг 1942 йил февралда «Ота-онасиз қолган болаларни жойлаштириш» ҳақидаги буйруғи муносабати билан Ўз КП МҚ ва ЎзССР ХКСнинг «Фронт ёқасидан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш тўғрисида»ги қарори асосида эвакуация қилинганларни барча шарт-шароитлар билан таъминлади.

Ўзбек халқининг жумладан, ўзбек аёлларига хос бўлган инсонпарварлик, олижаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг ғарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган очиққўнгиллиги, ҳамдардлиги ва ғамхўрлигида ўз ифодасини топди. Ўзбекистонга 1941 йилнинг 1

октябридан 1942 йилнинг 1 октябригача фронт орти шаҳарларидан 78 болалар уйи ва 43 минг нафар болалар эвакуация қилинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон жами 230 минг нафар болалар ва 1 млн. нафар Россия, Украина, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан эвакуация қилинган қочоқларга ўз бағридан жой берди. Эвакуация қилинганлар орасида кексалар, аёллар, болалар ва турли миллат вакилларига мансуб кишилар бор эди. Буни биргина Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳридаги Тошкент шаҳрига фақат 1942 йил январь ойининг ўрталарида эвакуация қилинганлар мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент шаҳрига шу даврда келганлар — 2712 нафарни ташкил этди. Шулардан эркаклар — 1252, аёллар — 1460, улардан 16 ёшдан — 59 ёшгача бўлган эркаклар — 1007, 16 ёшдан — 54 ёшгача бўлган аёллар — 1103, 7 ёшгача бўлган болалар — 205, 7 ёшдан — 16 ёшгача бўлган болалар — 182 нафарни ташкил этган.

1942 йил 2 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган хотин-қизларнинг йиғилишида Усмон Юсупов Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болалар ва солдатларнинг оила аъзоларига бутун халқ ғамхўрлигини ташкил қилиш ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг, республикадаги барча аёлларга қарата мурожаат қабул қилинди. Мурожаатномада эвакуация қилинган болаларга оналарча ғамхўрлик қилишга, етим болаларни ўз қарамоғига олишга даъват этилди. Етим болаларга ёрдам кўрсатиш оммавий тус олиб, «Эвакуациядаги болаларни жойлаштириш ва тарбиялаш» республика комиссияси қошида жамоатчи аёлларнинг доимий фаоллар гуруҳи таркиб топди. Улар орасида ўзбек аёлларидан С.Йўлдошева, Г.Абдурахмонова, Х.Носирова, С.Қобулова, Исомухамедова, Л.Саримсоқова, «Ўртоқ» фабрикасининг ишчиси Ниёзалиева кабилар бор эди. Анна Ахматова Тошкент эвакуацияси жараёнида ўзбек халқининг фидойилиги ва эзгу ишлари ҳақида қуйидагиларни хотирлайди: «Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслигига ишонишни хоҳлар эдим...».

Президент И.А.Каримов ўзбек халқининг олийжаноб ва инсонпарварлик фазилатлари ҳақида шундай деган эди: «Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда дoston бўлди».

Ота-онасиз қолган болаларни ўз оилаларига тарбияга олиш,

биринчи навбатда, аёллар хоҳиши билан юз бера бошлади. 1942 йил 1 февралга қадар эвакуация қилинган болаларни ўз тарбиясига олишни сўраб ариза берганларнинг сони 3474 кишига етган. Масалан, 1942 йилнинг январида 500 киши иштирок этган Қўқон хотин-қизлар активида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Дадажонов: «Ўзимнинг олти фарзандим бор, бироқ еттинчисини ҳам тарбиямга олмоқдаман», — деб оналик меҳрини намуна қилганидан сўнг, унга издош бўлган 17 нафар қўқонлик аёл ҳам эвакуация қилинган болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкент бўйича 1942 йилнинг январь ҳолатига кўра 4672 нафар бола шаҳар аҳолиси хонадонидан бошпана топди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота Шоаҳмудов ва Баҳри ая Ақромова турли миллат вакилларида иборат 14 нафар етимга бошпана берди.

Бухоролик Муаззам ва Шароф Жўраевлар ҳамда Баҳрихон Аширхўжаева 8 нафардан болаларни тарбияга олишган, Самарқанд вилояти Манғит қишлоғида яшовчи Ҳамид Самадов 13 болани тарбиялаган бўлса, Энгельс колхозининг раиси Фотима Қосимова 6 нафар боласини 12 нафарга кўпайтирган. Бундан ташқари яна Самарқанд туманидан Лайло Саидова, Хайри Мақсумова, Малоҳат Қодирова, Фотима Қосимова, Наманган туманидан Тожиҳон Мирзаолимова, Умидахон Отабоева, Онахон Тўхтабоева, Манзурахон Эрматова, Зубайда Қаҳрамонова, Хосиятхон Раимбердиева, Ўлмасхон Жўраева қабиларни мисол келтириш мумкин. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 нафар, қишлоқларда эса, 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинди. Бундан ташқари республикага 10 мингга яқин бола тарбияланаётган 78 та болалар уйлари кўчириб келтирилган бўлиб, 1942 йил 1 июлга қадар республика бўйича ташкил қилинган болалар уйларига 7000 бола жумладан, Фарғона вилоятига 600, Наманган вилоятига 1300, Андижон вилоятига 1700, Самарқандга 1100, Бухорога 500 ва Тошкент вилояти колхозларига 1800 бола жойлаштирилди.

1943 йилнинг охирига келиб, 1940–1941 ўқув йилига нисбатан болалар уйлари ва уларда тарбияланувчилар сони Ўзбекистонда 2 баробар ортди ва болалар уйлари сони 212 тага етди ва уларда 27 минг болалар тарбияланди. Ўзбек аёллари томонидан кўрсатилган бундай ғамхўрлик уларнинг юксак даражадаги ватанпарварлигидан, бағрикенг, меҳридарё болажонлигидан далолатдир.

Бугунги кунда уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига нафақалардан ташқари, ҳар йили турли кўринишда ижтимоий

ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда жойларда «9 май — Хотира ва қадрлаш» кунини 22 минг 251 нафар уруш қатнашчиси нишонлаган бўлса, кейинги йил байрамгача уларнинг 18 мингдан зиёдроғи етиб келди. Шундай экан, аёллар ҳам она, ҳам мураббий, ҳам педагог сифатида ёш авлодни уруш фахрийларини асраб-авайлаган ҳолда, уларга муносиб авлод бўлиб шаклланишида, уларни ватанпарварлик, миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда ҳамisha масъул бўлиб қоладилар. Зеро, аёллар миллат таянчидирлар.

## **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**Меҳнат сафарбарлиги** — советлар томонидан фронт орқасини мустаҳкамлаш, хўжаликни ҳарбий изга тушириш, кўплаб жанговар техника, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича шошилишча тадбирлар ва уларда хотин-қизларнинг асосий ишчи кучи сифатидаги иштироки.

**Эвакуация қилиш** — аҳолини кўчириш (уруш кетаётган ҳудудлардан тинч ҳудудга).

## **«ФСМУ» технологияси**

Ўқитувчи ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади.

**Вазифа:** «Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида фронт ортида кўрсатган фидокорона меҳнатлари» мавзуси бўйича қуйида фикрларингизни баён этинг:

**Ф** — фикрингизни баён этинг

**С** — фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг

**М** — кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг

**У** — фикрингизни умумлаштиринг

Талабалар ўз мақсадларига эришишга бўлган ишончни баён этадилар. Машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан яқунланади.

Ўқитувчи гуруҳ аъзоларига мавзу юзасидан тайёрланган биттадан савол (ёки истилоҳни) тарқатади ва ҳар бир талабанинг қисқача чиқишини (презентациясини) ташкиллаштиради. Қуйидаги савол ва топшириқлар берилиши мумкин:



## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Меҳнат сафарбарлиги нима?
2. Нима учун уруш йилларида хотин-қизлар ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб этилди?
3. Ўзбек аёлларининг фронт ортида халқ хўжалиги ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида нималарни биласиз?
4. Эвакуация қилинган аҳолига ўзбек халқи томонидан кўрсатилган ғамхўрлик ҳақида гапириб беринг.
5. Кўплаб етим болаларни фарзандликка олган ўзбек oilалари ҳақида маълумот беринг.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек хотин-қизлари уруш йилларидаги фронт орти ва фронт ичкарасидаги барча машаққатларни ўз табиатига хос бўлган ватанпарварлик ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва ташаббускорлик каби ижобий хислатлар билан енгиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Айниқса, ҳукуматнинг махсус кўчирилган халқларга нисбатан олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатида қатор камчиликлар ва хатолар бўлганлигига қарамасдан, ўзбек халқининг, жумладан, хотин-қизларнинг бағрикенглиги, оғир синов йилларида бу халқларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиши натижасида, Ўзбекистон кўплаб халқларнинг ватанига айланди ва бу халқларнинг вакиллари ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистон ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. — Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ. Институт Истории. — Т.: Фан. 1991.
3. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. — Т.: Ижод дунёси. 2004.
4. Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. — Т.: Изд-во АН УзССР. 1955.
5. История народного хозяйство Узбекистана. Т.1. — Т.: Изд-во АН Уз ССР. — 1962.

6. КП Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительство социализма: (Сб.док. 4 материал) Ред. колл.: Р.Х.Аминова и др. — Т.: Узбекистан. 1977.

7. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. — Т.: Шарқ. 2001.

8. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. — Т.: Шарқ. 1999.

9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ. 2000.

10. Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида (1941—1945 й.й.) — Тошкент: Фан, 1985.

11. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2009. — 152 б.

## **III.2 . Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларидаги ҳарбий жасоратлари**

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида фронт ичкарасида кўрсатган жасорат намуналарини, уларнинг фашизмга қарши курашдаги мислсиз қаҳрамонликларини манбаларга таянган ҳолда очиб бериш ва талабаларда ватанпарварлик хислатларини шакллантириш, улар қалби ва онгига ватан тушунчасининг муқаддас эканлигини сингдириш.*

Йирик капиталистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви натижасида келиб чиққан иккинчи жаҳон уруши (1939 йил 1 сентябрь — 1945 йил 2 сентябрь) ҳамда немис-фашист босқинчиларининг собиқ Иттифоқ ҳудудига бостириб кириши (1941 йил 22 июнь) натижасида Ўзбекистон халқи ҳам бошқа эркесвар халқлар қатори ҳаётнинг оғир синовларини бошидан кечирди. Ўша даврда яшаб, бевосита урушнинг машаққатли кунларини бошидан кечирган кишиларнинг хотираларидан маълум бўлишича, одамлар ўша вақтда «социализмнинг афзалликлари», совет режимини ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида кам ўйлар эдилар. Халқнинг аксарият қисми мустабид тузумни қоралар эди. Чунки республикада ҳали Туркис-

тон Мухториятининг қонга беланганлиги озодлик учун кураш ҳаракатининг зўравонлик билан бостирилиши, диний эътиқодлар учун таъқиб қилишлар эсдан чиқмаган эди. Жамоалаштиришнинг сталинча зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида юз берган жиноятлар хотирадан кўтарилмаганди. 1937–1939 йиллардаги оммавий қатағонлардан халқда қолган яралар ҳали битмаганди.

Бироқ ўз юртига бўлган чинакам муҳаббат туйғуси, жонажон заминга тажовуз қилган душманга нафрат ҳисси мустабид тузум етказган ғам-аламни орқага суриб қўйди. Халқ ўзини душманни тўхтатишга ва улоқтириб ташлашга қодир бўлган бирдан-бир куч деб ҳис қилди. Шунинг учун ҳам, урушнинг биринчи куниданоқ республиканинг барча вилоятларида, завод ва фабрикаларда, ташкилот ва муассасаларда умумхалқ намоийиши ва митинглар ўтказилиб, ўзбек халқи ўзининг бутун куч-ғайрати ва маблағларини душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар этишга тайёр эканлигини билдирди. Бунда улар коммунистик тизим фойдасини эмас, балки фашизмга қарши курашнинг адолатли эканлиги ғоясини танлади. Шу жиҳатдан ҳам, И.Каримовнинг «уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратларини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни ... камроқ айтиш»га доир даъвати муҳим аҳамиятга эгадир. Юртбошимиз бу ҳақда шундай деган эди: «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз».

Халқимизнинг фашизмга қарши озодлик учун кураш фронтларида кўрсатган жасоратини, фронт ортидаги матонатли меҳнатини ва берилган юз минглаб қурбонларнинг муқаддас хотирасини абадулабад ёдда сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 3 мартдаги Фармони асосида 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди. Номалум солдат майдони Хотира Майдони деб қайта номланди. Бугун Хотира Майдонидаги рамзий хотира Китобида фашизмга қарши уруш йилларида жон фидо қилган барча ватандошларимизнинг номлари қайд этилган.

Манбалардан маълумки, иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистон аҳолисининг 1млн. 433 минг 230 нафари урушга сафарбар этилган эди. «Бир қараганда, — деб таъкидлайди И.Кари-

мов, — ...бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин». Лекин «1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи...6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади». Урушга сафарбар этилганларнинг 420 минг нафардан кўпроғи жанг майдонларидан қайтмади. Дахшатли жангоҳларда қаҳрамонлик кўрсатиб, 263005 киши ҳалок бўлган бўлса, 132670 нафар киши бедарак кетган. 60452 нафар ватандошимиз ногирон бўлиб қолган. Булар ўзбек халқи учун катта йўқотиш эди. Улар ичида хотин-қизлар ҳам бор эди.

Маълумки, Ўзбекистондан 4555 нафар хотин-қизлар уруш йилларида фронтда эркаклар билан бир сафда туриб, ўз матонат ва жасоратининг мисли кўрилмаган намуналарини намойиш этдилар.

Манбаларда қайд этилишича, 1941 йил июлининг дастлабки тўрт кунда фронтга юборишни сўраб ёзилган аризалар сони 1875 та бўлган бўлса, 9 августга келиб уларнинг сони 14 мингтага етган. Шундан қарийб 6 минги хотин-қизлар эди. Хусусан, 1941 йил 26 июнда тошкентлик 1551, 28 июнда фарғоналик 423, хоразмлик 147, андижонлик 798, наманганлик 267 нафар хотин-қизлар, 6 июлда 17—24 ёшдаги 14 нафар қизлар фронтга кетиш тўғрисида ариза берган. Хоразм вилоят комиссариатига 1156 ариза тушган бўлса, шулардан 147 нафари хотин-қизлардан эди. Биргина Бухоро вилоятидан фронтга кетган 73688 нафар кишининг 176 нафари хотин-қизлардан иборат эди.

Уруш шароити санитария ҳамшираларини анча кўпайтиришни, барча аҳолини санитария муҳофаасига тайёрлашни талаб қиларди. Республиканинг барча вилоят, шаҳар, туманларида сандружиналар ташкил қилинди. Ўзбекистон Қизил яримой жамияти томонидан вилоят марказларида қисқа муддатли тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш курслари очилди. Ўқиш муддати 2 ойдан 6 ойгача бўлган бу курсларда хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқидилар. 1941—1945 йиллар мобайнида республикадан жами 8054 нафар тиббиёт ҳамшираси, 22658 нафар сандружиначи ва 1382 нафар санитарка тайёрланди. Тайёрланган ҳамшираларнинг аксарияти фронтга жўнатилди.

1942 йил баҳорда Самарқанд ва Тошкент тиббиёт институтларини битириб, фронтга отланган 20 нафар ёш врачлар орасида Нури Шокирова, Пўлатой Қодирова, Собира Мажидова сингари ўзбек қизлари, профессор М.А.Ашрапова, тиббиёт фанлари номзоди З.Х.Ҳасанова, Ф.Р.Рамазоновалар бор эди. Шифокор ўзбек аёллари бутун фронт (ғарбий, жанубий, Белоруссия, Украина, Прибал-

тика, Брянск, Ленинград, Волхов) бўйлаб ярадор жангчи ва зобитларга тиббий ёрдам беришда қаҳрамонлик кўрсатдилар, ҳаттоки ўз жонларини ҳам аямадилар. Шунингдек, хоразмлик Х.Р.Якубова Тошкент тиббиёт институтини битиргач, дарҳол фронтга жўнаб, у ерда 3 йил хизмат қилади. Фронт жангоҳларида икки мартаба ярадор бўлиб, қулоғи эшитмай қолади. Шундай бўлса-да, у фронтни ташлаб кетмайди. Жануби-ғарбий, Сталинград, 2-Болтиқ бўйи фронтларида хирургия взводи мотобригадасининг хирург враччи, кейин полк враччи лавозимларида мардонавор хизмат қилади. Х.Якубова тиббиёт хизмати капитани даражасига сазовор бўлган. У уруш йилларида ярадор солдатларни даволашда кўрсатган жонбозлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган.

Яна бир ҳарбий шифокор, камтар ўзбек қизи Анвара Муҳаррамова Украина фронтида медицина-санитария батальонининг моҳир жарроҳи сифатида фаолият юритиб, ўзининг самарали меҳнати билан фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

Ўлимларни доғда қолдириб, ғалаба билан қайтган минглаб жангчилар жароҳатига малҳам бўлган Муқаддам Ашрапованинг номи ўзбек шифокорларининг том маънодаги рамзига айланди. 155-ўқчи дивизияни 786 полк шифокори ўзбек халқининг фахри Муқаддам Ашрапова IV Украина фронти жанг майдонида тиббий ёрдам кўрсатиб, душман ўқи остида кўпинча ярадорларни ҳамширалар билан биргаликда олиб чиқиб, жасорат кўрсатганида атиги 24 ёшда эди. У Орёл, Белгород, Курскни озод қилиш жанглирида иштирок этган юзлаб жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Прагагача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Кейинчалик Курск ёнидаги госпиталда ҳарбий жарроҳ бўлиб, кунига 200 дан ортиқ мураккаб операциялар ўтказиб, кўплаб ярадорларни ўлимдан сақлаб қолди. «Кунига юзлаб ярадорлар қўлимдан ўтарди. Ҳар бири учун кўз ёш тўкиб, ўтиришга фурсат йўқ эди. Мен фақат ярадорлар юзида қанот қоқиб турган ўлим шарпасини кўрардим», — деб эслайди Муқаддам опа ўша оғир йилларни. Урушдан кейин тиббиёт фанлари доктори, профессор М.Ашрапова кўп йиллар давомида Тошкент тиббиёт институтининг иккинчи жарроҳлик клиникасига раҳбарлик қилиб келди. У ёшларга жарроҳликдан сабоқ бериш билан бирга ўзи ҳам мудом жарроҳлик столидан нари кетмади. Бу ўзбек аёлининг «Соғлом авлод учун» медалига тақдим этилганлиги, унинг меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Қашқадарёлик Жамила Ҳусаинова бир неча ой Бухорода ҳарбий тайёргарликдан ўтганидан сўнг, ўзбек миллий бригадаси-

нинг тиббий ёрдам ротасида меҳнат қила бошлади. Жамила Ҳусайнова биринчи бор шимолий Дон дарёси бўйида жангга кирган, сўнгра жануби-ғарбий фронт чизиқларида, Украинани озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этган ва кўрсатган жасоратлари учун бир неча бор жанговар медаллар соҳиббаси бўлган.

Собира Мажидованинг жанговар фаолияти Брянск атрофидаги алоҳида сапёрлик-инженерлик батальонида хизмат қилишдан бошланди. Бу мураккаб ҳарбий вазифалардан бўлиб, ўқ ёмғири остида йўлларни минадан тозалаш, кўприкларни тузатиш, кечувлар қуриш шу батальон жангчиларининг вазифаси эди. Бундан ташқари С.Мажидова ярадорларга ҳам ёрдам берарди, кўплаб мураккаб операцияларни амалга ошириб, жангчилар дардига малҳам топган. У биринчи жанговар мукофотга, яъни «Жанговар хизматлари учун» медалига Днепр дарёсидан кечиб ўтишдаги мардлиги учун сазовор бўлган. Гвардиячи старший лейтенант даражасига эришган С.Мажидова 68-гвардиячи дивизия таркибида Курск ёйи, Днепрдан кечиб ўтиш, Ғарбий Украина, Балатон кўли, Будапешт, Австрия, Югославиягача бўлган жанговар йўлни босиб ўтди. Урушдан қайтгач, кўп йиллар давомида халқ саломатлиги йўлида фаолият юритиб, соғлиқ сақлаш аълочиси даражасига эришди.

Шунингдек, Словения, Босния-Герцоговина, Сербия, Македония худудларида фашистларнинг сараланган дивизияларига қарши аёвсиз жангларда самарқандлик Галина Гриценко жасорат билан курашиб, ўз номини абадий шарафга буркади.

Уруш йилларида фронтда кўрсатган жасоратлари учун 170 минг нафар Ўзбекистонлик жангчилар турли жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Бу мукофотлар орасида Польша, Венгрия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларнинг ҳам орден ва медаллари бор эди. Улар орасида 300 минг жанговар орден ва медаллар соҳиббаси бўлган аёллар ҳам бор эди. 387 нафар жангчи фашизмга қарши жасорат билан мардона курашиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган мукофот соҳиббаси бўлди, шулардан 91 нафари аёл жангчилар эди.

Жумладан, урушнинг дастлабки йилларида 1-ўзбек делегацияси тушган ва совға-саломлар ортилган поездни бошқариб борган машинист Башорат Мирбобоева, фронтда душманга қарши жангларда мардларча фидойилик кўрсатиб, муносиб тақдирланган жангчилардан Роза Иброҳимова, Зебохон Фаниева, Раҳима Алимова, Азизахон Қаландарова, Шарофат Эшонхўжаева, Хосият Усмонова, Сора Шукурова, Собира Мажидова, Саломат Сангинава, биринчи тракторчи аёл Қумрихон Ёқуббоеванинг қизи

Муҳаббатхон Исмоилова кабилар ўлим билан юзма-юз туриб жанг қилиб, Ватан учун жон бермоққа тайёр эканликларини амалда кўрсатиб, чинакам қаҳрамонлар сафидан жой олдилар.

Муҳаббатхон Исмоилова Сталинград frontiда 44-армия сафида хизмат қилган. 110-ўйл-эксплуатация полкида бошқарувчи вазифасини адо этган. У ўзига топширилган масъулиятли ишни доимо тез ва аниқ бажарган. Наманганлик Муҳаббатхон Исмоилова Берлингача бўлган жангларда иштирок этиб, муносиб тақдирланиб, она юртига соғ-саломат қайтиб келган.

1943 йил 20 ноябрда бухоролик ўзбек қизи — полк санитария инспектори, медицина хизмати старшинаси Раҳима Алимованинг жанговар фаолияти ҳақида Бухоро шаҳар партия кўмитасига миннатдорчилик хати келган. Унда Украинанинг озод этилишида, шунингдек, 97 нафар жангчининг жанг майдонидан олиб чиқиб, ҳаётини сақлаб қолганлиги билан боғлиқ Раҳима Алимова кўрсатган жасоратлар ўз ифодасини топган эди. У Миус дарёси бўйидаги жангларда ҳам мардонавор иштирок этиб, ярадорларни жанг майдонидан қўрқмасдан хавфсиз жойларга ташишда жасорат кўрсатган. Ҳаттоки, пулемётчи ҳалок бўлганда унинг ўрнини эгаллаб душманга қарши курашган. Раҳима Алимованинг фронтдаги жанговар қаҳрамонликлари муносиб тақдирланиб, «Жанговар қизил байроқ» орденига тавсия этилган.

Азизахон Қаландарова ҳам фронтга кетишдан олдин бир ой тўп отишни машқ қилиб, кейин артиллериячилар билан бирга фронтга жўнайди. Орёл-Курск ёнидаги шиддатли жангларда Азизахоннинг тўпидан узилган ўқлар гитлерчиларнинг учта бомбардимончи самолётини чилпарчин қилди. Унинг ҳарбий маҳорати «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Қонли жанглардан бирида А.Қаландарова ҳам оғир ярадор бўлади. Бироқ соғайиб чиққанидан сўнг ҳам яна жанг майдонига қайтади. У иккинчи маротаба яна яраланади. Тошкентга қўлтиқтаёқда, аммо кўксига «Қизил Юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун», «Жасурлиги учун» медаллари билан қайтган. Албатта, шу ўринда ўзбек аёлларининг Ватан деган тушунчани юксак қадрлаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тошкент Педагогика институти тарих факультетининг талабаси радист Елена Стемповская ҳам фронтда жасорат кўрсатиб, бир қанча фашист газандаларининг ёстигини қуритган. У умрининг сўнгги дақиқаларига қадар радиостанция ва телефон аппарати олдиан силжимаган ҳолда, ўз ҳаёти эвазига батальонини сақлаб қолди. У зудлик билан чақирган ёрдам ўз вақтида етиб келди, натижада,

батальон жангни муваффақиятли тугаллаш имконига эга бўлди. Ўлимидан сўнг, унинг жасорати муносиб тақдирланди.

1942 йилдаги Москва остоналарида мардонавор жанг қилган ўзбек қизи — Тошкент театр санъати институтининг 16 яшар толибаси, 28 фашистни ер тишлатган моҳир мерган Зебо Ғаниева Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқи қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган. У 1941 йил октябрда Москва—Волга канали атрофи ва Ленинграддан Волоколамский шоссесигача бўлган худудларга сафарбар қилинган дивизияда ўзининг жанговар фаолиятини бошлади. Дивизиянинг айрим қисмлари Тушино, Химки, Хорвино районларида жойлашган бўлиб, дивизия штаби эса Москвада, «Сокол» метростанцияси яқинида жойлашган эди. Зебо пулемёт ротасига тайинланиб, снайпер сифатида фашистларга қарши курашди. У онасига ёзган хатларидан бирида шундай дейди: «Бир ой ичида 11 нафар фашист солдати ва 2 нафар офицерни йўқ қилдим». 3. Ғаниева биринчи қишнинг ўзида 16 марта разведкага чиқиб, 12 марта «тил» (душман режасини олдиндан билиш учун тутиб келинадиган одам) операциясида қатнашиб, ўз ҳаётини хавф остига қўйган, бир неча марта яраланиб, ўлимдан қолган. У 1943 йил август ойида Шимоли-Ғарбий фронтнинг Демянска районида иккинчи маротаба яраланганидан кейин жанг майдонига қайта олмади. Уч йилча Москвада госпиталда оёқлари гипсга солинган ҳолда ётди. Кейинчалик эса, 1944 йили Тошкент шаҳрида Бешёғочдаги госпиталда даволанди. 1945 йилда у 33 маротаба операция қилиниб, оёқларидаги 28 та осколка олиб ташланади. Унинг уруш жангоҳларидаги қаҳрамонликлари Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Урушдан кейин Зебо Ғаниева ўзининг бор куч-қувватини илмга бағишлади. Боку институтини тамомлаб, жаҳон адабиёти институти аспиранти бўлди. Адабиётшунослик илмига қизиқиб, шу йўлда изланишлар олиб борди, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган яна бир жасоратли қиз Шарофат Эшонхўжаевадир. Уруш бошланганда Шарофат Москвада ишлар эди. Уруш фожиаларини ўз кўзи билан кўрган Ш.Эшонхўжаева фронтга юборишларини сўраб, ҳарбий комиссарликка ариза беради. У Қозон шаҳрида мерганлик курсида таҳсил кўргач, Волхов фронтига йўл олади. 1944 йилнинг қиш ойларида душманга қарши 225-ўқчи дивизия жангчилари орасида Шарофат ҳам мардларча жанг қилиб, душманни бир неча ўн километрга улоқтириб ташланишида ўз ҳиссасини қўшади, фашистлар-



нинг 47 солдати ва 3 офицерини ер тишлатган. Унинг ҳарбий жасорати «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча медаллар билан тақдирланган. У Ўзбекистонга қайтиб келганидан сўнг, «Узглавводстрой»-да инженер бўлиб ўз фаолиятини давом эттиради.

Яна бир фронтга отланган ўзбек қизи Роза Иброҳимова ҳам 1943 йил ёзида радистлар тайёрлаш курсида ўқиш баробарида парашютдан сакрашни ва танк бошқаришни ҳам ўрганди. Ўз навбатида немис тилини ҳам эгаллаб олди. Дастлаб Москва яқинидаги алоҳида дивизияда, 1944 йил баҳоридан 4-танкчилар группасида хизмат қилган Роза Иброҳимова зиммасига муҳим топшириқ берилади. Яъни у разведкачилар таркибида душман ўрнашган чегара ичкарасига кириб, қурол-яроғ ва ёқилғи омборларини аниқлаб, уларни картага туширишда иштирок этиши лозим эди. Операция муваффақиятли яқунланиб, орқага қайтишаётганда душман пистирмасига дуч келиб, жанг орқали ўрмонга яширинган танкка етиб оладилар. Шу пайт танкка снаряд келиб тушиши оқибатида у аланга олади. Жасур қиз Роза танкка отилиб кириб, командирни олиб чиқади. Омон қолган разведкачиларнинг уч нафари душманни чалғитиб туради. Роза эса, оғир яраланган командирни ва муҳим ҳужжатларни олганича қуршовдан усталик билан чиқиб кетади. Роза Иброҳимованинг Берлингача бўлган жангу жадаллардаги жанговар хизматлари «Қизил Юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун», «Кенингсбергни олганлик учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланди.

Қаҳрамон қиз Умри Умарова тиббиёт ходими сифатида даҳшатли жангоҳларда жангчи-ярадорларга ўзининг ҳамширалик фаолияти билан ёрдам кўрсатаётиб, ҳалок бўлган. У Тошкентдаги Қорёғди маҳалласида ўзбек хотин-қизлари учун ташкил этилган Зебуннисо номидаги хотин-қизлар билим юртининг илк қалдирғочларидан эди. Мана шундай мард ва жасур Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг Ватан ҳимояси учун фронтда жонини қурбон қилишга тайёрлиги, уларнинг жангоҳларда кўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлари фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб улуш бўлиб қўшилди.

## **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**Уруш йиллари** — 1941–1945 йиллардаги фашизмга қарши уруш йиллари.

**Фронт ичкараси** — уруш бўлаётган ҳудудлардаги жангоҳлар.

**Медсанбат** — тиббиёт-санитария батальони.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ҳарбий сафарбарликка ўзбек аёлларининг муносабати юзасидан мисоллар келтиринг.

2. II жаҳон уруши фронтларида неча нафар хотин-қиз иштирок этишган?

3. Ўзбек хотин-қизларининг жасоратлари ҳақида биласизми?

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек хотин-қизлари учун Ватан озодлиги ва унинг тинчлиги муқаддас ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ўзбек аёллари ўз табиатига хос бўлган ватанпарварлик туфайли фашизмга қарши уруш йилларида жанглarda мардларча қаҳрамонлик кўрсатиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонлик хотин-қизлар Ватан деган муқаддас тушунчани қанчалик теран англашларини уруш йилларида яна бир бор намоён этдилар.

## Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. — Тошкент: Шарқ, 2000.

2. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ.Институт Истории. — Т.: Фан. 1991.

3. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. — Тошкент: Ижод дунёси. 2004.

4. Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси 1941—1945 й.й. Илмий назарий конференция материаллари. — Тошкент: Фан. 1996.

5. Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. — Т.: Фан, 1981.

6. Охунова М. Совет Ўзбекистони хотин-қизларининг жанг майдонлари ва меҳнат frontiдаги жасорати// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. — Тошкент, 1975. — №5.

7. Юлдашева М. Женщины Узбекистана фронту. — Тошкент: Узбекистан, 1982.

8. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражсини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: 2009. — 152 б.

### III.3. Уруш йилларида фан ва маданият ривожини, унда хотин-қизларнинг ўрни

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида маънавий маданият ривожига, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот бериш орқали талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш.*

II жаҳон уруши йилларининг мураккаб шароитида кўплаб ўқитувчиларнинг фронтга жўнаб кетиши янги педагогик кадрларни тайёрлашни талаб этар эди. Бу соҳада ҳам катта таянч хотин-қизлар бўлди. Ўзбекистон халқ комиссарлари кенгашининг 1941 йилдаги 9 ноябрь қарорига кўра 1941—1942 ўқув йили давомида кўпгина ҳарбий хизматга кетган ўқитувчилар ўрнини тўлдириш мақсадида қисқа муддатли курсларни кўпайтириш ва IX—X-синфни тугатаётган ўзбек қизларини ўқитиб тайёрлаш муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди. 1942—1943 ўқув йилида биргина Хоразм вилоятида ана шундай синфларни 255 нафар педагог битирди ва вилоятдаги мактабларга юборилди. Бундан ташқари, Хива педагогика билим юрти ва Хоразм ўқитувчилар институтида 3,4,6 ойлик қисқа муддатли педагоглар тайёрлаш курслари ташкил қилинди. ЎзКП(б) МҚ ва республика халқ комиссарлари советининг кейинги қарорларида ҳам халқ маорифи ташкилотларига 2 ойлик, 4 ойлик ҳамда 7 ойлик курсларда хотин-қизлардан иборат 750 та бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси тайёрлашга маҳаллий хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш ва уларнинг ўқишлари учун имкониятлар яратиш вазифаси юклатилди. Қисқа муддатли курсларда урушнинг дастлабки уч йили давомида 1600 ёш ўқитувчи етиштирилди. Уларнинг асосий қисми хотин-қизлардан иборат эди.

Урушнинг дастлабки уч йили давомида педагогика олий ўқув юртлари 4600, педагогика билим юртлари 2200 нафар ўқитувчи тайёрлади. 1940 йилда ўқитувчи хотин-қизлар 9533 нафар бўлса, 1943 йилга келиб 14052 нафарга етди. 1945 йилда республика мактабларида ишлаган 34 минг ўқитувчининг 54 %ини хотин-қизлар ташкил этган. Фан ўқитувчиларини тайёрлашда Хоразм ўқитувчилар институтининг роли катта бўлди. 1944 йилда тўлиқсиз олий маълумот берувчи 2 йиллик ўқитувчилар институти

билан бир қаторда олий маълумот берувчи 4 йиллик педагогика институти ҳам очилди. Шунингдек, 1944 йилда Самарқандда 1941 йилда вақтинча ёпиб қўйилган Ўзбекистон Давлат университети тикланди. Чимбойда педагогика институти ташкил этилди. Наманган ва Марғилон шаҳарларида ўқитувчилар институтлари ўз фаолиятини бошлади.

Уруш йиллари давомида уларда 20 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар етишиб чиқди. Улар ўз навбатида самарали меҳнат қилиб, фашизмни тор-мор келтириш ишига муносиб ҳисса қўшдилар. 1944 йилнинг август ойида республиканинг 89 нафар моҳир педагогига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. Улар орасида Тошкентдаги 20-сон мактабнинг ўқитувчиси М.Қодирова, термизлик биология фани ўқитувчиси З.Латипова, кўқонлик адабиёт ўқитувчиси Т.Окунцева ва бошқалар бор эди. С.Тошматова, М.Отахонова, А.Сухарева, С.Рачинская кабилар ҳукумат орденлари билан тақдирланган.

Маориф органлари томонидан мактаблар тармоғини сақлаб қолиш юзасидан амалий чоралар кўрилганлиги туфайли 1945 йили мактабларда ўқувчилар сони 929.170 тага етди, шулардан 445.267 нафари қизлардан иборат эди. Шундай бўлса-да, бу кўрсаткич уруш арафасидаги рақамдан 500 мингтага кам эди. Чунки уруш йилларида ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашга эътибор берилиб, мактаб ўқувчилари кундалик ўқишни ҳар турли меҳнат билан бирга қўшиб олиб боришган.

Урушнинг суронли йилларида республика олий ўқув юртли ва техникумлар ўз фаолиятларини давом эттириб, катта қийинчиликларга қарамай, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган чинакам манба бўлиб қолаверди. Республикага собиқ Иттифоқ ҳудудининг ғарбий вилоятларидан 31 та олий ўқув юрти, 7 та ҳарбий академия эвакуация қилинган бўлиб, 1943 йилда республикада жами 41 та олий ўқув юрти (уларнинг 12 таси кўчириб келтирилган) ва 52 та ўрта махсус билим юртли фаолият кўрсатди. Тошкентда 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 та олий ўқув юртли, 2та библиотека ташкил этилди. 1941—1943 йилларда республикада мавжуд олий ўқув юртлида халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича 10 минг нафар малакали мутахассислар тайёрланди. Улардан 2,5 минг нафари врачлар, 1800 таси инженерлар, 660 таси агрономлар, 2500 таси педагоглар эди. 1943—

1944 ўқув йилида олий ўқув юртларига яна 10 минг киши қабул қилиниб, шу йили ўрта махсус ўқув юртларида 5 минг киши ўқиди. Ўзбекистон техникумлари 1941—1943 йилларда 3 700 мутахассисни етиштириб берди.

Фронт орқасидаги мавжуд ҳамма кучларнинг диққати дастлаб мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг жамоалари ҳам бутун куч-ғайратларини иқтисодий уруш талаблари асосида қайта қуришга бағишладилар. Республика олимлари ўз изланишлари билан қурол-яроғлар ишлаб чиқариш саноати ишларини тез суръатлар билан ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Уруш йилларидаги ҳарбий вазият туфайли илмий ишлардаги мавзулар ҳам халқ хўжалиги ва фронт эҳтиёжларига йўналтирилди. Айниқса, илмий-тадқиқот институтларининг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши республикадаги илмий фаолият ривожиди муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 1941 йил кузида Тошкентга СССР Фанлар академиясининг шарқшунослик, тарих ва жаҳон адабиёти ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари кўчириб келтирилди. 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилиб, унинг Президенти математик олим Қорий Ниёзий эди.

Мамлакатимизда илм-фан равнақига республикаимизда Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий текшириш институтлари, олий мактаблар ва бошқа ташкилотларда хизматда бўлган хотин-қизлар муҳим ҳисса қўшдилар.

Кўплаб олима аёллар томонидан олиб борилган илмий изланишлар мудофаа саноати ва халқ хўжалиги ривожини таъминлашга хизмат қилди. Хусусан, Марғилон ўқитувчилар институтининг декани, тўнғич математик ўзбек аёли З.Зарипова, геология-минералогия фанлари доктори С.Юсупова, химик олимлар А.Абдурасулова ва З.Саидносировалар, назарий механика муаммолари устида текширишлар олиб борган Пўлатой Шоҳайдарова қабилар шулар жумласидандир.

Пахтачилик илмий-текшириш институти ходимларидан В.Т.Тонова ва Н.И.Зими́на пахтани рационал суғориш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу сув ресурсларидан иқтисод билан ва унумли фойдаланиш имкониятини берди.

Биология фани равнақига И.А.Райкова катта ҳисса қўшди.

Шунингдек, мазкур йўналишда Мухаррам Орифхонова қалдиргоч олималардан бири сифатида биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишга муваффақ бўлди.

Тиббиёт фанлари номзодлари Р.Мирсоатова, З.Умидова, М.Ашрапова, В.Павлова каби тиббиёт соҳасида фаолият олиб борган олималар томонидан даволашнинг хирургик ва нейрохирургик усуллари такомиллаштирилиши ярадор жангчилар дардига малҳам бўлди. Мазкур даврда Ҳ.Сулаймонова юридик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Бу зукко олима Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги даражасига етиб, юстиция министри лавозимида фаолият олиб борган.

Ўзбек тилшунос олимаси Х.Комилова «Ҳозирги замон ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчи» мавзусида номзодлик диссертациясини 1944 йилда ёқлаган. Олиманинг илмий китоблари ва мақолалари ўзбек тилида сўз бирикмаси, сон, олмош, гапда сўзнинг боғланиши, тушум келишигининг функциялари ўзбек тилида тўлдирувчи масалаларга бағишланган бўлиб, улар ўзбек тилшунослиги фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ипакчилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими Н.В.Шуршикова ҳар қути қурт уруғидан 88 кгдан пилла ҳосили берадиган «Совет I» навини ишлаб чиқди.

Чорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими З.И.Савицкая, Т.Ф.Тавилдорова, Н.А.Кошина ва бошқалар чорвалар парвариши, улар наслдорлигини ошириш масалалари устида ишладилар.

Тадқиқотчи-олималардан Е.В.Одинцова, Е.П.Панфилова, Е.Д.Якимова, В.Н.Оголина, В.С.Романова, Б.В.Гречина киблар урушнинг қийин шароитларида қорақўл чорвасини танлаш ва ажартиб олиш усул ҳамда назариялари устида изланиш олиб бордилар.

Тарихчи ва шарқшунос олимлар «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратиш ишларини бошлаб юборишди. Тилшунос олимлар, адабиётшунослар эски ўзбек тили бўйича изланиб, «Ўзбек адабиёти тарихи»ни яратдилар. Илм-фаннинг барча соҳаларидаги олимларнинг илмий фаолияти халқ ўртасида ғалабага бўлган ишонччи янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

Умуман айтганда, таълим ва илм-фан соҳасида Ўзбекистон хотин-қизлари уруш йилларида ўзбек халқининг маънавий уй-

ғониши йўлида самарали меҳнат қилган ҳолда, республика фани ва маданияти ривожини ғалаба қозониш мақсадларига қаратди.

Ўзбекистоннинг беқиёс куч ва қувватга эга бўлган бой маънавий маданияти урушнинг биринчи кунлариданоқ фашизмга қарши курашга астойдил қўшилди. Маданият ўчоқлари фаолиятида, айниқса, ғоявий-сиёсий тарбия масалалари, меҳнаткаш оммани халқ хўжалиги режаларини бажаришга чорлаш, барча кучларни душманни тор-мор этишга сафарбар қилиш муҳим ўрин эгаллади. Адабиёт, санъат, маданият, маориф соҳалари ҳам ҳарбий асосда қайта қурилди.

Хусусан, ижодкорлар (Ёқубов Одил, Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий, Шўхрат, Саид Аҳмад, Йўлдош Сулаймон. Н.Қобул ва ҳоказолар)нинг асарларида халқнинг бошига тушган ўша оғир кунларда жамият ва аёл муаммоси, аёлнинг жамиятда тутган ўрни масаласи ўз ифодасини топган бўлиб, унда аёллар образлари орқали жамият ва халқ олдидаги Ватан, диёнат, инсоф, бурч тушунчаларининг моҳияти, ҳаётнинг синнов майдонларида ўз йўлларини белгилаб олган ҳолда, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганликлари мадҳ этилди. Хусусан, Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» роман-фожеасидаги Робия, Башорат, Раъно, Мураввар, Фотима ва Зўҳра образларини мисол келтириш мумкин.

Ҳаётга ишонч, келажакка умид ҳиссини тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Уруш бошланганида Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўзига хос ривожланиш, юксалиш палласида эди. Бу қийин даврда Ўзбекистон хотин-қизлари ўз замонининг фидойилари сифатида маданият ва санъат соҳасида тинмай фаол тарзда меҳнат қилди.

Уруш йилларда уста ҳикоянавис, очеркнавис ва публицист сифатида танилган адиба Ойдин Собированинг «Қизларжон», «Асл ёр», «Умр совғаси», «Садағанг бўлай, командир», «Чақалоққа чакмонча» каби асарлари халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир ўтказувчи катта кучга эга бўлиб, халқнинг жанговар руҳини қўллаб-қувватлар, душман устидан ғалаба қозонишга бўлган ишончини мустаҳкамлар эди.

Шоирлар томонидан ўзбек жангчиларининг жасорати, халқлар дўстлиги, ишчи ва деҳқонларнинг матонатли меҳнати куйланди. Уларнинг шеърий мисралари жанговар қуролдан қолишмайдиған даҳшатли қуролга, кўнгилларни ватанпарварлик туйғуларига тўлдирувчи зўр кучга айланди. Жумладан, шоира Зул-

фиянинг «Садоқат» тўплами, «Ҳижрон кунларида» китоби, 1942 йилда ёзилган «Менинг Ватаним», 1943 йилда ёзилган «Эримоқда қор», «Палак», «Гуллар очилганда», «Кўлимда қуролу, устимда шинель», «Тун», «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърлари ватанпарвар, меҳнаткаш, вафодор, жангчи ва қалби оташ ўзбек аёлларининг ажойиб туйғуларини куйлашга бағишланган эди. Шунингдек, шоира Зулфия шеърларида ўзбек табиати: ўзбек халқининг қалби, ўзбек меҳнаткашининг буюк дўстона оиладаги бахтиёрлиги, айниқса ўзбек аёлининг ёрқин ва гўзал сиймоси, дарди ва бахти, ҳижрони ва вафоси ифода этилган. Айниқса, унинг уруш йиллари ижодига бағишланган «Ҳижрон кунларида» китоби бундан 65 йил муқаддам нашр этилган бўлса ҳам, бу тўпламга кирган шеърлар қайта-қайта ўқилгани, ўрганилгани сари ўз моҳият-эътибори билан бугун ҳам ўқувчилар қалбидан муносиб ўрин эгаллаб турибди. Жумладан, шоиранинг мазкур тўпламга кирган «Эримоқда қор» (1943 йил), «Палак», «Гуллар очилганди», «Сулув тонг», «Ҳижрон» ва бошқа шеърларида ҳижрон, айрилиқ, ғамга бардош берган ёшларнинг келгуси бахтли кунларга интилиши куйланади. Зулфия 1942 йилда ёзилган «Менинг Ватаним» номли шеърида Ватаннинг гўзал таърифини беради, шеърнинг ҳар бир сатри жўшқин ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. Унинг «Тун» шеърида аёл меҳнати улугланса, «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърида севги ва ҳижронни енгувчи ҳаёт завқи куйланади. «Сен қайдасан?», «Кўрганминдинг кўзларимда ёш?» каби шеърларида севгида содиқ, вафодор киши сиймоси гавдаланади.

Шоира Зулфия ижоди ҳақида: «...Ўша кезде аёл зотидан қўлига қалам олганлар санокли ва пайдо бўлиб улгурмайин сўниб қолар, ижодлари ҳам умумийроқ, бир-биридан фарқсизроқ, ибтидоийроқ, жўнроқ, назмгўйликдан нари ўтолмаган машқлар, ўхшатмалар эди. Давр ва поэзия аёл эрки, аёл қалби, изтиробга лиммо-лим она тимсоли, она армонлари, она бахтини, она дилини куйлашга қодир онабошига муҳтож ва интизор эди. Зулфия ана шу бўшлиқни тўлдириб қўлига соз олган, ўша чанқоқликни қондирган биринчи аёл, биринчи куйчидир», — деб ёзган эди шоир Миртемир.

Хуллас, шоира ўнлаб ғоявий-бадиий пухта асарлари билан уруш даври ўзбек поэзиясининг жанговарлик ролини кучайтиришга хизмат қилди.

Уруш йилларида хотин-қизлар орасида олиб борилган мада-



ний-маърифий ишлар анча самарали бўлди. Бундай ишлар, чунончи, Тошкент шаҳрининг Октябрь туманидаги Калинин, Орджоникидзе номли клубларда анча салмоқли бўлди. Тошкент вилоятининг ўзида биргина 1943 йилда 2 минг маъруза, 1150 киносеанслар уюштирилди, 500 та спектакль қўйиб берилди. Мавжуд тўғарақларда эса минг киши иштирок этди.

Уруш йилларида республикамизнинг 15 мингдан ортиқ санъат усталари 30 та концерт бригадаларига бўлиниб, фронтдаги жангчиларга 35 минг, госпиталларда эса, 26 минг концерт кўрсатдилар. Фронт бригадалари таркибида Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Муқаррама Турғунбоева, Гавҳар Раҳимова, Розия Каримова, Шаҳодат Маъзумова сингари таниқли санъаткор аёллар бор эди. Улар жангоҳларда мардлик намуналарини кўрсатиб, жангчиларга маънавий куч-қудрат бахшида этдилар. Ҳақли равишда жангчилар билан ёнма-ён, елкама-елка туриб ғалаба учун улкан ҳисса қўшдилар.

Ана шундай қаҳрамон санъаткорлардан бири Тамарахонимдир. У уруш йилларида ўз ансамбли билан жангчилар учун 1000 марта концерт кўрсатиб, жангчиларни ғалаба сари руҳлантирган. Тамарахоним раҳбарлигидаги ансамблнинг Узоқ Шарқ фронтидаги концертлари 11 ой давом этган. У ўзининг сеҳрли овози, жўшқин қўшиқлари, қалбидаги кўтаринкилик, руҳидаги эркинлик, рақсларидаги жозоба билан жангчи йигитлар қалбида ғалабага ишонч туйғусини кучайтириб, кучига куч, қувватига қувват шижоат ва умидига бирдамлик қўша олган ноёб талант соҳибаси эди.

Тамарахоним ва унинг ансамбли Узоқ Шарқ ва Сибирдаги бадий хизматлари билан тўплаган жамғармаси ҳисобидан эвакуация қилинган болаларга моддий ёрдам кўрсатди. Шу жамғармадан сотиб олинган 77 рақамли танк заводдан ўзбек гвардиячи экипажи билан жангга жўнаган. Ансамбль маблағи ҳисобига самолёт ҳам қурилган эди. Шу муносабат билан у Олий Бош қўмондонлик номидан ташаккурнома ҳам олган эди.

Актрисанинг архивида Қизил Армия офицери кийимидаги навқирон кишининг сурати сақланади. Тамарахоним бу суратни фронтга кетаверишда йўлда бир хотира бўлиб қолганлигини эслайди:

«Қайсидир темир йўл станциясида бизнинг ансамбль бораётган вагонга фронтга кетаётган сибирлик 6 нафар офицер чиқди. Биз сиқилишиб уларга жой бердик ва кейинги йўлимиз бирга давом этди. Бу воқеа 1942 йилнинг ноябрида содир бўлган эди.

Хайрлашиш олдида мен бу офицерларга ўз суратимни бериб, уруш тугагач, албатта, Ўзбекистонга меҳмонга келингиз, деб таклиф қилдим. Орадан 32 йил ўтганидан кейин уйимга номаълум овоз билан телефон бўлиб, Расторгуев Геннадий Иванович гаплашмоқчи эканлигини, ўзини бундан анча йиллар муқаддам меҳмонга таклиф этилганини айтди. Мен уйда бу меҳмон билан овқатланиб ўтириб, унинг менга фронт йўлида ҳамроҳ бўлган лейтенант эканлигини эсладим. У менга йўлда бирга бўлган ўртоқларининг тақдирини гапириб берди. Қадимги танишлик шу тариқа яна янгидан бошланди...».

Шунингдек, 1942 йилдан бошлаб бир гуруҳ санъаткорларга бош бўлиб фронтга жўнаган Гавҳархоним ва унинг сафдошлари учун аскарларнинг руҳини кўтариш қалб амри эди. Ўлимга тик қараб, инграб ётган жангчи азобини ҳис этиб рақс тушиш, кўшиқ айтиш, ҳазил-мутойиба қилиш учун мустақкам ирода талаб этилар эди. Гавҳар Раҳимова уруш ва урушдан кейинги кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ артисти сифатида фаолият юритиб, Хоразм «Лазги» ансамблига 1958–1982 йиллар мобайнида бадий раҳбарлик қилди, ўзининг кўп йиллик хизматлари эвазига «Эл-юрт ҳурмати ордени» соҳибаси бўлди. 2000 йилда онахоннинг 90 йиллик тўйи у камол топган Марғилонда кенг нишонланди. «Лазги» ансамблига 1982 йилдан кейин О.Соатова, З.Ғозиева сингари санъаткорлар раҳбарлик қилишган.

Халқ ардоқлаган санъаткор Коммуна Исмоилова уруш йилларини шундай хотирлайди: «Жангчиларимиз Киевни мардонавор ишғол қилган кезлар ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда Украинанинг Кермунчук вилоятида 15 ёшимни нишонлагандик. Генерал-майор Шевченко катта зиёфат уюштириб берган эди. У менга яхши тилаклар билдирди ва гап орасида «дунёда ўзбек халқичалик меҳнатқаш, қалби дарё, бағри кенг, фидойи, меҳмондўст ва самимий халқ йўқ», дея эътироф этди. Шунда ўзбек қизи бўлганлигимдан ниҳоятда фахрланганман.

К.Исмоилова 1927 йил 15 декабрда Хивада туғилган. 1964 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. У уруш йилларида Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги хотин-қизлар концерт бригадасида иштирок этган. 1946 йилдан эътиборан Хоразм мусиқали драма театрида, 1947 йилдан Ўзбек ашула ва рақс ансамблида, 1948–51 йилларда Ўзбек давлат эстрадасида, 1952–59 йилларда Ўзбек давлат филармониясида, 1959–88 йилларда Ўзбекистон телевидение ва радиоси ўзбек халқ чолғулари оркестри

ҳамда мақом ансамблида, 1985 йилдан Зебо Фаниева номидаги Ветеран аёллар ансамбли қатнашчиси сифатида санъат соҳасида узоқ йиллар ва сермазмун фаолият юритди.

1944 йилнинг феввалида Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари музикалари декадаси кунларида иштирок этган 900 нафарга яқин мусиқачилар, кўшиқчилар, раққосалар, ёзувчи ва шоирлар, драматург ва рассомларнинг кўпчилиги хотин-қизлардан иборат эди.

Тасвирий санъат асарларида ҳам ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари бош мавзу бўлди. Уруш йилларида фаолият олиб борган рассом Шамсирўй Ҳасанова ғалаба муносабати билан Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ кўргазмасида ўзининг асарлари билан иштирок этди. Мазкур кўргазмага Ўзбекистон рассомлари 170 портрет, пейзаж ҳамда ҳайкалтарошлик санъати ишларини юборган эдилар.

Суронли кунларнинг бошиданоқ ўзбек театр арбоблари фашизмга қарши курашчилар сафида туриб, матонатли фаолият кўрсатдилар. Республикада 35 та маҳаллий, 16 та кўчириб келтирилган, жами 51 театр иш олиб борди. Улар 1941—1944 йиллар давомида Ўзбекистон театрлари 203 янги асарни саҳнага қўйиб, 65 миллион томошабинга 18568 маротаба спектакль ва концерт кўрсатдилар. Театр репертуарларида ватанпарварликка чорловчи уруш мавзуларидаги «Ўлим босқинчиларга», «Қасос», «Жалолиддин» каби спектакллар намоиш этилди.

Бухоро вилояти маданият, театр, санъат ходимлари ҳам ўзларининг катта меҳнати ва санъати билан немис-фашист босқинчиларига қарши курашга отландилар. Бухоро вилояти мусиқа театри артисти Раҳима Олимованинг Сталинград фронтида кўрсатган жасоратлари ҳақида маълумот 230 дивизия командири полковник В.П.Савин томонидан Бухорога мактуб орқали юборилганлиги фикримизни исботлайди. Бухоро мусиқа театри артисти Раҳима Олимова, драма театри артисти Эътиборхон Орипова қабилар уруш йилларида Москва, Сталинград, Курск, Минск остоналарида жанг ҳаракатларини олиб бораётган бухоролик жангчилар орасида бўлиб, ўзларининг ижод намуналарини намоиш этиб, жангчиларни ғалабага руҳлантирган.

Уруш йилларида ўз санъати билан жангоҳларга маънавий озуқа улашган ҳолда, қаҳрамонлик кўрсатган аёллардан бири Қашқадарё вилоятидан бешкентлик Жамила Ҳусайнова агитбригада (тарғибот-ташвиқот бригадаси) сафида юриб, кўшиқ куйлашга

бўлган ҳаваскорлиги сабабли Ватан, она, муҳаббат, дўстлик ҳақида куйлаб жангчиларнинг руҳини кўтарган. Кўрсатган урушдаги хизматлари учун жанговар медаллар билан мукофотланган.

Фронт ичида фашизмга қарши қаҳрамонона жанг қилаётган жангчиларни зафар сари руҳлантирган санъаткорлардан яна бири Меҳри Абдуллаева бўлган. У бир гуруҳ санъаткорлар билан бирга, аввал Москвадаги госпиталда, сўнгра эса, ғарбий фронтга Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги республикамиз санъаткорлари таркибида фронтнинг энг қизгин ўчоқларида маданий хизмат қилиб, ўзининг ёқимли кўшиқлари билан душманни енгишда жангчиларга мадад бўлган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти юксак унвонига сазовор бўлган Малоҳат Исҳоқова ўзининг санъатдаги меҳнат фаолиятини 1942 йилдан бошлаган. У атоқли балетмейстр В.Н.Губская, Мукаррамахоним, Розия Каримова каби ажойиб рақс усталаридан сабоқ олди. Урушдан кейинги йиллардаёқ унинг репертуарида пайдо бўлган «Муножот», «Тановар», «Катта ўйин», «Лазги» каби мураккаб, севимли классик ўйинлар ўша сабоқлар, изланишлар, меҳнатлар самараси бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон хотин-қизлари урушнинг шиддатли йилларида ўзларининг фан, маориф ва маданият соҳасидаги фидойи меҳнатлари билан юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, фашизм устидан ғалабани таъминлашга муносиб улуш қўшдилар.

## **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**ЎзФАН** — илмий-тадқиқот ишларини умумий мувофиқлаштириш учун 1940 йилда ташкил этилган СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон Филиали.

**Ўз ССР Фанлар Академияси** — 1943 йил ноябрда ЎзФАН базасида ташкил топган.

**Декада** — 10 кунлик тадбирлар.

**Агитбригада** — тарғибот-ташвиқот бригадалари.

## **«ЛОЙИҲА» технологияси**

**Мавзу:** Фашизмга қарши уруш йилларида ўзбек хотин-қизларининг илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси.

Танланган мавзу бўлакларга бўлиниб гуруҳларга тарқатилади. Масалан 4 та мавзу асосий мавзудан келиб чиққан ҳолда:

1. Илм-фан ривожига ҳисса қўшган ўзбек аёллари
2. Уруш йилларида фаолият юритган ўзбек санъаткор аёллари.
3. Ўзбек ижодкор аёллари томонидан уруш йилларида яратилган асарлар.

4. Шоира Зулфиянинг II жаҳон уруши йилларидаги ижоди.

Мана шу мавзулар гуруҳлар томонидан ёритиб берилади. Бир дарснинг яхлит конструкцияси келиб чиқади. Майда бўлимлардан яхлитлик келиб чиқади. «Лойиҳа» технологияси вужудга келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, уруш йилларида яққол намоён бўлган қудратли ватанпарварлик ўзбек халқининг, жумладан, ўзбек аёлларининг маънавий соғломлигидан далолат эди. Улар илм-фан ва маданият соҳасида ўз салоҳият ва иқтидорларини намоён қилиб, ғалабани маънавий жиҳатдан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Большевистик маъмурларнинг кўпдан-кўп руҳий таъсир кўрсатишига, мустабид тузумнинг атеистик ва маънавий экстремизмига қарамасдан, ўзбек халқи, хусусан, аёллар ўзининг чуқур миллий-маънавий негизларини сақлаб қолди. Булар унинг кўп минг йиллик тарихи ва инсонпарварлик анъаналарига, умуминсоний ва миллий қадриятларига узвий равишда сингиб кетган эди.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Тошкент: Шарқ. 2000

2. Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси 1941—1945й.й. Илмий назарий конференция материаллари. — Тошкент: Фан. 1996.

3. Оқилов Қ., Аббосова Л. Ўзбекистон хотин-қизлари маданий қурилишда. — Тошкент: Фан, 1976. — 59-б.

4. Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. — Тошкент: Фан. 1981. — 62 б.

5. Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизлари уруш йилларида. — Тошкент: Фан. 1985. — 55 б.

6. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Тошкент: 2009. — 152 б.

## **IV. УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ. ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИК ОҚИБАТЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ**

### **IV. 1. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклашдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этишда ўзбек хотин-қизларининг қўшган ҳиссаси**

**Мавзу ўқув мақсади:** *Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклашдаги қийинчиликларни ҳал этишда хотин-қизларнинг қўшган ҳиссаси, саноат ривожини таъминлашдаги роли, марказ томонидан олиб борилган пахта монокултураси сиёсати натижасида Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг қарор топиши ва унинг хотин-қизлар ҳаётига салбий таъсири, иқтисодий қарамликнинг оқибатлари ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш.*

Беш йил давом этган машаққатли урушнинг ғалаба билан тугалланиши келажакка катта умид уйғотди, бутун куч-ғайратни фақат тинч ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодиётни тинч ҳаётга мослаштиришга, уруш оқибатларини барҳам топтиришга йўналтириш имконини берди. Вазифа ниҳоятда мураккаб эди ва уни урушдан кейинги ғоятда оғир (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий) шароитда ҳал этиш лозим эди.

Совет мустамлакачилиги сиёсати моҳиятида Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан қайта қуриш ва уни аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш учун энг аввало саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, бунда асосан республиканинг давлатнинг асосий пахта базаси сифатидаги анъанавий ўрнини сақлаб қолишдан иборат ғаразли мақсад яширинган эди. Унга кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти тугалланмаган технологияга асосланганлиги учун иқтисодиётни фақат бир томонлама ривожлантириб, республикадаги бой хомашё ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқармасдан хомашё етказиб бе-

рувчи ёрдамчи вазифани бажариши лозим эди. Бундай шароитда аҳолининг бандлиги муаммосини амалда ҳал қилиш, иш билан таъминлаш, улар учун муносиб турмуш тарзи ва меҳнат шароитларини яратиб бериш мумкин эмасди.

Уруш йилларида бетиним ишлаб толиққан хотин-қизлар мана шундай мураккаб шароитда халқ хўжалигини тиклашда фаол иштирок этиб, кейинги тараққиётни таъминлаш учун яна аввалгидай даражада меҳнат қилишлари шарт эди.


Урушдан кейинги йилларда ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан сиёсат бутун совет давлатида бўлганидек, икки ёқлама хусусиятга эга бўлиб қолаверди: бир томондан, давлат хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини эълон қилар ва уларнинг ишлаб чиқаришда ҳамда жамият ҳаётида иштирокини ошириш чораларини кўрар, бошқа томондан эса, аёллар учун сиёсий ва касбий карьера учун имкон берилмас эди.

Давлат ўрнатаётган эмансипация жараёнларининг сақланиб келаётган патриархал анъаналар билан чатишиб кетишуви эркаклар ва аёллар тенглиги фақат партия ҳисоботларида мавжуд бўлиб, ҳақиқий ҳаётда хотин-қизлар камситилиши ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, хусусий соҳада ҳам сақланиб боришига олиб келди. Уй-рўзғор ишларини бажариш зарурати билан бир қаторда, малакасиз оғир ишларда бандлик аёл организмига ҳаддан ташқари оғирлик тушишига олиб келарди.

Маълумки, урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларидаги энг оғир юмушлар ҳам асосан, аёллар зиммасида бўлди. Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби Усмон Юсупов 1946 йил Ўзбекистон КП МҚдаги нутқида «Аёллар клуби, қизил чойхоналарнинг энди эскирганлиги, хотин-қизларни турли ўқув юртларида ўқитиб, халқ хўжалигига, саноатга кенг жалб қилиш давр талаби эканлиги»ни таъкидлади. Урушдан кейинги дастлабки 1945-1949 йилларда республикада хотин-қизлардан саноат корхоналарида ўзбек ишчи аёллар сони биргина Андижондаги Володарский номли фабрикада 3,5 баравар, «Строймашина» заводида 3 бараварга кўпайди. Самарқанд вилоятида саноат тармоқларида маҳаллий миллат вакилларининг салмоғи 1940 йил 7,1 %дан 1948 йилда 19,7 %гача ўсган, жумладан, саноат ишлаб чиқаришда банд аёллар сони 21,2 %дан 40,6 %гача ўсган. 1947 йилда ишлаётган 3792 раҳбардан 253 таси (6,7%) аёллар эди. Умуман, бешинчи беш йиллик давомида 18 мингга яқин янги ишчи-аёл кадрлар тайёрланди.


Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 14 апрелдаги 854-сонли қарори, Ўзбекистон ССР Енгил саноат ва озиқ-овқат вазирлигининг 1953 йил 9 июлдаги 270-сонли «Ўзбек хотин-қизларини ишлаб чиқаришга жалб қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги буйруғи асосида ўзбек аёллари саноат ишлаб чиқариши турларига янада кенг жалб қилинди:

Саноат ишлаб чиқариш турлари	1953 йил		1954 йил	
	Жами аёллар республика миқёсида	Жумладан, ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат аёллари	Жами аёллар республика миқёсида	Жумладан, ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат аёллари
Главшёлк (шойичилик)	845	845	960	845
Главшвейпром (тикувчилик)	800	785	1000	845
Главобувь (пойафзал)	360	300	300	300
Главлуб	290	220	300	220
Главрасмасло (ёғ-мой)	300	250	300	250
Главхлеб (нон)	655	550	700	550
Главвино (вино)	300	250	350	250
Главконсерв (консервалаш)	490	400	500	400
Главпиво (пиво)	130	100	140	100
Табачная фабрика (тамакичилик)	30	25	40	25
Главмясохладпром (гўшт)	100	50	120	50
Главзаготскот (чорва)	20	10	20	10
Главмаслопром (ёғ саноати)	80	30	40	30
Главпищеснаб (озиқ-овқат)	30	25	30	25
Главрыбпром (балиқчилик)	150	100	200	130
<b>Жами:</b>	<b>4580</b>	<b>3970</b>	<b>5000</b>	<b>4030</b>






№	Йиллар	Саноатда банд хотин-қизлар сони
1.	1960	39 %
2.	1965	40 %
3.	1970	41,5 %
4.	1971	42 %
5.	1977	42 %
6.	1985	43 %
7.	1990	45 %



*Халқ хўжалигида банд бўлган хотин-қиз ишчи ва  
хизматчиларнинг ўртача йиллик сони*


Йиллар	Хотин –қиз ишчи ва хизматчилар сони, минг киши ҳисобида	Хотин –қиз ишчи ва хизматчиларнинг сони % да
1940	232	31
1965	833	40
1970	1091	41
1975	1417	42
1980	1784	43
1981	1870	43
1982	1949	43
1983	2006	43



1962 йилда аёлларнинг салмоғи янада кўпайиб, халқ хўжалигида улар 150 минг бўлиб, шулардан 18 мингги маҳаллий аёллар эди. Айниқса, Тошкент вилояти бўйича ишлаб чиқаришда қатнашаётган аёлларнинг сони бирмунча юқори бўлган. Мисол учун, 1962 йилда Тошкент вилоятида 173,5 минг ишчилар ишлаётган бўлса, улардан 76,6 мингги аёллар (маҳаллий хотин-қиз кадрлар 6,7 минг) бўлиб, улар 44,1%ни эгаллар эди. Бироқ бу вақтларда аёллар ўртасида мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқишни тугатмасдан ташлаб кетиш ҳоллари ҳам бўлган. Бу ўсиш фақат ёшлар ҳисобига эмас, уй бекаларини ҳам жалб этиш ва хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга оммавий суръатда келиб қўшилиши ҳисобига юз берди. Натижада, 1963 йилда умумий ишчи ва хизматчилар орасида аёллар республика халқ хўжалигида — 40%, саноатда — 41%, қишлоқ хўжалигида — 41%, соғлиқни сақлаш тизимида — 75%, давлат органлари ва хўжалик бошқарув аппаратларида, кооператив ва жамоат ташкилоти бошқармаларида — 42% бўлди. 1960—1968 йиллар давомида республика халқ хўжалигида олий маълумотли ўзбек аёлларининг сони 3 марта, ўрта махсус маълумотлиларнинг сони 2,8 марта ошди. Масалан, 1962 йилнинг ўзида 9000 га яқин хотин-қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтларнинг сиртқи, кечки бўлимларини, техникум ва ёш ишчи мактабларини битириб чиқди.

## Халқ ҳўжалигида банд бўлган олий ва ўрта махсус хотин-қиз мутахассисларнинг миқдори (минг киши)

Йиллар	Халқ ҳўжалигида банд бўлган хотин-қизларнинг умумий сони	Шулардан, олий маълумотли мутахассислар	Ўрта махсус маълумотли мутахассислар	Олий ва ўрта махсус хотин-қиз кадрларнинг умумий сони % да
1960	107,2	43,6	63,6	40
1965	159,0	66,7	92,3	44
1970	254,1	103,2	150,9	48
1975	373,7	167,3	206,4	47
1980	519,8	230,1	289,7	48
1983	614,6	264,8	349,8	49



Хотин-қизлар жисмоний имкониятларидан имкон борича фойдаланилган ушбу йилларда уларга моддий, маънавий эътибор қониқарли йўлга қўйилмаган. Ишлаб чиқаришда ишлаётган аёлларнинг ижтимоий ҳолати, маданий-маиший шароити оғир бўлиб, болалар боғчаси, аёллар ва болалар хонаси, санитария ва гигиена қоидаларига мос келмасди. Хусусан, 1950 йилда республикада 265 та болалар поликлиникаси ва консултацияси, 147 та сут-ошхона, 21 та болалар касалхонаси, 17 та туғруқхона, 29 та болалар санаторияси ишлаб турган. Бу кўрсаткич кейинги йилларда миқдор жиҳатидан ўсиб борган бўлса-да, сифат даражаси талабга жавоб бермаган.

## Аёллар консултацияси, болалар поликлиникаси ва амбулаториялар сони

Йиллар	Ўзбекистон	Қорақалпоғистон	Авдӣжон	Бухоро	Живзах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳар
1940	276	15	23	18	6	16	7	18	28	11	6	44	30	13	41
1965	618	44	75	42	18	21	15	21	53	39	25	132	53	22	58
1970	807	63	90	45	26	26	28	31	84	79	37	125	66	36	71
1975	975	101	99	56	46	31	43	37	99	94	51	134	67	44	73
1980	1443	108	154	134	87	41	71	84	192	100	73	182	79	63	75
1981	1524	119	152	140	91	43	84	83	214	106	77	193	79	67	76
1982	1675	123	166	182	92	46	91	100	244	111	78	206	79	64	75
1983	1878	131	181	201	97	47	96	125	242	111	82	212	200	72	81

Айнан мазкур йилларда махсус бинолар йўқлиги сабаб, кўпгина жойларда маҳалла масжидлари беркитилиб, мавсумий болалар боғчасига айлантирилиши авж олди. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги «Қизил-Товуш», «Саричопон», «Навоий», «Тельман» (Тошкент вилояти) каби бир қанча маҳаллаларнинг масжидлари беркитилиб болалар боғчасига айлантирилди. Болалар учун бу каби очилган боғчаларнинг шароити умуман талабга жавоб бермаган. 1961 йилда 2929 та болалар боғчаси, қишлоқ хўжалик ишлари вақтида яна 7 мингта мавсумий боғчалар ташкил қилинган. Бироқ бу кам миқдорни кўрсатган. Шу сабаб ишчи хотин-қизлар орасида ишдан кетиш ҳолатлари ҳам юқори бўлиб, уларнинг қўнимсизлиги ортган. Масалан, пахта тозалаш ва тола ишлаб чиқариш корхонасида 1960 йилнинг 9 ойи ичида 223 нафар аёллар ишдан бўшаб кетган.

1975 йил 28 августда раҳбарият «хотин-қизлар соғлиғини сақлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шундан сўнг Ўзбекистонда ҳам хотин-қиз кадрларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, тунги сменада, захарли ва оғир шароитли иш жойларда ишлаётган 13000 нафар ходимнинг иши соғлиғи учун хавфсиз ва иши енгил бўлган жойларга алмаштирилди. Айнан шу йилларда республикада 800 та аёллар ва болалар консультацияси, 4523 та гинекология ва 14903 та акушерлик муассасалари бўлиб, 1975 йилнинг ўзида қарийб 300 минг аёллар тиббий кўрикдан ўтиб даволанди. Бу вақтда 5194 та мактабгача болалар муассасаларида 561,2 минг нафар болалар тарбияланар, бу эса умумий боғча ёшидаги болаларнинг 19,6%ини кўрсатарди. Бу йилларда аёллар ва болалар шароити учун маълум даражада ижобий ишлар амалга оширилса-да, бу билан хотин-қизларнинг аҳволи етарли даражада яхшиланган деб бўлмайди. Ўзбекистонда аёлларнинг иш билан банд бўлиши ҳолати туғилишнинг юқори кўрсаткичи билан ўсиб борди. Бу даврда кўп болали оналар сони 1,6 мартага кўпайди. Чунончи, 1965 йилда 355,1 минг нафар гўдак туғилган бўлса, 1983 йилда 609,4 минг нафар гўдак дунёга келди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилганларнинг сони жиҳатидан Ўзбекистон иттифоқдош мамлакатлар орасида 35,3%да бўлиб етакчиликни ташкил этди. Бундан кўринадики, кўп болали оналар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Масалан, 1974 йил 1 январь маълумотларига кўра, республикада 27,1 минг аёл «Қаҳрамон она», 603,8 минг аёл «Оналик шухрати» ордени, 1 млн. 344,7 минг кўп болалик она «Оналик медали» билан мукофотланган.


Аёллар бўш вақти кўпроқ бўлиб, оилада болалар тарбияси би-

лан шуғулланишлари учун шароит яратиб берилиши кераклиги ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1980 йилларнинг ўзида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинди. Жумладан, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Болали оилаларга ёрдамини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар» қарорига мувофиқ 1981 йилдан бошлаб умумий иш стажи бир йилдан кам бўлмаган ишлаб турган оналарга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган аёлларга боласи бир ёшга тўлгунга қадар қараш иш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил бериш кўзда тутилди. Бу таътил учун Узоқ Шарқ, Сибирь ва шимолий районларда ойига 50 рубль, қолган бошқа ҳудудларда 35 рубль миқдориди ҳақ тўланган. Кейинчалик бола икки ёшга тўлгунга қадар шундай таътил бериш ва узлуксиз иш стажи, мутахассислик бўйича иш стажини сақлаш белгиланди. Бундан ташқари икки ёки ундан ортиқ болали ишловчи аёлларга болалари 12 ёшга етгунга қадар ҳақ тўланадиган уч кунлик қўшимча таътил бериладиган бўлди ва у 28 календар кундан ошиб кетмаслиги керак бўлган. Бунда аёллар таътилларини ўзлари учун қулай бўлган пайтларда олишлари мумкин бўлган. Болалар боғча-ясиллари, мактаб ва куни узайтирилган бўлимлар каби болалар муасса-салари ҳам маълум даражада ривожлантирилди. Мактабгача бўлган муассасаларда болаларни овқатлантиришга қилинадиган харажатларни 10–15%га кўпайтириш, ота-оналарни ясли, мактаб-интернатларга тўланадиган ҳақдан озод этилган (оиланинг ҳар бир аъзосига ойига 60 сўмга етмаган оилалар). Бу тадбирлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича маълум енгилликларни яратсада, бироқ совет даврида бу ўзгаришлар уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муаммолари масалаларини ечиши тўлалигича ижобий натижа бермади. Чунончи, мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланишда ривожланиш бўлса-да, республикада умумиттифоқдагига нисбатан 2 баравар паст бўлиб, 1–6 ёшдаги болаларнинг атиги 30%и боғча ва ясиларга қатнаган, қишлоқларда бу кўрсаткич янада қуйи даражада бўлган. Айниқса соғлиқни сақлаш соҳаси ниҳоятда танг ҳолатда эди. Хусусан, 1980 йилларнинг охирларида касалхона муассасаси қишлоқларнинг 20% ида мавжуд бўлган. Бироқ улар асосан мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимлари ва зарур асбоб ускуналар билан етарли таъмин этилмади. Умуман, совет давлати ҳукмронлиги даврида қабул қилинган қарорларда, қонунларда ноаниқликлар мавжудлиги, уларнинг амалга оширилишида мунтазамликнинг ўрнига мавсумийлик усулнинг ишлатилганлиги сабаб, ўзига хос зиддиятли оқибатларни

хам олиб келган. Энг ачинарлиси аёллар, болалар масаласида қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмаслиги кўп ҳолларда маълум бўлди. Ҳолбуки, Ўзбекистонда туғалиган ёшдаги аёлларнинг барча гуруҳларида туғиш кўрсаткичлари иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори эди. Масалан, 1979–1980 йилларда бу кўрсаткичлар ўртача иттифоқ кўрсаткичларига нисбатан куйидагича бўлган: 20 дан кам ёш гуруҳида – 86,3%; 20–24 ёшда – 156,2%; 25–29 ёшда – 219,7%; 30–34 ёшда – 296,5%; 35–39 ёшда – 411,7%; 40–44 ёшда – 592,2%; 45–49 ёшда – 760%; умуман 15–49 ёшда – 211,2% да бўлган. Ҳар 1000 ўзбек аёлининг 333 нафари кўп болали оналарга кирган, яъни улар ўртача ҳисоблаганда 5 ва ундан ортиқ болали бўлган. Совет сиёсати томонидан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар амалга оширилса-да, бу ўзгаришлар оналар ва болалар ҳақ-ҳуқуқларини муаммоларининг ечимини тўла ҳал этмади. Халқ хўжалигини тиклаш йилларида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг мажбурий усулларидан бири-мусобақабозликдан кенг фойдаланилди.

1950 йилгача хотин-қизлар ўртасида иш олиб бориш, уларнинг фаоллигини оширувчи механизмлар йўналиши асосан, тарғибот-ташвиқот, ташкилий-тарбиявий ишлардан иборат бўлган бўлса, 1950 йилдан кейин уларни халқ хўжалигининг барча соҳаларига жалб этиш, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, беш йиллик режаларни бажариш мақсадида мусобақаларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

### *Хотин-қизларни меҳнатга жалб этиш турлари*



Мусобақалар «фронт бригадалари», «зарбдорчилик», «социалистик ва коммунистик меҳнат учун», «социалистик ва коммунистик мусобақалар» деб номлангани ҳолда, икки ёки ундан ортиқ ишчи, колхозчи аёл, бригада жамоалари ўртасида туман ва вилоятлар, ҳаттоки республика миқёсида амалга оширилиб, аёлларни сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тарбиялаш билан қўшиб олиб борилди. Сиёсий ахборот ва ташвиқотлар бериш, яъни корхоналарга, ташкилотларга, жамоа хўжаликларига юборилган газета ва журналларда социалистик мусобақа ғолибларининг кенг ёритилиши, уларнинг номлари ҳурмат тахталарига қўйилиши, махсус «юлдузчалар» билан тақдирланиши ва бошқа «советларча» рағбатлантириш шакллари амалга оширилди. Чунки совет маъмурлари саноатдаги қолоқликни ишчи ва муҳандис ходимларнинг ташаббускорлигини ошириш, «социалистик мусобақа»ни кенг жорий этиш, «алоҳида танлаб олинган» илғор ва жонкуяр ишчиларни «байроқ» сифатида уларни меҳнат қаҳрамонлари, Олий совет депутаты даражасига кўтариб, бошқаларга «ўрناق» қилиб кўрсатиш йўли билан бартараф қилишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларидан Н.Баҳодирова, Т.Ёрмухамедова, З.Якубова, С.Пўлатова, М.Пўлатова, Н.Мақсудова, Х.Раджаповалар кунлик нормани ортиғи билан бажариб, «социалистик мусобақа» ғолиблари бўлишган. 1958 йил охиридан бошлаб, мусобақабозликда «Коммунистчасига яшаш ва ишлаш!» шиори кенг тарқалди. Мазкур шиорнинг кенг тарқалиши комсомол-ёшлар ҳаракатига ҳам таъсир кўрсатиб, қизлар ҳам белгиланган режаларни муддатидан олдин мажбурий асосда ортиғи билан бажаришга жалб этилди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг В.Пидинова бошлиқ қизлар бригадаси кунлик нормани 120 %дан камайтирмаслик шиори остида фаолият олиб бордилар. Улар ҳаттоки кунлик нормани 175 %га етказишга мувофиқ бўлдилар. Албатта, бу кўрсаткич, ёш қизлар жисмоний имкониятининг зўриқиши эвазига амалга оширилган. Бу ерда уларнинг бўлажак она сифатида соғлигига эътибор қаратилмаган. Мана шундай ҳаракатларни комсомол-ёшлар орасида оммалаштириш учун матбуотда мурожаатномалар эълон қилинган. Й.Охунбобоев номидаги Қўқон тикувчилик фабрикаси ишчиси Т.Кардашнинг 45 аъздан иборат бригадаси юқори кўрсаткичларга эришиб меҳнат қилишган. Улар белгиланган кунлик ишлаб чиқариш нормасини етти соат ўрнига олти соатда ортиғи билан бажаришга эришишган. Мана шундай мажбурлов усулла-



ри уларнинг сиёсий онги, дунёқараши билан ўлчанганлиги боис ҳам, улар сидқидилдан меҳнат қилишга мажбур бўлишган. Бу эса, совет маъмурлари мақсадларига мос тушгани ҳолда, аёллар меҳнатида янада кенгроқ фойдаланишни таъминлаган.

Совет тузумининг тарғибот ишлари биринчи навбатда синфий қарама-қарши фикрлар ва дунёқарашни шакллантириш мақсадини кўзлаган. Хотин-қизлар орасидан инсонлар онгини «советча» тарбиялаш бўйича махсус кадрлар тайёрлаш ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган. Масалан, 1950 йилда Тошкент шаҳар партия комитети ва ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий оқартирув муассасалари комитети марказий лектор бюроси ёрдамида хотин-қизлар маданият уйида маърузалар ташкил этилди. 1950–1951 йилнинг икки ойи ичида 105 та маърузалар ўтказилиб, улар орасида «совет хотин-қизлари коммунизм қурилишининг фаол қатнашчилари», «Хотин-қизлар тинчлик учун курашда», «Паранжи хотин-қизлар озодлигининг душмани», «Социалистик давлатда никоҳ ва оила», «Ислом динининг реакцион моҳияти» каби сиёсий, ҳуқуқий, илмий мавзулар орқали аёлларнинг ташкилий-тарбиявий ишлари кучайтирилиб борилган. «Бўрондан кучли», «Опа-сингиллар», «Эрк қуши», «Жамила», «Турсуной ҳақида қисса» каби асарлар орқали совет даврида машаққатли меҳнат қилган хотин-қизларни ўрнатқилиб кўрсатиш мақсадида вақтли матбуот, радио-телевидение орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Ҳамма вилоятларга ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида халқ эътиборидаги хотин-қизлардан иборат тарғибот гуруҳлари юборилган. Аммо бу жараён негизда «ягона совет халқини»ни тарғиб қилувчи сохта байналмилаллик ғояси яширинган бўлиб, бу совет тузумига келажакда ўз тарафдорларини тарбиялаш имконини берди.



Шунингдек, партия ва давлат қурилиши, жамият ишларини бошқаришда ҳам аёлларни эркаклар билан тенглаштириш учун барча чора-тадбирлар кўрилган. Чунончи, 1965 йилда республикада 33121 хотин-қиз маҳаллий кенгашларга, 139 аёллар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган, СССР Олий Кенгашида Республиканинг 22 та вакиласи бор эди. Улардан СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари орасида колхоз раиси Энаҳон Аҳмадалиева, механизатор Турсуной Раимова, ип йиғирувчи Фаина Широнова, колхоз раиси Рисолат Эргашева, ўқитувчи Муҳаббат Абдурахмонова, раққоса Галия Измаилова ва бошқалар бор эди. Советлар ва партиявий лавозимлар, съезд-

ларга сайланадиган аёл депутатларнинг кўпчилиги ишчи ва деҳқонлардан иборат бўлиб, етарли малакага ва маълумотга эга бўлмаган. Улар бундай лавозимларда бўлгани билан қонунларга ҳеч қандай ўзгартиришлар, енгилликлар киритиш салоҳиятига эга эмасдилар. Яъни улар «тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчиликни ташкил этган» депутатлар эди. Қаерга қанча ишчи, деҳқон, хизматчидан вакил, депутат сайлаш лозимлиги, уларнинг қанчаси аёллардан бўлиши кераклиги ҳақида махсус махфий кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва бу кўрсатмалар ўша даврда сўзсиз бажарилган.

Архив ҳужжатлари ва бошқа манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, совет тузуми даврида махсус иш механизмларининг яратилганлиги аёллар дунёқарашининг ўзгаришига таъсир кўрсатган. Советларча тадбирлар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга маълум даражада хизмат қилган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий онги совет тузумига хос тарзда ўсгани ҳолда, социалистик халқ хўжалигининг зарбдори бўлишга интиланган. Советлар хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда барча жабҳаларда маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва шаклларидан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бордилар. Бундан кўзланган асосий мақсад, вазифа, шакл ва услублар, хотин-қизларни озодликка чиқариш байроғи «ниқоби»да биринчидан, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланишга, уларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, иккинчидан, уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини советча тарбиялашга, учинчидан, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича қарор, дастурлар партия совет органларида қабул қилинган бўлса-да, амалда бу қарорларнинг тўлиқ бажарилмаслигига эришилган. Айниқса мамлакатда бошланган саноатлаштириш ва маданий ўзгаришлар даври ҳукмрон мафкура ва давлатнинг тазйиқи, талаблари асосида аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларда фақат шакл ва сонда намоён бўлган кенг иштирокига эришилди. Советлар томонидан аёллар меҳнатидан унумли фойдаланишнинг махсус йўналишлари, шакллари, услублари ишлаб чиқилгани ҳолда, уларни ижтимоий меҳнатга юқори даражада жалб қилиш учун кўрсатмалар, қарорлар, фармойишлар йил сайин жуда кўплаб қабул қилиб борилган.

Тикланиш йилларида хотин-қизлар қишлоқ хўжалигида ҳам фаол иштирок этиб, улар меҳнатининг ихтисослашуви юзага келди ва унда аёллар салмоғи ўсиб борди:

Йўналишлар	Хотин-қизлар салмоғи		1959 й. 1939 й. %
	1939	1959	
Чорвачилик, паррандачилик фермаси мудирлари	66	129	195
Бригадирлар	1097	45	-
деҳқончилик бўйича чорвачилик бўйича	48	77	160
<b>Бошқалар</b>	264	384	140
Чорвадорлар	4250	21082	490
Чўпонлар	1374	5543	400
Боғбонлар	1188	1253	105
Деҳқонлар	72	593	822
<b>Бошқалар</b>	867200	898380	101



меҳнатидан фойдаланилди, улар асосий ишчи кучи ҳисобланди.

Маълумки, урушдан кейинги тикланиш йилларида саноатни ривожлантириш ишлари республика иқтисодиётининг етакчи соҳаси ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришга қаратилди. Совет ҳукуматининг 1946 йил 2 февралдаги «Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш учун асос бўлди. Унда Ўзбекистонда пахта етиштиришни беш йилликда 2,5 баравар кўпайтириш қатъий талаб қилинди. Далаларида бугун собиқ иттифоқ тўқимачилик саноати учун пахта етиштирилган Ўзбекистонда пахта терими ва бирламчи ишлов берилиши учун асосан бола туғиш ёшидаги аёллар ва қиз болалар

Одатда туб миллат аҳолиси, айниқса, қишлоқ оилалари кўп болали бўлиши билан бирга турмуш шароити қийин бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳалари, мактабгача тарбия муассасаларининг ривожланиш даражаси эса уларнинг эҳтиёж ва талабларига мос келмаган. Шунингдек, хотин-қизлардан мавсумий ишларда кенг фойдаланишди-ки, бу эса оғир меҳнатни талаб этар эди. Жамоа хўжаликларида аёллар маиший шарт-шароитлар, хусусан, болалар боғчаси йўқлигидан бир қўлида ёки елкасида боласини кўтариб далада меҳнат қилишга мажбур эдилар. Кўпгина аёллар ёш гўдаклари бўлишига қарамай, колхоз раҳбарларининг тазйиқи туфайли далада мажбурий равишда оғир ишларни бажарган. Масалан, Хоразм вилояти прокуратурасида қўзғатилган тергов иши бўйича, 1949 йил 9 майда Хазорасп тумани Бешта қишлоқ советига тушган аризада қайд этилишича, «Ленин» номидаги колхознинг иккинчи бригада бошлиғи Матмуродов Курбонвойдан 8 май куни шу бригадада ишловчи Ходжаева Мамажоннинг уйида чақалоғи борлиги сабаб, унга қараб келиш учун тушлик вақтида рухсат сўрайди. Бироқ бригада бошлиғи уни эшитишни ҳам истамай, пахта чопишни талаб қилиб, унга оғир тан жароҳати етказди. Шу ерда ишлаб юрган Б. Ботирова, Х. Собирова, С. Мамашарипова ва бошқаларнинг аралашуви сабабли М. Ходжаеванинг жони омон қолади. Урганч тумани Сталин номли жамоа хўжалигида жамоа бошлиғи бўлиб ишлаган Ж. Ражабов пахта экиш даврида ишловчиларни уриб, ҳақоратлашлари билан бирга, 1949 йил март ойида Ў. Искандарова ёш гўдагига қараб, ишга кечикиб келгани учун уни ҳақоратлаб, уриб жароҳатлайди. Бундан ташқари, Фарғона вилояти Когон тумани Жданов жамоа хўжалиги бригада бошлиғи бўлган Х. Нурматов шу ерлик 70 ёшли И. Мўминовани дала ишига чиқмаганликда айблаб уради ва тан жароҳати етказди. Бу каби нохуш ҳолат ва вазиятлар республиканинг деярли барча жамоа хўжаликларида кўплаб учраб турган. Ачинарлиси шундаки, кўпгина қишлоқ аёлларининг ҳақ-ҳуқуқлари, хоҳиш-истаклари, мақсадлари инобатга олинмай, уларни мажбурий равишда оғир дала ишларида ишлатиш совет даврида одатга айланиб улгурди. Қишлоқ хўжалик ишларининг олиб борилишига масъул шахсларнинг асосий мақсади ва мажбурияти қандай бўлмасин «юқоридаги» буйруқларни сўзсиз бажариш, режа кетидан қувиш каби масалаларга қаратилди. Шунингдек, аёлларнинг ишлаши айрим оила бошлиқлари томонидан салбий қабул қилинган, яъни патриархал ёндошув асосида уларнинг куч ва қобилиятларини менсимаслик ҳоллари ҳам кўп учраган. Оқибатда, кўпгина маҳаллий хотин-қизларнинг ишга чиқишлари

натижасида оилавий келишмовчиликлар юзага келиб фожиа билан тугаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турган. Мисол учун, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар прокуратурасида 1952 йил декабрда кўрилган иш бўйича М.Курбонов хотини М.Бердиевани ишлашига рухсат бермай уни таҳқирлайди. Охир-оқибат М.Бердиева ўзининг устидан керосин қуйиб ёқиб юборади ва касалхонада жон беради. Кейинги йилларда ҳам бу ҳолатлар кўпайиб борган. Самарқанда 43 аёл, Бухорода 25 аёл, Андижонда 19 аёл ўзини ёндириб юборган. Бундай мураккаб вазият ҳамда фожиали ҳолатларга асосан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган советлар сиёсатида республикадаги миллий анъаналар, муносабатларнинг эътиборга олинмаганлиги ҳам сабаб бўлди. Ҳолбуки, бу борадаги сиёсат республикадаги ижтимоий, маънавий, анъанавий ҳолатларга эътибор берилиб, босқичма-босқич, эҳтиёткорлик билан амалга оширилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ишига хотин-қизларни ҳам жалб этиш бу даврда алоҳида аҳамият касб этган. Айниқса, пахта монокультураси сиёсати туфайли 60-йилларнинг бошларида хотин-қизлардан механизаторлар тайёрлаш янада кенг тус олди. 1959 йилдан 1965 йилгача механизатор аёллар сони 0,4 %дан 2,9 %га ошди. Тошкент вилоятида эса, 15,4 % га етган. 1969 йил 14 январда қабул қилинган СССР Министрлар Советининг «Хотин-қизларни қишлоқ хўжалигидаги юқори малака талаб этадиган меҳнатда иштирок этишга янада кенгроқ жалб этиш тўғрисида»ги қарори бу жараённи янада жадаллаштириб юборди. Қарорда машинасозлик министрлигига механизаторлар ишини осонлаштириш, енгил бошқариладиган, аёллар ҳам удалай оладиган машиналар яратишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш белгиланган эди. Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда кўплаб қишлоқ хўжалиги учун саккиз йиллик мактабларни битирувчилардан ўрта маълумотли, малакали ишчилар тайёрлайдиган уч йиллик қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари очилди. Уларда асосан хотин-қизлардан тракторчи-машинист кадрлар, чорвачилик фермалари механизаторлари, электромонтёрлар, машина-трактор парки ремонти учун ишчи, қурувчи каби мутахассислар тайёрланди.

Маълумки, 60-йилларда «Ҳужум кампанияси»нинг бевосита давоми сифатида турсунойчилик ҳаракати бошланган эди. Минглаб аёллар трактор рулига ўтириб, меҳнат рақобатида ҳатто йигитларни ҳам «сиқиб» чиқаришга муваффақ бўлдилар. Оқибат шу бўлдики,

айрим аёллар табиат томонидан инъом этилган оналик бахтидан маҳрум бўлдилар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизлар соғлиғига ва уларнинг жисмоний имкониятига тракторчилик, комбайнчилик, механик-ҳайдовчилик касблари умуман мақсадга номувофиқ эди. Ҳолбуки, тиббий текширувларнинг кўрсатишича, хотин-қизларнинг трактор, комбайнларда ва шунга ўхшаш бошқа техника турларида ишлаши кўпинча салбий оқибатларга олиб келган. Бундай салбий иллатлар орасида айниқса рак касалликлари, наслсизлик каби оғир касалликларнинг турлари кўпайиб кетган. Бироқ, шундай бўлса-да, олиб борилган советлар сиёсати туфайли аёллар ўртасида бундай касбларни эгаллаш йилдан-йилга кўпайиб борган. Масалан, 1971 йилда хўжалик учун тайёрлов курсларида 1024 аёл-механизатор тайёрланган бўлса, 1976 йилга келиб уларнинг таркиби ўн бароварга кўпайиб, 13982 киши тайёрланган. Айни пайтда республика қишлоқ хўжалигида 1 млн. 41 минг аёллар меҳнат қилиб, умумий ишлаётганларнинг 52 % ини ташкил этган. Шулардан, 969 мингга яқин аёллар қишлоқ хўжалик муассасаларининг турли соҳаларида фаолият юритган. Хусусан, пахта териш машинасининг биринчи ўзбек аёл ҳайдовчиси, кейинчалик икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Турсуной Охунова, Назира Йўлдошева, Ойим Камолова, Мўттихон Жумабоева, Саолат Гулаҳмедова ва бошқалар минглаб ўзбек аёлларининг механизатор кадрлар бўлишига «ўрناق» бўлишган. Қорақалпоғистонлик Ойим Камолова 1959 йил 5 ойлик механизаторлик курсини битириб, гектаридан 60 центнер пахта териш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун 1960 йил мартда «Социалистик меҳнат қаҳрамони» унвони билан тақдирланган. У 1958 йилда СССР Олий Советига депутат, 1965–1971 йилларда Ўзбекистон ССР Олий совет депутатлигига сайланган. Каттакўрғонлик Раҳима Исломова эса ўзбек хотин-қизларини совет, комсомол, қурилиш меҳнатига жалб қилиш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашда фаол қатнашганлиги учун бир нечта совет унвонлари билан тақдирланган. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг икки бор депутати, 1968 йилда «Хизмат кўрсатган пахтакор» унвонини олган. Советларнинг мақсадларига хизмат қилган бундай маънавий рағбатлар ўзбек аёлларидан машаққатли меҳнатни талаб этиши билан бирга бошқа хотин-қизларга «ўрناق бўлиш» вазифасини ҳам ўтаган. Шу сабабли ҳам, кейинги йилларда бу соҳада хотин-қизлар сони сезиларли даражада ошган. Чунончи, 1965 йилда республикада 4500 дан ортиқ аёл механизаторлар тайёрланган. 1978 йил февралда Чиноз туманига тегишли Киров номи колхозда вило-

ят миқёсида «турсунойчилар» номли механизаторлар тайёрлайдиган мактаб очилиб, шу йили 112 қиз мактабни битириб чиққан. Улар ўқиши давомида, 60—80 тоннадан пахта териб берганлар. Бу партия-совет ташвиқотчилари томонидан «шахсининг юксак онглилиги» сифатида талқин қилинган. Амалда бундай ёндошув барча соҳаларда меҳнат самарадорлигини оширишда асосий эътибор иқтисодий рағбатлантириш ёки моддий қизиқтириш эмас, балки «оғир меҳнат» орқали социалистик мусобақани ташкиллаштириш ва «оммавий коммунистик меҳнат ҳаракати»ни ёйиш замирида, Ўзбекистонда барча ишлаб чиқарувчи кучларни ишга солиб, қандай бўлмасин хом ашё маҳсулотини янада кўпайтириш эди.

Манбалардан маълум бўлишича, 50-йилларнинг охири — 60-йилларнинг бошларида хотин-қизлар орасида механизаторлар миқдори анча ортган. Хотин-қизларнинг пахтани машинада теришга бўлган «интилиши» уларнинг «оғир қўл меҳнатида халос бўлишга интилиши» деб баҳоланган. Механизаторларни «пахтачилигимиз истиқболи» деб атаган Турсуной Охунова 1978 йилги йиғим-терим мавсумида ўзининг пахта териш машинасида 460 тонна пахта теришга ваъда берган ва уни машаққатли меҳнат эвазига 461 тонна қилиб ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлган. Бироқ унинг бу фидоийлиги умрига зомин бўлди, яъни Турсуной Охунова қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилишининг қурбони бўлди.

Бу даврларда ерларни кимёвий ўғитлаш иттифоқ кўрсатмаларига биноан юқори босқичда амалга оширилаётган эди. Шунинг учун ҳам, республикада совет маъмурлари томонидан пахтачиликни ривожлантириш учун минерал ўғитлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Республикада 1951 йилда 0,9 млн. тонна минарел ўғит ишлатилган бўлса, 1965 йилда 2 млн. 548 тонна кимёвий ўғит етказиб берилган бўлса, 1979—1980 йилларда уларнинг миқдори 5 млн. тоннадан ошиб кетган эди. Дунё бўйича пестицидлар ҳар бир кишига 300 гр. дан, АҚШ да 800 гр. дан тўғри келган бўлса, республиканинг пахта экиладиган ҳудудларида ҳар бир кишига 1989 йил 25—45 кг. дан тўғри келган. Республика бўйича бўлса, бу ҳар бир кишига 7—8 кг. ни ташкил этган.

Тоталитар совет тузуми ҳукмронлиги йилларида аграр соҳада заҳарли моддаларни ишлатишда катта хатоликларга йўл қўйилиб, айниқса, авиация ёрдамида инсон саломатлиги учун зарарли бўлган заҳарли моддаларни ғўзаларга пуркаш йилдан-йилга авж олиб борган. Бу жараёнда ғўза барглари тўкиш ва зарарку-

нандаларга қарши курашда ишлатиладиган ўта заҳарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва бошқа)дан ҳаддан ташқари кенг миқёсда фойдаланиш аҳоли, жумладан, хотин-қизлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатган. Бунинг оқибатида Хоразм вилояти Хива туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги механизатори Норжон Машарипова сингари ўнлаб механизатор аёллар 40—45 ёшларига етмасдан ҳаётдан кўз юмган. Бироқ, бу каби фожиа қурбонларини ҳеч ким эътиборга олмаган. Аксинча, манбаларда 1981 йилда 60 мингга яқин хотин-қизларнинг пахта териш машиналарини бошқараётгани ҳақида фахрланиб ёзилган.

Ваҳоланки, иш жараёнининг оғирлиги, табиий муҳитнинг заҳарланганлиги, техниканинг ноқулайлиги ва бошқа сабаблар бўлиб, механизаторлар доим чанг, заҳарли кимёвий дориларнинг қўлланиши юқори бўлган далаларда катта куч билан дастакни бошқарган ҳолда меҳнат қилганлар. Чангнинг қуюқлиги, ёзда ҳаво ҳароратининг 40—43 градусга етганлиги тракторчиларнинг нафас олишларини қийинлаштирган. Шу сабабли уларда сурункали касалланиш ҳоллари юқори даражада бўлган. Тиббий кўрик маълумотларида ҳар 700 механизатордан 60—75% и сурункали касалликлар борлиги аниқланган, бунга ишлаб чиқаришдаги ноқулай омиллар сабаб нафас органларида, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак сурункали касалликларини келтириб чиқарган. Бу касалликлар билан оғриганларнинг асосини тракторчи-механизаторлар ташкил этган. Натижада, тракторчиларнинг 45—50 ёшларида бу каби касалликлар кучайиши оқибатида 85%и ногиронлик ҳолига етган. Шу йилларда касалланганларнинг ўлим билан тугаш ҳоллари қайд қилинганда, яъни 1963 йилдан 1968 йилгача қишлоқ хўжалигида 1,4% дан 5,6% га яъни 4 бараварга кўпайган бўлиб, республика халқ хўжалиги бўйича бу кўрсаткич 1,24 % дан 2,47% га кўтарилган, яъни 2 бараварга ошган.

Текширувларнинг кўрсатишича, аксарият механизаторлар нафақа ёшига оз йил қолишига қарамай, 40—45 ёшларида тракторчилик касбини ташлашга мажбур бўлган. Фақат ишловчилардан 3% и 45 ёшгача борган, 50 ёшдан юқорилари 1% ни ташкил этган. Бироқ пахтачилик соҳасида ишлаган механизаторларга қариллик нафақаси бошқа қишлоқ хўжалик соҳасида ишловчи ишчи ва хизматчилар билан бир хилда берилган. Уларга оғир ва зарарли муҳитда ишлаганлиги учун қўшимча имтиёзлар берилмаган.

1969 йил 14 январда қабул қилинган «Хотин-қизларни қишлоқ хўжалигидаги малакали меҳнатда қатнашишга янада кенгроқ жалб қилиш тўғрисида»ги 43-рақамли қарорга мувофиқ, механизатор хо-



тин-қизлар учун қисқартирилган, яъни шу ҳўжаликда мавжуд меъёрлардан 10 % кам иш меъёрлари белгиланиб, қўшимча таътилар 12 кунга қадар узайтирилган. Лекин қабул қилинган қарорлар амалиётга ҳар доим ҳам татбиқ этилавермаган. Шунингдек, пахтачиликни ривожлантиришда аёллар асосий куч ҳисоблангани боис, 50-йилларнинг ўрталаридан бошланган кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш сиёсатини амалга оширишда ҳам республика хотин-қизлари чўл зоналарида меҳнат қила бошладилар. Хусусан, Лола Эрбўтаева, Назира Йўлдошева, Меҳринисо Тўйчиева кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг «чўлқуварлик» фаолияти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. 50—60-йилларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш асосида пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилди. 1956 йил 6 августда «Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда Мирзачўлнинг кўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилганидан кейин пахтачилик ҳўжаликлари ташкил этиш айниқса кенг тус олди. Мазкур қарорга мувофиқ 1962 йилга келиб, Мирзачўлда 300 минг гектар кўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик ҳўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди. Мирзачўл билан биргаликда Марказий Фарғона ерлари, Қарши ва Шеробод чўлларининг ҳам марказнинг пахтага бўлган очкўзларча эҳтиёжини қондириш мақсадида фаоллик билан ўзлаштирилиши натижасида Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Қарши, Сурхон-Шеробод, Бухоро, Қуйи Амударё массивларида янги ерлар, янги пахта майдонлари ташкил этилган. Умуман, Ўзбекистонда уч йил ичида (1953—1955 йй.) 130 минг гектар янги ерлар очилди. 1956 йили Мирзачўлнинг ўзида суғориладиган майдон 205.000 гектарга етди. Шу йилларда Марказий Фарғонани ўзлаштириш муносабати билан Катта Фарғона канали қайта таъмирланди. Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг 2-навбати, Юқори Чирчиқ сув тармоғи, Бухоро вилоятида Қуйимозор сув омбори, Сирдарё вилоятидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали қурилиб фойдаланишга топширилди. 1960 йили республикада суғориладиган ер майдони 2.571 минг гектарга етди.

Марказ томонидан олиб борилган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати туфайли пахта хом ашёси етиштириш 1946—1985 йилларда 5,5 баравар кўпайди, пахта экиладиган майдонлар 1 млн. га дан ортди. 1966—1986 йиллар мобайнида Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигига 45 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 17,1 млрд. сўми суғориш тармоқларига сарфланди. Шу даврда 1,5 млн. га ер ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларда янги совхозлар 160 тани

ташқил этган бўлса, 20 йил давомида бу ерларда 10,4 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилди. Албатта, бу ерда хотин-қизлар меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки совет давлатининг хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш борасидаги сиёсати уларни нафақат сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан эркаклар билан тенглаштирди балки, жисмоний имкониятларини ҳам инобатга олмаган ҳолда, ишлаб чиқаришдаги вазифаларини ҳам тенглаштирди.

### **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**Социалистик мусобақа** — белгиланган режаларни муддатидан илгари бажаришга мажбурлаш усули.

**Ишлаб чиқариш новаторлари** — мажбурий равишда меҳнат фаолияти жараёнида янги ва кўп усулларни қўллаш.

### **«3 x 4» технологияси**

Бу технологияни олиб бориш учун тўғри мақсад кўрсатилиши керак. Масалан: Социалистик мусобақа — бу ...

«Социалистик мусобақа — бу ....» деб ёзилган варақ тўрт гуруҳга тарқатилади. Гуруҳлар: Социалистик мусобақа — бу.....ни давом эттириб таърифлаб ёзадилар. Таъриф уч кўринишда бўлади. Бу таҳлил «3 x 4» технологияси дейилади.

**Тўрт гуруҳ:** Социалистик мусобақани уч кўринишда таърифлаб ёзади. Масалан:

Социалистик мусобақа бу —

а) белгиланган режаларни муддатидан илгари бажаришга мажбурлаш усули;

б) ўзаро беллашув;

в) ишлаб чиқаришни сунъий равишда жадаллаштириш.

Мана шундай тўрт гуруҳнинг таърифидан сўнг, 1-гуруҳ 2-столга ўтадилар, 3-столдагилар 4-столга ўтадилар ва ҳоказо. Бунда столдаги таърифлар жойида қолади, фақат гуруҳ аъзолари ўз жойларини алмаштирадилар. Шундай қилиб, социалистик мусобақа ҳақида ҳар қоғозда 12 таъриф келиб чиқади. Ҳар бир гуруҳ сардори таърифларни доскага илиб ўқиб беради. Шу 4 та қоғоздаги таърифлардан ҳар бир аудитория аъзоси индивидуал таъриф тузади.

Бу технология қўлланганда — талабаларнинг фаоллиги ошади, ҳеч ким бўш ўтирмайди, изланиш, ўйлаш келиб чиқади, аудиторияни гуруҳ бўлиб ишлашга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, урушдан кейинги тикланиш йилларида ўзбек хотин-қизлари халқ хўжалигини тиклашдаги қийинчиликларни бартараф этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар халқ хўжалигининг барча тармоқларига жалб қилинди. Албатта бу жараёнда совет давлатининг аёлларнинг ижтимоий онги ва дунёқарашини ўзгартиришга, эркаклар билан ижтимоий тенглаштиришга қаратилган сиёсати билан бирга ўзбек хотин-қизлари табиатига хос бўлган ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик сингари ижобий хусусиятларнинг аҳамиятини таъкидлаш ўринлидир.

Бироқ совет маъмурлари томонидан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этган хотин-қизларнинг маиший турмуш тарзига эътибор қаратилмади. Уларнинг соғлиги ва ижтимоий муҳофазасига умуман аҳамият берилмади. Қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳам қоғозда қолиб кетди, амалий натижа бермади. «Тенглаштириш» ғояси негизида яширинган ғаразли мақсадлар туфайли хотин-қизлар ўзининг меҳрибон она, яхши уй бекаси кўринишларини йўқотиши каби салбий ҳолатлар билан бирга, оғир жисмоний меҳнат турлари сабаб соғлиқларини ҳам йўқотдилар. Шундай бўлсада, улар ўз фикр ва муносабатларини тузумга хос равишда амалга оширдилар ва маълум даражада хотин-қизлар шу тузум қурбонига айландилар. Халқни бўйсундириш, хотин-қизларни маҳв этиш учун жамиятда қўлланилган қатағон, сургуллар ҳам хотин-қизларнинг жиловланишига олиб келди. Улар ўзлари ҳамда фарзандлари учун ҳам турли ташкилотларда, завод-фабрикаларда, қишлоқ хўжалик соҳаларида тузум қўйган талаб, режа, чақириқларга доимо жавоб бериб, социалистик мусобақаларда, конференцияларда, ҳаракатларда фаол қатнашишга мажбур эдилар. Шунинг учун ҳам, уларда манфаатдорлик ҳисси йўқолиб, берилган режаларни тинмай бажариш қобилияти шакллантирилди. Шу тариқа, улар мамлакат хўжалигини «юқорига» кўтаришда ҳаракатдаги асосий кучга айланиб қолдилар.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Тошкент: Шарқ. 2000.
2. Араловец Н.Д. Женский труд в промышленности СССР. — М.: Профиздат. 1954.
3. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2009. — 152 б.

## **IV.2. 70—80 йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ва маънавий ҳаёт, турғунлик ҳолатлари ва унинг сабаблари. Бу жараённинг Ўзбекистон аёлларига таъсири ва уларнинг ижтимоий аҳволи**

*Мавзу ўқув мақсади: Ўзбекистонда турғунлик ҳолатлари ва унинг сабаблари, бу жараённинг республика аёлларига таъсири ва уларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида, Орол муаммосининг келиб чиқиш сабаблари, экология бузилишининг хотин-қизлар соғлиғига таъсири ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш*

70—80-йилларда мустабид тизимнинг зўравонлик усуллари, иқтисодиётнинг қаттиқ марказлашган ҳолда режалаштирилиши Ўзбекистон саноати ривожланишида жиддий зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Совет империясининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл-йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Режалаштирилган йўл-йўриқлар одатдагидек жадаллаштириш ва «қисташ» сиёсатига асосланган бўлиб, Ўзбекистон учун саноатни ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларида белгиланарди. Беш йиллик режаларининг бажарилиши бир томонлама хусусиятга эга эканлиги, халқ хўжалигини ривожлантиришда асосан, экстенсив усуллардан фойдаланилиши натижасида, 70—80-йилларда Ўзбекистонда турғунлик ҳолатлари юзага келди. Яъни саноат ишлаб чиқариш ривожини, унинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги суръатлари пасайиб, маҳсулотлар сифати, бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашиб кетди. Агар урушдан кейинги дастлабки йилларда ялпи саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10—15 %ни ташкил этган бўлса, эндиликда улар 5—7 % даражасига тушиб қолган эди.

Турғунлик кўринишлари аёллар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этди. Аёл-меҳнаткаш, аёл-онанинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган совет қонунчилиги ҳам бунга эътибор бермади. Аксинча, аёлларнинг жисмоний имконияти, ижтимоий ҳимояси, маиший турмуш тарзи эътиборга олинмаган ҳолда, қанчалик кўп йўқотишлар эвазига хотин-қизларнинг халқ хўжалигидаги «фаол»

иштироки таъминланди. Яъни совет маъмурлари халқ хўжалигидаги турғунлик ҳолатини бартараф этишда арзон ишчи кучи бўлган хотин-қизларнинг ташаббускорлигини ошириш, улар ўртасида «социалистик мусобақа»ни кенг жорий қилиш, «алоҳида танлаб олинган» илғор ва жонқуяр ишчиларни «байроқ» сифатида «ўрнак» қилиб кўрсатиш йўллари билан фойдаланиб, уларни меҳнат қаҳрамонлари, Олий Совет депутати даражасига кўтариб, саноатни турғунлик ҳолатидан олиб чиқишга ҳаракат қилдилар. Яъни уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўз мақсадларига эришишга интилдилар. Бу каби мусобақаларнинг ўтказилишидан асосий мақсад инсонларни миқдордан кўра кўпроқ ишлатиш, белгиланган режаларни қандай бўлмасин бажариш, улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишни кучайтириш эди. Уларнинг ижтимоий-моддий аҳволини яхшилаш ўрнига, «Меҳнат ветерани», «Завод ветерани», «Завод мукофотининг лауреати», «Заводнинг энг яхши бригадаси», «Энг яхши конструктор» каби «фахрий» номларнинг берилиши билан кифояланган. Бироқ бу йўл билан Ўзбекистон саноатини турғунлик ҳолатидан олиб чиқиб бўлмас, янги ислохотлар амалга оширилиши зарур эди. Сиёсий раҳбарият ва коммунистик мафкура бунга тан олишни хоҳламапти.

70–80-йилларда Ўзбекистон саноатида Т.Кардаш, М.Йўлдошева, Д.Қулматова, А.Девятова, М.Жўраева, Л.Казанцева, М.Мўйдинов, Е.Губина, Ш.Холмуҳамедова ва бошқа кўплаб илғор ишчилар ва муҳандис-техник ходимларнинг номлари маълум. Улар ҳалол меҳнатлари билан республика саноати ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Лекин уларнинг ташаббусини «байроқ» қилиш, ишчилар ўртасида «оммалаштириш» Ўзбекистон саноатини турғунлик ҳолатидан олиб чиқа олмади, олиб чиқиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки саноатдаги умумий муаммонинг моҳиятини тушуниб етишни, ҳар бир ишчи ҳам юқорида номлари келтирилган ишчилар каби илғор бўлиш қобилиятига эга эмаслиги ҳақидаги оддий ҳақиқатни англаб етишни, асосий масала моддий манфаатдорликда, иқтисодий муносабатларни тўғри ва маданий изга солишда эканлигини мустабид тузум сиёсий раҳбарияти ва коммунистик мафкура билишни ва тан олишни истамаслигида эди.

1972 йилда халқ хўжалигида ишчи ва хизматчилар орасида аёллар 41,7% бўлиб, саноатда – 46,1%, транспортда – 15,5 %, маориф ва маданиятда – 53,5 %, давлат ва хўжалик бошқаруви, кооператив бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларида – 47,8 %га етди.

Бундан кўринадики, аёллар меҳнатидан фойдаланиш йилдан-йилга ўсиб борди. Ишлаётган хотин-қизлар сон жиҳатидан энгил саноат, шунингдек, шиша, чинни фаянс ва целлюлоза-қоғоз тармоқлари бўйича биринчи ўринда турган. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, озиқ-овқат, ёғочсозлик, химия ва нефть химияси саноатида хотин-қизлар нисбатан кам бўлган. Бунинг сабаби, аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш шароити билан боғлиқ бўлган. Илгари хотин-қизларнинг меҳнати деярли қўлланилмаган етакчи тармоқ — қурилиш соҳасида ҳам хотин-қизлар қатлами ўсиб, бу ерда ишловчилар 17 %ни ташкил этган. Бизнинг назаримизда аёллар оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган соҳаларда эмас, балки иш жараёни энгил бўлган ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этилганда мақсадга мувофиқ бўларди. Советларга хос «тенгҳуқуқлик»ка эришиш оқибатида, аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50 %ини, ҳатто баъзи соҳаларда ундан ҳам кўп қисмини эгаллашди. Хотин-қиз кадрлар масаласида советлар олиб борган сиёсатдаги қарама-қаршилиқлар ижобий ва салбий ишлар ўзига хос кўплаб янги муаммоларни келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида аёллар муаммосининг ҳал этилишида, уларнинг яшаши, ишлаши ва ўз оналик вазифаларини бажаришлари борасида қийинчиликлар туғдирди. Шундай қарама-қаршилиқлар таъсирида совет тузуми аҳолини, хусусан, хотин-қизлардан фидокор камбағал-меҳнаткашлар «армия»сини яратишга эришди.

Кейинги йилларда қўл меҳнати билан банд бўлган хотин-қизлар салмоғи билан бирга, механизациялашган ва автоматлашган меҳнат соҳаларида уларнинг сони кўпайиб борганлиги кузатилади. Раҳбарият хотин-қизларнинг нафақат физиологик хусусиятларига мос бўлган энгил саноат тармоқларига, балки, оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам жалб эта бошлади. Масалан, 1970 йилларда республиканинг приборсозлик ва электроника соҳасида аёллар 45—47%ни, радио техника саноати корхоналарида эса 65—67 %ни ташкил этди. Мутлақо эркакларга хос ҳунарларда, яъни токарлик, пармаловчилик, станокда ишловчи соҳаларда ҳам хотин-қизларни учратиш бора-бора янгилик бўлмай қолди.

Бундай оғир ишларнинг аёллар томонидан бажарилиши эса, ўз навбатида уларнинг соғлиғига салбий таъсир ўтказмасдан қолмасди. Масалан, 1975 йилги Марказий Статистика Бошқармаси маълумотларига кўра, саноатнинг етакчи тармоқларида заҳарли ва оғир меҳнат шароитидаги иш жойларда ишловчи аёллар

электроэнергияда — 11,6%, нефтни қайта ишлашда — 10,6. кўмир саноатида — 56%. қора металлургияда — 59,7%, шиша, фосфор ва фаянсда — 30,9%. саноат қурилиш молларида — 30,8%, озиқ-овқатда — 23,8%. қурилишда — 46,5% ни ташкил қилган бўлиб, 1977 йилнинг ўзида енгил саноатнинг 73% ини хотин-қизлар банд этган бўлса, шулардан 5000 нафари ишлаш зарарли шароитда бўлган жойларда, 9000 нафари шовқин, заҳарли газ, кучли тебранишли, 10000 нафари яхши ёритилмаган иш жойларда меҳнат қилишган. 1980 йилларнинг ўрталаридаги маълумотларга кўра, республикада 145 мингта иш жойи меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига тўғри келмаган, 112,5 минг нафар аёл кучли шовқинда чанг ва газланган, ҳарорат режими ноқулай шароитда, ёмон ёритилган, 43,8 минг нафар аёл эса тунги сменада ишлаган. Юз бераётган техник ўзгаришлар — шовқин тебраниш, баланд ва паст ҳароратлар, зарарли химик ва бошқа моддаларнинг хотин-қизлар организмнинг физиологик хусусиятларига салбий таъсир ўтказиб, эшитиш органларининг товушга бўлган сезгирлигини пасайтиришига, юрак, жигар фаолиятини ишдан чиқишига, нерв тўқималарининг ҳаддан ортиқ зўриқиши ва кучсизланишига сабаб бўлди. Маҳсулотни узлуксиз усулда ишлаб чиқариш, катта ҳажмлардаги станокларни пультлар ёрдамида бошқариш аёллар меҳнатининг асабий-психологик танглигини орттирган. Уларнинг жами иш куни суткада 16 соат бўлиб, дам олиш кунлари ва таътиллари ҳам кўшиб ҳисоблаганда йилига ўрта ҳисобда 11,5 соат бўларди. Бу эркаларнинг жами иш кунига нисбатан 1,5—2 баравар кўп эди. Бу ҳолат аёлларнинг етарли дам олиш имкониятини бермасди. Нафақаларни белгилашда ҳам аёллар — ишчи, хизматчи ва колхоз аъзолари сифатида табақалаштирилган. 1989 йилгача энг кам нафақа ишчи ва хизматчиларга ойига 50 рубль, колхозчи аёлларга 40 рубль қилиб белгиланди. Халқ хўжалигида 50 %ни ташкил этган аёллар, ҳаётнинг барча жабҳаларида эркак ва аёлнинг тенглиги учун ҳаракатда оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган соҳаларга ҳам жалб қилинди. Бу меҳнатни муҳофаза қилишнинг меъёр ва қонунларига зид келар ҳамда аёлларга жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида кўпроқ эътибор берилар, маданий-маърифий соҳада амалга оширилган ишлар ҳам айни шу мақсадни кўзлаган, яъни аёллар ўзлигини, соғлигини, оиласини, фарзандларини унутиб маълум даражада «режаларни ортиғи билан бажариш», «зарбдор», «меҳнат қаҳрамони» каби «номдор» атамаларга учиб, жонини жабборга берувчи «темир хотинларнинг» яратилиши хотин-қизлар-

нинг турмушига, келажак авлоднинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи оқибатларни вужудга келтирди. Совет давлати маъмурияти хотин-қизларнинг ишчилар сафларини тўлдирувчи манба эканлигини ҳисобга олиб, бу каби долзарб муаммоларга етарлича эътибор бермади.

Республика халқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши иттифоқдаги ўртача даражадан анча юқори эди. Шунинг учун ҳам, аёллардан малакали кадрлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланиш, улар учун етарли иш шароитлари яратиб бериш талаб этиларди. Аёллар меҳнатига бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда республика ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш зарур чоралардан бири эди. Ишлаб чиқаришнинг моддий соҳасини ва ўқув юртларни айниқса ҳунар-техника билим юртларини кичик ва ўрта шаҳар, қишлоқларга, хотин-қизлар кўп тўпланган жойларга яқинлаштириш бош йўналишлардан ҳисобланарди. Ишлаб чиқаришнинг уйда ишлаши ёки тўла бўлмаган иш кунини кенг қўлланиш имкони бўлган тармоқларини жадал ривожлантириш ҳам зарур эди. Бу ўзлари учун қулай шароитлар асосида ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳлаган жуда кўп аёлларга ижтимоий меҳнат билан шуғулланиш имконини берарди. Бу масалани ўрганишда кўп болали бўлган аёллардан касаначи сифатида фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта самара берарди. Бир тарафдан ўзбек аёлларининг туғиши юқори бўлганидан, уларнинг меҳнат фаолиятида самарали фойдаланиш учун касаначиликни йўлга қўйишини тезлаштириш лозим бўлган. Бироқ мамлакатда меҳнатнинг ушбу туридан кенг фойдаланилмади. Мисол учун, 1986 йилда саноатнинг касаначилик турига атиги 16 минг нафар аёл жалб этилган. Бу ишлар ўз вақтида амалга оширилганда уйда ишлайдиган аёлларнинг маълум даражада ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишга интилиши, оила фаровонлигини ошириш, иқтисодий жиҳатдан бирмунча мустақил бўлиш, болаларга ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини сингдириш ва уларда меҳнатни кадрлаш туйғусида тарбиялаш имконини берарди. Аёллар меҳнатидан касаначиликда фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори самараларни берарди.

Шунингдек, 70–80-йилларда ҳам давом этган тоталитар режим асосидаги қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши хотин-қизларнинг турмуш тарзида нохуш, оғир ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарган.



«Пахта майдонлари- мардлар макони» деган шиор остида хотин-қизлар огир меҳнатларни бажаришга сафарбар қилинган, аёлларни қишлоқ хўжалигига жалб қилиш орқали уларнинг меҳнатидан юқори даражада фойдаланиш давом этган. Хусусан, аёллар «15 минг килограммчи», «10 тонна терувчи», «15 тонна терувчи», «режани ортиги билан бажарувчи», «зарбдор» ва ҳоказо номлар остида коммунистик партиянинг ниқобланган сиёсати остида фидоийларча меҳнат қилишга мажбур этилган. Жумладан, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Тамара Мусаева 1970 йилги йиғим-терим мавсумида 10 тонна пахта тергани боис СССР Олий Советининг депутати этиб сайланган. Шундан сўнг, наманганлик теримчи Тамара Мусаева мажбуриятини янада кўтаришга рағбатлантирилиши оқибатида 18 тонна пахта теришни ўз олдига мақсад қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин: Сирдарё раёонидаги «Малик» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, механик ҳайдовчи Тўхтаҳон Қирғизбоева 40 центнер, Янгийўл тумани Киров номли колхоз механизатори Т.Охунова 161 тонна, Бухоро вилояти Свердлов тумани Коммунизм колхози механизатори М.Фузайлова 300 тонна, Кўшкўпир туман «Тошкент» колхози механик — ҳайдовчиси У.Нуруллаева 200 тонна пахтани ўз «зангори кема»лари бункеридан тўкиб, юқори натижаларга эришганликлари овоза қилинган. Бироқ қишлоқ хотин-қизларининг имконияти даражасида бўлмаган мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар этилиши натижасида машаққатли меҳнат орқали эришилган бу каби юқори кўрсаткичлари марказнинг пахта мустақиллигини таъминлашдаги эҳтиёжини қониқтира олмади. Шунинг учун уни янада кучайтириш мақсадида туманлараро, вилоятлараро слётлар ва ҳатто республикалараро мусобақалар ҳам ўтказилган. Мажбурий ишлашга даъват этишнинг бундай маданий кўринишлари мустақилликкача бўлган давр мобайнида мунтазам амалга ошириб келинган. Марказ ўзининг пахта мустақиллигига эришиш йўлида меҳнат frontiда фаолият юритаётган «илғор»ларни сиёсий жиҳатдан рағбатлантириб борган. Бунда аёлларнинг имконияти ва маиший эҳтиёжлари инобатга олинмаган.

Кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёнида ташкил этилган совхозларда ҳам аҳолининг 58,1 и меҳнат қилиб, тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этган. Уларнинг меҳнат фаолиятидан янада унумли фойдаланиш мақсадида мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилган. Жумладан, Сир-


дарё вилояти Ильич районидаги «Правда» колхози бўлим бошқарувчиси М.Мирбобоева 1962—1979 йилларда Мирзачўлни обод қилишда ўз меҳнати билан фидойлик қилиб, пахта ва галла етиштиришдаги хизматлари учун «Хурмат белгиси» ва «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари билан тақдирланган.

1971 йилда Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Ленин номи колхоз механизатори М.Фозилова Фарғона ҳамда Зомин чўлини ўзлаштиришдаги меҳнати учун Фарғона вилоят комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Мақсуда Фозилова Фарғона чўлида ўз бригадаси билан 50 гектар ерни ўзлаштириб, гектаридан 37 центнергача пахтадан мўл ҳосил териб олишга муваффақ бўлган. Мақсуда Фозилова Зомин чўлини ўзлаштириш учун матбуотда эълон қилинган мурожаатномадан воқиф бўлганидан сўнг, тенгқурлари билан 200 гектар шўрхок ерни ўзлаштиришда ҳам фаол иштирок этиб, ўз бригадаси билан гектаридан 25 центнергача ҳосил олишга муваффақ бўлган. 60—70-йилларда чоп этилган вақтли матбуот ва журналларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ўз меҳнатини аямаган минглаб аёлларни мадҳ этувчи маълумотлар талайгина бўлса-да, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳақида умуман ёзилмаган.

80-йилларнинг ўрталарига келганда, давлатга 5 миллион 400 минг тонна пахта топширган ўзбек халқининг пахтачиликка ихтисослашган янги ташкил этилган хўжаликларидаги ижтимоий-маданий, маиший муассаса ва уй-жой қурилишлари қолоқ даражада бўлиб, уларга бўлган эътибор «унутилиб» қолдирилган эди. Меҳнаткашларнинг жумладан, хотин-қизларнинг моддий аҳволи тобора оғирлашиб борган. Собиқ Иттифоқнинг асосан ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган позицияси ижтимоий муаммоларни кейинги ўринга суриб қўйган эди. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга мажбур этилган аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар сезиларли даражада чекланган эди. Уларга маиший, тиббий хизмат кўрсатиш ниҳоятда паст даражада эди. Аёллар меҳнатига талаб қанчалик юқори даражада бўлса-да, улар учун шароитлар яратиш масаласига эътибор шунчалик паст бўлган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ҳам умумий даражаси жуда паст бўлган. Қишлоқларда шаҳарларга нисбатан 2—2,5 баравар камроқ маиший хизмат кўрсатилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон аграр хусусиятга эга давлат бўлганлиги учун, хотин-қизларнинг аксарияти қишлоқларда истиқомат қилган:

№	Йиллар	Собиқ Иттифок шаҳар ва қишлоқ аҳолиси		Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
1.	1959	392	338	411	303
2.	1970	522	452	504	415
3.	1979	685	597	680	599



Баъзи қишлоқ жойларда тикув цеҳлари, кир ювиш жойлари, ҳаммом, сартарошхоналар умуман бўлмаган. Айрим тиббиёт масканлари, мактаб ёки боғчалар қурилиши давом этаётган бўлса-да, фойдаланишга топширилди, деган сохта ҳисоботлар берилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш билан боғлиқ кўпгина қарорлар қабул қилинган бўлса-да (Постановление Совета Министров СССР и ВЦСПС от 25 апреля 1978 года «О дополнительных мерах по улучшению условий труда женщин, занятых в народном хозяйстве» №320; Постановление Госкомтруда СССР и Президиума ВЦСПС СССР от 25 июля 1978 года «Об утверждении списка производств, профессий и работ с тяжелыми и вредными условиями труда, на которых запрещается применение труда женщин» №240/ П 10–3) амалда бажарилмай, қоғозда қолиб кетган. Назорат органлари эса, ўз ишларига масъулият билан ёндошмай, қўшиб-ёзиш, камчиликларни хаспўшлаш билан овора бўлишган. Амалда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш даражаси жиҳатидан Ўзбекистон собиқ Иттифокдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада эди. Ўзбекистон-

да аҳолига, шу жумладан, хотин-қизларга маиший хизмат кўрсатиш ҳажми (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) мамлакатдаги ўртача 35 сўм ўрнига 30 сўмни ташкил этган.

1975 йил 28 августда раҳбарият «хотин-қизлар соғлигини сақлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шундан сўнг Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, тунги сменада, захарли ва оғир шароитли иш жойларда ишлаётган 13000 нафар ходимнинг иши соғлиғи учун хавфсиз ва иши енгил бўлган жойларга алмаштирилди. Айнан шу йилларда республикада 800 та аёллар ва болалар консултацияси, 4523 та гинекология ва 14903 та акушерлик муассасалари бўлиб, 1975 йилнинг ўзида қарийб 300 минг аёллар тиббий кўрикдан ўтиб даволанди. Бу вақтда 5194 та мактабгача болалар муассасаларида 561,2 минг нафар болалар тарбияланар, бу эса, умумий боғча ёшидаги болаларнинг 19,6 %ини кўрсатарди. Бу йилларда аёллар ва болалар шароити учун маълум даражада ижобий ишлар амалга оширилсада, лекин бу билан хотин-қизларнинг аҳоли етарли даражада яхшиланган деб бўлмасди. Ўзбекистонда аёлларнинг иш билан банд бўлиши ҳолати туғилишнинг юқори кўрсаткичи билан ўсиб борди. Бу даврда кўп болали оналар сони 1,6 мартага кўпайди. Чунончи, 1965 йилда 355,1 минг нафар гўдак туғилган бўлса, 1983 йилда 609,4 минг нафар гўдак дунёга келди. Ҳар минг киши ҳисобига туғилганларнинг сони жиҳатидан Ўзбекистон иттифоқдош мамлакатлар орасида 35,3%да бўлиб етакчиликни ташкил этди. Бундан кўринадики, кўп болали оналар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Масалан, 1974 йил 1 январь маълумотларига кўра, республикада 27,1 минг аёл «Қаҳрамон она», 603,8 минг аёл «Оналик шуҳрати» ордени, 1 млн. 344,7 минг кўп болалик она «Оналик медали» билан мукофотланган. 80-йилларнинг ўрталарида эса, 5 нафардан фарзанди бўлган 1 миллион 200 минг нафар аёл, шу жумладан, 100 мингга яқин аёлларнинг фарзандлари ундан ҳам кўп бўлиб, улар совет давлати сиёсатига кўра, «қаҳрамон оналар» эди. Уларнинг сони 376 минг нафардан кўпроқни ташкил этган. 1 миллиондан зиёд аёл «Оналик шуҳрати» (9 фарзанд туғиб тарбиялаган аёллар 1 даражали, 8 фарзанд учун 2 даражали) орденига, 2 миллиондан ортиқ аёл (6 фарзанд туғиб тарбиялаган аёллар 1 даражали, 5 фарзанд учун 2 даражали) «Оналик медал»ига сазовор бўлишган. Етти ва ундан ортиқ фарзандли ва давлат нафақасини олиб турадиган кўп болали оналар сони Ўзбекистонда 1970—1980 йилларда 187 мингдан 213 мингга

яқин кўпайган. Айниқса саноат тармоқларида кадрлар танқислиги сезиларли бўлган ушбу йилларда маҳаллий хотин-қизлар орасида ижтимоий фаоллик билан бирга кўп болалиликнинг авж олиши аёллар организми ва уларнинг туғилган фарзандлари учун ҳам катта куч ва зўриқишга олиб келди. Бундай шароитда аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишни асосий мақсад деб билган совет ҳукумати ва унинг маънавий раҳнамоси бўлган коммунистик партия асосий эътиборни болалар боғчалари ва яслилар қуришдан иборат муҳим ижтимоий масалага қаратиши лозим эди. Бироқ, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишни хотин-қизлар ижтимоийлашувининг ягона йўли деб эътироф этган мустабид совет тузуми, уларга бунинг учун имкониятлар яратиш масаласига эътибор қаратмади. Ваҳоланки, кўп болали онага интенсив профессионал фаолиятни оила ва турмушдаги вазифалар билан бирга қўшиб олиб бориш учун хотин-қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятларига ҳал қилувчи даражада эътибор қаратиш лозим эди. Шунингдек, аёлларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда уларнинг ишдаги вақтини 1–2 соат камайтириш лозим эди.

Аёлларнинг бўш вақти кўпроқ бўлиб, оилада болалар тарбияси билан шуғулланишлари учун шароит яратиб берилиши кераклиги ва аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1980 йилларнинг ўзида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинди. Жумладан, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Болали оилаларга ёрдамини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар» қарорига мувофиқ, 1981 йилдан бошлаб умумий иш стажининг бир йилдан кам бўлмаган ишлаб турган оналарга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган аёлларга боласининг бир ёшга тўлгунга қадар қарашини учун қисман ҳақ тўланадиган таътил бериш кўзда тутилди. Бу таътил учун Узоқ Шарқ, Сибирь ва шимолий районларда ойига 50 рубль, қолган бошқа ҳудудларда 35 рубль миқдорида ҳақ тўланган. Кейинчалик бола икки ёшга тўлгунга қадар шундай таътил бериш ва узлуксиз иш стажининг, мутахассислик бўйича иш стажини сақлаш белгиланди. Бундан ташқари, икки ёки ундан ортиқ болали ишловчи аёлларга болаларининг 12 ёшга етгунга қадар ҳақ тўланадиган уч кунлик қўшимча таътил бериладиган бўлди ва у 28 календарь кундан ошиб кетмаслиги керак бўлган. Бунда аёллар таътилларининг ўзлари учун қулай бўлган пайтларда олишлари мумкин бўлган. Болалар боғ-

ча-яслилари, мактаб ва куни узайтирилган бўлимлар каби болалар муассасалари ҳам маълум даражада ривожлантирилди. Мактабгача бўлган муассасаларда болаларни овқатлантиришга қилинадиган харажатлар 10—15 %га кўпайтирилган, ота-оналар ясли, мактаб-интернатларга тўланадиган ҳақдан озод этилган (оиланинг ҳар бир аъзосига ойига 60 сўмга етмаган оилалар). Бу тadbирлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича маълум энгиликларни яратган, бироқ аёллар муаммоларининг ечими бўйича тўлиқ ижобий натижа бермади. Чунончи, мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланишда ривожланиш бўлсада, республикада умумиттифоқдагига нисбатан 2 баравар паст бўлиб, 1—6 ёшдаги болаларнинг атиги 30 %и боғча ва яслиларга қатнаган, қишлоқларда бу кўрсаткич янада қуйи даражада бўлган.

Айниқса соғлиқни сақлаш соҳаси ниҳоятда танг ҳолатда эди. Хусусан, 1980 йилларнинг охирларида касалхона муассасаси қишлоқларнинг 20 %ида мавжуд бўлган. Бироқ улар асосан мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимлари ва зарур асбоб ускуналар билан етарли таъмин этилмади. Умуман, совет давлати ҳукмронлиги даврида қабул қилинган қарорларда, қонунларда ноаниқликлар мавжудлиги, уларнинг амалга оширилишида мунтазамликнинг ўрнига мавсумийлик усулининг ишлатилганлиги сабаб, ўзига хос зиддиятли оқибатларни ҳам олиб келган. Энг ачинарлиси аёллар, болалар масаласида қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмаслиги кўп ҳолларда маълум бўлди. Ҳолбуки, Ўзбекистонда туғадиган ёшдаги аёлларнинг барча гуруҳларида туғиш кўрсаткичлари иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори эди. Масалан, 1979—1980 йилларда бу кўрсаткичлар ўртача иттифоқ кўрсаткичларига нисбатан қуйидагича бўлган: 20 дан кам ёш гуруҳида—86,3%; 20—24 ёшда — 156,2%; 25—29 ёшда — 219,7%; 30—34 ёшда — 296,5%; 35—39 ёшда— 411,7%; 40—44 ёшда — 592,2%; 45—49 ёшда — 760%; умуман 15—49 ёшда — 211,2% да бўлган. Ҳар 1000 ўзбек аёлининг 333 нафари кўп болали оналарга кирган, яъни улар ўртача ҳисоблаганда 5 ва ундан ортиқ болали бўлган. Совет сиёсати томонидан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар амалга оширилсада, бироқ бу ўзгаришлар оналар ва болалар ҳақ-ҳуқуқларини муаммоларининг ечимини тўла ҳал этмади.

Шунингдек, 70—80-йиллар давомида марказнинг иқтисодий соҳадаги ўзбошимчалиги, яъни республикада пахтага ихтисослашувнинг қаттиқлашуви, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етқа-

зиб беришга кескин талабнинг оширилиши, бунда хўжалик имкониятларини эмас, балки давлат эҳтиёжларининг ҳисобга олиниши қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши, тоталитар режимнинг суғориш технологиясига қўпол аралашуви оғир экологик ва бошқа турли нохуш ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарди. 1985 йилга келиб, республикада 900 та суғориш тармоғи, 92 минг гидротехник қурилмалар, 10 млрд.м<sup>3</sup> ҳажмда сув тўплайдиган 23 та сув омборлари мавжуд эди. 70–80-йилларда сувнинг табиий мувозанатининг бузилиши ер, сув, ҳаттоки, ҳавонинг заҳарланишига олиб келди. Мавжуд сув захираси имкониятларидан ортиқ ерларнинг ўзлаштирилиши, тоғ ёнбағирларига экин экилиши, ўрмонларнинг шафқатсизлик билан кесилиши, дарё ва қўл сувларининг ифлосланиши ҳайвонот оламида ҳалокатли ўзгаришларни юзага келтирди. Орол денгизи яқин ўтмишда дунёдаги энг катта қўллардан ҳисобланиб, балиқчилик, овчилик, транспорт соҳаси яхши йўлга қўйилган эди. Бироқ бир авлод умри давомида бу денгиз қуриди. Бир мустабид тузум раҳбариятининг республикадаги пахта яккахокимлиги сиёсати, маъмурий буйруқбозликка асосланган советча иқтисодиёт Орол атрофида фавқулодда ҳалокатли экологик хатарни келтириб чиқарди.

Орол денгизининг қуриши 1960–70 йилларда йилига 18 см, 1971–1980 йилларда 53 см, 1981–1985 йилларда – 78 см, 1985 йилга келиб эса 87 см. га етди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 барабар қисқарди, денгиз ўз қирғоғида 75–80, баъзи жойларда 100 км га чекинди. 1980 йилларнинг бошида Орол денгизига сув келиши деярли бутунлай тўхтаб, нодир сув макони қурий бошлади. Бу ерларда 2 млн. га туз ва қумдан иборат майдон очилиб қолди.

Айниқса, 70–80-йилларда собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан олиб борилган талончилик сиёсатининг кучайиши натижасида экологиянинг бузилиш жараёни янада авж олди. Оқибатда «Ривожланган социализм» (1960–1985 йиллар) «мерос» қилиб қолдирган энг оғир ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммо – Орол муаммоси келиб чиқди. Мазкур муаммо жамият ва табиатнинг ўзаро мувофиқ муносабатларининг бузилиши оқибатида юзага келган бўлиб, мустабид совет ҳокимиятининг пахтага бўлган эҳтиёжи, яъни пахта яккахокимлиги (монокультураси) сиёсатининг натижасидир.

Орол муаммосининг келиб чиқишидаги субъектив сабабларга энг аввало мустабид совет ҳокимиятининг марказлашган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати, бу муаммонинг етакчи мутахассис-

лар томонидан беэътибор қолганлиги, аҳолининг, хусусан, аёллар ва болалар соғлиги, атроф-муҳит тозалигига бефарқликнинг ҳукм суриши киради.

Объектив сабабларига эса, ҳудуднинг географик жойлашуви, Орол бўйи минтақаси аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг паст даражада эканлиги, етарли даражадаги ер ости сувларининг йўқлиги, саноатдан чиқадиган сув билан дарё суви ифлосланишининг кучайиши ва ҳоказолар киради. Аҳоли ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ равишда узоқ давр мобайнида атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ҳажми ҳам юқори суръатлар билан кўпайиб борди. Ишлаб чиқаришда, қолаверса, бугун халқ хўжалигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари корхона ва ташкилотлар олдида қатъий қилиб қўйилмаган эди. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни қўллаш ва алмашлаб экиш технологиясининг бузилиши ҳамда аграр секторда ишлаб чиқаришнинг экстенсив омиллар эвазига ривожланиши ҳам экологик муҳитга жиддий таъсир қилди.

Мустақиллик арафасида ҳар бир гектар ғўза майдонига ишлатилган заҳари кучли моддалар миқдори 24,5 кг (ривожланган мамлакатларда 0,5 кг)ни ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси ФА ва Қорақалпоғистон илмий тадқиқот экспериментал тиббий хулосаларига кўра, 1980—1992 йилларда ҳар гектар ерга 72,3 кгдан пестицид ишлатилганини кўрсатган. Яъни ҳар бир гектар ерга 900 кг кимёвий ўғитлар тўғри келгани ҳолда, умумий миқдори 29,217 минг тонна бўлган жами 55 хил пестицид ишлатилган. Ваҳоланки, бу кимёвий ўғитлар тупроқ таркибини ифлослантирибгина қолмай, балки инсон организми учун ҳам хавфлидир. Масалан, заҳарли ҳисобланган альдрин химикати 4 йилгача, таксафен қуруқ қумоқ тупроқда 10 йилгача, хлораден 12 йилгача парчаланмай ётиши аниқланган. Маргимуш ва хлорафат бирикмалари эса, 10 йилдан сўнг ҳам инсон организми учун зарарли ҳисобланар экан. Профессор Ж.Дорсийнинг фикрича, кишилар организми пестицидлар билан аста-секин заҳарланиб борали ва уларнинг таъсири маълум давр ўтгандан сўнггина кўрина бошлайди. Оқибатда, алоҳида индивид ёки бутун бошли халқ унинг қурбонига айланиши мумкин экан.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 90-йиллар бошларигача 1 гектар ерга ўртача 700—1000 кг минерал ўғитлар қўлланиб келинган бўлиб, уларнинг фақат 35—40 %и, фосфатларнинг эса 15—20 %игина ўсимликлар томонидан ўзлаштирилган, холос, қолган қисмлари қийин ўзлаштирилувчи шаклда ўтган ёки



ер остки ва устки сувларига бориб қўшилган, зовур сувлари таркибида учраган 25 % азот ва 5–10 % миқдорда фосфорнинг борлиги буни тасдиқлайди. Солинадиган заҳарли (инсектицид, гербицид, фунгицид ва бошқалар) дорилар гектарига 50 кг ни ташкил этган, бу миқдор иттифоқ давридаги ўртача кўрсаткичлардан 25–30 марта ортиқ. Агар 80-йилларда бутун дунёда ҳар бир гектар ерга 300 г пестицид ишлатилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 50 барабар юқорилиги маълум бўлади. Ушбу маълумотлар Совет ҳукумати-нинг маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган тоталитар режим остида амалга оширилган кўр-кўрона ва охир-оқибатини ўйла-масдан амалга оширган сиёсатини акс эттиради. Лекин бу сиёсат тарихий жараёнлар давомида ўз манфаати йўлида зўравонлик, тажовузкорлик каби иллатларни ҳам намоён қилди.

70–80-йилларда республика аёлларининг меҳнати йилдан-йилга оғирлашиб, иқтисодий, экологик, демографик танглик кучайиб, уларнинг турмуш тарзи ёмонлашиб, болалар ўлими тобора ортиб, дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турган бир пайтда айрим кишилар марказдан туриб, болалар ўлимининг сабабини оналарнинг кетма-кет туғаетганликларидан, кўп болаликдан излай бошладилар. Ҳолбуки, ўша даврда хотин-қизлар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатган асосий омил меҳнат ва турмуш шароитининг ниҳоятда оғирлиги (жазирамада кетмон чопган, изғиринда қанорлаб пахта териб кўтарган), қишлоқнинг ижтимоий жиҳатдан қолоқлиги, иқтисодий қашшоқлик, экологик ва демографик фалокат вужудга келтирган вазият эди.

Қишлоқ жойлардаги хотин-қизлар зиммасига тушган ҳаддан ташқари оғирлик баъзан асаб чидамаслигига ва умидсизлик ҳолатига олиб келар эди. Турғунлик йилларида аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бўлмаганлиги уларни чорасизликка, айниқса, ички исённи ифода этишнинг энг оғир йўли бўлган — ўзини ўзи ёқишга олиб келди. Натижада, 1986–87 йилларда республикада оиладаги мураккаб аҳволга чидай олмаган 290 нафар аёл ўзига ўзи ўт қўйган, Самарқанд вилоятида 1989 йилнинг беш ойида — 13 нафар хотин-қизлар ўзини ёққан. Бундай ҳолатлар яна Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Ургут, Китоб, Пойариқ туманларида ҳам рўй берган. Ваҳоланки, аёллар турмуши ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий соҳани тубдан яхши-лашгина бундай фожиалар олдини олиши мумкин эди.

1990 йил ва 1993 йилнинг тўққиз ойи давомида Хоразм вилояти хотин-қизлари орасида ҳам ўз жонига қасд қилиш билан боғ-

лик 62 та фожиали ҳодиса рўйхатга олинган. Жумладан, 1990 йилда хотин-қизлар ўртасида 26 марта ўз жонига қасд қилиш воқеаси содир этилган бўлиб, шулардан 15,4 %и (4 нафари) ўзи ўт қўйишга, 38,7 %и (10 нафари) ўзини ўзи осишга, 46,1 %и (12 нафари) сирка ва бошқа заҳарли моддаларни ичишга уринган. Оқибатда, ана шу аёлларнинг 73,1 %и (19 нафари) бевақт ҳаётдан кўз юмган. 1993 йилнинг тўққиз ойи давомида бу кўрсаткич 36 тага кўпайган. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, 1993 йилда ўз жонига қасд қилганларнинг аксарияти ўзини поезд тагига ташлаш ва бошқа йўллар билан нобуд қилишган. Шуниси ажабланарлики, фожиага дучор бўлганларнинг 22 нафарини уй бекалари, 20 нафарини ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар, 18 нафарини ўқувчи-ёшлар, 55 нафарини тўлиқсиз ўрта, 1 нафарини махсус ўрта ва 3 нафарини бошланғич маълумотга эга бўлган хотин-қизлар ташкил этган. Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзини ўзи ўлдириш қишлоқ аёллари ўртасида шаҳарликларга нисбатан 4 барабар кўп бўлиб, аксарият ҳолларда оилавий жанжаллар билан боғлиқдир.

Шунингдек, Орол ҳудудидаги аҳолининг асосан, хотин-қизларнинг саломатлиги ҳам йилдан-йилга ёмонлашиб борган. Уларнинг турли касалликларга чалинишига сув таркибининг ёмонлиги, озиқ-овқатнинг етарли эмаслиги, ҳавонинг ўта ифлослангани, ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар сабаб бўлган. Мазкур омиллар ҳомиладор аёлларнинг ҳомила тизимига, тўқималарига, она организмидаги моддалар алмашинуви ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.


Атроф-муҳитнинг муттасил заҳарланиб борганлигига қарамасдан, пахтазорларда миллионлаб инсонлар, жумладан, аёллар, ҳатто ҳомиладор аёллар ҳам бу далаларда тиним билмай меҳнат қилдилар. Оқибатда, қишлоқ жойлардаги 29 % аёллар турли хасталикларга чалинган ҳолда кўз ёрдилар. Қишлоқларда яшаётган аёлларнинг кўпчилиги, туғиш ёшидаги аёлларнинг 89,3 %и камқонлик касалига мубтало бўлган эди. 90-йилларда Ўзбекистонда аёлларнинг 90 %дан зиёдроғи камқон эди. Ҳолбуки, Иттифоқда бу хасталик бўйича ўртача кўрсаткич 27,3 %ни ташкил этар эди. Шунингдек, 87—99 % аёллар камқонликнинг ҳар хил даражалари билан касалланган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳомиладор аёлларининг 90 %и ана шундай дард билан кўз ёрдилар. 8,4 % ҳомиладор аёлларнинг туғиш жараёнида қон кетиш ҳоллари рўй берган. Касалманд, заиф болалар туғилиши 86,9 %ни, туғма нуқсонлар би-

лан туғилган чақалоқлар 5 %ни ташкил этган. Ўз вақтида туғилган болаларнинг 40 %ида, муддатидан ўтиб туғилганларнинг 60 %ида нафас йўллари билан боғлиқ нуқсонлар кузатилган. Чунки ҳомиладорлик даврининг турли касалликлар, камқонлик билан ўтиши, аёлларнинг бу даврда оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланишлари, ўз вақтида тўлиқ, яхши, сифатли овқат емасликлари, озиқ-овқат таркибида оқсиллар, витаминлар, аминокислоталар ва минералларнинг етишмаслиги, бунинг устига, экологик зарарли атроф-муҳитда яшаш ва ишлаш, оналар ҳамда уларнинг гўдаклари саломатлигига жиддий шикаст етказди. Туғилаётган болаларнинг 30–40 %и ҳар хил касаллик билан дунёга келаётганлигига ҳам ўша диоксин моддаси сабабчи эканлиги маълум бўлди. Олимларнинг гувоҳлик беришича, диоксиннинг юз миллиарддан бир қисми ҳам инсон организмнинг иммунабиологик кучларини кескин даражада пасайтириш, насл-насабини бузиш хусусиятига эга бўлиб, у ўз хусусиятини 5–10 йил мобайнида ҳам йўқотмас экан. 8,9 % аёлларда йод моддасининг етишмаслиги аниқланган. 30 % аёллар буйрак хасталигига чалинган. Ҳар хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар-бронхит, бронхопневмония, қон босими, ошқозон-ичак хасталиклари, саратон, сил ва ҳоказо касаллик турлари кўпайиб борган. Бутун Оролбўйида қорин тифи касаллиги 30 баробар, юқумли сариқ касаллиги 7 баробар ортиб кетган. 1980–1986 йиллар орасида таркибида туз кўп тўпланган ичимлик сувини истеъмол қилиш оқибатида буйракка тош йиғилиш касаллигига чалинганлар сони ўн марта, сурункали ошқозон касаллиги уч баробар, артроз-артрит билан касалланганлар сони 3,7 марта кўпайган. Юқумли касалликлар билан, айниқса сил билан оғриганлар сўнгги ўн йил ичида 2 мартага ошган.

Совет ҳукумати йилларида ҳудудда айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш жиддий муаммолигича қолди. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида ҳам кўпгина қарор ва қонунлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўртасида номувофиқлик мавжуд эди. Масалан, 1981 йил 22 январда СССР Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг қарорида ҳам кўп болали оналарга тўлиқ бўлмаган иш куни ёки қисқартирилган иш ҳафтасидан фойдаланган ҳолда, ишлаш ёки уйда ишни ташкил этиш имкониятларини яратиш масаласига эътибор қаратилган. Партиянинг охири XXVII съездида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, декрет таътилидаги аёллар учун боласи 1,5 ёшга тўлгунча, кам таъминланган оилалар учун

эса, 12 ёшгача болалар тарбияси учун тўланадиган пул билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинган, бироқ амалда қабул қилинган қарорларнинг ижроси доим ҳам таъминланавермаган.

Шунингдек, мураккаб экологик муаммо туфайли Қорақалпоғистонда оналар ўлими 100 минг тирик тугилганларга нисбатан олганда, 1970 йилда 128 кишини, 1980 йилда 125, 1985 йилда 130 ва 1990 йилда 108 кишини ташкил қилди. Умуман ўлим даражаси аҳоли ўртасида 1973—1977 йилларда энг юқори бўлди. Бу ҳол кейинги ўн йилликда ҳам давом этди. Республикада болалар ўлими кўрсаткичи ҳам ўсиб борган:



Ўрганилаётган даврда тиббиёт муассасалари ва ходимларининг етишмаслиги ҳам муҳим ижтимоий муаммолардан бири эди. Республика бўйича олганда фақат 66% қишлоқлардагина тиббий муассасалар мавжуд бўлгани ҳолда даволаниш учун шароитлар қониқарсиз даражада эди (касалхоналарда иссиқ ва совуқ сув, канализация, марказлашган иситиш тизими бўлмаган. Фельдшер акушерлик пунктларининг 3/4 қисми телефонлаштирилмаган эди), врач ва ҳамширалар ҳамда дори-дармонлар етишмасди. 1985 йили қишлоқ шифохоналарининг 14%и врачлар, 24 %и амбулатория, 70%дан ортиқ шифохона пунктлари қониқарсиз даражада эди. Советлар даврининг сўнгги йилларида Қорақалпоғистонда ҳар 10 минг кишига 25,5 врач, шимолий туманларда эса 13,3—16 врач тўғри келган. Бу даврда жами 1200 (720 таси қишлоқда) врач етишмас эди. Стационарлар 23% ўриндиқлар билан таъминланган эди, холос. Ташхис маркази умуман йўқ эди.

Бироқ совет ҳоқимияти ва коммунистик партиянинг хотин-қизларга муносабат масаласидаги зиддиятли сиёсати натижасида аёллар муаммолари тўлиқ ўз ечимини топмаган бўлса-да, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор ижобий ўзгаришларни амалиётга татбиқ этилганини тан олиш керак. Масалан, 1944 йил 8 июлдаги қабул қилинган қарорга биноан ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган таътил 77 кун, СССР Олий Советининг 1956 йил 30 мартдаги қарорига кўра 112 кун, агар туғиш оғир кечса ёки эгизаклар туғилса, 140 кун этиб белгиланган. Аммо бу ўзгаришлар оналар ва болалар ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларини, ундан келиб чиқадиган масалаларни тўлиқ еча олмаган.

Турғунлик йилларида хотин-қизлар моддий зарардан ташқари, маънавий зарар ҳам кўрди. Марказнинг талаб-эҳтиёжи ҳамда хоҳиш-истакларини бажараман деб, тиним билмай меҳнат қилиб, тер тўккан ўзбек, қорақалпоқ халқлари собиқ Совет Иттифоқи раҳбарияти томонидан «онги, савияси паст» деб аталгани ҳолда, «Орол фожиасининг бош айбдори» ҳисобланди. Мана шу каби кўрилган маънавий зарарларнинг ўрнини ҳеч қандай пул билан ҳам тўлдириб бўлмайди. Шу тариқа, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «Орол фожиаси – инсоният тарихидаги энг катта экологик ва гуманитар фожиалардан бирига айландики, денгиз ҳавзасида яшаётган 35 млн. аҳоли унинг тазйиқи остида қолиб кетди».

1988 йилда бўлиб ўтган КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси гўё Орол бўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилашда муҳим даврни бошлаб бергандек бўлди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар иттифоқ миқёсида биринчи марта Ўзбекистондаги оғир экологик вазиятни, пахта яккаҳокимлиги оқибатларини, пахта яккаҳокимлиги учун кураш туфайли турли витаминларга бой мевали ўсимликларнинг кескин камайиши, пахтачиликда қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг меъеридан ортиқ ишлатилиши, заҳарли газлар тарқатадиган корхоналарнинг кечаю кундуз тинимсиз ишлаши мамлакатдаги жонли ва жонсиз табиатга салбий таъсир этиб табиат мувозанатини бузганлиги ва республикада оналар ва болалар ўлими сони ниҳоятда юқори эканини куюниб гапирдилар.

1989 йил март ойининг охирларида Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтган республика агросаноат илғорларининг қурултойида ерларнинг заҳарли дорилар таъсиридан ночор аҳволга тушиб қолганлиги, 700 минг гектар ўта камҳосилли

ерларга ҳам пахта экилиб, бу майдонларнинг умри бекор ўтаётганлиги, озиқ-овқат тақчиллиги, экологик вазиятдаги муаммолар, Орол денгизи қисмати...каби долзарб масалалар ҳақида фикрлар билдирилди. Хусусан, Қорақалпоғистон АССР Кегейли тумани «Халқобод» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холбика Эрназарова «пахтадан яхши ҳосил бермайдиган ерларнинг умрини бекорга ўтказмаслик керак», — деса, Орол тақдири ҳақида кўп гапириляпти, аммо амалий тадбирлар натижасини ҳали сезганимиз йўқ, — дейди Қорқалпоғистон АССР Кегейли тумани «Энгельс» номли совхоз партия ташкилоти секретари Азима Тилаумбетова.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, совет ҳукумати йилларида миллий масалаларда бутун мамлакатда бўлгани каби Қуйи Амударё ҳудудида ҳам катта хатоликларга йўл қўйилган эди. Жумладан, Қорақалпоғистон ҳудудлари чекланган ҳолда, бир автоном вилоят сифатида мавжуд эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, Қорақалпоғистон суверен Республика мақомини олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси томонидан унинг ҳуқуқлари конституциявий тамойиллар асосида муҳофаза этиладиган бўлди. Бу эса, маълум маънода экологик фожианинг оғир оқибатларини бошидан кечираётган аҳолининг, жумладан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга қаратилган муносабатларда туб бурилиш ясади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат собиқ Иттифоқ давридан мерос қолган ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, 1999 йилда қорақалпоғистонлик шифокор олима А.Отаниёзова Оролбўйи ҳудудида репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида ўтказган тадқиқотларда экологик муҳитнинг бузилиши оқибатида қуйидагилар юз берганлиги аниқланди: хотин-қизларнинг 87—99 %и камқонликка чалинган, 90 %ида туғилган даврининг оғир ўтиши, 30%ида буйрак хасталиги, янги туғилган чақалоқларнинг 5%ида ногиронлик, янги туғилган чақалоқларнинг 86,9%ида неонатал анемиянинг бошланғич даври кузатилган. Шунинг учун ҳам, давлат Оролбўйи аҳолиси учун, хусусан аёллар учун давлат кафолатлари ва компенсациялари тизимини такомиллаштиришда давом этмоқда; оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасини йўлга қўйиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда; нохуш минтақаларда ихтисослаштирилган экология марказлари ташкил этилмоқда, аҳолига

экологик билим бериш фаоллаштирилмоқда. Бу ишларга халқаро донорлар-БМТ тузилмалари, Жаҳон банки, ПРООН, ЮНЕП, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, ЮНФПА, Қизил Хоч каби ташкилотларнинг маблағлари жалб этилмоқда. Биргина «Она ва бола» Давлат дастуридаги чора-тадбирларнинг бажарилишига 89 миллиард 600 минг сўм ва 18 миллионга яқин АҚШ доллари сарф-ҳаражат қилинди. 2002 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2009 йил 13 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1096-сонли, 2009 йил 1 июлдаги 2009–2013 йилларда «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ–1144 қарорларига мувофиқ кейинги йилларда ҳам она ва бола саломатлиги давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

## **Таянч тушунчалар ва уларнинг изоҳли луғати**

**Турғунлик (депрессия) йиллари** — халқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши натижасида 1970–80 йиллар оралиғида ўсиш кузатилмаганлиги. Халқ хўжалиги барча соҳаларининг турғунликка учраши.

**Экологик муаммо** — мазкур муаммо жамият ва табиатнинг ўзаро мувофиқ муносабатларининг бузилиши оқибатида юзага келади.

**Орол муаммоси** — мустабид совет ҳокимиятининг пахтага бўлган эҳтиёжи, яъни пахта яккаҳокимлиги (монокультураси) сиёсатининг натижаси.

**Пахта (монокультураси)** — пахта яккаҳокимлиги, яъни қишлоқ хўжалигида бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан кўра, пахта етиштиришга бўлган эҳтиёжнинг сунъий тарзда кучайтирилиши.

## **«3 х 4» технологияси**

Бу технологияни олиб бориш учун тўғри мақсад кўрсатилиши керак.

Масалан: Экологик муаммо — бу .....

«Орол муаммоси — бу ....» деб ёзилган варақ тўрт гуруҳга тарқатилади. Гуруҳлар: Орол муаммоси — бу.....ни давом эттириб таърифлаб ёзадилар. Таъриф уч кўринишда бўлади. Бу тахлил «3 x 4» технологияси дейилади.

Тўрт гуруҳ: Орол муаммосини уч кўринишда таърифлаб ёзади. Масалан:

Орол муаммоси бу —

а) «Ривожланган социализм» «мерос» қилиб қолдирган энг оғир ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммо;

б) жамият ва табиатнинг ўзаро мувофиқ муносабатларининг бузилиши оқибатида юзага келган муаммо;

в) мустабид совет ҳокимиятининг пахтага бўлган эҳтиёжи, яъни пахта яккаҳокимлиги (монокультураси) сиёсатининг натижаси.

Мана шундай тўрт гуруҳнинг таърифидан сўнг, 1-гуруҳ 2-столга ўтадилар, 3-столдагилар 4-столга ўтадилар ва ҳоказо. Бунда столдаги таърифлар жойида қолади, фақат гуруҳ аъзолари ўз жойларини алмаштирадилар. Шундай қилиб, экологик муаммо ҳақида ҳар қоғозда 12 таъриф келиб чиқади. Ҳар бир гуруҳ сардори таърифларни доскага илиб ўқиб беради. Шу 4 та қоғоздаги таърифлардан ҳар бир аудитория аъзоси индивидуал таъриф тўзади.

Бу технология қўлланганда — талабаларнинг фаоллиги ошади, ҳеч ким бўш ўтирмайди, изланиш, ўйлаш келиб чиқади, аудиторияни гуруҳ бўлиб ишлашга олиб келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, биринчидан хотин-қизларнинг ижтимоий турмуш шароити йилдан-йилга оғирлашиб борди. Шунингдек, бу ҳолат, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларнинг эпидемиологик аҳволига салбий таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, мавжуд имкониятлар ҳисобга олинмай қабул қилинган ижтимоий ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршилиқларни чуқурлаштириб, хотин-қизлар турмуш шароитининг янада оғирлашишига (ишсизлик, озиқ-овқат, турар жой) сабаб бўлди.

Учинчидан, марказ томонидан юритилган ижтимоий сиёсат ҳам ҳўжақўрсинга эди. Ногиронлар ва пенсионерларнинг оғир ижтимоий аҳволи, «бепул» тиббиёт сифатининг ниҳоятда пастлиги, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Тўртинчидан, минтақада вужудга келган экологик носоғлом



муҳит аёллар саломатлигини ниҳоятда танг аҳволга солиб қўйди. Иқтисодий танглик, демографик босим, экологик ҳолат уларнинг репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Қорақалпоғистонда, айниқса, оналар ва болалар ўлими жуда кўпайиб кетди. Хоразм вилоятида эса тиббий кўрикдан ўтган бир миллион одамдан 28,4 % игина соғлом бўлиб чиқди.

Бешинчидан, меҳнат билан оналик вазифасини уйғун ҳолда олиб бориш мураккабликлари, репродуктив саломатликни сақлаш муаммолари, улар яшаётган ҳудуддаги иқтисодий, демографик, экологик ҳолатларнинг фарзанд кўриш ва тарбиялаш фаолиятига таъсири каби муаммолар муҳокама қилиниб, изчил бар-тараф этилмади.

Олтинчидан, Ўзбекистон экологик носоз минтақалар қаторига кирганлиги боис, хотин-қизларнинг демографик ва экологик билимларини ошириш, уларнинг табиат билан уйғун, унинг қонунларини англаган ҳолда яшашларини таъминлаш, тиббий, моддий ва маиший кўмак бериш, боланинг сонига эмас, балки сифати учун қайғуриш, комил, соғлом, ҳар томонлама баркамол фарзандларни туғиб тарбиялаш ишларига эътибор берилмади.

### **Кўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ. 2000.

2. Убайдуллаева Р.А. Хотин-қизларнинг социал-иқтисодий ривожланишга қўшаётган ҳиссаси. — Т.: Билим. 1987. — 23 б.

3. Шукурова Х.С. Социализм и женщины Узбекистана. — Т.: Узбекистан. 1970. — 365 с.

4. Чеботарёва В.Г. Ўзбекистон хотин-қизлари — янги жамиятнинг актив қурувчилари. — Т.: Билим. 1987. — 26 б.

5. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларининг ўрни (XX асрнинг 20-30-йиллари ми-солида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2004. — 161 б.

6. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40 — 80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2009. — 152 б.

### **IV.3. Республикада 1946—90-йиллардаги маънавий-маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Қатағонликнинг янги тўлқини**

**Мавзу ўқув мақсади:** *Ўзбекистонда 1946—90-йиллардаги маънавий-маданий қарамлик оқибатларининг, қатағонлик янги тўлқининг хотин-қизлар ҳаётига таъсири илмий нуқтаи назардан ёритиш асосида талаба-ёшларда ҳолис дунёқарашни шакллантириш, уларда билим ва тасаввурларни ҳосил қилиш.*

40-йилларнинг охири ва 90-йиллардаги мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар республиканинг маънавий-маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди, миллий маданиятга салбий таъсир ўтказди, хотин-қизларнинг маданий ҳаётдаги иштироки сиёсий мақсадларга бўйсундирилди.

Тоталитар тизим шароитида маданий-маърифий муассасалардан оммага ғоявий таъсир ўтказиш мақсадида кенг фойдаланилди. Маданият даргоҳлари, ижодий уюшмалар, театр, кино, радио, телевидение-барчасининг фаолияти биринчи навбатда социализм ва коммунизм тўғрисидаги ҳаёлий, реал воқеликдан йироқ, жамият учун зарарли таълимот ва ғояларни тараннум этиш, одамлар онгига сингдиришга хизмат қилди. Маданий-оқартув муассасалари, маданий тадбирлар маҳаллий миллат хотин-қизларининг маданий савиясини ўстириш учун эмас, балки уларни коммунистик ғоя асосида сиёсий-мафкуравий тарбиялаш учун хизмат қилди. Барча маданий-оқартув муассасалари миллий маданиятга, миллий урф-одат ва диний қадриятларга қарши маданий меросни инкор этиш ғояси асосида фаолият юритди. 1960 йиллар республикада 2977 клуб бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 3441 тага етди. Шу йиллари кутубхоналар сони тегишли равишда 3418 тадан 5822 тага, музейлар сони 14 тадан 26 тага, киноқурилмалар сони 2178 тадан 3988 тага ошди. Лекин буларнинг кўпчилиги статистик ҳисоботларда ошириб кўрсатилган бўлиб, аслида ўзларининг вазифаларини самарали бажариш учун ҳаётий имкониятга эга бўлмаган. Уларнинг моддий-техника базаси паст даражада бўлиб, молия билан етарли таъминланмаган. Бу жиҳатдан Ўзбекистон собиқ иттифоқда энг қуйи поғонада турган. Шунга

қарамасдан, бу қийин даврда Ўзбекистон хотин-қизлари ўз замонининг фидойилари сифатида маориф, илм-фан, маданият ва санъат соҳасида тинмай фаол тарзда меҳнат қилди.

Маълумки, таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш ҳам аҳолининг билим даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, урушдан кейинги дастлабки йилларда асосий эътибор халқ таълимини урушдан олдинги даражага олиб чиқиш, болаларнинг умумий таълим олишини таъминлаш, таълим сифатини оширишга қаратилди. Мазкур йўналишдаги муҳим тadbирлардан бири 1949 йилда мажбурий етти йиллик таълимнинг жорий этилиши бўлди.

Бу жараёнда ўқитувчиларни тайёрлаш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Бироқ бу борада собиқ Иттифоқ даврида амалдаги таълим тизими шароитида тафаккур мустақиллиги камданкам ҳолларда рағбатлантирилар ва қадрланарди, таълим меъёрлари ҳамда ўқув дастурлари эса, умумий миқдорнинг бор-йўғи 5 %ини ташкил этган энг яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга очиқдан-очиқ мўлжалланганди. Бироқ шундай бўлса-да, ўзбек ёшларининг илмга чанқоқлиги ҳар қандай сунъий тўсиқларни енга бошлади.

Ўзбекистонда таълим тизимини яхшилаш учун ўнлаб қарорлар қабул қилинган, бироқ бу қарорлар миллий мактабларда тўлиқ бажарилмаган. Айнан, миллий мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиши, моддий ўқув базаси русийзабон мактаблариникидан анча паст бўлган. Чунки маорифни ривожлантиришда маҳаллий миллатларга паст назар билан қараш совет тузуми сиёсатининг пинҳона фаолиятига яширинган эди. Мактабларда ёшлар миллийлик ўрнига коммунистик ғоя асосида тарбияланиб, улар онгига синфийлик, партиявийлик руҳияти сингдирилган. Мазкур вазифалар маориф соҳасида асосий фаолиятни олиб борган хотин-қизлар зиммасига юклатилган.

1946—47 ўқув йилида республикада 4483 та мактаб бўлиб, 212.000 нафар ўқувчи ўқиган бўлса, бироқ, ўрта мактаб битирувчилари орасида эрта турмушга берилиши туфайли қизлар камчиликни ташкил этган. Бу ҳолат 50-йилларда ҳам давом этган. Масалан, Сурхондарё вилояти Ангор тумани 13-сонли етти йиллик мактаб ўқувчиларидан 10 нафар вояга етмаган қизлар эрта турмушга берилган. Шунингдек, айрим мактаб раҳбарлари томо-

нидан умумий мажбурий таълим талабларини кўр-кўрона бажариш мақсадида йиллаб мактабга қатнамаган ўқувчиларни журналларга қайд этиб борилиши аниқланган. Хусусан, текширувда аниқланишича, 1957—58 ўқув йили давомида Наманган вилояти Учкўрғон тумани 17-сонли ўрта мактаб ўқувчиларидан 22 нафарининг уч йилдан бери мактабга қатнамаётган бўлиб, шулардан 17 нафарини қизлар, 10 нафарини эса, турмушга чиққан қизлар ташкил этган. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 8,19,25 ва 104-сонли мактабларнинг ўқувчиларидан 15 нафар қиз эрта турмушга бериб юборилган. Бу эса аксарият қизларнинг ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаётган мактабни ташлаб кетишига сабаб бўлган. Масалан, 1950—51 ўқув йилида Андижон вилоятида биринчи синфга 10 минг нафар қизлар, шундан 9098 нафари ўзбек қизлари ўқишга борган бўлса, уларнинг атиги 1421 нафари (11%) 10-синфни битиришга муваффақ бўлган.

Шунинг учун ҳам, иккинчи жаҳон уруши даврида мактабга жалб этилмаган қиз болаларни урушдан кейинги йилларда мактабга жалб қилиш ҳамда мактабларни малакали ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи муҳим муаммолардан бири эди. Хусусан, 1947 йилда республика бўйича 4 минг нафар ўқитувчи етишмаган бўлса, 1950 йилда 7125 та мактаб ўқитувчиларга муҳтожлик сезарди.

1955 йилда бошланғич ва ўрта мактабларда 400 минг нафарга яқин қизлар таҳсил олган бўлиб, республика бўйича мавжуд мактабларда 7,5 минг нафарга яқин маҳаллий миллат аёлларидан ўқитувчилар фаолият юритган. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1957 йил 1 октябрдаги сессиясида «Ўзбекистон ССРда мажбурий етти йиллик таълимни тўлиқ амалга ошириш тўғрисида»ги, 1959 йил март ойида «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қонунлар мактаб тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Аммо, советлар ва коммунистик партия сиёсатида хос бўлган қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ, охиригача бажарилмасдан туриб янгиларининг қабул қилиниши каби ҳолат халқ таълимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилмади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, давлат томонидан қабул қилинган режалар, мажбуриятлар давлат ва халқ имкониятлари даражасида бўлмаган. Ваҳоланки, 1965—66 ўқув йилида мактаблар сони 9716 тага, ўқувчилар эса 2476000 нафар кишига етган эди.

Шунингдек, партия-совет ташкилотлари томонидан мунтазам равишда хотин-қизлардан саноат ва қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ишини кучайтириш мақсадида ўзбек аёлларини олий ўқув юртларида, техникумлар, махсус мактаблар ва курсларга қабул қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса, маҳаллий миллат ишчи ва хизматчиларининг аёллар ҳисобига кўпайишини таъминлашга хизмат қилган.

1955 йилда республика бўйича олий ўқув юртлари ва техникумларда 30 минг нафарга яқин хотин-қиз ўқиган бўлса, шундан олий ўқув юртларида 7500 ўзбек қизи таълим олган, 1960-61 ўқув йилида республика бўйича олий ўқув юртларида талаба-қизлар 36 %ни ташкил этган бўлса, 1971-72 ўқув йилида 41 %ни, 1976 йилда 48 %ни ташкил этган. 1966 йилда Ўзбекистонда 9700 нафар аёл-инженерлар турли соҳаларда фаолият юритган. Сиёсий маориф тизимида эса 1963 йилда 170 мингга яқин аёл банд бўлган. Бу кўрсаткич 1962 йилга нисбатан олинганда 2,5 баравар кўп эди. 3,5 минг нафар хотин-қизлар «Билим» жамиятининг аъзоси; 42 минг нафар хотин-қизлар ташвиқотчи; 5 минг нафар аёл тарғиботчи эди.

1973 йил июль ойида СССР Олий Совети VI сессияси қабул қилган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги қонун асослари»га биноан мажбурий умумтаълимга эътибор янада кучайтирилди. 1976 йил 7,5 мингдан зиёд умумий ўрта таълим мактаблари бўлиб, уларда салкам 4 миллион ёш авлод таълим олган. Республика мактабларида фаолият олиб бораётган 200 мингга яқин ўқитувчиларнинг 53,5 %и хотин-қизлардан иборат эди. Маълумотларга кўра, ўрта ва олий маълумотга эга аёллар сони 1939 йилдан 1970 йилгача 8,3 баравар кўпайган.

1979 йилнинг бошларида Республика «Билим» жамияти бошқаруви ҳузурида ташкил қилинган хотин-қизлар орасида билимларни тарғиб қилиш бўйича комиссия Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг аёлларни ғоявий-сиёсий тарбиялашга кўмаклашган янги шакли бўлди. Бу комиссияни узоқ йиллар давомида Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Раҳима Ҳодиевна Аминова бошқариб келди. Комиссия ўз зиммасига илмий-оммабоп ахборотни аёлларга етказиш мажбуриятини олган эди. Комиссия аъзолари жойлардаги хотин-қизлар ўртасида сиёсий, иқтисо-

дий, маданий билимларни тушунтириш ишларини олиб боришди. Аёлларга ўзини ўзи тарбиялашда кўмаклашувчи рисоалар, методик қўлланмалар нашр қилиш асносида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этди.

Илм-фан тараққиёти ҳам совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Хусусан, совет маъмурлари, фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш-партия иқтисодий стратегиясининг асосий масаласи бўлиб, бусиз иқтисодиётни ривожлантиришда қутилган натижаларга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблаганлар.

Шунинг учун ҳам, собиқ Иттифоқ ўзининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб, хотин-қизлардан кенг миқёсда илм-фан ва техника соҳасининг зиёдиларини тарбиялаб етиштирди. 1959 йилда ҳар 1000 нафар хотин-қизга 11 нафар олий маълумотли ҳамда 207 нафар тўлиқсиз олий, ўрта ва тўлиқсиз ўрта техник маълумотга эга хотин-қиз тўғри келган.

Совет тузумида кадрлар, жумладан, хотин-қиз кадрлар тайёрлашнинг хилма-хил шаклларида фойдаланилди. Улар давлат томонидан махсус очилган курсларда, ҳунар-техника билим юртлиарида, ўрта бўғинга муносиб кадрлар техникумларида тайёрланган. 1971 йил ноябрда қабул қилинган «Ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва республика халқ хўжалигини малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш тўғрисида» ги қарорга мувофиқ, янги ҳунар-техника билим юртлиарини қуриш ва ишлаб турганларини кенгайтиришга муҳим ўрин берилди. Хусусан, 1971–72 ўқув йилида шундан, техник ўқув юртлиарида 29 %, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 15 %, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида 42 %, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва спорт соҳасида 49 %, маориф, санъат ва киноматография соҳасида 52 % хотин-қизлар, ўрта махсус ўқув юртлиарида 33 %дан 42 %гача хотин-қизлар таълим олишган. Бу ўқув юртлиарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва ўқувчилар салмоғини кўпайтириш кераклиги алоҳида таъкидланди ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, ихтисослик билан бирга умумий ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлиарида ишчиларни тайёрлашни янада кенгайтириш вазифаси қўйилди. Шу сабаб бу каби ўқув юртлиарининг сони ортиб борди: 1966 йилда 84 та бўлган бўлса, 1980

йилга келиб 447 тага етди. Ўқув юртларига кирувчи қизлар сони йил сайин кўпайиб борди. 1965–1966 йил ўқув йилида улар жами ўқувчиларнинг 37 %ини, 1979–1980 ўқув йилида эса 48 %ини ташкил этди. Шу жумладан, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ўқув муассасаларида уларнинг нисбати 27 %дан, 32 %гача етди. Хунар-техника билим юртларини битириб, ишлаб чиқаришга юборилган қизларнинг сони ҳам сезиларли ортди. 1965 йил 3,6 минг нафар қиз ишлаб чиқаришга юборилган бўлса, 1979 йилда 21,7 минг нафар қизлар корхоналарга ишга юборилди. Корхоналарда тажриба мактаблари ҳам йилдан-йилга кўпайиб борди, коммунистик меҳнат мактабларини ҳам ташкил этилди. Ўзбекистонда бундай мактаблар биринчи марта 1961 йилда Марғилонда шойи комбинатида очилган бўлса, 1970 йилга келиб республикада 492 ана шундай мактаблар ташкил этилган эди. Уларда 16 мингдан кўпроқ киши ўқиган бўлса, 1980 йилда эса 11 минг шу хилдаги мактабда 277 минг 800 нафар киши ўқиди. Мактабларнинг тингловчилари «Иқтисодий билим асослари», «Социализм ва меҳнат», «Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш илғор тажрибаси», «Социалистик мусобақани ривожлантириш», «Меҳнатда коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» каби курсларни ўтганлар. Ушбу даврга доир тадқиқотлардан келиб чиқиб алоҳида таъкидлаш жоизки, совет давлатида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт қанчалик зиддиятлашиб борса, «кадрлар «малакаси»ни ошириш, мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларни, уларнинг кўриниш ва оқибатларини «марксизм-ленинизм» таълимотидан келиб чиққан ҳолда чуқур тушунтириб бориш тўхтовсиз амалга оширилган. Айни пайтда собиқ совет иттифоқи ўз ишини узлуксиз давом эттиришда хотин-қиз кадрлардан самарали фойдаланган.

Бундан ташқари хотин-қизлар техникум ва олий ўқув юртлари кечки бўлимларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўрта махсус ва олий техник билим олган, корхоналарнинг ўзида малакаларини оширганлар. Республикада банд бўлган олий маълумотли аёл мутахассислар сони 1965 йилдагига нисбатан 1973 йилда икки бараварга кўпайиб, 144,4 минг кишига, ўрта маълумотга эга хотин-қиз мутахассислар эса 180,3 минг нафар кишига етди. 1977 йилга келиб республикада ишлаётган ҳар 1000 нафар хотин-қизнинг 752 нафари олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумотли бўлди. Бу даврда халқ хўжалигида ишлаётган хотин-қизларнинг 330 мингги олий ва ўрта маълумотли мутахассислардан

иборат эди. Бироқ барча тадбирларга қарамай, маҳаллий хотин-қизларнинг ўқув даргоҳларида салмоғи кам миқдорни ташкил этган, ўқув муассасалари етарли моддий-техника базага эга бўлмаган, малакали педагогик кадрлар етишмаган.

1980 йилга келиб Ўзбекистонда 520 та билим юрти бўлиб, шулардан 412 таси ўрта ва техника билим юртлари бўлган, уларда 260 минг нафар йигит ва қиз ўқиган. Ўзбекистонда хотин-қиз кадрларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришга маҳаллий миллат қизларининг келиб қўшилиши ҳисобига ҳам улар сонининг ортшига ёрдам берди. Айнан мана шу йилларда хотин-қизларнинг эркакларга нисбатан салмоғи ортиб борди ва улар республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этди. Кейинги йилларда уларнинг иш билан машғуллик даражаси ҳам ортиб, 1971-1985 йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ хўжалиги соҳасида ишчи ва хизматчилар орасида хотин-қизлар сони 41 %дан 43 %га ўсган. Уларнинг 53 %и шаҳар саноатида банд бўлган. Ўзбек аёллари эса уларнинг 21,3 %ини ташкил этган. Енгил саноатда, айниқса, ўзбек аёлларининг салмоғи катта эди, жумладан, Наманган ипак ва костюмбоп газламалар комбинатида улар 60%ни ташкил этган.

1985 йилда Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олган 567 мингдан ортиқ кишининг 45 %ини олий ўқув юрти, 51%ини техникум талабалари бўлган аёллар ташкил этган. 1960-1985 йиллар ичида халқ хўжалигида банд бўлган хотин-қиз мутахассислар сони 579,6 минг кишига кўпайди. Айниқса ёш аёллар ноишлаб чиқариш соҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, маориф, санъат каби соҳаларда ҳам кўпчиликни ташкил этди. Республика хотин-қизлари 1985 йилда соғлиқни сақлашда (73%), халқ таълими (58,6%), маданият соҳасида (59,4%), савдо ва умумий овқатланиш (55,8%) тармоқларида салмоқли ўринни эгаллади. Уларнинг сони халқ хўжалиги мутахассислари орасида ўсаётгани диққатга сазовор бўлиб, 1976—1985 йилларда 2,3 марта ўсди, яъни ҳар 1000 аёлнинг 210таси халқ хўжалигида банд бўлди. Бу даврда маҳаллий миллатларга мансуб аёлларнинг ишчи ва хизматчилар орасида сони деярли икки баравар кўпайди. Бунинг сабаби 1975—1985 йилларда 570 дан зиёд йирик ишлаб корхоналарининг қишлоқ жойлар ва посёлкаларда цех ва филиалларининг очилиши бўлди.


Маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоқларида ҳам хотин-қизлар эркаклар миқдорига нисбатан кўпчилик-



ни ташкил этган. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида 1971 йилда 75 %ни, маориф соҳасида 54 %ни; 1975 йилда 73,3 ҳамда 53,5 %ни ташкил этган. 1976 йилда республика олий мактабларида салкам 100 минг нафар хотин-қизлар меҳнат қилган ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг 46 %ини ташкил этган.

Айниқса, бу борада Ўзбекистон хотин-қизларининг илмий салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган ва улар салмоғи йилдан - йилга ўсиб борган:

№	Йиллар	Фан доктори	Фан номзоди
1.	1949	11	200
2.	1955	13	400
3.	1969	42	1101
4.	1976	80	2300
5.	1987	130	4000



50-йилларда ўзбек хотин-қизлари ичидан фаннинг турли соҳалари бўйича илк олималар етишиб чиқди. Хусусан, биринчи ҳуқуқшунос олима Хадича Сулаймонова (1950 йил), биринчи техника фанлари доктори Мақсуда Ҳожинава (1958 йил), биринчи тиббиёт фанлари доктори Зулфия Умидова (1947 йил), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари

доктори Г.С.Сулаймонова (1952 йил); фан номзодлари орасида Хосият Комилова, Зарифа Саидносирова (химия фанлари номзоди, доцент, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида кафедра мудири сифатида фаолият олиб борган), Маъсуда Султонова (физика-математика фанлари номзоди), Муқаддас Ғаниева (қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди), Саломат Йўлдошева (медицина фанлари номзоди), Сабоҳат Азимжонова (тарих фанлари номзоди), Холида Саматова, Мамлакат Восиқова сингари хотин-қизларни мисол келтириш мумкин. Мураккаб тарихий даврда яшаб, ўз халқи ва Ватанининг фидойилари сифатида фаолият юритган ўзбек олималари ўзларининг ҳалол меҳнати, чуқур ва теран илмий фаолияти билан илм-фан равнақиға ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Қуйида илк ўзбек олима аёлларининг ҳаёти ва илмий фаолиятидан мисоллар келтирилади:

Жумладан, тарих фанининг фидойи ва заҳматкаш олималаридан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги (2000 йил), тарих фанлари доктори (1963 йил), профессор (1968 йил), Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати (1968 йил), республикада хизмат кўрсатган фан арбоби (1985 йил) Раҳима Ҳодиевна Аминова 1925 йил 18 ноябрда Қўқонда туғилган.

Р.Аминова 1948 йил Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факультетини битирган. 1953–57 йиллар давомида Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтида илмий ходим, 1957–93 йиллар оралиғида бўлим мудири, 1993 йилдан етакчи илмий ходим бўлиб ишлаган. У республика илм-фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, 15 нафар фан доктори ҳамда 60 дан ортиқ фан номзодларини етиштирган. Олиманинг нашр қилинган асарлари 300 дан ортиқ номда бўлиб, 14 таси йирик монографик тадқиқот эканлиги унинг илмий қизиқишлари доираси кенглиги, ижодий истеъдоди кўп қирралилигидан далолат беради. Олима ўз илмий тадқиқотларини Ўзбекистонда саноат ишчилари тарихи, аграр масала, хотин-қизлар ҳаракати ва бошқа долзарб мавзуларга бағишлади.

Маълумки, яқин ўтмишда, халқимиз теран тарихини эслашдан деярли маҳрум бўлган, ҳар қандай фикрлар маълум қолип ва андозалар билан ўлчанган ва ундан ташқари чиққанлар тазйиқ остида бўлган бир даврда Раҳима Аминова ниҳоятда усталик ва нозиклик билан бой маданий, маънавий меросимизни, тарихи-

мизни ривожлантириш ва янада бойитиш учун тарихга ҳаққонийлик билан қараш, ҳар бир воқеа-ҳодисага холис баҳо беришга ҳаракат қилди. Ўзбекистон тарихи фани ютуқларининг толмас курашчиси Р.Аминова нафақат Ўзбекистонда, бир қанча хорижий мамлакатларда ўтказилган Халқаро анжуманларда қилган долзарб мавзулардаги кенг қамровли, илмий теран ва юксак даражадаги маърузаларининг инглиз тилида равон, нотиклик маданияти билан баён этилиши, шарқона одоб-ахлоқ ва маданият доирасида ўзини тутиши жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган. Олима АҚШ, Мексика, Швеция, Болгария, Эфиопия, Жазоир ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро симпозиум ва конференцияларда илмий маърузалар қилган. Жумладан, Р.Аминова 1970 йил Москвада 13-Халқаро тарих фанлари конгрессида, 1975 йилда Сан-Францискода 14-Халқаро тарих фанлари конгрессида, 1978 йил Швециянинг Упсала шаҳрида ўтказилган 9-Жаҳон социологлари конгрессида, 1982 йил Мехикода 10-Жаҳон социологлари конгрессида, 1985 йил Штутгард шаҳрида 16-Халқаро тарих фанлари конгрессида, 1986 йил АҚШда бўлиб ўтган Халқаро тарихчилар илмий конференциясида Ўзбекистоннинг бугуни ва ўтмиши ҳақида илмий маърузалар билан иштирок этган. Айниқса, унинг Упсала шаҳрида ўтказилган жаҳон социологлари анжуманида инглиз тилида ўқилган Ўзбекистон хотин-қизлари масаласига бағишланган маърузаси юқори баҳоланиб, Упсала шаҳрида чиқариладиган газетада ҳам босилиб чиққанлиги олиманинг катта ютуғи бўлди.

Раҳима Аминова учун хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигига эришиш муаммоси нафақат илмий, балки амалий ҳаётда ҳам муҳим ўрин тутган. У 20 йилга яқин республика «Билим» жамиятида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи комиссия раиси, республика хотин-қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг аъзоси сифатида фаолият олиб бориб хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ўзининг ҳам илмий, ҳам амалий ҳиссасини қўшган заҳматкаш олима аёллардан бири эди. У илмий ва жамоат ишлари билан бутунлай банд бўлишига қарамай, аспирантлар ва докторантларга маслаҳатлар бериш, раҳбарлик қилиш учун вақт топар эди. Шу боис у кўпгина шогирдларни тарбиялаб, етиштириб чиқарди.

Раҳима Ҳодиевнадек фидойи олималар республикамизда илм-фаннинг илдишлари бақувват ва соғлом бўлишига улкан ҳисса қўшдилар.

Ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан илк ҳуқуқшунос олима, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Хадича Сулаймонова 1913 йил 3 июлда Андижонда туғилган. 1931 йили тўққиз йиллик рус мактабини битирганидан сўнг, совет қурилиши ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтининг тайёрлов курсига ўқишга кирди. Курсда бир йил ўқигач, Тошкентда эндигина ташкил этилган Жаҳон Обидова номидаги совет қурилиши ва ҳуқуқ институти ҳуқуқ факультетининг иккинчи курсига киради. 1935 йилда институтни тамомлаганидан сўнг халқ судьяси бўлиб ишлайди. 1935 йилнинг охирида у Республика Олий суди аъзолигига сайланади ва у ерда уч йилдан кўпроқ хизмат қилади. Х.Сулаймонова 1938 йилнинг сентябрида Москва юридик институти совет жиноят ҳуқуқи кафедрасига аспирант бўлиб киради. Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг, Тошкентга қайтишга мажбур бўлади. У урушнинг оғир кунларида илмий ишини тўхтатиб, қаерда кўпроқ фойдам тегадиган бўлса, ўша ерда ишлашим керак, деган қарорга келади. Х.Сулаймонова Тошкент юридик институтида 2 йил ассистент бўлиб ишлаганидан сўнг, 1945 йилнинг августига қадар жиноят ҳуқуқи кафедрасида доцент вазифасини бажаради. 1945 йилнинг 20 июлида СССР Адлия комиссарлиги ҳузуридаги Бутуниттифоқ юридик фанлар институтида «Ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши даврида Ўзбекистон ССРнинг жиноят қонунлари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Шундан сўнг, 1945 йил сентябрь ойида Тошкент юридик институти жиноят ҳуқуқи кафедрасига мудир этиб тайинланади. У ўзининг бутун қобилиятини талаба-ёшларнинг жиноят ҳуқуқи соҳасида кенг билим олишлари ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашга сафарбар этиш билан бирга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва ҳуқуқ институтининг ҳуқуқ тарихи бўлимида илмий ишини давом эттирди. 1948 йил сентябрь ойида Х.Сулаймонова СССР Фанлар академияси ҳуқуқ институтига икки йилга докторантурага юборилади. 1950 йилнинг 29 декабрида у Совет Ўзбекистони жиноят ҳуқуқи тарихига бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Орадан 1 йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, Х.Сулаймонова жиноят ҳуқуқи кафедрасининг профессори бўлишга муваффақ бўлди. 1954 йилнинг сентябрида Сулаймонова Тошкент юридик институтига директор этиб тайинланди ва ўша йилнинг декабрь ойида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан

арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди. 1955 йил июлда институт тугатилиб, САГУ (Ўрта Осиё давлат университети)да юридик факультети очилиши билан у декан вазифасида ишлай бошлади. Сулаймонованинг педагогик фаолиятни илмий иш билан баравар олиб бориши унинг ўзига хос томонини кўрсатар эди. 1956 йил октябрда Хадича Сулаймоновна Сулаймонова юридик фанни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланади.

1956 йил сентябрь ойдан бошлаб Х.Сулаймонова республика Адлия вазири вазифасини бажаришга киришди. 1957 йилнинг 1 май ҳолати га кўра, вазирликда фаолит олиб бораётган 41 нафар ходимдан 15 нафари хотин-қизлар эди. 87 вилоят судлари аъзоларидан 25 нафари хотин-қизлар бўлган. 230 нафар халқ судьясидан 48 нафари, 77 нафар нотариус раҳбарларидан 53 нафари хотин-қизлар эди.

Х.Сулаймонованинг ташаббуси билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент криминалистика илмий-тадқиқот лабораторияси ўрнига 1958 йилнинг 24 январида Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Хадича Сулаймонова ўз зиммасидаги ҳар қандай вазифани юксак фаоллик кўрсатиб бажариш билан бирга, турли жамоатчилик ишларида ҳам кенг иштирок этиб келди. Хусусан, у 1948 йилда Тошкент шаҳар Москва район советига, 1955–57 йилларда Тошкент шаҳар советига, 1959 йил мартада эса, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланади.

1964 йил апрель ойида Х.Сулаймонова республика Олий судининг раиси этиб масъулиятли лавозимга тайинланади.

Х.Сулаймонова суд-ҳуқуқ соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ўзидан катта илмий мерос қолдирди. Олима раҳбарлигида тайёрланган қонунлар, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, унинг илмий асарлари ва мақолалари бу мероснинг бир қисмидир. Унинг асарларида жиноят ҳуқуқига, хотин-қизлар ҳуқуқига оид масалалар таҳлил этилган. У ўзининг юксак иқтидори, она Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг қонуний асосларини яратишда фаол иштироки ва раҳбарлиги билан маълум маънода ўз маънавий-ҳуқуқий илдизларидан узилган ўзбек миллатини ҳуқуқий юксакликка олиб чиқиш учун тинимсиз меҳнат қилди. 1960 йилга қадар арзимас ўзгаришлар билан ишлатиладиган Россия федерацияси қонунлари ўрнига олима бошчилигида Ўзбекистоннинг ўзида суд ту-

зилиши тўғрисидаги қонун, жинойт ва жинойт-процессуал ҳамда фуқаролик кодекслари яратилди. Олиманинг 30–40-йилларда ноҳақ қатағон қилинганларни оқланишида ҳам муносиб ҳиссаси бўлди.

Х.Сулаймонова ҳуқуқшунослик фанининг йирик намояндаси, жинойт ҳуқуқи, криминалистика соҳалари бўйича йирик мутахассис, таниқли жамоат арбоби сифатида кўп мамлакатлар (Нидерландия, Хитой, Буюк Британия, Япония, Болгария, Чехия, Ҳиндистон)да ўтказилган турли анжуманларда иштирок этиб, юриспруденция ва оила социологияси масалалари юзасидан чуқур билим эгаси эканлигини намоён этган. У ҳуқуқшунослик соҳасида илмий мактаб яратиб, қатор фан номзодлари ва фан докторларини тарбиялаб, устозлик қилган.

Ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи техника фанлари доктори, профессор, Республика ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби М.А.Ҳожинова тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Олиманинг илмий фаолиятини, пахта, каноп толаларининг механик хоссаларини ўрганиш, пахта толасининг шикастланишини микроскоп усулида аниқлаш ва уни баҳолаш, тутун газларидан пахта толасини қуриштишда унинг структурасига, пухталигига, эластик хусусиятларига таъсирини, каноп толаси хилларининг характеристикаси ва уларни аниқлаш методикасини ишлаб чиқишга бағишланган эди. Олима мамлакатда етиштириладиган калта каноп тўқимачилик ипи олиш мумкинлигини амалий жиҳатдан исботлади ва саноатга татбиқ этди. У газлама пухталигини синашнинг рационал методикасини яратган. Кўп йиллар олима Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори бўлиб ишлади.

Ўзбек хотин-қизлари орасидан чиққан биринчи тиббиёт фанлари доктори З.У.Умидова 1947 йил «Иссиқ иқлим шароитида соғлом одамнинг юрак-томир системаси ва миокардити инфарктининг клиник хусусияти ҳамда тонус, томирлар камчилигининг бошқа формалари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, 1948 йилда Собиқ иттифоқнинг Медицина ФА мухбир аъзоси бўлган. Олиманинг илмий ишлари ўлка патологиясига ва иссиқ иқлим шароитида юрак-томир системаси касалликларини даволашга бағишланган бўлиб, уларнинг натижалари бир нечта халқаро конгрессларда эълон қилинган. З.Умидова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлган.

Яна бир олима, профессор Г.Сулаймонованинг илмий ишлари эса, меъда, ичак, нафас, қон яратиш органлари касалликларига оид бўлиб, олима АҚШ, Англия, Голландия, Япония, Мексика ва бошқа мамлакатларда 50–60-йилларда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маъруза билан қатнашиб, ўз изланишлари билан тиббиёт соҳаси ривожига муносиб улуш қўшган.

Илк шарқшунос олима, Ўзбекистон ФА академиги (2000 йил), тарих фанлари доктори (1969 йил), Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти (1989 йил) ва Жавоҳарлал Неру халқаро мукофоти лауреати (1993 йил) Сабоҳат Азимжонова 1923 йил декабрда Тошкентда туғилган. С.Азимжонова мураккаб бир даврда, кўҳна тарихимиз қаърида қанчадан-қанча буюк зотларимиз фаолияти ва ҳаётини ўрганиш амри-маҳол бўлган бир шароитда Бобурнинг Қобул ва Ҳиндистондаги фаолияти, Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрларда қўшни хорижий мамлакатлар билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларини илмий тадқиқ этди. Олиманинг асарлари Эрон, Ҳиндистон, Франция, Афғонистонда чоп этилган. У Эрон, Ҳиндистон, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий анжуманларда илмий маърузалар қилган. Моҳир таржимон сифатида Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»сини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, Тошкентда ва француз тилида Парижда нашр эттирди. С.Азимжонованинг ташкилотчилиги, раҳбарлик қилиш маҳорати, энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда катта қобилиятга эгаллиги Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида 27 йил (1950–1977 йиллар) давомида директор лавозимида фаолият кўрсатганлигида намоён бўлди.

Биология фани ривожига муносиб ҳисса қўшган олима Мухаррам Орифхонова 1943 йилда Ўрта Осиё давлат университети доценти, 1965 йил 8 апрелда эса, «Фарғона водийсининг ўсимликлари» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақияти ёқлаган ҳолда, 1968 йилдан профессор илмий унвонига сазовар бўлди. Шу билан бирга М.Орифхонова «Ҳурмат белгиси» ордени, қатор медаллар ҳамда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон соҳиби бўлган.

Яна бир биология фанига катта ҳисса қўшган микробиолог олима М.И.Мавлонийдир. Биология фанлари доктори М.И.Мавлоний ўз илмий тадқиқотларини ачитқи моддалар микрофлорасини, замбуруғларда углевод алмашинувининг баъзи хусусият-

лари, озиқ-овқатдаги зарарли микроорганизмларни айрим кислотали ивитмалар таъсирида зарарсизлантириш, ачитқи моддаларнинг биологик табиатини ўрганиш соҳасида олиб борди. Олима битта монография, 80 дан ошиқ илмий мақолалар ҳамда бир неча патентлар муаллифидир. У Чехияда ва Нидерландияда ўтказилган халқаро конгресс, симпозиумларда илмий маърузалар билан иштирок этган.

Илк ўзбек геолог-минеролог олималардан бири — геология фанлари доктори М.С.Сайдалиеванинг илмий-тадқиқот ишлари нефть ва газ конлари пайдо бўлиши ҳамда жойлашиш қонуниятларига бағишланган. У 1970 йилда геология соҳасидаги Фарғона водийсида нефть ва газ конларининг жойлашуви, тектоник хусусиятлари илмий тадқиқ этилган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Кўп йиллар давомида Фарғона Политехника институти ректори сифатида фаолият кўрсатди.

Метролог олима, география фанлари доктори М.Орифонованинг илмий ишлари Ўрта Осиё об-ҳавосининг асосий омилларидан жанубий циклон ва шамол қонуниятларини ўрганишга оид бўлиб, олима фан ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби унвонига сазовор бўлган.

Биринчи ўзбек кимёгар олимаси профессор Зарифа Саидносова (атоқли адиб Ойбекнинг рафиқаси) узоқ йиллар давомида ўзбекча кимё терминологияси, бор-вольфрам комплекс бирикмалари устида иш олиб борди. Олима ўрта махсус билим юртлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар ёзган, изоҳли луғатлар яратган.

Юқорида номлари келтирилган биринчи ўзбек олималари фан тараққиётининг деярли барча соҳаларида самарали ижод қилиб, ўзларининг сермазмун илмий фаолиятлари билан илм-фан равнақига муносиб ва салмоқли ҳиссаларини қўшган заҳматкаш фан фидойилари бўлган.

60—70-йилларда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Р.Аминова, тарих фанлари докторлари — М.Охунова, С.Азимжонова, Х.Шукурова, тиббиёт фанлари докторлари — М.Ашрапова, М.Турсунхўжаева, И.Дехқонхўжаева, Ў.Ваҳובה кабилар урушдан кейинги йилларда хотин-қизларни маданий ҳаётга жалб қилиш сиёсатининг амалиётга татбиқ этилиши туфайли таълим ва илм-фан соҳасида маълум даражада ривожланиш бўлишига катта ҳисса қўшдилар.



Хусусан, Ҳужума Шукурова — тарих фанлари доктори, профессор. 1945 йилда мактабни олтин медаль билан битириб, ТошДУнинг тарих факультетини тугатган. ТошДУда ассистент, Ўзбекистон Олий Советида бўлим мудири, Ўзбекистоннинг хориж давлатлари билан маданий дўстлиги жамиятининг раиси, солиқ Ленин музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи)нинг директори лавозимларида ишлаган. Йирик олим ва ижтимоий арбоб сифатида у биринчи бўлиб, Ўзбекистон билан хориж давлатлари орасида маданий кўприкни қурди, алоқаларни мустаҳкамлади. Унинг илмий-оммабоп мақолалари жаҳоннинг 32 мамлакатида чоп этилган. У кўпгина хориж давлатларининг орден ва медаллари, ёрлиқлари билан тақдирланган. Польша, Болгария, Венгрия, Германия давлатларининг олтин медаллари олиманинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда қўшган беқиёс хизматига ҳолисона бир баҳо эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992 йил), тиббиёт фанлари доктори (1968 йил), профессор (1974 йил), фармаколог олима Санъат Азизова 1934 йил 18 июнда Тошкентда туғилган. Санъат Собировна Азизова 1958—1972 йиллар мобайнида Ўзбекистон ФА Ўсимликлар кимёси институти фармакология лабораториясида илмий ходим, 1972 йилдан эса Тошкент педиатрия тиббиёт институти фармакология кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Унинг асосий илмий ишлари юрак гликозидларининг юрак касалликларига, хусусан инфарктга таъсирини экспериментал ўрганишга оид бўлган. С.Азизова тиббиёт институти талабалари учун «Фармакология» дарслиги муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980 йил), Ўзбекистон ФА академиги (2000 йил), тиббиёт фанлари доктори (1968 йил), профессор (1970 йил) Малика Самадовна Абдуллаҳўжаева 1932 йил 28 ноябрда Москвада туғилган. 1956 йили Тошкент Тиббиёт институти битирганидан сўнг, 1960-62 йиллар оралиғида ТошТИ Марказий илмий-текшириш лабораторияси мудири, 1963—69 йилларда Ўзбекистон рентгенология, радиология ва онкология илмий-текшириш институти патоморфология ва гистохимия лаборатория мудири, 1969—1990 йилгача ТошТИда педагогик ва амалий фаолият юритди. 1990 йилда бошлаб II Тошкент тиббиёт институтида патологик анатомия кафедраси мудири сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Унинг илмий-тадқиқот ишлари асосан, нерв системасининг им-

мунопатологияси, географик патология ва тиббиёт тарихи масалаларига бағишланган. М.Абдуллаҳўжаева Ўзбекистонда тиббиёт соҳасидаги янги йўналиш — трансплантацион иммунопатология асосчиси ҳисобланади. Малика Абдуллаҳўжаева жаҳоннинг 500 буюк кишиси рўйхатига кирган машҳур олима. У 1973 йил Лос-Анжелес шаҳрида халқаро дўстликка бағишланган анжуманда, 1986 йилда Колорадо штатининг Денвер шаҳрида бўлиб ўтган «Тинчлик ва озодлик учун» деб номланган Халқаро Аёллар лигасида, шу йили Калифорния штати Фресно шаҳрида бўлиб ўтган «Аёлларнинг зўравонликка қарши ва тинчлик учун кураши» IX халқаро семинарида инглиз тилида маъруза қилган. АҚШ, Исроил, Ҳиндистон, Корея, Непал, Яман, Мисрда фаолият олиб бораётган шифокорларининг аксарияти унинг шогирдлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965 йил), филология фанлари доктори (1963 йил), профессор (1965 йил), Россия федерацияси Таълим академиясининг мухбир аъзоси (1968 йил), тилшунос олима Мазлума Асқарова 1924 йил 4 ноябрда Тошкентда туғилган. 1940 йилда Тошкент педагогика билим юрти, 1944 йилда Тошкент педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Мазкур олийгоҳда 1948—52 йилларда ўқитувчи, 1957—63 йилларда доцент лавозимида фаолият юритган. 1952-57 йиллар оралиғида Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудирини лавозимида ишлаган. Унинг илмий фаолияти ҳозирги ўзбек тилида эргашиниш формалари ва эргашган гапларнинг типлари мавзуга бағишланган. М.Асқарова ўрта мактаблар учун «Ўзбек тили дарслиги», олий ўқув юртлари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги (1-қисм 1980 йил; 2-қисм 1986 йил) муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982 йил), биология фанлари доктори (1971 йил), профессор (1973 йил), микробиолог Салима Асқарова 1922 йил 29 майда Тошкентда туғилган. У 1956-58 йилларда Толали ўсимликлар тажриба станцияси, 1960-63 йилларда Ўзбекистон ФА Ботаника институти директори лавозимида ишлаган. Унинг ташкилотчилиги билан микробиология фани ривожидида муҳим воқеа-1965 йилда ФАнинг микробиология бўлими очилди. Бўлимнинг биринчи раҳбари ҳам профессор С.Асқарова эди. У 1971—83 йилларда Тошкент вилояти педагогика институти ректори, 1983—86 йилларда мазкур олийгоҳда биология кафедраси мудирини, 1988 йилдан Ўзбекистон ФА Микробиология

институтда илмий консультант сифатида фаолият юритган. С.Асқарова Ўзбекистонда микробиология фанининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳолда ўсимликлар, ҳашорат ва касалликларга қарши курашишда биологик усулларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борди. Олиманинг раҳбарлигида микробиология фанида тарқоқ тасвирий тадқиқотлардан мақсадли фундаментал муаммоларни ҳал этишга ўтилди.

Хуқуқшунос олима Гулчеҳра Иномжонова 1972 йилда хотин-қизларнинг Антиб (Франция) шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда Ўрта Осиё республикаларидан биргина вакил сифатида маъруза қилиб, иштирокчилар томонидан «Конгресс маликаси» деган номга сазовар бўлган.

80-йилларда ҳам илм-фан соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар сони ўсиб борган. 80-йилларнинг охирига келиб, фан соҳасида ишлаётган аёллар сони ва улуши анчагина ўсган. Яъни 1987 йилда фан соҳасида фаолият олиб бораётган 40 мингга яқин илмий ходимнинг 14 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этган. Улардан 130 нафари фан доктори, 81 нафар профессор, 1204 нафар аёл доцент, 4 минг нафари фан номзодлари, 7 нафар аёл республика Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзоси сифатида фаолият олиб борган.

80-йилларда аёллар олий ва ўрта махсус таълим олиш талаб этиладиган кўпгина касблар хизматчилари орасида кўпчиликни, яъни 51,2 %ни ташкил этган бўлиб, улар врачларнинг 57,5 %ини, библиограф ва кутубхоначиларнинг 76,5, педагогларнинг 59,2 %ини ташкил этган. 1985–86 ўқув йилида Ўзбекистонда 9188 та мактаб, 42 та олий ўқув юрти, 249 та махсус ўқув юрти фаолият юритган. Олий ўқув юртларидаги ўқувчи хотин-қизлар 45 %ни ва ўрта махсус ўқув юртларида эса, 51 %ни ташкил этди. Республикадаги мактабларда қарийб 300 минг ўқитувчи меҳнат қилган. Буларнинг 53,3 %ини хотин-қизлар ташкил этган.

80-йилларнинг охирида жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларида СССР Давлат мукофоти лауреати шоира Зулфия, СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Лutfихоним Саримсоқова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Раъно Абдуллаева, Республика Социал таъминот министри Василя Содиқова, етук олималар-Зулфия Умидова, Мақсуда Ҳожинава, Раҳима Аминова, Р.Ё.Ражапова, Мелихон Охунова, Мазлума Асқарова, М.Абдуллаҳўжаева каби машҳур аёллар фаолият олиб боришган.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Ўзбекистон хотин-қизларининг маданий соҳаларда олиб борган фаолияти янада кенг тарзда давом этди. Хусусан, 50–60-йилларда республика санъатида, хусусан театр ва рақс санъатида илгари силжишлар юз берди.

1947 йили Тошкентда хореография билим юрти очилди. 1955 йилда республика ўзбек театрида 20 нафар Ўз ССР халқ артисти ва 60 нафар Ўз ССРда хизмат кўрсатган аёл артистлар фаолият юритган. Шоҳида Маъзумова биринчи ўзбек режиссёр аёли сифатида Бухоро драма театрида Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасини сахналашгирди.

1953, 1954 ҳамда 1955 йилларда Тошкент ва вилоят марказларида ўтказилган Ашула байрамида 4500 хор, 300 мингга яқин кишилиқ мусиқа ва рақс жамоаси иштирок этиб, уларнинг ярмидан ортигини хотин-қизлар ташкил этди.

1957 йилда машҳур раққоса М.Турғунбоева томонидан «Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамбли ташкил қилинди. М.Турғунбоева мазкур ансамблга 1978 йилгача раҳбарлиқ қилиб, ўзбек рақсини бугун дунёга танитди. «Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамблига 1979–1988 йилларда Қундуз Миркаримова, 1988–1990 йилларда Р.Шарипова, 1990-йилда эса Маъмура Эргашева раҳбарлиқ қилган.

1958 йилда Г.Раҳимова раҳбарлигида Хоразм ашула ва рақс ансамбллари тузилди. Бу жамоалар ўзбек сахна рақсларини янада бойитди. Ўзбек маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган Тамарахоним, Ҳ.Носирова, Л.Саримсоқова, С.Эшонтўраева, Б.Қориева, Д.Абдураҳмонова, Г.Измайлова кабиларнинг маҳорати, қобилияти ва истеъдоди жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

1937 йилда Самарқанд шаҳрида дунёга келган Вилоят Оқилова ҳам рақс санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. У даставвал Тошкент хореография билим юрти, кейин Тошкент педагогика институтида таҳсил олди. 1958 йили М.Қориёқубов номидаги «Шодлик» ансамблида яккахон раққоса сифатида фаолият юритиб, кўплаб миллий рақсларни маҳорат билан ижро этди. «Мен санъатда бахтини топган ўзбек қизиман», деган эди раққоса. Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова мустақиллик йилларида «Шухрат» медали ва «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

1990 йилда Тошкент Округ офицерлар уйида 900 нафар ҳаваскор-халқ талантларидан иборат 80 та жамоа халқ рақслари республика фестивал-танловида иштирок этди. Ушбу фестивал голиби Наманган вилоят Тўрақўрғон туман «Дилшод» ашула ва

рақс ансамбли раққосалари Ирина Скопцова ҳамда Шоҳида Маҳкамовалар бўлишди.

Шоира ва ёзувчилардан Зулфия, Манзура Собирова, Гулчехра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Эътибор Охунова, Гулчехра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева, рассомлардан Шамсирўй Ҳасанова, Лола Абдуллаева сингарилар ўз ижоди билан халқ орасида катта ҳурмат қозонишга муваффақ бўлишган. Шунингдек, 1978 йил октябрь ойининг бошларида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган мусиқашуносларнинг халқаро симпозиумида иштирок этган аёллардан бири санъатшунослик фанлари номзоди И.Абасова эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964 йил), театр рассоми Лола Абдуллаева 1918 йил 13 апрелда Тошкент таваллуд топган. Л.Абдуллаева 1934–38 йиллар мобайнида Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган. 1948–79 йилларда Огаҳий номидаги Хоразм вилоят Давлат мусиқали драма ва комедия театри бош рассоми бўлиб ишлаган. Унинг «Лайли ва Мажнун», «Оқ нилуфар», «Баҳор», «Тоғ қизи», «Маърифат қурбонлари», «Паранжи сирлари», «Гули сиёҳ», «Навоий», «Ҳамлет», «Муҳаббат қўшиғи» ва бошқа спектакллар учун тайёрлаган сахна безаклари ва либос эскизлари миллий бўёқларининг ўзига хослиги, шунингдек томошабинга асар мазмунини аниқ ва равшан қилиб етказишга ёрдам бериши билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистон халқ артисти (1964 йил), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967 йил), «Дўстлик ордени» совриндори Яйра Умаровна Абдуллаева 1930 йил 14 августда Андижонда туғилган. 1950 йилда Тошкент санъат институтини тугатиб, ижодий фаолиятини Ҳамза театрида олиб борган. Аслида унинг илк ижодий фаолияти 1945 йилда Г.Раҳимова раҳбарлигидаги фронт концерт бригадасида бошланган. Я.Абдуллаева ўзининг ижодий фаолияти давомида кўплаб сахна асарларининг бош қаҳрамонлари образларини ижро этган. Жумладан, А.Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асарида Ҳафиза, Уйғун, И.Султоннинг «Алишер Навоий» асарида Гули, Ф.Шиллернинг «Мария Стюарт» асарида Мария Стюарт образларини ва бошқа яна қатор бош ролларни ижро этиб, халқ орасида психологик ва фожиавий, ижобий ва салбий роллар устаси ва оташин ижодкор сифатида танилди.

Ўзбекистон халқ артисти (1980 йил) Азиза Аминова 1929 йил 7 апрелда Андижонда таваллуд топган. У ўзининг театр сахнасидаги кўп йиллик сермазмун фаолиятини 1940 йилдан Андижон

театрида бошлаган. А.Аминова тақдири фожиали аёллар ва оналар образини алоҳида маҳорат билан ижро этган. Ўзбек аёлларига хос феъл-атвор, миллий хусусиятлар, шарқона аёл анъаналари орқали қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб бериш актрисанинг ижро услубига хос бўлиб, унинг самарали меҳнати «Беш сўмлик келин» асарида Нозноз, «Тоҳир ва Зухра» асарида Моҳим, «Нурхон»да Қумри, «Нодира» асарида Увайсий, «Дийдор» асарида она образлари орқали намоён бўлди. Бироқ, юқорида номлари келтирилган аёлларнинг маданият соҳасида олиб борган фаолияти советлар назорати остида мафкуравий мутеликка маҳкум этилган бўлиб, ўша давр қобиғидан чиқиш имкониятини бермаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, советлар ҳукмронлиги йилларида қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкурасининг ғайримиллий, зўравонлик сиёсати оқибатида маданият ҳамда санъатга янада сиёсий тус берилди. Фарбда адолатли равишда «эътиқод маданияти» деб аталган совет сиёсий маданиятининг негизида юз бераётган инқилобий ўзгаришларнинг ҳақлигига эътиқод, ҳокимиятга ишонч, «доҳий»ларни эъзозлаш ётарди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» шиори остидаги коммунистик партиянинг маданият соҳасидаги сиёсати натижасида байналмилал маданият бирламчи аҳамият касб этиб, миллий маданиятни ривожлантириш, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланиш кейинги ўринга суриб қўйилди.

Ислом Каримов таъбири билан айтганда «...совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий кадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди... Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди».

Урушдан кейинги йиллар давомида мустабид совет тузуми «мафкура майдон»даги асосий эътиборни бошқача фикрловчи ижодкор ва илмий зиёлиларга зарба беришга қаратди, қатагонлар асосан маданият ва фан арбобларига тааллуқли бўлди. Бу каби

ижодкор зиёлилар ўз асарларида «ғоясизлик»ни тарғиб қилганликлари, «адабиёт ва санъатни сиёсатдан ажратиб қўйишга уринганликлари» ва бадиий ижоддаги партиявийлик принципларидан узоқлашганликлари учун бадном этилди. Миллат манфаатларини, миллий қадрият ва анъаналарни инкор этишга қаратилган ўзбек халқининг маданий меросига ҳужум қилиниши оқибатида бадиий ва илмий зиёлиларнинг бир қатор вакилларига қарши қатағон сиёсати юритилди. Бу қатағонлар учун марказнинг 1946—1948 йилларда айрим санъат ва бадиий асарларни синфийлик принципи талабидан келиб чиқиб, танқид қилган қарорлари ғоявий асос бўлиб хизмат қилди.

Мустабид тузум ўзининг биринчи зарбасини республиканинг бир гуруҳ ёзувчилари ва шоирларига қаратди, чунки уларнинг дунёқараши ҳамда адабий ижоди коммунистик партиянинг мафкуравий андозасига мос келмас эди. Бадном қилиш учун асосий баҳона шу бўлдики, гўё улар ўз асарларига миллатчилик ғояларини олиб кирганликда айбландилар. Ижодкорлар томонидан тарих саҳифаларига мурожаат қилинса унга дарҳол ўтмишни «идеаллаштириш» айби қўйилар, «миллатчи» ёрлиғи ёпиштирилар ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дучор қилинади. Коммунистик мафкура миллий ўзликни англашни онгли равишда «миллатчилик» билан аралаштириб, ҳаёсизларча, далил-исботсиз ҳаракат қилиб, уларга қарши курашнинг «қизил империя»ча усулларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳар қандай хурфикрликнинг барча кўринишларини йўқ қилишга интилди. 1949 йил 25 июнда Ўз КП (б) МҚнинг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама қилиниб, унда бир гуруҳ ижодкорларнинг (А.Қаҳҳор, Миркарим Осим, Ойбек, Миртемир, Тўйғун, Шарипов, М.Бобоев, Ў.Рашидов, Ҳ.Фуллом, А.Қаюмов, М.Шайхзода) ижодида «миллатчилик ва миллий маҳдудлик, феодал ўтмишни кенг суратда идеаллаштириш ва эски феодал маданияти олдида қулларча сажда қилиш элементлари мавжуддир» деб таъкидланди. Ўз КП (б) МҚнинг бюросида бошланган миллий бадиий зиёлиларни бадном қилиш ижодий ташкилотларда ва матбуот саҳифаларида ҳам давом этди. 1951 йил августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг VI пленумида ҳам айрим ёзувчи ва шоирларнинг (Туроб Тўла, Собир Абдулла, Ойбек, Рамз Бобожон, Ҳ.Фуллом, Зулфия, Асқад Мухтор) ижодидаги мафкуравий тусдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Ўзбек адабиётининг ри-

вожланишида адабиётга мафқуравий таъсир ўтказишнинг қуроли сифатида қараб, ижод эркинлиги бўғилди ва партиявий синфий ақидалар тиқиштирилди.

Қатағон қилинган санъат ва маданият арбоблари тоталитар тартибот даврида авжга чиққан ўзбошимчалик, қонунбузарлик ва бедодлик дастидан беғуноҳ қурбон бўлдилар. Собиқ иттифоқ бўйича 1930 йилдан 1953 йилгача 3778234 киши қатағонлик тўлқинига дучор этилди, шулардан 786098 нафари отиб ташланди. Лекин, адолат, гарчи тез бўлмаса-да, ҳар қалай тикланди. Ўзбекистон маданиятининг асоссиз қатағон қилинган кўпгина арбоблари 1956 йилда шахсга сиғиниш фош этилиши билан батамом оқландилар. Бироқ, шахсга сиғиниш оқитбатлари тугатилса-да, у вужудга келтирган ҳокимият тизими, тоталитар тартибот сақланб қолди. Шунинг учун ҳам, 50-80-йилларда ҳур фикрликка бўлган ҳар қандай интилиш дарҳол танқидлар, маъмурий жазолар орқали тўхтилари.

Мустақил фикрловчи шахсларга нисбатан қатағонлик сиёсати 70-йилларда кенг оммавий тарзда бўлмаса-да давом этди. Яъни яқка тартибдаги таъқиблар, улар устидан махсус «жиной ишлар»нинг уюштирилиши, коммунистик мафқура андозасига «сигмай» қолган айрим шахсларнинг руҳий касалликлар шифохоналарига беркитиб қўйилиши каби жиноий хатти-ҳаракатлар мустақилликка қадар мунтазам давом этди. Мақсад халқ орасида кўзга кўринган обрўли, фидойи шахсларни йўқ қилишдан иборат эди. Шулардан бири қатор орден ва медаллар соҳибаси, Бухоро вилоят судининг 15 йиллик раиси Амина Икромова эди. Қатағон «ижодкорлари» бутун умри давомида адолат тарозисини дадил ушлаб, бу ишга жонини фидо қилган, кўп йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг нафақага чиққан Амина Икромовани бадном қилиш режасини ишлаб чиқди. Унга асосан, 1971 йилда Когон шаҳар БТИ (техник инвентарлаштириш бюроси) бошлиғи Р.Лазаревич ва шаҳар архитектори В.Горнастаева ўз ваколатларини суиистеъмол қилганликда айбланиб жиноий жавобгарликка тортилади. Уларга 1971 йил 11 августда эълон қилинган қамоқ жазоси ҳукми, 1971 йил 31 августдаги Бухоро вилоят судининг ажрими билан жазо ахлоқ тузатиш иши жазоси билан алмаштирилади. В.Горнастаеванинг қўлидаги боласи бир ёшга тўлгунча ҳукм ижроси кечиктирилади. Вилоят прокуратураси вилоят суди ҳайъати ажрими устидан енгил жазо тайинланган деган важ билан протест киритади ва ажрим бекор қилиниб, 1972 йил 4 январда Амина Икромова маърузаси бўйича кўриб чиқилади ва вилоят суди ҳайъати ахлоқ тузатиш



иши жазосини ўз кучида қолдиради. Қатағон «ижодкорлари» Амина Икромовани бадном қилишда шу фактдан фойдаланишади ва «енгил жазо пора эвазига белгиланган» деган тухматни тўқишади. Мазкур тухматни исботлашда ҳақиқатдан ҳам 1974 йил 27 августда пора олганликда айбланиб, ҳибсга олинган Когон шаҳри ижроқўми С.Ҳасановадан унумли фойдаланадилар. У 1974 йил 22 ноябрда Республика Ички ишлар вазирлиги тергов бўлими бош терговчиси Двухбабний ва тергов бўлимининг ўша пайтдаги бошлиғи Калустянларнинг талаби бўйича айбланувчиларнинг Амина Икромовага пора беришида воситачи бўлганман, деб ёлғон гувоҳлик беради. Натижада, Амина Икромова 1974 йил 11 декабрда «пора олганликда гумонланиб» ҳибсга олинади. Шундай қилиб ўзининг ҳалол меҳнати билан халқ орасида ҳурматга сазовор бўлган бир аёл бадном қилинади.

80-йиллардаги амалга оширилган қатағонлик сиёсатининг тиги асосан раҳбар ходимларга қаратилган эди. Республиканинг кўплаб раҳбар ходимларига «пахта иши», «ўзбек иши», «порахўрлар» деган тамға босилгани ҳолда жамиятда яна «тозалаш» ниқоби остидаги қатағонликнинг янги тўлқини давом этган. Ўша даврда кўплаб аёллар, яъни «пахта иши», «ўзбек иши» бўйича жазоланганларнинг хотинлари, қизлари турли маънавий қийноққа дучор қилинган. «Пахта иши», «ўзбек иши» деб аталган 80-йиллардаги қатағонлик туб моҳияти билан халққа, миллатга қилинган адолатсизлик эди. Ўрганилаётган даврда амалга оширилган қатағонлар натижасида аёллар эркаклар билан тенг жазога гирифтор қилинган. Шу ўринда давлат ва жамоат арбоби бўлган Шароф Рашидовнинг рафиқаси Хурсан Рашидованинг сўзларини келтирсак: «25 кун мени тинимсиз тергов қилишган, сўроққа тутишган. Асосий савол нимадан иборат эди, денг? Шароф Рашидов оиласининг яқинлари ким эди? Шароф Рашидов оиласининг тўйларига кимлар таклиф этиларди? Шароф Рашидов оиласининг яқини бўлишнинг ўзи ҳар қандай жазога лойиқ, деган кўрсатмалар ҳукм учун етарли асос бўлиб қолганди».

Мустабид тузум Ш.Рашидовнинг Ўзбекистон миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, марказга қарамликни, гарчи имкон даражасида бўлса ҳам, заифлаштиришга интилиши билан келиша олмасди. Шунинг учун ҳам, у вафот этганидан кейин собиқ иттифоқ раҳбарияти ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги мағлубияти сабабларини «маҳаллий кадрлар»га ағдариш мақсадида Ш.Рашидовга қарши тухмат тошларини ёғдириб,

ҳатто «шароф рашидовчилик» деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлиқ тўқиб чиқарди. Бу даврда оммавий ўлим жазоси қўлланилмаган, бироқ жисмоний қийноқ ва маънавий тазйиқлар асосида олиб борилган тергов жараёни ниҳоят ўлим билан якун топишига асос бўлган.

Қисқача қилиб айтганда, республика мустақиллиги қўлга кiritилгунга қадар коммунистик партия раҳнамолигидаги совет тузуми ўзининг ниқобланган шаклдаги мустамлакачилик сиёсати орқали илғор фикрловчи, миллат-Ватан манфаатлари билан яшовчи, миллий ғояга содиқ, миллий истиқлол учун курашувчи маҳаллий халқ вакиллари қатағон қилиш сиёсатини давом эттириб келди. 70-йилдан ортиқ давом совет мустамлакачилиги йилларида аёллар ўз фикр ва муносабатларини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона амалга ошириб келган бўлсалар-да, маълум даражада улар мустабид тузум қурбонларига айландилар.

80-йилларга келиб, адабиёт ва санъат соҳасида партиявий-ғоявий тизгинга қарамасдан халқ ҳаётини (Орол фожиаси, ўзбек деҳқонининг машаққатли тақдири, табиат, тил, маданият ва тарихга оид муаммолар) ҳаққоний акс эттиришда бир мунча олға силжишлар рўй берди. Янги мазмун ижодда янгича замонавий шакл, халқона оҳангларга кенг йўл оча бошлади.

## Таянч сўз ва иборалар

**Мафкура яккахокимлиги** — муайян давлат ёки давларларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлиги (собик совет иттифоқида 30-йилларга келиб, ишчилар синфи мафкураси — қўполлаштирилган ва содаллаштирилган марксизм-ленинизм таълимоти — ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги барча синф ва ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура, — деб эълон қилинди.)

**Тоталитаризм** — жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклланадиган давлат тузуми.

**Шовинизм** — миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Урушдан кейинги қатағонларнинг асосий сабабларини тушунтириб беринг.
2. Ёзувчи ва шоирлар қандай баҳоналар билан айбландилар?
3. Шахсга сиғинишнинг оқибатлари ҳақида гапириб беринг.
4. 80-йилларда кимлар қатағон қилинган?

### «ФСМУ» технологияси

Ўқитувчи ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади.

Вазифа: «Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги маданий ҳаётда хотин-қизлар иштироки. Маънавий-маданий қарамлик оқибатларининг хотин-қизлар ҳаётига таъсири» мавзуси бўйича куйида фикрларингизни баён этинг:

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Талабалар ўз мақсадларига эришишга бўлган ишончни баён этадилар. Машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Ўқитувчи гуруҳ аъзоларига мавзу юзасидан тайёрланган биттадан савол (ёки истилоҳни) тарқатади ва ҳар бир талабанинг қисқача чиқишини (презентациясини) ташкиллаштиради. Қуйидаги саволлар берилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, 1946–90-йиллар давомида маориф, олий таълим, илм-фан ва санъат соҳалари совет ҳокимияти мафкурачиларининг «социализмнинг тўлиқ ва узил-кесил ғалаба қилганлиги», «ривожланган социализмга эришиш», «социалистик турмуш тарзини шакллантириш», «совет маданияти»ни яратиш, «ягона совет халқи»ни шакллантиришга қаратилган сохта, ҳаёлий, ноилмий, амалга ошмайдиган ғоялари асосида ўта сиёсийлаштирилган тарзда мафкуравий тазйиқлар асосида ривожланиб борган бўлса-да, маълум ижобий натижаларга муваффақ бўлинди ҳамда ўзбек халқининг шу даврдаги миллий маданияти бўлиб қолди. Шунингдек, халқнинг, жумладан хотин-қизларнинг маданий-маърифий савиясини оширишга хизмат қилди.

## Қўшимча адабиётлар:

1. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. — Т.: Ижод дунёси. 2004. — 223 б.

2. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ. Институт Истории. — Т.: Фан. 1991. — 132 с.

2. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917–1941): Краткий историографический очерк (АН РУ. Институт Истории. — Т.: Фан. 1987. — 69 с.

3. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. — Т.: Фан. 1975. — 95 с.

4. Ахунова М., Убайдуллаева Р. Женщины Узбекистана навстречу международному году женщины // Общественные науки в Узбекистане. — Ташкент, 1975. — №8. С. 3–8.

5. Аминова Р. Рост творческой активности женщин советского Узбекистана // Общественные науки Узбекистана. — 1987. — №3. 29–36 с. Каспарова В. Раскрепощение женщины Востока. — М.: Труд. 1925. — 56 с.

6. Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. — Тошкент: Шарқ, 1999. — 158 б.

7. Бобожонова Д.Б. Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар. — Тошкент: Фан, 1996. 4 – б.

8. Бобожонова Д.Б. Енгил саноат ва фан-техника тараққиёти. — Тошкент: Фан, 1998. 5 б.

9. Бобожонова Д.Б. Миллат гурурига айланган аёл // Фан ва турмуш. — Тошкент, 1996 йил.

10. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам, №1). — Т.: 1999. — 218 б.

11. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20–30-йиллари мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2004. — 161 б.

12. Исмоилова Г.У. Ўзбекистонда хотин-қиз ишчи кадрлар тайёрлаш. — Тошкент: Ўзбекистон, 1983. — 22 б.

13. Любимова С. Работа партии среди тружениц Востока. М–Л.ГИЗ, 925. — 55 с.

14. Миловидова Э. Хотин-қизлар масаласи ва хотин-қизлар ҳаракати. Хрестоматия. — М.—Л.: Госиздат. 1929. — 168 б.

15. Мустафоева Н. Туркистон миллий зиёлиларининг қарашларида аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни масалалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурил ишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари: Илмий-амалий конф. маърузалари тўплами. — Т.: Фан. 1999 Б. 61—63.

16. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. — Т.: Шарқ. 2001. — 128 б.

17. Нухрат А. Октябрь и женщина Востока. — М.: Партиздат. 1932. — 27 с.

18. Сулаймонова Х. Ўзбекистон хотин-қизлари социалистик қурилишда. — Тошкент: Ўздавнашр. 1955. — Б.47.

19. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2009. — 152 б.

20. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000.

## ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, фармонлари ва ҳукумат қарорлари

- 1.1. Каримов И.А.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- жилд. — Т.: Ўзбекистон.1996. — 364 б.
- 1.2. Каримов И.А.Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.— Т.: Ўзбекистон. 1996. — 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1996. - 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан.4-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1996. — 349 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1997. —384 б.
- 1.6. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 1998. — 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон. 2000. — 528 б.
- 1.8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон. 2001. — 432 б.
- 1.9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Ўзбекистон. 1998. - 32 б.
- 1.10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. — Т.: Шарқ. 1999. — 181 б.
1. 11. Каримов И.А. «Юксак махнавият — енгилмас куч».
- 1.12. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: Ўзбекистон 2011. — 439 б.
- 1.13. Конституция Республикаси Узбекистан. — Т.: Узбекистан. 1992. — 46 с.
- 1.14. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 16 декабрь / Халқ сўзи, 1996 йил 17 декабрь.
- 1.153. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги қарори / Халқ сўзи, 1998 йил 28 июль.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармони. 1995 йил 2 март / Халқ сўзи, 1995 йил 3 март.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги тарихий Фармони. 1999 йил 17 март / Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.

1.18. «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 мартдаги қарори / Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.

1.19. Олий Мажлиснинг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни / Халқ сўзи, 1999 йил 15 апрель.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2004 йил 27 май.

1.21. 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ—3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори / Халқ сўзи, 2004 йил 30 июнь.

## **II. Архив ҳужжатлари**

II.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви  
Р—17-жамғарма (Турк МИК, Туркистон Совет Мухтор Республикаси Марказий ижроия қўмитаси) 1-рўйхат, 286-иш.

Р—34 - жамғарма (Туркистон Совет Мухтор Республикаси Маориф халқ комиссари) 1-рўйхат, 266, 381, 994, 2609-ишлар.

Р—86-жамғарма (Ўз ССР Марказий ижроия қўмитаси), 1-рўйхат, 3618, 4051,4433, 4450, 4773, 6562,6574, 7577-ишлар; 2-рўйхат, 27-иш.

Р—94 - жамғарма (ЎзССР маориф халқ комиссари)1-рўйхат, 200, 242, 796, 429-ишлар; 5-рўйхат, 16, 430-иш.

Р—737-жамғарма (Ўзбекистон Республикаси касаба қўмитаси кенгаши) 1-рўйхат, 539, 836 1363-ишлар.

Р-837-жамғарма (Ўз ССР халқ комиссарлар совети) 32-рўйхат, 770-иш.

Р-90-жамғарма ( Ўз ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги) 1-рўйхат, 3370-иш.

## **II.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви**

60-жамғарма (ТКП(б)Марказий Қўмитаси)1-рўйхат, 305, 853, 897, 2465, 2467, 3698, 3699, 3706, 3710, 3713,3742, 4891, 4892-ишлар.

58-жамғарма (Ўз КП(б)Марказий Қўмитаси) 1-рўйхат, 2072, 2074, 2083, 2112, 4891-ишлар.

2-рўйхат, 301,1020,1430-ишлар.

3-рўйхат, 1392, 1520, 1533,1538-ишлар.

4-рўйхат,1229-иш.

5-рўйхат, 815, 833, 835-ишлар.

6-рўйхат, 744-иш.

7-рўйхат, 787, 865, 867, 868, 883, 885-ишлар.

8-рўйхат, 188, 775-ишлар.

9-рўйхат, 128; 167; 969-ишлар.

10-рўйхат, 469-иш 13-рўйхат, 1265-ишлар.

15-рўйхат, 1121, 1558-ишлар.

## **II.3. Вақтли матбуот**

а) Журналлар:

1. Янги йўл. 1926–1934-йиллар.

2. Коммунистка. 1920–1930-йиллар.

3. За партию. 1920–1935 йиллар.

4. Народное хозяйство Средней Азии. 1930-йиллар.

5. Партийное строительство. 1930-йиллар.

6. Парработник. 1930-йиллар.

б) Газеталар:

1. Янги йўл. 1924–1926-йиллар.

2. Қизил Ўзбекистон. 1920–1935-йиллар.

3. Правда Востока. 1920–1935-йиллар.

## **III. Адабиётлар рўйхати**

III.1. Абдуллаева Д. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда аёлнинг роли.// Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурил ишида



аёлларнинг роли ва гендер муаммолари: Илмий-амалий конф. Маърузалари тўплами. — Т.: 1999. — Б. 38—42.

III.2. Абдуллаев Р. Миллий-сиёсий ғоялар тарихидан. // Инсон ва сиёсат. 1991. №9. Б.87—94.

III.3. Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. — Т.: Ижод дунёси. 2004. — 223 б.

III. 4. Авшарова М.П. Узбекская женщина в прошлом и настоящем. — Т.: Госиздат УзССР. 1958. — 176 с.

III. 5. Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. — Т.: Фан. 1976. — 144 б.

III.6. Акилов К.А., Аббасова Л.А. Женщины Узбекистана в культурном строительстве. — Т.: Фан. 1976.

III.7. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ.Институт Истории. — Т.: Фан. 1991. — 132 с.

III.8. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917—1941): Краткий историографический очерк (АН РУ.Институт Истории. — Т.: Фан. 1987. — 69 с.

III.9. Алимова Д.А. «Хужум»га зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 й. 11 сентябрь.

III.10. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. — Т.: Фан. 1975. -95 с.

III.11. Аминова Р.Х. «Худжум» в судьбах женщин Узбекистана. — Т.: Знание.1987. — 20 с.

III.12. Аминова Р.Х. Рост творческой активности женщин Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 1987. №3.С. 29—36.

III.13. Аминова Р.Х. «Хужум» Ўзбекистон хотин-қизлари тақдирида. — Т.: Билим. 1987. — 22 б.

III.14. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. 1925-1929. — Т.: Фан. 1969. — 468 б.

III.15. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? Коммунист Узбекистана. 1989. №10.С.81.

III.16. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш-қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. 1992 №12. Б.183—186.

III.17. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. — Т.: Фан. 1991. — 48 б.

III.18. Амосов М. Шире организуите массы // Коммунистка. 1929. № 14. С. 29.

III.19. Анъаналар, дин ва аёлларнинг ижтимоий мақоми //

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида маъруза, РВЕС // Undz, 1999. — 95 б.

III.20. Араловец Н.Д. Женский труд в промышленности СССР. — М.: Профиздат. 1954. — 98 с.

III.21. Артюхина А. Очередные задачи партии в работе среди женщин. — М—Л.: 1926. — 46 с.

III.22. Артюхина А. Итоги Всесоюзного съезда работниц и крестьянок-членов Советов. — М.: Госиздат. 1927. — 17 с.

III.23. Ахтямова Ю.С. Хотин-қизлар масаласи: икки дунё, икки хил ёндошув. — Т.: Билим. 1987. — 25 б.

III.24. Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. — Т.: Изд-во АН УзССР. 1955. — 134 с.

III.25. Вахабов М.В. Ислам и женщина. — М.: Мысль. 1968. — 168 с.

III.26. Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1927—1936гг.). Сборник документов. — М.: Мысль. 1971.

III.27. Гальперштейн Я. Женщины и кадры// Народное хозяйство Средней Азии. 1930. №9—10. С.28.

III.28. Давыдова. Женский труд в промышленности Узбекистана// Коммунистка. 1928. №11. С.68.

III.29. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам, №1). — Т.: 1999. — 218 б.

III.30. Зайко. Саноатда хотин-қизлар меҳнати //Янги йўл. 1931. №3. Б. 5—6.

III.31. Зелькина Е. Земельная реформа в Узбекистане. — Т.: Узб.гос.изд-во. 1925. — 47 с.

III.32. Зиёев Х. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. — Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. - 288б.

III.33. Икромов А. Избранные труды в 3-х томах. — Т.: Узбекистон. Т.1, 1972. — 532 с; Т. 2, — 510 с; Т.3, — 574 с.

III.34. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1.— Т.: Изд-во АН Уз ССР. — 1962. —390 с.

III.35. Инагамов Р. Узбекская интеллигенция. — Т.: 1926. — 32 с.

III.36. Ислам и женщины Востока. — Т.: Фан. 1990. — 250 с.

III.37. Ишанов А.И. Файзулла Ходжаев. Очерк жизни и деятельности. — Т.: Узбекистан. 1972. — 111 с.

III.38. Йўлдошев Н. Маърифат фидоийлари // Гулистон. 1991. №4. Б.20—21.

III.39. Камолов У. Ўзбекистонда хотин-қизлар маорифининг ривожланиши // Совет мактаби. 1974. №1. Б. 16–21.

III.40. Культурное строительство СССР: Стат.сб. Госполитиздат. 1940. – 268 с.

III.41. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. – М.: Изд. АН СССР, 1955. – 360 с.

III.42. Каспарова В. Женщины Востока. – Л.: Прибой. 1925. – 46 с.

III.43. Каспарова В. Раскрепощение женщины Востока. – М.: Труд. 1925. – 56 с.

III.44. КП Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительства социализма: (Сб.док. 4 материал) Ред. колл.: Р.Х.Аминова и др. – Т.: Узбекистан. 1977. – 456 с.

III.45. КП Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925–1986): В 4-х т. Т 2. 1938–1959. – Т.: Узбекистан. 1988. – 911 с.

III.46. Любимова С. Работа партии среди тружениц Востока. М–Л.ГИЗ, 1925. – 55 с.

III.47. Любимова С. 50-летию Международного женского дня. – М.: Знамя. 1960. – 40 с.

III.48. Любимова С. Октябрьская революция и положение женщин в СССР. – М.: Знание. 1967. – 42 с.

III.49. Любимова С. В первые годы. М., 1958. – 78 с.

III.50. Любимова С. Как живут и работают женщины Средней Азии. – М–Л.ГИЗ, 1925. – 38 с.

III.51. Любимова С. О кооперировании женщин восточных народностей// Коммунистка. 1927. №5. С.52.

III.52. Миловидова Э. Хотин-қизлар масаласи ва хотин-қизлар ҳаракати. Хрестоматия. – М.–Л.: Госиздат. 1929. – 168 б.

III.53. Мустафоева Н. Туркистон миллий зиёлиларининг қарашларида аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни масалалари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурил ишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари: Илмий-амалий конф. Маърузалари тўплами. – Т.: Фан. 1999 Б. 61–63.

III.54. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. – Т.: Шарқ. 2001. – 128 б.

III.55. Национальный доклад республики Узбекистан Об исполнении положений конвенции «о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин» Т.: 1999. – 119 с.

- III.56. Норматов С. Таджихон. — Т.: Узбекистан. 1966. — 28 с.
- III.57. Нухрат А. Октябрь и женщина Востока. — М.: Партиздат. 1932. — 27 с.
- III.58. Нюрина Ф. Паранджа. — М-Л.: Госиздат. 1928. — 12 с.
- III.59. На пути действительного раскрепощения трудящихся женщин (Постановление совещание по женской работе) — Т.: Уз ГИЗ. 1931. — 30 с.
- III.60. Народное просвещение в Узбекистане: Материалы к второму курултаю Советов. — Самарканд: Наркомпрос. Уз ССР, 1927. — 59 с.
- III.61. О практических мероприятиях по подготовке колхозниц к выдвижению: Постановление ЦК ВКП(б) от 11 октября 1930г. // Партийное строительство. — 1930. №19—20. С.59.
- III.62. О работниках женсекторов в районах и горкомах партии: Постановление Средазбюро ЦК ВКП(б) от 20 марта 1931г. // Парработник. — 1931. — №7. С. 76—78.
- III.63. О работе среди колхозниц: Постановление ЦК ВКП(б) от 1 апреля 1931г // Партийное строительство. 1931. №11. С. 57— 68.
- III.64. О выполнении решение Средазбюро ЦК ВКП (б) от 9 февраля 1931 года о вовлечение женщин в колхозное строительство: Постановление Средазбюро ЦК ВКП (б) от 14 апреля 1931 года // Парработник. — 1931. № 7—8. С. 75—76.
- III.65. Первый Туркестанский съезд женщин — работниц/Известия (Ташкент). — 1920. 23, 25, 26, 28 мая, 3 июня.
- III.66. Пятнадцатая конференция РКП(б) Москва 26 октябрь — 3 ноября 1926г. // КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК КП. — М.:1954. с. 292—342.
- III.67. Палванова Б.П. Эмансипация мусульманки. — М.: Наука. 1982. — 302 с.
- III.68. Работа среди женского пролетариата: Циркуляр Цк РКП(б)/ Известия. 1919.12 декабря.
- III.69. Ражапова Р.Ё. «Хужум»нинг тарихий тажрибаси. — Т.: Билим. — 24 б.
- III.70. Раджапова Р.Я. Идеологическая работа КП Узбекистана в период строительство социализма (1921—1937гг.). — Т.: Узбекистан. 1982. — 232 с.
- III.71. Раҳимова Г. Жадидлар ва аёллар масаласи // Адабий мерос.1992. №1. Б. 63—66.
- III.72. Смирнова А. Женское образование в Узбекистане // Коммунистка. 1928. № 8. С. 82—83.

III.73. Торская Н. Задачи массовой женской печати // Коммунистка, 1930. № 2–3, 11 с.

III.74. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. / Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. — Т.: Шарқ. 2001. — 464 б.

III.75. Тошбоева Т.Ҳ. Ўзбек аёли ўтмишда ва ҳозирги кунда. — Т.: Билим. 1987. — 18 б.

III.76. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. — Т.: Фан. 1991. — 72 б.

III.77. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. — Т.: Фан. 1996. — 83 б.

III.78. Убайдуллаева Р.А. Хотин-қизларнинг социал-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси. — Т.: Билим. 1987. — 23 б.

III.79. Узбекистан за 13 лет: Стат. сб. — Т.: Госиздат Уз ССР. 1939. — 124 с.

III.80. Устав женских клубов // «Бюллетень отдела работниц и дехканок Среднеазиатского бюро ВКП(б)». 1926. №4 с. 3–6.

III.81. Ходжаев Ф. Избранные труды в трёх томах. т.1. — Т.: Фан. 1970. — 500 с.

III.82. Ходжаев Ф. Избранные труды в трёх томах. т.2. — Т.: Фан. 1972. — 650 с.

III.83. Худжум-значит наступление. — Т.: Узбекистан. 1987. — 206 с.

III.84. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. — Т.: Шарқ. 1999. — 208 б.

III.85. Ўзбекистон коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. — Т.: Ўздавнашр. 1958. — 552 б.

III.86. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ. 2000. — 688 б.

III.87. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. / Ҳ.Бобобеков ва бошқалар. — Т.: Шарқ. 2002. — 400 б.

III.88. Шукурова Х.С. Социализм и женщины Узбекистана. — Т.: Узбекистан. 1970. — 365 с.

III.89. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. — Т.: Шарқ. 2001. — 368 б.

III.90. Шамсутдинов Р.Т. Жасоратга тўла ҳаёт соҳиби. — Андижон. Мерос. 1991. — 102 б.

III.91. Чачваны горят (сборник, посвященный Первой крае-

вой конференции по улучшению труда и быта работниц и деженок). — М— Л.: Огиз. 1931. — 24 с.

III.92. Чеботарёва В.Г. Ўзбекистон хотин-қизлари — янги жамиятнинг актив қурувчилари. — Т: Билим. 1987. — 26 б.

III.93. Чирков П.М. Решение женского вопроса в СССР (1917-1937). — М.: Мысль.

III.94. Центр по изучению прав человека и гуманитарного права. Женщина право общество. — Т.: 1999. Фан. -157с.

III.95. Эштўхтаев Х. Миллий кадрлар — «халқ душманлари»// Фан ва турмуш. — 1991.№5. 23—25 б.

III. 96. Қор кўйнида лолалар. / Масъул муҳаррир. Б.Шарипов. — Т.: Академия. 2001. — 213 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар

IV.1. Алимова Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20—80-е гг.). Дисс... д-ра ист. наук. — Т.: 1991. — 285 с.

IV. 2 Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20—30-й.й.). Дисс...т.ф.н — Т.: 1998. — 160б.

IV.3. Акилов К.А. Исторический опыт решение проблемы кадров народного хозяйство и культуры в Советском Узбекистане: Автореф. Дисс... канд.ист.наук. — Т.: 1987. — 24 с.

IV.4. Чориев Т.Х. Формирование научно-педагогических кадров в Узбекистане. 20—30 годы. Проблемы. Опыт. Уроки. Автореф. дисс...канд.ист.наук. — Самарканд. 1995. — 28 с.

IV.5. Муравьёва Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс... к.ф.н. — Т.: 2003. — 26.

IV.6. Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. фалс.фан.номз. дисс...автореф. — Т.: 2000. — 20.

IV.7. Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы. (Литература 50—80-х годов.) Автореф.дис...канд.ист.наук. — Т.: 1996. — 22 с.

IV.8. Ражабова Д.Н. «Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.)» Автореф. дис... канд. ист. наук. — Т.: 2003. — 26 с.

IV.9. Собирова Д.Т. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40—80 йиллари) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. — Т.: 2009. — 152 б.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>I-БОБ. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирлари ва унинг мустамлакачилик моҳиятида хотин-қизларга муносабат масаласи</b>	
I.1. Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этишдаги муаммолар. Совет ҳокимиятининг хотин-қизлар масаласидаги зиддиятли сиёсати.....	8
I.2. «Хужум» ҳаракатининг ташкил этилиши сабаблари ва оқибатлари.....	37
I.3. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва унда хотин-қизлар иштироки.....	54
I.4. Қишлоқ хўжалигини ялпи жамоалаштириш сиёсатининг хотин-қизлар турмушига таъсири.....	71
<b>II. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий қарамлиги ва унинг оқибатлари. Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-маданий ҳаётга жалб қилиниши</b>	
II.1. Фан ва маориф тизимида хотин-қизлар фаоллигини ўстириш.....	89
II.2. Хотин-қизларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги иштироки.....	113
<b>III. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистон хотин-қизларининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси</b>	
III.1. Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларида фронт ортида кўрсатган фидокорона меҳнатлари.....	140
III.2. Ўзбекистон хотин-қизларининг уруш йилларидаги ҳарбий жасоратлари.....	162
III.3. Уруш йилларида фан ва маданият ривожини, унда хотин-қизларнинг ўрни.....	171
<b>IV. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ва маданий ҳаёт. иқтисодий ва маънавий қарамлик оқибатларининг хотин-қизлар ҳаётига таъсири</b>	
IV.1. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклашдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этишда ўзбек хотин-қизларининг қўшган ҳиссаси.....	182
IV.2. 70–80 йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ва маънавий ҳаёт, турғунлик ҳолатлари ва унинг сабаблари. Бу жараённинг Ўзбекистон аёлларига таъсири ва уларнинг ижтимоий аҳволи.....	204
IV.3. Республикада 1946–90-йиллардаги маънавий-маданий қарамлик ва унинг оқибатлари. Катағонликнинг янги тўлқини.....	226
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....	254

8000 с.ғи.

**НИЛУФАР ЖЎРАЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА  
МУНОСАБАТ**

**(XX АСРНИНГ 20–80 ЙИЛЛАРИ  
МИСОЛИДА)**

*(ўқув қўлланма)*

Муҳаррир	<i>Шукур Қурбон</i>
Бадий муҳаррир	<i>Журабоев Ш.</i>
Техник муҳаррир	<i>Жураев А.</i>
Саҳифаловчи	<i>Турсинов Р.</i>

Нашриёт лицензияси: А1 №159, 14.08.2009.

Теришга 2013 йил 22 майда берилди.

Босишга 2013 йил 12 июнда рухсат этилди.

«Times UZ» гарнитураси. Ризография усулида чоп этилди.

Бичими 60x84.<sup>1</sup>/<sub>16</sub> Нашриёт ҳ.т. 11,56.

Ҳажми 16,5 ш.б.т. Адади 300 нусха.

Буюртма № 39

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

«New Time Group» МЧЖ матбаа босмхонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104 уй.